

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**2019**



**СЕМАСИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ**

**МУАММОЛАРИ**

**Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмӯа**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ Н.М.Эгамбердиева  
“ \_\_\_\_\_ ” 2019 йил

**“СЕМАСИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”**

**МОДУЛИНИНГ  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ**

**Малака ошириш курси йўналиши:** Ўзбек тили филологияси:

ўзбек тилшунослиги

**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасалари

профессор-ўқитувчилари

**Тошкент – 2019**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Одилов Ёрқинжон** – филология фанлари доктори,

**Тақризчилар:**

**Д.Лутфуллаева** – филология фанлари доктори, профессор

**З.Холмонова** – филология фанлари доктори,

*Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДҮТАУ Кенгашининг 2019 йил 28-августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	8
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....	66
V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	141
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	142
VII. ГЛОССАРИЙ .....	145
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	147

## I.ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

“Семасиологиянинг долзарб муаммолари” деб номланган мазкур фан доирасида замонавий ўзбек тилшунослигига эндиғина ўрганилаётган лисоний зиддиятларнинг марказий масаласи сифатида, асосан, антонимия, уларнинг ўрганиш обьекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари ҳақида маълумот берилади. Бу фан педагогларни замонавий тилшунослик қўлга киритаётган энг сўнгги ютуқлар ва камчиликлари билан таништиради, уларни тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлаб ўрганишга ўргатади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Семасиологиянинг долзарб муаммолари, унинг Зиддиятдаги тилнинг барча сатҳлари ва бирликларига алоқадорлиги, яъни тилнинг ҳар бир сатҳида ўзига хос қарама-қаршилик муносабати мавжудлиги ва бу борада амалга оширилган ишларнинг аксарияти лексик сатҳ бирликлари билан намоён бўладиган зиддикка бағишлиланганлиги ва лисоний зиддиятнинг марказий масаласи сифатида, асосан, антонимия каби масалалар очиб берилади. Ўқув фанининг асосий мақсади тингловчиларга айни шу масалалар бўйича назарий маълумот бериш ва уларни тил ҳодисаларини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишга ўргатишдан иборат.

Ўқув фанида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш қўзда тутилади:

- тингловчиларга ўзбек тилшунослигига лисоний зиддият масаласи антонимик ва антисемик бирликларнинг юзага келиши, ўрганиш обьекти, асосий тушунчалари, йўналишлари ҳақида маълумот бериш;

– тил умумий ривожининг, хусусан, маъно тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан энг қудратлиси диалектик зиддият, қарама-қаршиликларини таҳлил қилиш;

– зиддият, қарама-қаршилик билан бир қаторда тил ва нутқ бирликла-рида хилма-хиллик, мураккаблик, кўпталқинлилик каби маъновий силжишлар, меъёрдан чекинишлар, аномал жараёнлар ҳам ўрни билан воқеланадики, улар ҳам тил тараққиёти учун хизмат қилишини таҳлил қилиш;

– тингловчиларни ўзбек тилшунослигида лисоний зиддият масаласи антонимик ва антисемик бирликлар доирасида ўрганилган масалаларни таҳлил қилишга ўргатиш;

– тингловчиларни сўз семантик структурасига хос бу жиҳат – қоришиқ зид маънолилик кўплаб тиллар қатори туркий тилларга ҳам хослиги ва кўплаб сўзлар семантик структурасида нафақат турли хил, балки зид маъноларининг долзарб муаммолари билан таништириш;

– тингловчиларда ўзбек тилшунослигида лисоний зиддиятларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш;

– тингловчиларга ўзбек тилшунослигида лисоний зиддият масаласи антонимик ва антисемик бирликларнинг юзага келиши ҳақида маълумот бериш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёкатларига қўйиладиган талаблар**

“Семасиологиянинг долзарб муаммолари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi:**

- этнатиосемия – лисоний зиддиятнинг типик кўриниши ва унинг юзига келиш омиллари;

- ўзбек тилида лексик этнантисемия, этнантисимант, энантионим, кононим, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва унинг ўзига хосликларини;

– тилшуносликда лисоний зиддият шаклланиши ва моҳияти; лисоний зиддиятнинг асосий тушунчалари, таҳлил методлари; лисоний зиддиятда олиб борилаётган тадқиқотлар; семасиология тилшуносликнинг долзарб муаммоларини **билиши керак;**

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликларини фарқлай олиш;

- энантиосемиянинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқлай олиш;

– матнни лисоний зиддият асосида таҳлил қилиш; энантиосемияни айни ракурсда тадқиқ этиш орқали унинг лингвокогнитив, лингвокультуролик, этнолингвистик, социолингвистик каби омиллар билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда илмий таҳлилда замонавий методологияни кўллай билиш **кўникмаларига** эга бўлиши керак;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларнинг нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликларини фарқлай олиш;

— матн яратиш ва уни идрок этиш қонуниятларини илмий билиш; матнни лексик сатҳнинг синонимик, омонимик тил бирликларидағи симметриясизлик полисемиянинг маҳсус тури бўлган энантиосемияда кўриниши ва у лисоний асимметриянинг типик кўриниши бўла олишини таҳлил қилиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Семасиологиянинг долзарб муаммолари” амалий ва кўчма машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усувларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Семасиологиянинг долзарб муаммолари” модули ўқув режасидаги педагогик квалиметрия, компьютер лингвистикаси, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, ўзбек тилшунослигининг назарий-методологик муаммолари, тил тизимида антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари, ассоциатив тилшунослик билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

### **Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни**

“Семасиологиянинг долзарб муаммолари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий тилшуносликнинг энг сўнгти ютуқлари ва янги йўналишларидан хабардор бўладилар, жаҳон тилшунослигига тил ҳодисаларини янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган илғор тажрибалар билан танишадилар, тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	жумладан	
				назарий	амалий
1.	Зиддият ва дунёни англаш. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши	2	2	2	машғулот
2.	Ўзбек тилида лексик энантиосемия	2	2	2	

3.	Ўзбек тилида фразеологик энантиосемия ва унинг турлари	2	2		2
4.	Бадиий матннинг психолингвистик хусусиятлари	2	2		2
5.	Киноя ва антифразис сўзларни зид маънода воқелантирувчи усул сифатида	4	4		2
	Жами:	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАВЗУЛАРИ**

### **1-машғулот. Зиддият ва дунёни англаш. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши**

Зиддият категориясининг моҳияти. Зиддият категориясининг тил бирликлари орқали намоён бўлиши. Энантиосемия ва лисоний асимметрия. Энантиосемиянинг лексик сатҳдаги ўрни ҳақида: зиддият, лисоний зиддият, лексикология, семасиология, маъно (семема), антонимия, антисемия, энантиосемия, лисоний асимметрия.

### **2-машғулот. Ўзбек тилида лексик энантиосемия**

Лексик энантиосемия, лисоний ва нутқий энантиосемия, номловчи ва баҳоловчи энантиосемия, тўлиқ ва қисман энантиосемия, синхроник ва диахроник энантиосемия, лингвистик ва паралингвистик энантиосемия, луғавий ва грамматик энантиосемия.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

### **1-машғулот. Ўзбек тилида фразеологик энантиосемия ва унинг турлари**

Фразеологик энантиосемия ва уни таснифлаш мезонлари. Фразеологик бирликда лисоний ва нутқий энантиосемия. Фразеологик бирликда номловчи ва баҳоловчи энантиосемия. Фразеологик бирликда тўлиқ ва қисман энантиосемия. Фразеологик бирликда синхроник ва диахроник энантиосемия.

### **2- машғулот. Бадиий матннинг психолингвистик хусусиятлари**

Бадиий матнда эвфемик ва дисфемик йўл билан сўзларни қарама-қарши баҳо ифодаси учун қўлланиши юзасидан малака ҳосил қилиш.

### **3- машғулот. Киноя ва антифразис сўзларни зид маънода воқелантирувчи усул сифатида**

Бадиий матнда Киноя ва антифразиснинг окказионал кўчма маънолардаги иштироки ва ўрнини аниqlаш.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва муроҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда муроқот қилиш ва мунозара олиб бориши маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш қўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

### **“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

**“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиятининг талаб этилиши.

**“Кичик гурухларда ишлаш” методи** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-

биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;

- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“Case-study”** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: *Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижса (What)*.

### **“Case-study” методини амалга ошириш босқичлари:**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<input type="checkbox"/> якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниqlаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниqlаштириш ва ўкув топширигни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурухда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниqlаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш

<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
<p><b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<input type="checkbox"/> якка ва гуруҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; <input type="checkbox"/> якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

“Хулосалаш” методи – мазкур метод мураккаб, қўптармоқли ва муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг хусусияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ҳамда уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Дейлик, муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Айни интерфаол метод танқидий, аналитик ва аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда системали баён этиш, ҳимоя қилиш имкониятларини яратади. “Хулосалаш” методидан маърузаларда индивидуал ҳамда жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## **Методни амалга ошириш тартиби:**

Тренер-ўкитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади

Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни штиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳдил қилиниши зарурбўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади

Ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳдил қилиб, ўзмудоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён килади

навбатдаги боскичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлантирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

**1-мавзу.** Зиддият ва дунёни англаш. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши

**Режа:**

1. Зиддият категориясининг моҳияти.
2. Зиддият категориясининг тил бирликлари орқали намоён бўлиши.
3. Энантиосемия ва лисоний асимметрия.
4. Энантиосемиянинг лексик сатҳдаги ўрни.

**Таянч иборалар:** зиддият, лисоний зиддият, лексикология, семасиология, маъно (семема), антонимия, антисемия, энантиосемия, лисоний асимметрия.

**Зиддият категориясининг моҳияти.** Фанда тушунчалар зиддияти масаласининг ўрганилиши инсоният тарихининг қадим даврларидан бошланади. Зиддият билишнинг муҳим воситаси сифатида дастлаб антик давр мутафаккирларининг эътиборини тортган. Улар қарама-қаршилик тушунчасини фалсафа, кейинроқ мантиқ фани доирасида ўргана бошлаганлар. Хусусан, Суқротнинг фикрича, зиддиятга сабаб бўлувчи, уни ифодаловчи тушунчалар бири иккинчисидан келиб чиқкан ёки бирининг борлиги учун бошқаси мавжуд. Масалан, *катта* тушунчаси *кичик* тушунчасидан ёки аксинча, *кичик* тушунчаси *катта* тушунчасидан келиб чиқкан, яъни *катта* бўлмаганда *кичик* ҳам бўлмасди. Оламдаги барча нарсалар ўз зидига эга бўлиб, зиддият аъзолари киши онгига бир жуфт ҳолида туради, бир тушунчанинг фақат битта зиди бўлади<sup>1</sup>, яъни *яхшиининг ёмондан, баланднинг пастдан* бошқа зиди йўқ.

Шарқда эса зиддият масаласи Форобий, Берунийнинг фалсафий қарашларида, хитой мутафаккирларининг мантиққа оид асарларида учрайди. Шунингдек, у билишнинг умумий қонуниятини акс эттириб, моҳиятан ягона бутунликнинг инкор этувчи қисмлариdir. Ушбу қонун тил системасида фаол амал қиласди.

Лисоний қарама-қаршилик масаласи кишилик тарихининг бир мунча кейинги даврларида ўрганила бошланган. Шундай ишларнинг бирида тилда зиддиятнинг ёки зид маъноли сўзларнинг юзага келиши инсон билимларининг қиёси натижаси дейилади. Оламнинг кун ва тундан, ёруғлик ва қоронгуликдан иборат экани ҳамда кунни тун билан, ёруғликни қоронгилик билан қиёсланиши ўзаро зид тушунчаларни фарқланишига олиб келган<sup>2</sup>. Бошқа қарашга кўра, зиддиятнинг мавжудлиги инсон ақлининг унга бўлган табиий мойиллигидир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Платон. Сочинения в трех томах. М.: Мысль, 1968. т. 1. – С. 217.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ганеев Б.Т. Первоначальная энантиосемия и диффузность языка // Вестник ОГУ, 2003. № 4. – С. 9.

<sup>3</sup> Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 139.

Метафора асосида муайян сўзда янги бир маъно юзага келар экан, бу сўзнинг семантик структурасида дастлаб маълум даражада зиддият, қарама-қаршилик, яъни тил эгасининг онгида аввалдан муқимлашган бирламчи маъно билан метафора натижаси ўлароқ воқеланган «янги» маъно ўртасида муайян номувофиқлик сезилади. Зиддият, қарама-қаршилик феномени тўғрисида фалсафа ва мантиқ илмида жуда кўп ёзилган, бу тушунчанинг ҳар қандай ривожланишдаги фавқулодда ўрни эътироф этилган. Бу ҳақда гап кетганда кўпинча Ф.Гегелнинг «...Зиддият эса ҳар қандай ҳаракат ва ҳаётийликнинг манбаидир; нимадир фақат ўз ичида зиддият бўлганлиги учунгина ҳаракатланади, нимагадир ундаиди, фаол бўлади» деган фикрлари ҳавола қилинади, зиддият диалектикада ривожланишнинг асосий манбаи эканлиги ҳақидаги ҳақиқат таъкидланади.<sup>4</sup>

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, айрим тадқиқотчилар тилни «ўз-ўзидан ташкилланадиган», «ўз-ўзидан ривожланадиган» системалар (синергетикадаги асос тушунчалар) қаторига киритадилар ва шу асосда тилдаги қарама-қаршилик, зиддият ҳодисасига синергетик нуқтаи назардан ҳам ёндашмоқчи бўладилар, тартиб ва хаос ўртасидаги зиддият барқарорликнинг асосини ташкил қиласи деб ҳисоблайдилар.<sup>5</sup> Аслида, бундай фикр мантиқан тўғри эмас, чунки тил инсондан тамоман ташқарида бўлган, мутлақ «мустақил» ҳодиса бўлолмайди (таассуфки, тилшуносликдаги систем-структур парадигмада бунинг акси эътироф этилган), шундай экан, унинг «ўз-ўзидан ташкилланиши», «ўз-ўзидан ривожланиши» асло мумкин эмас. Аммо умумий тилшуносликнинг назарий муаммолари ёритилган асарларнинг аксариятида «тил тараққиётининг ички ва ташқи қонуниятлари» (омиллари, сабаблари) мавжудлиги ҳақида батафсил маълумот берилади.<sup>6</sup> «Тил тараққиётининг ички қонуниятлари» дейилар экан, мантиқан «тил ўз-ўзидан ривожланиши мумкин» деган хукм англашилиши табиийки, бундай тушуниш «тил инсон ва жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда тараққий эта олади» деган янглиш хуносага олиб келади. Тилнинг «ўз-ўзидан» ривожи ҳақидаги гипотезани танқидий таҳлил қиласи экан, Ю.В.Фоменко «Ҳозирги тилшуносликдаги уйдирмалар» китобида тил тараққиётининг ички қонуниятлари (омиллари, сабаблари, стимуллари) ҳақида турли тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни мантиқ тарозисига қўяди ва шундай хуноса қиласи: «Барча айтилганлардан шу нарса келиб чиқадики, тил «ўз-ўзидан», яъни спонтан, беихтиёр, ўзича, инсон ва жамият ихтиёридан ташқари ривожлана олмайди. Тилнинг ҳар қандай ўзга-

<sup>4</sup> Ополев П.В. Противоречие в диалектике и синергетике // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2010. №1 (5). – С.110.12

<sup>5</sup> Қаранг: Ополев П.В. Кўрсатилган мақола.

<sup>6</sup> Қаранг: Кодухов В.И. Введение в языкоковедение. – М.: Просвещение, 1979. – С.82 – 84.13

риши (хар қандай сатҳда, шу жумладан, фонетик сатҳда ҳам) унинг кўлланиши, муттасил хотирада тикланиши билан боғлиқ ва бу ўзгариш турли экстравангистик сабаблар (иқтисодий, илмий-техник, сиёсий, маданий, биологик, физиологик, психологик ва бошқа) билан изоҳланади. Агар тиллар «ўз-ўзидан ривожланганда эди, эгалари – одамларга боғлиқ бўлмаганда эди, ҳеч қачон ўлмасди. Ўлик тилларнинг мавжудлиги тилларнинг «ўз-ўзидан» ривожлана олмаслиги, тил тараққиётининг ички сабаблари йўқ эканлигининг равshan далиллари... Тилдаги ҳар қандай ўзгаришнинг асосида инсон онгидагичадиган жараёнлар ётади... Демак, тилдаги ҳар қандай ўзгаришнинг бирламчи сабаби ҳамиша тилдан ташқарида бўлиб, у экстравангистик табиатга моликдир».⁷ Ҳамонки тил тараққиётининг ички қонуниятлари мавжуд эмас, у «ўз-ўзидан ривожлана» олмас экан, унга «ўз-ўзидан ривожланадиган система» тушунчасини татбиқ этиб бўлмайди, демак, тил ва нутқдаги зиддият, қарама-қаршилик ҳодисасига синергетик ёндашув ҳам унчалик мақсадга мувофиқмас.

Таъкидлаш жоизки, тил умумий ривожининг, хусусан, маъно тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан энг қудратлиси диалектик зиддият, қарама-қаршилик бўлиб, у тил сатҳларининг барчасида турли даражада кузатилади. Шуни айтиш керакки, зиддият, қарама-қаршилик билан бир қаторда тил ва нутқ бирликларида хилмажиллик, мураккаблиқ, қўпталқинлилик каби маъновий силжишлар, меъёрдан чекинишлар, аномал жараёнлар ҳам ўрни билан воқеланадики, улар ҳам тил тараққиёти учун хизмат қиласди. Бошқирд тилшуноси Б.Т.Ганеев уларнинг барчасини лисоний аномалиялар, алогик ҳолатлар тарзида умумлаштиради ва зиддиятлар сифатида талқин қиласди, бунда олим турли оилаларга мансуб 20 дан ортиқ тил материалига суюнган ҳолда иш қўради. Тадқиқотчи, одатда, мантикий термин сифатида қараладиган «зиддият» терминига лингвистик коррелят ўлароқ «аллофония» (юнонча «бошқача» + «ўйламоқ, сезмоқ») терминини киритади, бу терминнинг зиди ўлароқ зиддиятсиз, тўғридан-тўғри ифодаланиш мазмунида «ортелефония» (юнонча «тўғри» + «ўйламоқ, сезмоқ») терминини таклиф этади. Аллофония ва ортелефония, у ҳақли равишда таъкидлаганидек, тилнинг икки ажralmas аспектини ташкил этади.<sup>2</sup> «Аллофония» термини зиддият, қарама-қаршилик билан бир қаторда лисоний бирликлардаги ҳар қандай семантик силжишларни, лисоний бирлик ва унинг маъноси ўртасидаги ўзгаришларни, тўғрироғи, ўзгачаликларни, яъни «бошқача ўйлаш» маҳсули бўлган ҳодисаларни ҳам ифодалаши, умумлаштира олганлиги учун бу терминни маъқуллаш мумкин.

## **1.2. Зиддият категориясининг тил бирликлари орқали намоён бўлиши.**

Зиддият тилнинг барча сатҳлари ва бирликларига алоқадор, яъни

<sup>7</sup> Фоменко Ю.В. Кўрсатилган асар. – С.53.

тилнинг ҳар бир сатҳида ўзига хос қарама-қаршилик муносабати мавжуд. Бу борада амалга оширилган ишларнинг аксарияти лексик сатҳ бирликлари билан намоён бўладиган зиддикка бағишланган ва лисоний зиддиятнинг марказий масаласи сифатида, асосан, антонимия назарда тутилган. Ўзбек тилшунослигига ҳам яқин вақтга қадар лексик бирликлардаги зиддият сифатида, асосан, антонимия тушунилган ҳамда мазкур ҳодиса юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.<sup>8</sup> Фақат кейинги йилларда лисоний зиддият масаласи кенг планда, антисемия мақоми остида тадқиқ қилинди<sup>9</sup>.

Кўринадики, ўзбек тилшунослигига лисоний зиддият масаласи антонимик ва антисемик бирликлар доирасида ўрганилган. Бироқ тилда, жумладан, унинг лексик сатҳида яна бир зиддият тури мавжудки, бунда қарама-қарши муносабат, антонимик ва антисемик бирликлардан фарқли тарзда, бир тил бирлиги доирасида юзага чиқади. Мазкур зиддият тури тилда жуда қадимий бўлиб, таъбир жоиз бўлса, уни антонимик бирликлардаги зиддиятдан ҳам аввалроқ сўзда мавжуд бўлган дейиш мумкин. Негаки мазкур тип қарама-қаршиликнинг юзага келиши архаик тафаккур даври билан белгиланади. Тадқиқотларда таъкидланишича, архаик тафаккур даврида кўплаб сўзлар семантикасига синкетиклик (қоришиқлик) хос бўлган. Шу боис ўзаро зид тушунчалар бир сўз билан ҳам ифодаланаверган<sup>10</sup>.

Тилшунос олимлар сўзнинг мазкур хусусияти ҳақида гапирганда, Цицероннинг Рим императори Октавиан тўғрисида айтган қуйидаги жумласини эсга оладилар: “*tollendum esse Octavium*”. Бу жумла *tollendum* сўзидағи қарама-қарши маънолар ҳисобига “Октавианни янада (марtabага) кўтариш керак” тарзида ҳам, “Октавианни мартабасидан тушириш керак” мазмунида ҳам қўлланади<sup>11</sup>. Юнон алломаси Цицерон ва унинг замондошлари, бальзи нотиқлар сўзнинг бундай имкониятидан ўша давр сиёсий доираларига муносабат билдиришда кенг фойдаланганлар. Ҳозирги кунда ҳам Farb матбуотида у ёки бу шахс фаолиятига сўзнинг ироник маъносидан фойдаланган ҳолда муносабат билдириш кенг тарқалган ва бу борада алоҳида тадқиқот ишлари ҳам юзага келган<sup>12</sup>.

Сўз семантик структурасига хос бу жиҳат – қоришиқ зид маънолилик кўплаб тиллар қатори туркий тилларга ҳам хос. Туркий тилнинг қадим даврларида кўплаб сўзлар семантик структурасида нафақат турли хил, балки зид маънолар ҳам бўлган. Масалан, “Қадимги

<sup>8</sup> Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. Филол.фан.номз. ..дисс.– Т., 1973; Исабеков М. Ҳозирги ўзбек тилида лексик антонимлар. Филол.фан.номз. ...дисс. – Т., 1973.

<sup>9</sup> Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол.фан.номз...дисс.– Т., 2010.

<sup>10</sup> Новиков Л.А. Новиков Л.А. Антонимия в русском языке (Семантический анализ противоположности в лексике). – М.: Изд-во Моск-го ун-та, 1973. – С.184.

<sup>11</sup> Новиков Л.А. Кўрсатилган асар, 1973. – Б. 182.

<sup>12</sup> Костина К.В. Аксиологический аспект языковой презентации образа России в современном немецком медиадискурсе. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Иркутск, 2011.

туркий луғат”да чиқ- сўзига изоҳ берилар экан, унинг “фойда, наф, манфаат” ва “чиқим, харажат” маъноларини ҳам англатиши кўрсатилади<sup>13</sup>. Ҳозирги ўзбек тилида бу зид тушунчалар алоҳида бирликлар – кирим ва чиқим сўzlари билан ифодаланади.

Маълумки, тилни инсондан, инсонни эса тилдан ажратилган ҳолда тасаввур қилиб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайди. Шу боис муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир” деб таъкидлайди<sup>14</sup>. Дарҳақиқат, ўзида миллат руҳини, унинг ўтмиши, бугуни ва эртасини акс эттирган она тилимиз ифода имкониятининг намунаси ҳисобланадиган бундай тил бирликлари (семантикасида ўзаро зид маънолар мавжуд сўз ва иборалар)ни тадқиқ этиш маъновий зидликнинг маҳсус тури, унинг лисоний механизми, намоён бўлиш манбалари ва қонуниятларини аниқлаш, умуман, маъно тараққиёти ҳақида янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Сўзнинг қарама-қарши маъноларга эга бўлиши ҳодисаси – энантиосемия кўпдан бери тилшуносларнинг эътиборини тортиб келаётган масалалардан бири. Унинг тадқиқи борасида қатор ишлар мавжуд ва уларда мазкур ҳодиса турли аспектларда ўрганилган. Масалан, айrim ишларда энантиосемиянинг грамматик томонларига эътибор қаратилган бўлса<sup>15</sup>, айrim тадқиқотлар парадигматик ва синтагматик аспектларда олиб борилган<sup>16</sup>.

Бизнингча, мазкур ҳодисани юқоридаги жиҳатлар билан бирга, XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тилшуносликнинг янги йўналиши сифатида баҳоланаётган антропоцентрик назария ва унинг текшириш усууларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўрганиш лозим. Шунинг учун ҳам тилшунос Н.Махмудов лисоний зиддият масаласини таҳлил қилас экан, тилдаги маъно тараққиётининг, умуман, тил ривожининг ҳаракатлантирувчи кучини аллофронияда кўради ҳамда унинг турли кўринишларини, хусусан, моҳияти бевосита маъновий зиддият, мазмуний қарама-қаршилиқдан иборат бўлган, ана шундай мураккаб мазмун билан юкунган энантиосемик бирликлар ва бу бирликларнинг юзага келиши ҳамда тил ва нутқдаги ўрни масаласини тил назариясидаги алоҳида қимматга молик муаммо эканини, уни семантик ва антрополингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш алоҳида

<sup>13</sup> Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 151. Кейинги ўринларда саҳифа ичida ҚТЛ тарзida берилади.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 83.

<sup>15</sup> Бессонова Л.Е. Глагольная префиксальная энантиосемия в русском языке. Дисс. ...канд.филол.наук. – Днепропетровск, 1983.

<sup>16</sup> Кравцова В.Ю. Энантиосемия лексических и фразеологических единиц. Дисс. ...канд.филол.наук. – Ростов-на-Дону, 2006.

долзарблик касб этишини таъкидлайди<sup>17</sup>.

Дарҳақиқат, энантиосемияни айни ракурсда тадқиқ этиш орқали унинг лингвокогнитив, лингвокультуролик, этнолингвистик, социолингвистик каби омиллар билан боғлиқ жиҳатлари аён бўлади. Зотан, “лисоний бирликнинг моҳияти баҳоланар экан, бу бирлик мансуб бўлган тил эгасининг этномаданий ва ижтимоий хусусиятларини назардан соқит қиласлик зарур. Ҳатто тарихнинг турфа найранглари, сўзни букарамунга айлантирган зуғумлари, мафкуравий исканжалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ. Масалан, бу ўринда яқин тарихимизда *миллатчи* сўзи тамоман зид маънони ташишга мажбурланганини эсга олиш кифоя. Атоқли адабиётшунос Н.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: “...Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида матбуот тилида ҳам, шу даврда қамоққа олинган маҳбусларнинг кўрсатмаларида ҳам “*миллатчилик*” сўзи бутунлай ўзга маънода кўлланилган. “*Миллатчилик*” сўзи Қодирий ва унинг маслакдошлари учун “*миллатпарварлик*” маъносини англатган. Мустамлака кишанлари остида яшаган ҳалқ манфаати йўлида курашган кишилар ўзларини “*миллатчи*”, яъни “*миллатпарвар*” деб аташган. Аммо совет давлатининг мафкурачилари бу сўзга салбий маъно бериб, уни рус тилида акс этган маънода кўлланилган “*националист*” сўзига мувофиқлаштиришган. Шунинг учун ҳам фидойи адиблар ўзларини “*миллатчи*” деб атаганларида миллат манфаати йўлида курашган кишилар эканликларини айтмоқчи бўлишган”. Албатта, юртимизнинг мустақиллиги бундай ноҳақликларга тамоман барҳам берди”<sup>18</sup>.

Энантиосемиянинг юзага келиши маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг лингвомаданияти билан ҳам боғлиқ. Бунда муайян тил бирлиги бирор ҳудуд кишиларининг асрлар давомида шаклланган этик-эстетик қарашлари, урф-одатлари натижасида, бир сўз билан айтганда, шу одамлардаги оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ ҳолда, адабий тилдагидан фарқли бўлган маънони ифодалайдиган бўлиб қолади. Масалан, *одамови* сўзининг адабий тилдаги “одамлардан ўзини тортадиган”, “хеч кимга қўшилмайдиган, эл-ҳалққа аралашмайдиган” маъносини англатиши ўзбек тилида сўзловчиларнинг барчаси учун маълум факт. Бироқ бу сўзининг муайян бир ҳудудда, адабий тилдагидан фарқли равишда, “одамшаванда, ҳамиша эл-юрт билан бирга”, “одамгарчиликни биладиган” деган тушунчани ифода этиши ўша жой аҳолисининг лингвомаданияти билан ҳам изоҳланади, яъни шу ҳудудда яшовчи тил эгаларининг лисоний тафаккур тарзи *одамови* сўзини “одамохун, одамшаванда” тарзида идрок этишга хосланган. Мазкур жиҳатлар энантиосемия ҳодисасининг лингвокультуролик хусусиятларга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

<sup>17</sup> Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. № 3. – Б. 24.

<sup>18</sup> Маҳмудов Н. Зиддият ва лисоний бирликда маъно тараққиёти // Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли лугати. Т.: Академнашр, 2014. – Б. 7.

Энантиосемиянинг этнолингвистик хусусиятларидан бири шуки, жамиятдаги муайян расм-руsum ва одатни ифодаловчи сўз турли жойларда қарама-қарши маъноларни англатади. Масалан, *оқ киймоқ* ибораси баъзи жойларда “аъзага кирмоқ” маъносини, баъзи жойларда эса “аъзадан чиқмоқ” маъносини ифодалаш учун кўлланилади. Тил бирлигидаги айни жиҳат муайян нарса, белги ва ҳаракат-ҳолат ҳақидаги тушунчаларнинг маълум даражада миллий-этник хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда ҳам яратилишини ва яшашини кўрсатади.

Сўзнинг ўзаро зид маънолар касб этиши нутқ эгаси – сўзловчи шахси билан ҳам жипс боғлиқ. Мазкур боғлиқлик, яъни мувофиқ нутқий вазиятда сўзнинг қарама-қарши маъноларни намоён этиши айнан нутқ эгасининг коммуникатив-ситуатив мақсади билан юзага чиқади. Шу коммуникатив-ситуатив мақсад туфайли сўзнинг одатдаги маъноси қарама-қарши томонга ўзгаради, ана шу мақсад контекстнинг мазмуний қурилишини ҳам белгилайди. Сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади, табиийки, шахснинг муайян вақтдаги психик ҳолати билан ҳам боғлиқ. Энантиосемияга айни хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш унинг юзага келишида психолингвистик ёки психопрагматик омилларнинг тутган ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Энантиосемия масаласининг ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигига ўрганилмаганлиги турли соҳа луғатларида ҳам ўз аксини топган. Мавжуд филологик луғатларда у ёки бу лексик бирлик маъносининг изоҳида унга хос бўлган *кўчма*, *жарғ*. (жаргон сўз), *камс.* (камситишни ифодаловчи сўз, ибора), *кест*. (кесатик, киноя ифодалайдиган сўз, ибора), *салб.* (салбий маънони ифодаловчи сўз, ибора) каби белгилар илова қилингани ҳолда энантиосемик бирликлар изоҳида *қарама-қарши маъноли* деган белги қўйилмайди. Ёки энантиосемик сўз маъноларидан бири луғатга кирмаган бўлиши ҳам мумкин. Бу каби масалаларнинг ҳал қилиниши маълум маънода соҳа луғатларининг мукаммаллигини таъминлайди.

Демак, “сўз шакли ва унинг маъноси ўртасидаги синоатларни, сўз маъносининг ўзгариши ва тараққиёти билан алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш дунё тилшунослигининг ибтидосида ҳам, шиддат билан ривожланаётган бугунида ҳам бирон лаҳза бўлсин тадқиқотчилар назаридан четда қолган эмас”<sup>19</sup>. Шундай экан, лисоний ҳодисаларни фаннинг кейинги ютуқларига таянган ҳолда тадқиқ этиш билан унинг тўлиқ ва тугал тавсифи борасидаги ишлар такомиллашиб боради. Шу боис тилга антропоцентрик ёндашув ҳозирги тилшуносликдаги мукаммал тадқиқ усули сифатида тан олинмоқда. Ушбу тадқиқот ана шу томонлари билан ҳам муҳим.

<sup>19</sup> Махмудов Н., Одилов Ё. Кўрсатилган асар, 2014. – Б. 4.

### **1.3. Энантиосемия ва лисоний асимметрия**

Тил системасининг турли сатҳларида бўлгани сингари унинг лексик сатҳида ҳам шакл ва маъно ўртасидаги номувофиқлик, яъни лисоний белги асимметрияси кузатилади. “Шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабати масаласи, шубҳасиз, ҳар қандай фаннинг энг муҳим масаласи”<sup>20</sup> дир. Женева лингвистик мактабининг асосчиларидан бири С.О. Карцевский лисоний асимметрия моҳиятини шундай тушунтиради: “Белги ва маъно ҳар доим ҳам бир-бирига тўлиқ мос бўлмайди. Шунингдек, уларнинг чегаралари барча нуқталарда ҳам мувофиқ келавермайди: муайян бир белги бир неча вазифага эга, муайян бир маъно бир неча белги билан ифодаланади. Ҳар қандай белги бир пайтнинг ўзида потенциал “омоним” ва “синоним” дир, яъни у фикрий ҳодисалар мазкур икки қаторининг чатишуви натижасида юзага келган”<sup>21</sup>. Кўринадики, лисоний асимметрия моҳияти муайян тил бирлигининг шаклий ва мазмуний номувофиқлигидан иборат. Лисоний белги асимметрияси нафақат лексик, шунингдек, синтактик ва бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам хос бўлиб, ҳодисанинг мазкур томони етарлича тадқиқ этилган<sup>22</sup>.

Туркологияда, шу жумладан, ўзбек тилшунослигига илк бор лисоний асимметрия масаласини тил системасининг юқори сатҳи бўлган синтаксис ва унинг бирликлари мисолида монографик планда тадқиқ этган Н.Махмудовнинг эътироф этишича, шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабати жуда мураккаб, кўп ҳолларда зиддиятли, у тил системасининг ҳар бир сатҳида ўзига хос тарзда намоён бўлади<sup>23</sup>. Демак, лисоний белги асимметриясини тилнинг маълум бир сатҳигагина тегишли ҳодиса сифатида эмас, балки тил универсалияси сифатида тушуниш ва ўрганиш лозим. Д.Айтбаев асимметрия масаласининг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи борасида фикр юритиб, ўзбек тилшунослари Н.Махмудов ва М.Миртожиевларнинг бу борадаги қарашлари бир хил эмаслигини, бу ҳозиргача синтактик бирликларнинг семантик тузилиши тушунчасининг ноаниқлиги, мазкур муаммо бўйича турли йўналишларнинг майдонга келгани билан боғлиқлигини таъкидлайди<sup>24</sup>. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, Н.Махмудов асимметрияни белги ва маъно ўртасидаги соғ номувофиқлик фонида тадқиқ этган бўлса, М.Миртожиев тил

<sup>20</sup> Махмудов Н.М. Семантико-синтактическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1984. – С. 4.

<sup>21</sup> Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. – М.: Просвещение, 1965. Ч. 2. – С. 85-90.

<sup>22</sup> Скаличка В. Асимметричный дуализм языковых единиц // Пражский лингвистических кружок. Сб. статей. М.: Прогресс, 1967. – С. 119-127; Колосова Т.А. Русское сложное предложение асимметричной структуры. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1980; Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент, 1984; Миртожиев М. Ўзбек тилидаги гап бўлакларида семантик-синтактик номуганосиблик. – Тошкент: Университет, 2008. – 200 б.

<sup>23</sup> Махмудов Н.М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 4.

<sup>24</sup> Айтбаев Д. Шакл ва мазмун асимметрияси тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 6. – Б. 40.

бирликларининг одатдаги синтактик вазифасига номутаносиб тарзда бошқа вазифада ҳам келиши масаласига, яъни предикат, одатда, гап кесими билан ифодаланиши лозим бўлгани ҳолда бошқа бўлаклар билан ифодаланиши каби томонларига диққат қаратган<sup>25</sup>.

Муайян лексик сатҳ бирликларида кўпмаънолилик хусусиятининг мавжудлиги уларнинг шакл ва маъно томонидан асимметриясига сабаб бўлади<sup>26</sup>. Бу бирликларнинг шакл ва маъно муносабати ўртасидаги номувофиқлик полисемияда ифодаловчининг битта, ифодаланувчининг бир неча бўлганида, синонимияда эса ифодаланувчининг битта, ифодаловчининг бирдан ортиқ эканлигига намоён бўлади. Эътибор қилинса, полисемиядаги шакл-маъно муносабати билан синонимиядаги шакл-маъно муносабати ўртасида ўзига хос қарама-қарши хусусият кўзга ташланади. Бу полисемияда ифодаловчининг бир шаклга эгалиги, ифодаланувчининг эса бирдан ортиқ эканлиги, синонимияда ифодаловчининг бирдан ортиқ, ифодаланувчининг эса битта эканлигидан иборат. Айни ҳолат лисоний асимметрия лексик сатҳ бирликларининг ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлади, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Тилшунослар томонидан омонимияда асимметриянинг мавжудлиги кўп бор таъкидланади<sup>27</sup>, бунда омонимик бирликларнинг битта шаклий ифода билан бир неча маъно англатиши назарда тутилади. Бизнингча, бу бироз мунозарали. Омонимик бирликларнинг лисоний асимметрияга муносабати ўзига хос бўлиб, уни икки хил йўсинда талқин этиш мумкин. Омонимик бирликлардаги маъноларни бир шаклий ифода билан ифодаланади, деб билиш мазкур бирликларда асимметриянинг мавжудлигини кўрсатса, омонимик бирликларни фақатгина шакли бир хил бўлган ёки турли сабабларга кўра шаклан тенг келиб қолган алоҳида-алоҳида бирлик сифатида баҳолаш бу бирликларда асимметрик муносабат эмас, симметрик муносабат мавжудлигини кўрсатади. Негаки бир хил шаклий ифода деб қаралаётган тил бирликлари фақат шаклан бир хилликка эга бўлган алоҳида-алоҳида сўзлар сифатида талқин этилади. Шундан келиб чиқиб, омонимик бирликлардаги ҳар бир маъно фақат шаклан бир хил бошқа-бошқа сўзлар орқали ифодаланган дейиш мумкин.

Лексик сатҳнинг синонимик, омонимик тил бирликларидаги симметриясизлик полисемиянинг маҳсус тури бўлган энантиосемияда ҳам яққол кўринади ва у лисоний асимметриянинг типик кўриниши бўла олади. Масалан, “чиройли” маъносининг гўзал, сулув, барно каби бир неча шакллар билан ифодаланиши синонимиядаги асимметрияни намоён этса, “муайян амал-ҳаракат эвазига бериладиган мукофот (диний тушунча)” ва “муайян амал-ҳаракат эвазига бериладиган жазо (диний тушунча)” маъноларининг ажр сўзи билан воқеланиши

<sup>25</sup> Махмудов Н. Кўрсатилган диссертация. Миртоғиев М. Кўрсатилган асар, 2008. – 200 б.

<sup>26</sup> Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 13.

<sup>27</sup> Карцевский С.О. Кўрсатилган мақола. – Б. 85-90.

энантиосемиядаги асимметрияни кўрсатади. Масалан, қиёсланг: *Қорачадан келган бу йигитчанинг юзларида Омонуллони ажаблантирган бир нур зоҳир эди. “Ажаблантирган” дейилишининг боиси — бу нур “иймон нури” дейиларки, бу марҳаматга, бу ажрга қандай амаллар эвазига етишимоқ мумкинлигини Омонулло ҳали билмас эди* (Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар”); *Нодон банда билмайдики, бу одамнинг рӯпара бўлгани – гуноҳларига яраша ваъда қилинган ажрларнинг давомидир. “Гуноҳим нима эди?” деб янада баттар йиғлатадиган дақиқаларнинг дебочасидир* (Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар”).

Энантиосемияда лисоний белги асимметриясининг намоён бўлиши масаласига дастлаб Л.Е.Бессонова, кейинроқ Ю.В.Кравцова эътибор қаратган эди. Улар тил бирликларининг шакл ва маъносидаги ўхшашлик ҳамда фарқлилик лингвистик тадқиқотлар учун мухимлигини эътироф этиб, айни жиҳатлар ифодаловчи ва ифодаланувчи ўртасида лисоний белги асимметриясининг юзага келишига сабаб бўлишини таъкидлайди: “Лисоний белгининг шакл ва маъно томони ўртасидаги бундай муносабат орқали омонимия, полисемия ва энантиосемияда бир ифодаловчи билан бир неча ифодаланувчи, синонимияда эса бир неча ифодаловчи билан битта ифодаланувчи англашилади”<sup>28</sup>. Демак, энантиосемик бирликдаги асимметрия бир шаклга икки қарама-қарши маънонинг тўғри келишидан иборат.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: Асимметрия полисемия ёки энантиосемия натижасими ёхуд полисемия ёки энантиосемиянинг юзага келишига асимметрия асос бўлганми? Мавжуд лингвистик адабиётлардан маълумки, сўздан аввал тил хотирасида у ёки бу нарса тўғрисидаги тушунча пайдо бўлади. Инсон ана шу нарса-ходиса, белги ёки ҳаракат-ҳолатни билиб бориши натижасида айни нарса-ходиса, белги ёки ҳаракат-ҳолат ҳақида киши тил хотирасида муайян тушунча ва абстракт рамзлар шаклланади<sup>29</sup>. Тафаккурдаги мавжуд мавҳум тушунча сўз билан номланади. Бу ном – сўз тушунчага аниқ шакл беради, секин-аста унинг семантик сифими ҳам ривожланиб, ортиб боради, аммо сўзнинг шакли ўзгармай қолаверади. Сўз семантик структурасининг кенгайиши билан айни бир шакл, сўзга бирдан ортиқ маъно тўғри келадиган бўлиб қолади. Масалан, маълум вактда *ширин* сўзи бир маъноли бўлган ва аёнки, бу сўзга асимметрия эмас, шакл-маъно симметрияси хос бўлган. Кейинчалик *ширин* сўзи *ширин* сўз, *ширин кулги*, тили *ширин* бирималаридағи қаби ҳосила маъноларга эга бўлгач, шакл ва маъно ўртасидаги симметрия бузилган.

Шу маънода ўр сўзининг семантик тараққиёти билан боғлиқ бўлган энантиосемия ҳам диққатга сазовор. Мазкур сўзнинг дастлабки

<sup>28</sup> Бессонова Л.Е. Кўрсатилган мақола, 1982. – Б. 29.

<sup>29</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 4; Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 29.

маъноси “кўтарилимоқ”дир: *bulit örüp kök örtüldi* – булут кўтарилиб, осмонни қоплади (КТЛ. – Б. 388). Кейинчалик мазкур сўзнинг семантик структураси кенгайган ва юқоридаги маънодан келиб чиқадиган “тепалиқ, баландлик”, “юқори, уст” маъносига эга бўлган: *Қамуғ эрдами бўлса ерда ўру, Будунқа берур бўлса эдгу тўру* (Юсуф Хос Ҳожиб, “Кутадғу билиг”)<sup>30</sup>. Ёки: *Йўли ўр, юқоридур тоши малсо, Қўйироқдур киши бир гомин олсо* (Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин”). Сўзнинг кейинги маъно тараққиёти натижасида эса “жарлик, чуқурлик”, “ўра” маънолари юзага келган: *Фронт орқасида ўр қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуши чиқариб ёрилади* (Абдулла Қодирий, “Обид кетмон”).

Хозирги ўзбек тилида ўр сўзининг қадимги туркий тилдаги “кўтарилимоқ” маъноси ўрламоқ сўзи орқали ифодаланади. ЎТИЛда ҳам ўр сўзининг семантик тараққиёт маҳсули бўлган “тепалиқ, баландлик” ва “жарлик, чуқурлик”, “ўра” маънолари бир сўзнинг маънолари тарзида берилган (5-жилд. 159-бет). Кўринадики, икки зид маъно бир шакл билан юзага чиқади. Демак, бу энантиосемик сўзда шакл-маъно асимметрияси бор. Яна бир тип энантиосемик бирликлар борки, улардаги номутаносиблик сўз семантиласида аввалдан мавжуд бўлмай, маълум маънода, ижтимоий муносабатлар натижасида вужудга келади, бу бир тилдан бошқа тилга сўз ўзлаштириш натижасида рўй беради. Масалан, ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган *дилгир* сўзи манба тилда полисемантик сўзлиги, унда “хафа бўлган, ранжиган, дили сиёҳ”, “рухи тушган, ғамгин, қайгули”, “ачинарли”, “баджаҳл, жаҳли тез, сержаҳл” каби маънолар бўлганлиги сабабли унга шакл-маъно асимметрияси хос. Бу сўз ўзбек тилига ўзлашгандан сўнг манба тилдаги шакл-маъно асимметриясининг табиати ўзгарган, яъни номувофиқ муносабат турли маънолар ўртасида эмас, балки қарама-қарши маънолар ўртасидаги номувофиқ муносабатга алмашган. Негаки бу сўз ўзбек тилида манба тилдаги “хафа бўлган”, “рухи тушган” маъноси билан бирга унга зид бўлган “хурсанд қилувчи, дилни оловччи” маъносини ҳам касб этган. Киёсланг: *Зулфи печу тобига бориб келур шайдо қўнгул, Бовужуди тийралик, кўргилки кўп дилгир эмас* (Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар”); *Мен унинг овозини эшишдим, аммо сўзларини илгай олмадим. Назаримда, хона кенгайиб, улкан ялангликка айланиб қолгандаи, анчадан буён дилгир кўнглим бехосдан ёришиб кетгандаи бўлди* (Зулфия Қуролбой қизи, “Машаққатлар гирдоби”).

Дилгир сўзига мавҳум от ясовчи -лик қўшимчасини қўшиш билан ясалган *дилгирлик* сўзи семантик структурасида ҳам энантиосемия шаклланган. ЎТИЛда бу сўзининг “кўнгли ғашлик”, “ғамгинлик” маъносини англатиши қайд этилган. Масалан: *Алавия опа жуда ҳушёр аёл эди. Тога-жиян ўртасида аллақандай дилгирлик борлигини билиб*

<sup>30</sup> Юсуф Б. Мумтоз адабий асарлар луғати. – Тошкент, 2010. – Б. 495.

*бахшилар томонга кетди* (Сайд Аҳмад. Жимжитлик). Бироқ бадиий асарларни кузатишдан маълум бўлдики, мазкур сўз “хушкайфиятлилик”, “хушвақтлик” маъносида ҳам қўлланади. – *Томоша қилинг, ёмғирнинг ёғиишида кўнгилга ёқадиган бир дилгирлик бўлади, – деди у* (Ш. Холмирзаев, “Нотаниш одам”). Ёки: *Табиат оламнинг яшараётганидан, йил яхши келишидан белги бермоқда эди. Табиатдаги ана шундай жараён кишиларнинг қалбига илиқлик олиб кириб, уларга ширин кайфият, орзуларга тўла дилгирлик онларини бахши этмоқда эди* (И. Зойир, “Қисмат ўчи”). Кўринадики, маъно тараққиёти натижасида бу сўзда ҳам шакл-маъно асимметрияси юзага келган.

Шунингдек, сўз ўзлаштирилиши натижасида манба тилда шакл-маъно мувофиқлигига эга бўлган муайян сўз бошқа тилга ўзлашгандан сўнг полисемантик хусусият касб этиши натижасида айни мувофиқлик бузилиб, асимметрик табиатли бўлиб қолади. Масалан, араб тилидан ўзлашаётган пайтда моносемантик бўлган *асир* сўзи (тадқиқотчи Т.Раҳмоновнинг фикрича, бу сўз араб тилида “асирга тушган банди” маъносини англатган<sup>31</sup>) ўзбек тилига ўзлашгандан сўнг араб тилидаги маъноси билан бирга “тутқун, банди ҳолатида яшовчи шахс” (*Тўрт девор асири бўлиб ўтирган аёллар бундай пайтларда каттакон бозда қафасдан чиқсан қуши сингари яйрап* (Х.Ахророва, “Орифнинг давлати”), “бирор кимса ёки нарсага ўзини бутунлай топширган, унинг “кули” ҳолатидаги шахс” (*Мана шу кундан бошлаб Йўлчи шу қизнинг асири, мафтуни бўлди* (Ойбек, “Қутлуғ қон”)) маънолари ҳисобига полисемантиклик касб этган. Шунинг учун бу сўзга ҳам шакл-маъно асимметрияси хос бўлиб қолган.

Симметриядан асимметрияга томон бундай силжиш сўзнинг энантиосемик хусусиятга эга бўлиши натижасида ҳам юз беради. Масалан, араб тилидан ўзлашган *бидъат* сўзи ўзбек тилига ўзлашгандан кейин манба тилдаги “янгилик, янгилик киритиш” маъноси билан бирга унга зид “эскидан қолган урф-одат, расм-руслам” (ЎТИЛ) маъносига ҳам эга бўлган: *Мушиори илайҳ Муҳаммад Алихон Хўқанд ила Бухоро ўртасида Лашгар ном қалъа хусусида Бухоро амири Насруллоҳ баҳодир ила ўрталарида бурудат тушуб, амир бунга бир гўшимол бермак бўлуб, Муҳаммад Алихон атосини(нг) манкуҳасини олди, балки ҳаромни ҳалол деди, коғир бўлди, неча-неча бидъатларни жорий қилди деб, таъдиб қилмоқга Хўқандга келмоқда эди* (Ибрат, “Тарихи Фарғона”); *Қизил империя даврида Шарқдан чиқсан шоҳларни “нодон”, “жоҳил”, “қонхўр”, авлиё-алломаларни эса “фирибгар”, “ёлғончи”, Шарқ обидаларини “эскилик қолдиги”, “дину бидъат ўчоғи” деб талқин қилиши расм* эди (Садриддин Салим Бухорий, “Буюк Хоразмийлар”).

<sup>31</sup> Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1994. – Б. 25.

Юқоридаги мисоллардан күринадики, *асир* сўзидағи асимметрия маъновий ҳар хиллик асосида, *дилгир*, *дилгирлик*, *бидъат* сўзларидағи асимметрия маъновий зидлик асосида юзага келган.

Энантиосемия нутқий бўлиши ҳам мумкин. Масалан, энантиосемия сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади билан сўзни окказионал зид маънода қўллаш орқали ҳам юзага келади. Бунда окказионал маъно айни сўзниң узуал маъносига нисбатан қарама-қарши бўлиб воқеланади ҳамда сўзловчининг субъектив муносабатини ифода этади: *Шунақа-ку, чинакам бадиий асарни яратиши учун “арзимаган” нарса – Худо берган талант керак* (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”). Кўринадики, *арзимаган* сўзининг “арзидиган” маъносида намоён бўлиши натижасида бир лисоний белгига икки маъно (узуал ва окказионал) тўғри келиб қолган ва белги қонунининг бузилишига сабаб бўлган. Ёки *Улфатлар орасида исми айтилмай, хотин олиб, хотин қўявергани учун “Боз” лақаби билан шарафланган Обид гапни кўпайтирмай, шифохона томон шошилди* (Тоҳир Малик. Хазонрезги”) мисолидаги *шарафланмоқ* сўзининг “хурмат билан тилга олинмоқ” маъносида эмас, балки “хурматсизлик, мазах билан тилга олинмоқ” маъносида воқеланганди ҳам юқоридаги сингари асимметрик муносабат бор. Бу каби энантиосемик маънолар нутқий бўлгани учун мазкур сўздаги асимметрия ҳам айни контекстлар учун хос.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, лисоний белгидаги асимметрия масаласини назардан қочирган кўпгина тилшунослар энантиосемияни нормал ахборот алмашинувини мураккаблаштирувчи ҳодиса, деб тушунадилар<sup>32</sup>. Аммо бизнингча, бу ҳодиса ахборот алмашинувига таъсир этмайди. Негаки ҳар қандай тингловчи ёки китобхон юқоридаги “арзимаган нарса” деб баҳоланаётган “Худо берган истеъдод”ни “арзимас нарса” тарзида қабул қилмайди, балки “росмана арзидиган нарса” сифатида идрок этади. Бу каби маънони идрок этишда ҳам тингловчида ҳеч қандай мураккаблик ёки ақлий зўриқиши сезилмайди. Аксинча, бундан сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам эстетик завқ олади. Лисоний белги асимметриясининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у киши тил фаолиятини бир қадар енгиллаштиришга хизмат қиласи ва бу бир полисемантик сўз орқали бирдан ортиқ маънонинг идрок қилинишида кўринади. Энантиосемик сўзлар ҳам мазкур жиҳати билан тилни “лингвистик дўзах” (О.Есперсен) бўлиб қолишдан асрашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, сўзининг шакл-маъно муносабатидаги мутаносиблик моносемантик сўзларга хос бўлса, мазкур муносабатнинг номутаносиблиги полисемантик бирликлар сингари энантиосемик бирликларга ҳам хосдир. Шу маънода энантиосемия шакл-маъно асимметриясининг типик кўринишидир.

<sup>32</sup> Горелов И.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 86-96.

#### **1.4. Энантиосемиянинг лексик сатҳдаги ўрни.**

Мавжуд лингвистик тадқиқотларда лексик сатҳнинг омонимия, антонимия, полисемия сингари ҳодисалари ва уларнинг лисоний табиати, ўзаро муносабати етарлича тадқиқ қилинган<sup>33</sup>. Энантиосемия полисемиянинг маҳсус кўриниши сифатида мазкур сатҳнинг айни ҳодисалари билан баъзи ўхшаш жиҳатларга эга бўлса ҳам, улардан кескин фарқланади. Шу боис улар билан энантиосемия ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаб олиш энантиосемиянинг лисоний мақоми ва моҳиятини белгилашда муҳим. Одатда, лексик ҳодисаларнинг моҳиятини очишда уларнинг икки жиҳати назарда тутилади, яъни шакл ва маъно муносабатидан келиб чиқиб баҳо берилади, шу асосда омоним, антоним, синоним ва полисемантик бирликларга ажратилади.

Энантиосемик бирликнинг

синонимик ва омонимик бирликларга бўлган муносабати шу бирликларнинг бир-бири билан бўлган муносабатидан тамомила фарқ қиласди, яъни энантиосемиянинг моҳиятини белгилашда унинг шаклига эмас, балки маъносига диққат қилинади<sup>34</sup>. Маълумки, тадқиқотларда энантиосемияга турлича ракурсдан туриб ёндашилади. Бунга кўра энантиосемия полисемия, омонимия ва антонимия каби ҳодисаларнинг алоҳида, ўзига хос бир кўриниши, омонимия ва антонимия, полисемия ва антонимия ҳамда полисемия ва омонимиянинг ўртасидаги ҳодиса ёки омонимия, антонимия, полисемия ва синонимиянинг ўртасидаги ҳодисадир<sup>35</sup>. Баъзи ишларда эса энантиосемия алоҳида ҳодиса деб талқин қилинади<sup>36</sup>. Кўринадики, унинг лисоний мақоми борасидаги қарашлар турли хил. Энантиосемиянинг лисоний мақомини тўғри белгилаб олиш мазкур ҳодиса борасидаги мунозарали фикрлар (Хозирги кунга қадар энантиосемиянинг лисоний мақоми ва моҳияти ҳамда тилнинг қайси даври (қадимги ёки ҳозирги) учун хос эканлиги ҳақида тилшунослар бир фикрга кела олганлари йўқ)ни ҳал этишга ёрдам беради.

Аввало, энантиосемиянинг омонимия билан бўлган муносабатига аниқлик киритиш лозим. Тилшуносликда энантиосемиянинг омонимияга алоқадор ҳодиса ёки омонимиянинг бир тури деб талқин қилиниши ҳақида юқорида қисман айтиб ўтилди. Уни рус, немис тилшуносликларида омонимиянинг бир тури деб баҳоланиши, аслида,

<sup>33</sup> Миртоҗиев М. Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши. Филол. фан ном. ... дисс: – Тошкент, ЎзР ФА ТАИ, 1963. – 174 б; Новиков Л.А. Кўрсатилган асар, 2001; Шукуров Р. Кўрсатилган диссертация; Миртоҷиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 140 б.

<sup>34</sup> Соколов О.М. Энантиосемия в кругу смежных явлений // Филологические науки, 1980 (а). – № 6. – С. 36.

<sup>35</sup> Балкански Т. Кўрсатилган диссертация.

<sup>36</sup> Жаркова Е.Х. Энантиосемия лексико-грамматического и словообразовательного типа в кругу смежных явлений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: Ун-т дружбы народов имени Патриса Лумумбы, 1988; Махмутова Л.Р. Кўрсатилган автореферат.

энантиосемиянинг моҳиятини хато тушунишдан ҳамда ҳодисанинг ҳар бир тилда ўзига хос тарзда намоён бўлишидан келиб чиқади. Унинг омонимияга алоқадорлиги масаласи, асосан, бу тилларда сўзга олд қўшимчалар қўшилиши натижасида бир қатор қарама-қарши маъноли сўзларнинг юзага келишини назарда тутиб айтилади. Ясовчи олд қўшимчаларнинг қўшилиши билан алоҳида мустақил сўзлар ҳосил бўлиши эса фанда эътироф этилган. Масалан, рус тилида за- ясовчиси ёрдамида қарама-қарши маъноли сўзлар ясалиши мумкин: *запеть* – “айтавериб сийқасини чиқармоқ” ва “куйлай бошламоқ”<sup>37</sup>.

Немис тилида ҳам *ab-* олд қўшимчаси ёрдамида ясалган бир қатор қарама-қарши маъноли сўзлар бор. Масалан: *abfedern* I – “таъминламоқ ёки бермоқ” ва *abfedern* II – “юлиб олмоқ ёки олиб кўймоқ”<sup>38</sup>. Ушбу ясовчи қўшимчанинг қўшилиши билан ҳосил бўлган энантиосемик сўзлар шу тилларнинг луғатларида ҳам омоним сўзлар сифатида қайд этилган<sup>39</sup>.

Шунингдек, сўзда конверсия натижасида қарама-қарши маъноларнинг юзага келиш ҳолатлари ҳам энантиосемияни омонимияга дахлдор деб баҳоланишига сабаб бўлган<sup>40</sup>. Масалан, Л.Е.Бессонова *верно* сўзидағи “аниқ”, “тўғри, рост, чин” (сифат) ва “бўлса керак”, “эҳтимол, шекилли” (модал сўз), *наверно* сўзидағи “шубҳасиз, албатта” (равиш) ва “балки, эҳтимол, афтидан, чоги” (модал сўз) маъноларидаги зидликка асосланиб, энантиосемия омонимия доирасида ўрганилиши лозим дейди<sup>41</sup>. Ҳозирги ўзбек тилидаги *кўр* сўзининг “кўрмоқ” (феъл) ва “сўқир” (сифат) маъноларида ҳам маъновий зидлик мавжуд. Аммо улар икки хил сўз туркумiga мансуб. Энантиосемия моҳият-эътибори билан бир сўздаги маъновий қарама-қаршилик бўлгандан кейин унинг табиатини бир сўз доирасида ўрганиш жоиз.

Украин олимаси кўрсатиб ўтган фактлар антисемия атрофида ўрганиладиган зиддиятдир. Қолаверса, бир-икки сўз табиатидан келиб чиқиб, муайян ҳодисага баҳо бериб бўлмайди. Ана шу ва юқоридаги ҳолатлар энантиосемияни омонимиянинг бир тури деб баҳоланишига олиб келган. Бизнингча, энантиосемиянинг лисоний мақомини тайин этишда унинг битта сўз эканлиги асосий мезон бўлиши лозим.

Ўз навбатида, аффиксация орқали зид маъноли сўзнинг юзага келиши бир нарсага аниқлик киритишиң тақозо этади, яъни қарама-қарши маънони юзага келтириш олд қўшимчанинг табиатига ҳосми ёки асос сўзга? Агар муайян ясовчи қўшимчада қарама-қарши маъно намоён этиш хусусияти мавжуд бўлса, нега шу қўшимча қўшилган бошқа сўзларда ҳам энантиосемиклик юзага келмайди? Ёки ясовчи

<sup>37</sup> Словарь русского языка. – Ташкент, 1981. – С. 518.

<sup>38</sup> Горелов И.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 87-88.


<sup>39</sup> Большой немецко-русский словарь. – М., 1969. – С. 40.

<sup>40</sup> Шанский Н.М. Кўрсатилган асар, 1972. – Б. 64.


<sup>41</sup> Бессонова Л.Е. Энантиосемия как особый тип в системе лексических противопоставлений // Проблемы лексической и категориальной семантики. Вып. 2. – Симферополь, Изд-во СГУ, 1982. – С. 27-31.

кўшимча бирикаётган асосга боғлиқ бўлса, нега бошқа ясовчиларнинг кўшилиши билан қарама-қарши маъно намоён бўлавермайди? Бу мунозарали масала мазкур омил асосида энантиосемик сўз ясалишини унумли деб айтган тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам соҳанинг ҳал қилиниши керак бўлган масалаларидан бири эканлиги айтилган. Ҳозирча бу масалага, ўзбек тили нуктаи назаридан, аффиксация натижасида энантиосемия ҳосил бўлмайди, балки ясовчи қўшимча билан ҳосил бўлган ясалмада маъно тараққиёти рўй беради ҳамда дастлабки маъно билан маъно тараққиёти маҳсули бўлган маъно зид бўлиб қолади, деб жавоб бериш мумкин.

Энантиосемияни омонимияга мансуб деб билишнинг яна бир номувофиқлиги шундаки, омонимия камидан икки тил бирлиги ўртасида юзага келади, улар ифодалаган маънолар ўртасида эса маъновий боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Қуйида баъзи омоним ва энантиосемик сўзларни қиёслаш орқали уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтамиз. Масалан, шаклдош *от* сўзларининг маънолари ўртасида семантик умумийлик йўқ, улар бир шаклдаги алоҳида сўзларнинг муайян омиллар сабаб мос келиб қолишидир.



Важ сўзи энантиосемик сўз бўлиб, у “бирор нарса, ҳодиса ва ш.к.ни келтириб чиқарувчи ҳақиқий асос, сабаб” (*Ҳумоюннинг қўшини бир неча кун ичida икки баробар камайиб кетганини шоҳ Ҳусайн аргун билар, шу важдан ҳам ошкора таҳдиid қилмоқда эди* (П.Қодиров. Авлодлар довони) ва “бирор нарса, ҳодиса ва ш.к.нинг келиб чиқишини асослаш учун келтирилган сохта далил, баҳона” (*Дангасанинг важи кўп, оҳангизнинг – авжи* (Мақол) маъноларини англатади. Мазкур маънолар қарама-қарши муносабатни билдирса ҳам, улар бир умумий мавзу – маъновий муносабат остида бирлашади. Бу жиҳат энантиосемик маъноларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини кўрсатади. Мазкур зидликни қўйидаги чизмада ҳам кўриш мумкин:



Хуллас, энантиосемия ўзбек тилида омонимияга алоқадор эмас. Унинг омонимиядан фарқи қўйидагиларда кўринади: энантиосемия моҳиятан бир сўзда, омонимия эса сўзларда юзага келади;

энантиосемик бирлик табиатини аниқлашда, асосан, сўзнинг семантик жиҳати ҳисобга олинса, омоним сўзларни белгилашда асосан шаклий ва семантик жиҳатлар назарда тутилади; энантиосемик бирлик маънолари ўртасида умумий семантик муносабат мавжуд, омоним сўзларда эса бундай муносабат йўқ; энантиосемик сўз маънолари фақат бир туркумда, омонимлар эса бир сўз туркумида ҳам, турли сўз туркумида бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сўнгги йилларда тилшуносликда синтактик омонимияга ҳам эътибор қаратилмоқда<sup>42</sup>.

Маъновий муносабатига кўра энантиосемия ва антонимияда ўзаро ўхшашлик бор. Бу антонимия ва энантиосемиянинг омонимия ва синонимиядан фарқли тарзда маънолар зидланишига асосланишида, қолаверса, шакл-маъно муносабатидан келиб чиқиб эмас, маънолар нуқтаи назаридан ўрганилишида ҳам кўринади. Шу ва бошқа жиҳатлар энантиосемияни антонимиянинг бир тури ёки кўриниши сифатида бир ёқлама талқин қилинишига олиб келди. Масалан, С.Усмонов “антонимлар бир сўз орқали ифодаланадими, кўп сўз орқали ифодаланадими – бундан қатъи назар – барибир антонимлар деб қаралиши керак”, – дейди<sup>43</sup>. Бошқа қарашга асосан, антонимларни фақат ҳар хил ўзакли сўзлар деб тушуниш нарса-ходисанинг ҳақиқий моҳиятини акс эттирмайди, антонимия бир сўз доирасида ҳам бўлиши мумкин<sup>44</sup>. Бизнингча, ҳар икки қарашда ҳам антонимия ва энантиосемия қориширилган.

Л.Е.Бессонова энантиосемияни антонимияга тенглаштирган тилшуносларнинг қарашларига танқидий муносабат билдирад экан, сўзнинг у ёки бу энантиосемик маънода қўлланганини контекстсиз билиб бўлмаслигини, антонимик маъно эса алоҳида сўзларда бўлгани боис контекстсиз англашилишини айтади ва энантиосемияни “яширин кутбланиш натижаси” деб таъкидлайди<sup>45</sup>. Биз ҳам олиманинг фикрига кўшилган ҳолда бу ходисаларни антонимлар атамаси остида бирлаштириш тўғри эмаслигини қўйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларда кўрсатишга ҳаракат қиласиз:

1. Энантиосемия ҳам, антонимия ҳам маънолар қаршиланишига асосланади, аммо энантиосемия сўз (фразеологик бирлик)да, антонимия сўз (фразеологизм)ларда воқеланади. Антонимиядан англашиладиган зидликни контекст воқелантирмайди, аммо энантиосемик маънолардан қайси бири намоён бўлаётганини контекст кўрсатади.
2. Энантиосемия ҳам, антонимия ҳам (омонимиядан фарқли ҳолда) бир нарса-ходиса, белги ёки ҳаракат-ҳолатнинг икки зид томонини

<sup>42</sup> Лутфуллаева Д., Сайдраҳимова Н. Ўзбек тили синтактик омонимларининг шаклланиши хуусида // ТДПУ илмий ахборотлари, 2015. № 1. – Б. 39-42.

<sup>43</sup> Усмонов С. Кўрсатилган мақола. – Б. 35.

<sup>44</sup> Шмелев Д.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 203.

<sup>45</sup> Бессонова Л.Е. Кўрсатилган автореферат. – Б. 7.


кўрсатади, аммо бу зидлик антонимияда қарама-қарши маъноларнинг ҳар доим ўзаро teng ва узуал бўлиши билан, энантиосемияда ўзаро зид маъноларнинг ҳар доим ҳам teng ва узуал бўлавермаслиги билан фарқ қиласди.

3. Антонимик маънолардан бири ассоциатив тарзда иккинчисига ишора қиласди, яъни яхши дейилиши билан онгимизда ёмон акс этади, энантиосемияда эса ундан эмас. Энантиосемик бирликлар тил хотирасида тайёр ҳолда мавжуд, лекин маъноларнинг контекст билан боғлиқлиги туфайли бир маъно ассоциатив тарзда иккинчисини ёдга туширмайди.

4. Антонимия ва энантиосемиядаги зидлик сўзнинг бош маънолари ўртасида ҳам, ҳосила маънолари ўртасида ҳам юзага чиқади. Аммо антонимлик *совуқ–илиқ*, *илиқ–муздай* маъноли сўзлар ўртасидаги муносабат эмас, балки *совуқ–иссиқ* маъноли сўзлардаги муносабатдир. Бироқ муайян белги кўламининг нотенглигига асосланадиган *совуқ–илиқ*, *илиқ–муздай* типли маънолар зидлиги ҳам энантиосемик муносабат бўлиши мумкин.

Энантиосемия билан полисемиянинг ўзаро муносабати ҳам ўзига хос, семасиологиянинг муҳим назарий масалаларидан бири. Чунки у полисемия замирида юзага келади ва муайян маънолар ўртасидаги муносабатга асосланади. Энантиосемия ҳам полисемия, фақат бу полисемантиклик зид маъно тараққиётининг натижаси, полисемия эса зид бўлмаган маъно тараққиёти маҳсули ҳамдир. Масалан, *тош* сўзи “яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи”, “шундай тоғ жинсларининг зийнат буюмлари ясаш ёки уларни безатиш учун ишлатиладиган навларининг умумий номи” маъноларини англатади (ЎТИЛ). Айни маънолар алоҳида нарсаларни билдирса ҳам, тошга хос “қаттиқлик” семаси уларни бирлаштириб туради.

Энантиосемик сўз маънолари ҳам полисемантик сўз маънолари сингари ўзаро боғлиқ, аммо бу маънолар муайян нарса-ходиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни қарама-қарши томондан атайди. Масалан, ўр сўзидағи “тепалик” ва “чуқурлик” (ЎТИЛ) зид маънолари сўзнинг маъно тараққиёти натижасида юзага келган. Қиёсланг: Ўзига қолса, шаҳар деб, қир ошиб, ўр ошиб ўтирумасди-ю (Н.Норқобилов, “Бекатдаги оқ уйча”); –*Булар қароргоҳни ҳалқадай ўраб, кўринган қорани, қилт этган нарсани қўпотарларидан ўқча тутиб, қисиб боришияпти*. Ўр ҳам, жар ҳам қолмаяпти (Мурод Мансур. Жудолик диёри”). Мазкур сўздаги маъновий умумийлик муайян ўрин-жойнинг ер сатҳига бўлган у ёки бу ҳолатини англатишида кўринади, бироқ айни ҳолатларнинг қарама-қарши эканлигини ифодалаши билан фарқланади. Полисемия ва энантиосемиянинг фарқини чизмаларда ҳам кўрсатиш мумкин:



Кўпинча, сўзда кўпмаънолик юзага келар экан, бир маъно бошқа бир маънони сиқиб чиқармайди ёки ҳосила маъно асос маънонинг истеъмолдан чиқиши эвазига вужудга келмайди, балки сўз семантик структурасини бойитиб, унинг тенг хукуқли аъзолари сифатида яшайди. Масалан, *она* сўзининг “бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичida ўзидан кичикларга нисбатан катта қиз” маъносидаги “катта”, “қиз” семалари асосида “бир ота-онадан туғилмаган, ҳар қандай катта ёшдаги аёлларга нисбатан ишлатиладиган мурожаат шакли” маъноси вужудга келган. Энантиосемиклик ҳам шундай лисоний жараён маҳсули сифатида, баъзан эса бир маънонинг иккинчи бир маънони сиқиб чиқариши ҳисобига ҳам юзага келади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *кўтарафуруши* сўзидағи “кўтарасига сотувчи” ва “кўтарасига сотиб олувчи” (ЎТИЛ) маънолари бирининг иккинчисини сиқиб чиқариши эвазига вужудга келмаган. *Сергакла(н)моқ* (сэргёклä(н)мак) сўзида эса ундей бўлмаган, чунки мазкур сўз аввал “мастликдан эгилмоқ, қийшаймоқ” маъносини англатган: *Асрўк сэргёклäдi* – mast гандираклади, солланди (Маҳмуд Кошғарий, “Девону луготит турк”). Кейинчалик айни маънонинг ўрнига “хушёр тортмоқ” маъноси вужудга келган: *Муҳаммаджон эшик оғаси бунда қандайдир маъно борлигини сезиб, сергакланди* (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”).

Демак, энантиосемия полисемия сингари маъно тараққиёти маҳсули бўлса ҳам, ҳар қандай полисемия энантиосемияни юзага келтирмайди. Энантиосемия полисемиянинг маҳсус кўринишидир. Унинг полисемия билан муносабатини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



### **1.5-чизма.**

Демак, энантиосемия ўзбек тилида полисемиянинг махсус кўринишидир, чунки у лисоний бирликнинг зид маъно тараққиёти натижасида юзага келади, бир лисоний бирликнинг маънолари сифатида унинг семантик структурасидан жой олади. Шу сабабли унинг лисоний мақоми ҳам бир тил бирлиги доирасида белгиланади. Семасиологиянинг бу ўзига хос ҳодисасини тадқиқ этиш билан тилшуносликдаги муҳим назарий масалалар: шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабати, зиддият категорияси яна бир типининг лисоний табиати, намоён бўлиш йўллари каби масалаларга аниқлик киритилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Зиддият деганда нимани тушунасиз?
2. Оламдаги воқеа-ҳодисаларни зидлаб англаш мумкинми?
3. Зиддият категорияси ҳақида қандай қарашлар бор?
4. Қарама-қаршилик тил бирликларида қандай намоён бўлади?
5. Антонимия ҳодисаси ҳақида фикрингиз?
6. Антисемия ҳақида фикрингиз?
7. Энантиосемия ҳақида фикрингиз?
8. Лисоний асимметрия деганда нимани тушунасиз?
9. Тил бирликларининг шакли ва маъноси (мазмуни) ўртасида номувофиқликнинг мавжудлиги лисоний фаолият учун қанчалар зарур?
10. Кўп маъноли сўзларнинг асимметрик табиати ҳақида тушунтиринг.

### **2-мавзу. Ўзбек тилида лексик энантиосемия**

#### **Режа:**

1. Лисоний ва нутқий энантиосемия.
2. Номловчи ва баҳоловчи энантиосемия.
3. Тўлиқ ва қисман энантиосемия.
4. Синхроник ва диахроник энантиосемия.

**Таянч иборалар:** лексик энантиосемия, лисоний ва нутқий энантиосемия, номловчи ва баҳоловчи энантиосемия, тўлиқ ва қисман энантиосемия, синхроник ва диахроник энантиосемия, лингвистик ва паралингвистик энантиосемия, лугавий ва грамматик энантиосемия.

## 2.1. Лисоний ва нутқий энантиосемия

Энантиосемик бирлик семантик структурасидаги маъноларнинг лисоний ва оппозитив табиати, мақоми, синхрония ва диахронияга муносабати, барқарорлиги каби қатор хусусиятлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу хусусиятларнинг воқеланиши лексик бирликларда ва уларга қараганда мураккаброқ бўлган фразеологик бирликларда фарқ қиласди, шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ўзбек тилида лексик энантиосемияни қуйидаги турларга ажратиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ: 1) лисоний ва нутқий; 2) номинатив ва субъектив-баҳоловчи; 3) симметрик ва асимметрик; 4) лугавий ва грамматик; 5) синхроник ва диахроник. Мазкур хусусиятларнинг намоён бўлишига кўра лексик энантиосемиянинг бир қатор турлари фарқланади

**Лисоний энантиосемия.** Лисоний энантиосемия ўз моҳиятига кўра муайян тилда сўзлашувчиларнинг лисоний хотирасида тайёр ҳолда мавжуд бўлган, фақат узуал маънолар асосида юзага келадиган маъновий зидланишdir. Ҳозирги ўзбек тилида лисоний энантиосемия шахс, нарса, белги, пайт, ўрин, миқдор, ҳаракат тушунчasi билан боғлиқ зидланишларда кузатилади.

I. Шахс тушунчали лисоний энантиосемияда узуал маънолар “аждод – авлод”, “дўст – душман”, “ака – ука”, “опа – сингил”, “сотувчи – харидор”, “кредитор – дебитор” тарзида қаршиланади.

**1.1. “Аждод – авлод” тарзидаги зидланиш зот, зурриёд, авлод, аждод, насл каби бир неча энантиосемик сўз маънолари билан намоён бўлади. Қиёсланг: Зот. 1. Аждод, насл-насаб: *Айтиб берар унинг отини, Айтиб берар асли, зотини* (Ҳамид Олимжон, “Зайнаб ва Омон”). 2. Авлод, кейинги насл: *Сендай қонхўр золимдан Қолмасин деб бирор зот, Бош кўтардик, зулмдан Бўлмоқчи эдик озод* (Ҳамид Олимжон, “Ойгул билан Бахтиёр”). Зурриёт. 1. Аждод, насл-насаб: *Нима ейди дилбар отинг, Баён айла зурриётинг* (“Муродхон” достони). 2. Авлод, кейинги насл: *Бу – яшамоқ қонуни, зурриёт қолдиришига бўлган табиий ва туғма эҳтиёж қонунидир* (Ш.Холмирзаев, “Чўлоқ турна”).**

**1.2. “Дўст – душман” тарзидаги зидланиш тарафкаши** сўзининг “тарафини олувчи, тарафдор” ва “қарши чиқувчи, рақиб” узуал маънолари ўртасида мавжуд. Қиёсланг: *Колган иккитаси буларни ҳимоя қилиб турди ва тарафкашлар пайдо бўлганда, атиги бир мушт билан уриб ийқитишди* (Нусрат Раҳмат, “Жадид”); *Бургутнинг йигитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонда тарафкаши йўқ, – деди йигит* (Саид Аҳмад. Чўл бургути”).

**Ҳариф** сўзи семантик структурасида ҳам айни маъновий муносабатдаги энантиосемик маънолар бор. Қиёсланг: 1. Рақиб: *Маҳмадана хижолат бўлди. Чоршанбиевга ўқрайиб қаради, лекин қаттиқ гапиролмади, қолаверса, устози туфайли улуг давраларнинг ҳам ҳадисини кўрган, унча-мунча ҳарифларга жавоб айтишига қурби етарди* (Мурод Муҳаммад Дўст, “Лолазор”); 2. Дўст, улфат: *Ташбеҳлар ноўрин, деб ўйлади Яхшибоев, қиёслаганда бунинг рақиблари тугул, оғиз-бурун ўтишган ҳарифлари ҳам фарииштага айланиб қолади* (Мурод Муҳаммад Дўст, “Лолазор”).

**Ҳариф** сўзи эски ўзбек тили даврида ҳам энантиосемик маъноларга эга бўлган. Ш.Раҳматулаев бу сўзининг араб тилидан ўзлашгани ва манба тилда “жўра”, “ўйинда шерик” ва “қарши тараф кишиси” (ЎТЭЛ) маъноларини англатганини қайд қиласи. Эски ўзбек тилида ҳам “дўст, улфат” маъносини билдирган: *Деди: “К-ей борчангиз кўнглумга мунис, Кеча-кундуз ҳарифу ёри мажслис”* (Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин”). XVIII – XIX аср эски ўзбек тилида, хусусан, Турди Фароғий асарида (*Хукм жори, сўз қабули, бир дури дар гўши (қулоқда)* эдим, *Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф, ҳамдўши эдим* (Турди Фароғий, “Мухаммас”), Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида ҳам “дўст, улфат” маъносида қўлланган: *Ҳоло, бу турғонларинг навола дўстлари, пиёла ҳарифлари, таом емакка ҳозир, маслаҳатга ақли қосир.*

**1.3. “Ака – ука” тарзидаги зидланиш амаки, тоға сўзлари** семемаларидаги “ака” ва “ука” семалари орқали намоён бўлади. Масалан: амаки. 1. Отанинг акаси: *Отам кенжалиги туфайли отасидан қолган уйда турар, амакиларим эса шу уйнинг икки қанотидан ўзларига ҳовли-жой қилиб олишган эди* (Ў.Умарбеков, “Қайтар дунё”). 2. Отанинг укаси: *Акбар охирги марта шу мақбара олдида кўзи кўр амакиси Комрон мирзо билан қандай учрашганини ўғилларига айтиб берди* (П.Қодиров. Авлодлар довони). Тоға. 1. Онанинг акаси: *У ойимнинг туғишиган акаси, раҳматли Гани тогамнинг қизи эди* (Ў.Умарбеков, “Менинг ўғилбола жияним”). 2. Онанинг укаси: *Айниқса, онасининг севимли укаси бўлмиши кичик тогасини кўп кўргиси келарди* (Тоҳир Малик. Фалак”).

**1.4. “Опа – сингил” тарзидаги зидланиш амма, хола сўзлари семемаларидаги “опа” ва “сингил” семалари ўртасида кузатилади. Масалан: амма. 1. Отанинг опаси: *Бола аммасини биринчи марта кўраётган бўлса ҳам, бу истараси иссиқ аёлни кўпдан бери биладигандек бегонасирамас эди. Хонзода бегим боланинг лўппи юзига юзини қўйиб эркалатганда Ҳумоюн буни ёқтириб кулимсиради* (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”). 2. Отанинг синглиси: *Акбар аммасини [Гулбаданбегимни] шундай китоб ёзгани учун астойдил бир қувонтиргиси келиб, Кашимирга атайлаб олиб келган эди* (П.Қодиров. Авлодлар довони). Хола. 1. Онанинг опаси: *Ўзим, – деди полвон оғир хўрсиниб, – тинчлик, хола. Келганимдан мақсад, бир гумон гапни аниқламоқчиман. Онамнинг, сизнинг опангизнинг ҳаётида бирор ифлос сир борми?* (А.Айизов, “Полвон йиғлаган тун”). 2. Онанинг синглиси: *– Ахир мен онагинангни синглисиман. Холагинам ўлиқми, тирикми деб бирор марта хабар олмайсан!* (Сайд Аҳмад. Қишдан қолган қарғалар”). Мазкур семемалардаги “ака” – “ука”, “опа” – “сингил” семалари катталик-кичиклик тушунчаси асосида зидланади.**

**1.5. “Сотувчи – харидор” тарзидаги зидланиш бозорчи сўзининг “бозорда савдо-сотик билан шуғулланувчи” (*Бироқ ўша шаҳардан бир бозорчи Турдиқул яшайдиган шаҳарнинг бозорига бориб қолиб, бунинг эртак эмас, айнан ҳақиқат эканлигини жиоддий тарзда туриб айтди* (Ш.Бўтаев, “Ҳайкал”) ва “савдо-сотик эҳтиёжи билан бозорга келган киши”, яъни “харидор” *Аввалги баҳмал байроқларни қишилоқдан келган бозорчиларга сотишар* эди (Сайд Аҳмад. Умрим баёни”), мижоз сўзининг “сотувчига нисбатан доимий харидор” (*– Айтинг унингизга, кафесини ҳам, мижозларини ҳам пишириб есин!* (Тоҳир Малик. Самум”) ва “харидорга нисбатан доимий сотувчи” (*– Яна кимга қизиқиб қопти? – Анув эски мижозиз бўларди-ку, Илҳом сутчи. Ўшанга* (Мурод Мансур. Жудолик диёри”) маънолари ўртасида юзага чиқади.**

**1.5. “Кредитор – дебитор” тарзидаги зидланиш бўнакчи сўзидағи “бўнак (қарз) бериб одам ишлатувчи шахс” ва “бўнак олган шахс, қарздор” (ЎТИЛ) маънолари ўртасида намоён бўлади. Қиёсланг: *Мендан бўлак бўнакчининг қўлига тушганингизда, бирини икки қилиб оларди* (Н.Сафаров, “Султон бўзчининг неваралари”); *Битта менмас, бечора-бекас Бўнакчилар бойдан норози* (Мухаммад Али, “Боқий дунё”).**

II. Нарса тушунчали лисоний энантиосемияда маънолар “даво воситаси – оғу”, “катталик – кичиклик”, “ифлослик – тозалик” тарзида қаршиланади.

**Нутқий энантиосемия** ноузуал энантиосемия бўлиб, узуал ва окказионал маънолар ўртасида юзага келади. Нутқий энантиосемия сўзнинг контекстдаги бошқа сўзлар билан бўлган лексик-синтактик алоқаси, сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади, субъектив муносабати натижасида вужудга келади ва айни жиҳати билан лисоний энантиосемияга қаршиланади ҳамда субъектив-баҳоловчи энантиосемияни ҳам, грамматик энантиосемияни ҳам қамраб олади. Тадқиқотларда белги билдирувчи сўзларнинг нутқий энантиосемиклик касб этиши унумли ҳодиса, дейилади<sup>46</sup>. Аммо ўзбек тили материаллари тилимиздаги бошқа туркум сўзларининг, хусусан, от туркумига мансуб сўзларнинг ҳам энантиосемик воқеланиш имкониятлари белги билдирувчи сўзларнинг айни имкониятидан кам эмаслигини кўрсатди. Масалан, “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати”<sup>47</sup>даги нутқий энантиосемик сўзларнинг 46 таси от, 40 таси сифат, 11 таси феъл, 4 таси равиш, 1 таси олмош сўз туркумига оид бирликлардир. Шунинг учун энантиосемиянинг воқеланиш имкониятини туркумлик белгисига асосан эмас, балки уларнинг маъновий муносабатларига кўра таснифлаш жоиз.

Нутқий энантиосемия турли мазмуний муносабатдаги маънолар ўртасида воқеланади, чунки мувофиқ нутқий вазият тақозоси ва сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади асосида исталган сўз қарама-қарши маънода намоён бўлиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида нутқий энантиосемия шахс, нарса, белги, пайт, ўрин, миқдор, харакат тушунчasi билан боғлиқ зидланишларда кузатилади. Нутқий энантиосемияни ирония харакатлантириб туради.

I. Шахс тушунчали нутқий энантиосемияда узуал ва окказионал маънолар “дўст – душман”, “йигит – чол” тарзида қаршиланади.

**1.1. “Дўст – душман” тарзидаги зидланишда маънолар “дўстлик” ва “душманлик” белгиларига кўра қаршиланади. Масалан, *дўст* сўзининг узуал “ҳар жиҳатдан яқин киши, чин ўртоқ” ва окказионал “душман, рақиб” маънолари ўртасида шундай қаршиланиш юзага келади. Қиёсланг: *Биз дўстлар билан ... гурунглашиб ўтирганимизда ўтиб қолардингиз* (О.Ёқубов, “Матлуба”); *Ўша пайтда бирон жўяли гап тополмаган баъзи “дўстларимиз”* “Гирдоб”ни ўзи ёзмаган деганга ўхшаши бемаъни гапларни ҳам тарқатдилар (Н.Фозилов, “Боқий умр”).**

<sup>46</sup> Смоленская С.С., Давыдов М.В. Интонация как показатель энантиосемии слов и словосочетаний // Вестник Московского университета. Филологические науки, 1972. – № 3. – С. 65-71.

<sup>47</sup> Маҳмудов Н., Одилов Ё. Кўрсатилган асар.

Ўз навбатида, мувофиқ нутқий вазиятда *душман* сўзининг узуал “ғаним, рақиб” ва окказионал “ҳар жихатдан яқин киши, чин ўртоқ” маънолари (*Масъул ҳодим ҳам масъул идорасида масъулияти қоғозларни титкилаб ўтиравериб зериккан экан, бу хонимга элакишиб, роса бити тўкилди. Аллақачонлар хокитуроб бўлиб кетган “душман” шоирнинг нима қизиги бор унга, билқиллаган жияни турганда!* (Эркин Аъзам. Шоирнинг тўйи”) ўртасида ҳам шундай энантиосемия намоён бўлади. Умуман, “дўст – душман”, “йигит – чол” тарзидаги зидланиш “душман – дўст”, “чол – йигит” тарзida акс қаршиланишни юзага келтириши мумкин. Акс қаршиланиш нутқий энантиосемиянинг бошқа маъновий муносабат асосидаги кўринишларига ҳам хосдир.

**1.2. “Йигит – чол” тарзидаги зидланишда** сўзининг узуал ва окказионал маънолари шахснинг “ёшлик” ва “қарилик белгиси асосида қаршиланади. Буни *йигит* сўзининг узуал “балофатга етган, ёши улуғ бўлмаган эркақ” ва окказионал “ёши улуғ эркақ, чол” (*Кутимагандага чол русиялик ёқимтой қизнинг яноқларидан ушлаб ўзига қаратди-да, пешонасидан чўлп этиб ўтиб олди. Ушбу манзарани кузатиб турган Анварнинг кенг пешонаси тиришиб, шўх “йигит”га хўмрайиб қаради* (А.Абдуллаев, “Дард”) маънолари ўртасидаги муносабатда кўриш мумкин.

## **2.2. Номловчи ва баҳоловчи энантиосемия**


Маълумки, сўз семантик структурасидаги маънолар борлиқдаги бирор нарса-ҳодиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни номлаш ёки уларга муносабат билдириш, баҳолаш вазифасини бажаради<sup>48</sup>. Энантиосемия айни жихатларнинг қай бири асосида юзага келишига кўра ҳам турларга ажратилади. Биз қаршиланган маъноларнинг борлиқдаги нарса-ҳодиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни номлаб ёки баҳолаб келишига таяниб, *номинатив* ва *субъектив-баҳоловчи* энантиосемияни фарқладик.

**Номинатив энантиосемия.** Қарама-қарши маъноларга эга бўлган сўз муайян нарса-ҳодиса ҳақидаги тушунчани номлаб, атаб келганда, номинатив энантиосемия юзага келади ва соф семантик аҳамият касб этади. Дастреб шахс, нарса ёки муайян жараён, белги ҳамда ҳаракат ҳақидаги тушунчаларни қарама-қарши тарзда атайдиган, номлайдиган энантиосемик сўзларни қўриб ўтамиш. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *тўйчи* сўзи “мехмон” ва “мезбон” тушунчасининг номи сифатида ўзида номинатив энантиосемияга хос барча жихатларни намоён этади, яъни мазкур сўз “тўйга келган меҳмон” ва “тўй

<sup>48</sup> Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Кўрсатилган манба. – Б. 517.

қилаётган киши” (ҮТИЛ), яъни “мезбон” маънолари асосида қаршиланган муносабатни юзага келтиради. Қиёсланг: *Тўй тарқади, қизни никоҳ қилди. Аваҳон иигитлари билан тўйчилар ҳам қайтди* (“Бўтакўз”); *Агар ҳозирлик кўрмай шаҳарни кутсак, шаҳардан ёрдам чиқа бермаса, худди тўёнага ишониб, қўй олмаган тўйчи каби тўй қозонини тўнкаришига мажбур бўламиз* (Абдулла Қодирий, “Обид кетмон”). Мазкур маънолар номинатив бўлгани учун ҳам нутққа қадар сўзнинг семантикасида мавжуд. Бу ҳар икки маънонинг бир услубда эканлиги билан янада мустаҳкам асосга эга бўлади.

Шунингдек, ҳам “дори-дармон”, ҳам “захар, оғу” (ҮТИЛ) тушунчасининг номи бўлиб келадиган *дори* сўзи маънолари ўртасида ҳам номинатив энантиосемия юзага келган. Қиёсланг: *Дўхтир дори берган. Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетадилар* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Бой атайин дори бериб қўйган эмиши деб эшиштидик* (С.Зуннунова, “Олов”). Бу сўзнинг “дори-дармон”, яъни “шифо воситаси” сифатидаги маъносига унинг яна бир маъноси – “наша ўсимлигининг барги ва гулидан тайёрлаб истеъмол қилинадиган нарса – афюн” ҳам зиддир. Масалан: *Доридан караҳт бўлган, шармандали воқеадан чайқалган ақли ўйламоқдан, мулоҳаза юритмоқдан ожиз эди* (Тоҳир Малик. Шайтанат). Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, *дори* сўзининг “наша ўсимлигининг барги ва гулидан тайёрлаб истеъмол қилинадиган нарса – афюн” маъноси арго характеристида. Айни маъноларнинг келиб чиқиши ва улардаги зидлик қўйидаги чизмада яққол кўринади:



### қаршиланган маънолар

**3.1-чизма.**

Ҳозирги ўзбек тилидаги *ижара* сўзининг “бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига бериш” ва “бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига олиш” (ЎТИЛ) маънолари жараён ҳақидаги тушунчани қарама-қарши томондан атагани учун ҳам унда номинатив энантиосемия бор. Қиёсланг: *Улар то эркаклар пул топиб келгунларича ижарадан даромад қиласардилар* (Сайд Аҳмад. Жимжитлик); *Улар қуп-қуруқ келишган. Ҳали ижара тулини ҳам беришмовди* (Тоҳир Малик. Шайтанат). Кўринадики, *ижара* сўзидағи энантиосемиклик ҳам дори сўзи қаби номинатив маънолар асосида юзага келган.

Ҳозирги ўзбек тилида борлиқдаги у ёки бу белгини қарама-қарши томондан аташ – номлаш вазифасини бажарадиган энантиосемик сўзлар ҳам мавжуд. Масалан, *баҳосиз* сўзининг “баҳоси, қадр-қиммати йўқ”, “хеч нарсага арзимайдиган” ва “баҳоси, қадр-қиммати баланд”, “баҳосини ҳеч бир ўлчаб бўлмайдиган” маънолари муайян белгининг қарама-қарши томонларини кўрсатади. Шунинг учун мазкур маънолар ўртасидаги зидлик номинатив энантиосемикликдир. Қиёсланг: *Ажаб дунё экан, бу ишқ дунёси, аё дўстлар, Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку* (Чўлпон. Яна олдим созимни); *Оғзаки ҳалқ ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири, айниқса, катта ва баҳосиздир* (ЎТИЛ).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *бедил* сўзи ҳам икки зид белгини атайди, яъни мазкур сўз семантик структурасида ҳам “кўнгли совиган”, “кўнгилсиз бўлган”, “ишқсиз”, ҳам “ўта даражада севиб қолган”, “ошиқ” (ЎТИЛ) маънолари мавжуд. Айни маънолардаги зидлик номинатив энантиосемиядир. Қиёсланг: *Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил, Ҳар нафасда бинг чаманда дил қушин парвоз топ* (Ҳамза. Ҳамроз топ); *Чароғпоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг ёритар, шамнинг титроби билан кўзини бир нуқтага тиккан* *Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтирагандек кўринар эди* (Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён).

Юқорида айтилганидек, энантиосемик сўз муайян ҳаракат-ҳолатни ҳам аташи, номлаб келиши мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *алдамоқ* сўзи “яхши гап, ваъда ва шу кабилар билан йўлга солмоқ” ва “йўлдан урмоқ”, “йўлдан оздирмоқ” маъноларини англатади ҳамда шу лисоний бирликнинг номинатив маънолари хисобланади. Қиёсланг: *Куёвнинг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Келин ўз уйига қамалиб олган – на ёлворганга кўнади, на алдаганга* (Абдулла Қахҳор. Тўй); – *Нимасини айтасан. Гапларига қараганда, булар фақат алдаш билан кун ўтказишаркан* (Ў.Умарбеков. Ойнинг олтин ўроғи).

Маълумки, тадқиқотларда лексик антонимиянинг комплементар, контрап, йўналган ёки йўналмаган, конверсив каби бир қатор турлари фарқланади<sup>49</sup>. Номинатив энантиосемия ҳам лисоний бирлик маънолари орқали намоён бўлаётган зидликнинг табиатига кўра комплементар, контрап ҳамда конверсив муносабатли бўлади.

Номинатив энантиосемиядаги комплементар қарама-қаршилик “X” ва “Y” тарзида намоён бўлади<sup>50</sup> ва бир маънонинг инкори иккинчисининг тасдиқлайди. Бу тип қаршиланиш бирор ҳаракатнинг бошланиши ва якунланиши, бирор нарсанинг мавжуд бўлиши ва мавжуд бўлмаслиги каби маъновий муносабатлар ўртасида ҳам бўлади. Масалан, қолмоқ сўзининг ЎТИЛда келтирилган “бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ” ва “барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ” маънолари ўзаро зид ҳамда уларнинг орасида оралиқ тушунча йўқ. Масалан, “бор, мавжуд бўлмоқ”нинг инкори “барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ”, “йўқ бўлмоқ”нинг инкори эса “бор бўлмоқ”дир; уларнинг орасида “бор ҳам бўлмаган, йўқ ҳам бўлмаган” деган оралиқ тушунча йўқ.

Контрап қарама-қаршиликка асосланган номинатив энантиосемиклик “X” ва “Y” тарзида намоён бўлади, аммо комплементар қаршиланишдан фарқли равища, мазкур зид муносабатларнинг ўртасида оралиқ тушунча бўлади. Бунда энантиосемик маънолардан бирининг инкори иккинчисини тўлиқ тасдиқламайди. Бунга мисол қилиб, *фотиҳа* сўзининг “қиз билан йигитнинг унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган маросим”, яъни “тўй” ва “мархумнинг хотираси учун ўтказиладиган маросим, таъзия” (ЎТИЛ) маънолари ўртасидаги зидликни кўрсатиш мумкин. Қиёсланг: – *Фотиҳа тўйида қўй, зигир мой, гуруч, майиз... бўлди* (Тоғай Мурод, “Ойдинда юрган одамлар”); *Ақбар оталигининг Аградаги уйига фотиҳага боргандা ичкари ҳовлига кириб, Салима бегимдан кўнгил сўради* (П.Қодиров. Авлодлар довони). Моҳиятан, “тўй” тушунчasi “аза” тушунчасининг инкоридир, яъни “аза эмас” маъносини билдиради, бироқ “аза эмас” дейилганда ҳар доим “тўй” тушунилмайди. Негаки “тўй ҳам бўлмаган, аза ҳам бўлмаган пайт” деган оралиқ тушунча ҳам мавжуд.

<sup>49</sup> Апресян Ю.Д. Избранные труды. Т. 1. Лексическая семантика (синонимические средства языка). 2-издание, исправленное и дополненное. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1995. – С. 256-315; Лайонз Дж. Лингвистическая семантика. Введение. – М.: Языки славянской культуры, 2003. – С. 141-144.

<sup>50</sup> Кўплаб лингвистик адабиётларда, хусусан, Л.А.Новиковнинг “Рус тилида антонимия” асарида қарама-қарши тушунчалар шартли равища X ва Y ҳарфлари билан белгиланади. Биз ҳам ишимизда икки зид тушунчаларни шундай шартли белги билан белгилашни лозим топдик.

Мазкур сўздаги зид маъно тараққиёти ҳам метафора асосида кечган, яъни тўй ва таъзиядаги тушунчалар ўхшашлиги (тўй ҳам, таъзия ҳам “одамлар тўпланиб ўтказадиган маросим” экани) асос бўлган.

Контрар қарама-қаршилик *маърака* сўзининг “мотам маросимларининг ийғиндиси ва уларнинг ҳар бири” ва “тўй, томоша ва шу кабилар муносабати билан бўладиган йигин, маросим” (ЎТИЛ) маъноларида ҳам бор. Қиёсланг: – Узоқ *йили онасининг маъракасини ўтказгани келганида Суръатнинг ўзи айтиб берган* (Эркин Аъзам. Шовқин); *Бир шанбада барчани бешиктўйга чорлади... маърака кеч соат ўнга яқин тарқади* (А.Дилмурод. Кунсулув).

Кузатишлар шуни кўрсатдики, лисоний бирликнинг зид маънолар касб этиши маълум маънода унинг маъновий муносабати, янада аникроғи, маълум бир маъновий муносабатдаги бирликларнинг энантиосемик маънода воқеланиш имконияти билан ҳам боғлиқ экан. Буни олдинги бўлимда таҳлил қилинган *дори, гиёҳ сўзларининг “дори воситаси – оғу” ёки юқорида кўриб ўтилган фотиҳа, маърака сўзларининг “тўй – аза” маъновий муносабатлари асосида зидланишида кўриш мумкин*. Мазкур жихат номинатив энантиосемиянинг қуидаги қўринишида ҳам кузатилади.

Номинатив энантиосемия конверсив қарама-қаршиликка асосланган маънолар ўртасида ҳам юзага келади. Энантиосемик сўз маънолари конверсив қаршиланишни намоён этганда, муайян ҳаракат-ҳолат бир пайтда икки киши томонидан бажарилади, бир ҳаракатнинг амалга ошиши иккинчи ҳаракатни тақозо қиласи ва субъект-объектли муносабатда бўлади: бир ҳолатда ҳаракат бажарувчиси бўлган шахс иккинчи ҳолатда унинг обьекти мақомида бўлади. Масалан, *ижара сўзидан ясалган ижарачи сўзининг “уйжойини, ерини ёки нарсаларини (фойда эвазига) ижарага берувчи” ва “уйжой, ер ёки нарсаларни вақтинча ижарага оловчи” номинатив зид маънолари ўртасида конверсив муносабатли энантиосемия мавжуд*. Мазкур маъноларнинг юзага келишида асос сўз (ижара)нинг ҳар икки маъноси – “бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига бериш” ва “бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига олиш” ҳам иштирок этган, ҳатто асос сўздан конверсив қарама-қаршилик ҳам сақланган. Бунда *ижара* сўзи семемаларидағи “бериш” ва “олиш”, *ижарачи* сўзи семемаларидағи “берувчи” ва “оловчи” семалари зидлигини юзага келтирган. *Ижара, ижарачи* сўзларидаги бу жихат ўзига хос “семантик аксланиш”<sup>51</sup> дир. Қиёсланг: *Бу ерга келиб, бир нўгой кампирнинг уйига жойлашдим. Нўгой кампирникида мендан бошқа*


<sup>51</sup> Семантик аксланиш ҳодисаси ҳакида батафсил қаранг: Тихонов А.Н., Пардаев А.С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия. – Ташкент, 1989.

*Хайридин деган бир йигит ҳам бор эди. Ижарачи нўгой кампир бизларни назорат қиласди* (Ш.Исмат. Тазарру); – Аслида, ҳужра уники, мен эсам бир ижарачи эдим, – деди (Мирзакалон Исмоилий. Фаргона тонг отгунча).


Ўзаро олди-берди муносабатини кўрсатувчи бу каби қарама-қарши маъноли сўзлар фақат ўзбек тилида эмас, бошқа тилларда ҳам мавжуд. Масалан, *louer* сўзи француз тилида “ижарага олмоқ” ва “ижарага бермоқ” маъносини англатади<sup>52</sup>. Демак, “олди-сотди” муносабати номинатив энантиосемия бу типининг юзага келиши учун муҳим манба ва бунда сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги конверсив муносабат маъновий қарама-қаршиликка сабаб бўлади. Аслида, бу ҳолат алоҳида-алоҳида тушунчалар бўлган “сотувчи” ва “харидор”ни нутқда бир сўз билан ифодалаш – тилдаги тежамкорлик тамойили ва албатта, сўзниң маъно тараққиёти билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, турли лингвомаданиятларда тушунчаларнинг энантиосемик тарзда қаршиланиши (ижарачи – *louer*) мазкур маъновий ўзгаришлар юзасидан ҳам лингвокультурологик тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Бу семасиология соҳаси учун янги назарий хулосалар бериши мумкин.


Комплемантар, контрап ва конверсив энантиосемикликдаги қаршиланаётган маъноларнинг ўзаро муносабатини қуйидаги чизмалар орқали ҳам кўрсатиш мумкин:



комплементар



контрап



конверсив

### 3.2-чизма.

Хуллас, зид маъноларнинг сўзниң номинатив маънолари ўртасида бўлиши – бирор нарса-ходиса, белги ёки ҳаракат-ҳолатнинг қарама-қарши томондан аталиши номинатив энантиосемиянинг белгиловчи жиҳатидир.

**Баҳоловчи энантиосемия.** Сўз борлиқдаги нарса-ходиса, белги ёки ҳаракат-ҳолат тўғрисидаги муайян тушунчаларни аташ билан бирга, унга қўшимча равишда, ижобий ва салбий баҳоларни ҳам намоён этади. Негаки “баҳо онг инъикос фаолиятининг энг муҳим жиҳати бўлиб”<sup>53</sup>, инсон когнитив

<sup>52</sup> Тринка Б. Замечания об омонимии / Пражский лингвистический кружок. – М.: Прогресс, 1967. – С. 274.

<sup>53</sup> Чернова М.А. Оценочный потенциал коллоквияльных прилагательных в современном английском языке // <http://www.jurnal.org/articles/2007/fill5.html>.

фаолиятининг асосини ташкил этади. Билишнинг ана шу қонуниятига ҳамоҳанг тарзда борлиқдаги ҳар қандай нарса-ҳодиса у ёки бу тарзда баҳоланади. Инсоннинг борлиқ ҳодисаларига бўлган бундай муносабати табиий равишда миллий тил призмасидан ўтганидан сўнггина лисоний бирликларда акс этади. Лисоний бирликнинг семантик структурасида маъно билан бирга субъектив баҳолар ҳам бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб тилшунослар сўзнинг мазкур жиҳати ва имкониятига муносабат билдириб, у ёки бу субъектив баҳо сўз маъносининг алоҳида компонентидир, деб таъкидлайдилар: “Баҳо сўз лексик маъносининг шунчаки оттенкаси бўлмай, сўз семантик структурасининг потенциал бўлагидир”<sup>54</sup>.

Субъектив баҳоларни сўзларнинг синонимик қаторида, айниқса, яққол кўриш мумкин. Масалан, *афт* ҳамда *чехра* сўzlари “одам бошининг олд қисми” маъносини англатиш билан бирга, салбий ва ижобий баҳоларни ҳам ифодалайди, яъни уларнинг ҳар бирига алоҳида баҳо хос ва бу хусусият ўзгармас: *афт* сўзи фақат салбий баҳо учун, *чехра* сўзи фақат ижобий баҳо учун қўлланади. Синонимик бирликлар ана шу жиҳати билан энантиосемик бирликлардан фарқланади. Бу бирликларнинг қандай баҳо ифодаси сифатида келганини ўша контекст доирасидагина аниқлаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида шундай сўзлар борки, улар мувофиқ нутқий вазиятларда ҳам ижобий, ҳам салбий баҳоларда намоён бўла олади. Бундай энантиосемия ижобий баҳоли сўзнинг салбий, салбий баҳоли сўзнинг ижобий баҳода, шунингдек, нейтрал баҳоли сўзнинг ижобий ёки салбий ифода билан воқеланишига ҳам асосланади. Мазкур баҳолар қаршиланиши ўзида энантиосемиянинг алоҳида бир кўринишини намоён этиб, тилшуносликда нутқий ёки эмоционал баҳоли энантиосемия деб аталади<sup>55</sup>. Аммо, бизнингча, уни *субъектив-баҳоловчи* энантиосемия деб номлаш маъқул. Негаки сўзловчи мулоқот жараёнида нафақат объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни аташга, шу билан бирга, ўзининг мулоқот предметига бўлган субъектив баҳосини ҳам билдиришга интилади.

Нутқий энантиосемиянинг бир тури бўлган субъектив-баҳоловчи энантиосемиянинг пайдо бўлишида ирониянинг иштироки жуда муҳим. Масалан, ирония бир қатор ундов сўзлар семантикасидаги субъектив баҳони қарама-қарши томонга ўзгартириб юборади. Бундай ундовлар сирасига

<sup>54</sup> Виноградов В.В. Русский язык: грамматическое учение о слове. – М., 1972. – С. 203.

<sup>55</sup> Литвинова Л.Е. Эмоционально-оценочная энантиосемия // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – № 2 (13). – Тамбов: Грамота, 2012. – С. 88; Новиков Л.А. Кўрсатилган асар. – Б. 231-240.

*балли, баракалла, тасанно, офарин, оббо кабиларни киритиш мумкин. Жумладан, “маъқуллаш, тасдиқлаш”, “таҳсин” (ЎТИЛ) маъносини билдирадиган балли сўзи мувофиқ контекстда “норозилиқ, кесатиқ” (ЎТИЛ) маъносини намоён этади. Қиёсланг: **Ижобий субъектив баҳо; таҳсин:** – Демак, биз илгари ҳеч ким бормаган сайёрага кетяпмиз, шундайми? – Тўппатўғри, қизим. Ақлинга балли (Ҳ.Шайхов. Биринчи синов). **Салбий субъектив баҳо; танбех:** Гўшт қўтариб йўлакдан кирган Солиҳ маҳдумнинг кўзи Раъононинг шу ҳолига тушибди: – Балли, Раъно, ана жиннилик! – деди маҳдум. – Атлас кўйлак сенга ҳайф! (Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён).*

Субъектив-баҳоловчи энантиосемияда сўзловчи ўзининг коммуникатив-ситуатив мақсадига кўра сўзни окказионал баҳода қўллайди, натижада айни баҳо шу сўзнинг узуал баҳосига зид тарзда воқеланади. Ана шу баҳонинг ифода юки – таъсир кучи ҳам узуал баҳонинг худди шу жиҳатидан ортиқ бўлади. Юқорида келтирилган *балли* сўзининг норози муносабат ифодалагандаги кўринишида ана шундай субъектив юк (ифода) мавжуд. Бу сўзнинг окказионал баҳо ифодалагандаги интонацияси ҳам узуал баҳо интонациясидан фарқли.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, субъектив-баҳоловчи энантиосемиянинг юзага келишида ижобий баҳонинг салбийлашуви кўп учрайди. Масалан, қуидаги мисолларда ижобий баҳоли *баракалла* сўзи салбий баҳода, яъни “таҳсин”га зид “танбех” ифодаси сифатида намоён бўлган. Қиёсланг: Баракалла. **Ижобий субъектив баҳо:** Гапираверинг, ўғлим, баракалла, – деди Оқсоқол шоир (Эркин Аъзам. Шоирнинг тўйи); **Салбий субъектив баҳо:** Сен ана шунақасан, дўстим!.. Одамнинг кўзи олдида пичоқ, ўтмас пичоқ ўйнатиб туришини яхши кўрасан, шундан завқ, лаззат оласан. Қиёфанг, асл моҳиятинг шу сенинг! Баракалла, сенга! (Эркин Аъзам. Жавоб).

Шунингдек, *тасанно* сўзи баҳолари ўртасида ҳам юқоридаги сингари энантиосемия воқеланади. Қиёсланг: **Ижобий субъектив баҳо:** Мен унинг шеърларини ўқидим, ўқидим-у аввалроқ ўқимаганимга бисёр афсус ҳам надоматлар чекдим ва айтдимки, тасанно, эй ўзбек қизи, тасанно, эй дилкаш ва дилбар қиз, назокатингга балли! (Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор); **Салбий субъектив баҳо:** – Институтни битирдингиз, биолог бўлдингиз, шу домлам менга сабоқ берган эди-ку, – деб бирон марта зиёрат қилмадингиз. Диссертация ёқладингиз, банкетингизга таклиф этмадингиз. Ҳа, энди домлангиз хаёлингиздан қўтарилганда-а! Тасанно! (Ў.Хошимов. Домланинг айтганини қил...).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *оббо* сўзи баҳолари ўртасида ҳам қаршиланиш мавжуд. Яна қиёсланг: – *Муни отгин-да, хўш, қандай қилиб, масалан, одам ўлдирганингни айтиб бер-чи.* – *Оббо,* – деди Мансур чиндан-да гашланиб. – *Яна ўша гап!* (Ш.Холмирзаев. Озодлик); – *Тузуксан-ку, қизим?* – деди фахр билан Юсуф ака. – *Мен буни раисга айтаман.* – Ҳозир керак эмас, – деди Самад. – *Оббо қизим-ей, оббо қизим-ей, тузуксан-ку! Юсуф ака севинчини яширмай, алламаҳалгача ёшлиарнинг олдида ўтироди* (Ў.Умарбеков. Одам бўлиш қийин).

Шунингдек, *оҳ, эҳ, вой, доð* каби ҳис-ҳаяжон ундовлари ҳам қаршиланган баҳоларни намоён этади. Масалан, *оҳ* ундови ижобий субъектив баҳо билдирганда “қувонч”, “завқ-шавқ”нинг (*Оҳ, бу жодули кўзлар! Сузилиб, bemisл ҳузур сари чорлаётган бу кўзлар ҳар нечук бағни ўртаб юбормоғи тайин эди* (Наби Жалолиддин. Умар Хайём), салбий субъектив баҳода қўлланганда эса “хафалик, ҳасрат”нинг (– *Пушти-паноҳимиздан айрилганимиз ростми? Оҳ, бевафо дунё!* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар) ифодаси бўлиб келади.

Баҳолар қаршиланиши эҳ ундови орқали ҳам воқеланади. Қиёсланг: **Ижобий субъектив баҳо (завқ-шавқ, қувонч, шодлик):** *Ям-яшил ўтов ичра ясаб бир ҳужра, Кўйсанг агар патефон.* Эҳ... *роҳатижон* (Хайриддин Салоҳ); **Салбий субъектив баҳо (афсусланиш, ачиниш, ўкинч):** *Эҳ, тортган азобларини гапириб берсалар, юракларингиз эзилиб кетади.* (Ў.Умарбеков. Севгим, севгилим...).

Баъзан ижобий баҳонинг салбийлашуви билан ҳосил бўладиган энантиосемия билан номинатив энантиосемия қориштирилади. Масалан, ирония иштироки билан сўз қарама-қарши маънода намоён бўлганда, уни субъектив-баҳоловчи энантиосемия деб тушунилади<sup>56</sup>. Бунда маънолар зидланиши билан баҳолар қаршиланиши фарқланмайди. Масалан, *тақдирламоқ* сўзининг “жазоламоқ” маъносида намоён бўлишини субъектив-баҳоловчи энантиосемия деб бўлмайди, чунки сўзининг узуал маъноси ҳам, окказионал маъноси ҳам ҳаракатни номламоқда. Қиёсланг: *Энагаларнинг ҳар бири марварид шодалари, бош-оёқ саруполар билан тақдирланди* (П.Қодиров. Авлодлар довони); *Бу сафар Ботировнинг “жинояти” ўн бир йиллик қамоқ билан “тақдирланган”* (Тоҳир Малик. Шайтанат). Бу каби ҳолатларни субъектив-баҳоловчи энантиосемиядан фарқлаш керак. Энантиосемиянинг мазкур кўриниши юзага келиши учун зидлик, албатта, баҳолар ўртасида бўлиши шарт.

<sup>56</sup> Смоленская С.С., Давыдов М.В. Кўрсатилган мақола – Б. 65-71.

Нутқда салбий баҳога эга сўзнинг ижобий баҳо олиши ижобий баҳога эга сўзнинг салбий баҳо олишига қараганда кам учрайди. Қуйидаги контекстдаги “қуриб кеткур, қургур”, “лаънати, савил” (ЎТИЛ) маъноларини англатадиган зангар сўзи салбий эмоционал муносабат – “сўкиш”ни эмас, балки ижобий эмоционал муносабат – “эркалаш”ни ифодалаганда салбий баҳонинг ижобийлашуви рўй берган. Қиёсланг: – *Ўртага бир зум сукунат чўкди.* – *Туҳмат қилма! Зангар!!!* – *Туҳмат бўлса тош боссин* (Назар Эшонқул. Ажр); *Чойхоначи бошини қимирлатди.* – *Оббо зангар-ей!* Эпчил экан-да? (Ў.Умарбеков. Баҳор).

Ўзбек тилидаги кўплаб салбий баҳоли сўзларга модал оттенкали ундов шаклларнинг қўшилиши билан бу сўзлардаги салбий ёки вульгар ифода ўрнига ижобий ифода юзага келади. Масалан: *Шунаقا дедими? Нега, деб сўрамадингизми сиз ҳам? Вой, шайтон-ей, вой, жиннивой-ей!* Лекин ўзи яхши қиз, кўнгли очиқ (Эркин Аъзам. Байрамдан бошқа кунлар).

Кўпгина какофемизмлар, хусусан, *баттол, хумпар* каби сўзлар ижобий муносабат ифодаси сифатида ҳам қўлланади. Масалан, “*Шодликдан Аёззоданинг нафаси бўғзига тиқилаётди:* – *Оббо баттол-ей, охир иуддалабди-да? Иш дегани мана мундоқ бўпти! Яшишавор, мушук!* Ўн офарин, юз офарин, минг офарин! (Анвар Обиджон. Кезаргон Бойчечак)” контекстида *баттол* сўзи орқали салбий муносабат – баҳо ифодаланмаган. Контекстдан англашилиб турганидек, сўзловчининг нутқ обьектига бўлган муносабати ижобийдир. Аммо “*Қутидор ўз томонидан ҳам изоҳ бериб чиқди:* – *Мен билан Отабекни қаматиб дор остига юборгучи, ...Комилбекни ўлдиргучи, уйимиз орқасини тешиб, Қумуши қасдида бўлгучи — ҳаммаси ҳам шу баттол Ҳомид экан* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар)” контекстдаги *баттол* сўзида эса салбий баҳо мавжуд.


### 2.3. Тўлиқ ва қисман энантиосемия

Тадқиқотларда симметрик ва асимметрик энантиосемия фарқланади<sup>57</sup>. Биз ҳам зидланаётган семемаларнинг интеграл ва дифференциал семаларда тўлиқ ёки қисман мувофиқлиги, бир ёки икки мавзуй муносабатга алоқадорлиги, бевосита ёки билвосита зидланиши, лексик қуршовининг бир ёки икки хиллигидан келиб чиқиб, тўлиқ ва қисман энантиосемияни фарқладик. Энантиосемияни мазкур мезонлар асосида тадқиқ қилишда маъновий қаршиланишнинг тўлиқ ёки қисман эканлигини кўрсатиш мақсадида уни тўлиқ ва қисман энантиосемия деб номлашни маъқул кўрдик.

<sup>57</sup> Острикова Г.Н. Кўрсатилган автореферат. – Б. 58.

**Тўлиқ энантиосемия.** Тўлиқ энантиосемия интеграл ва дифференциал семаларда тўлиқ мувофиқликни, бир мавзуй муносабат остида қаршиланишни, бевосита зидланиш ва лексик қуршовнинг бир хил бўлишини тақозо этади. Масалан, ҳар замон сўзининг маънолари ўртасида шундай энантиосемиклик мавжуд. Эски ўзбек тилида эса ҳозирги маъносига қарама-қарши бўлган “тез-тез, дам-бадам” маъносида қўлланган: *Кўзумдин ҳар замон юлтек фаровон Висолинг орзусиндин кўп оқар қон* (Хоразмий. Муҳаббатнома). Кейинчалик сўзнинг семантик структураси “ҳар доим, ҳамиша” маъноси билан кенгайган: *Юлдузлардан юлдуз бўлиб кўринса замин, Мехр тилай ва осойиши тилай ҳар замон. Қайдо адо бўлса менинг нотавон жиссими, Руҳим айтар: ота юртим, сен бўлгин омон!* (Эркин Воҳидов. Умрим дарёси). ЎТИЛда ҳозир унинг “гоҳо-гоҳо, аҳён-аҳёнда” маъносини англатиши айтилган. Ҳар замон сўзининг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлган “гоҳо-гоҳо, аҳён-аҳёнда” ва “ҳар доим, ҳамиша” маънолари бир мавзуй муносабат, яъни пайтга хос икки зид маъноларни англатади. Мавзуй муносабатнинг бир хиллиги лексик қуршовнинг ҳам бир хил бўлишини таъминлайди ва зидликнинг яққол кўринишига олиб келади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги чилла сўзи “энг совуқ қирқ кун” ва “энг иссиқ қирқ кун” семемаларига эга. Қиёсланг: Чилла чиқишига оз қолган бўлса ҳам кутмалмаган бу совуқ қалин қор олиб келди (Ўлмас Умарбеков. Ҳотамтой); *Икки юздан ортиқ чўпон қишин-ёзин саратонни саратон демай, чиллани чилла демай, офтоб тигида куйиб, чўл бўйлаб қўй ҳайдашади* (Сайд Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда”). Бу семемаларда интеграл семалар – қирқ ва кун, дифференциал семалар совуқ ва иссиқdir. Интеграл семалар семемаларнинг ўзаро боғлиқлигини, дифференциал семалар қаршиланишни кўрсатади. Чилла сўзи семантик ўқининг бир қутбида “совуқ”, иккинчи қутбида “иссиқ” семасининг туриши зидланишнинг ўзаро тенглигини, сўзнинг маъновий марказига бир хил муносабатдалигини билдиради.



**3.3-чизма.**

Ушбу 3.3-чизмадаги тўғри чизик – сўзнинг семантик ўқи. X ва Y – сўзнинг зид маънолари. Ўзида тўлиқ энантиосемияни намоён этган ҳар

қандай бирлик маънолари ушбу чизмага тушади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги ўр лексемаси ҳам “ер юза қисмига нисбатан паст” ва “ер юза қисмига нисбатан баланд” (ЎТИЛ) семемалари билан ўзида тўлиқ қаршиланишин намоён этади. Мазкур бирликнинг умумий семаларига “ер”, “юза”, “қисм”, “нисбатан”, фарқли семаларига “паст” ва “баланд” киради ҳамда сўз семантик ўқининг бир томонида “чуқурлик” ва иккинчи бир кутбида эса “тепалик” семеси жойлашади. Қиёсланг: *Фронт орқасида ўр қазиб тургандা, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуши чиқариб ёрилади* (Абдулла Қодирий. Обид кетмон); *Ўзига қолса, шаҳар деб, қир ошиб, ўр ошиб ўтирумасди-ю...* (Н.Норқобилов. Бекатдаги оқ уйча). Бундай тил бирликларнинг маънолари ўртасидаги мувофиқ маъновий зидлик ҳар қандай контекстда ҳам сақланиб қолади.

Тўлиқ қаршиланишига асосланган энантиосемик бирлиқдаги маънолар зид бўлса ҳам, аммо умумий семалари сабаб улар ўртасида семантик боғлиқлик бўлади. Ана шу боғлиқлик икки қарама-қарши маънони ўз атрофида бирлаштиради. Айни пайтда, мазкур умумий муносабатдорлик қарама-қарши муносабатга киришаётган семемаларнинг бир-бирини инкор этишига ҳам тўсқинлик қилмайди. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган чилладаги “совук” мантиқан “иссиқ эмас” деган инкорни, “иссиқ”, ўз навбатида, мантиқан “совук эмас” деган инкорни, ўр сўзидағи “паст” “баланд эмаслик”ни, ўз навбатида, “тепа” “паст эмаслик”нинг инкорини кўрсатади. Қолаверса, бу семалар семена ҳолида ҳам муайян фасл ёки ўринжойнинг икки хил белгисини, яъни “йилнинг бошқа даврига нисбатан совук” ва “йилнинг бошқа даврига нисбатан иссиқ” ёки “ер сатҳига нисбатан паст” ҳамда “ер сатҳига нисбатан баланд” маънолари яхлит бири иккинчисини инкор этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, чилла сўзи маъноларида иссиқлик ва совуклик белгисининг ёз ва қиши фаслининг бошқа кунларидаги ҳаво ҳарорати даражасига нисбатан меъёрдан ортиқ эканлиги кузатилса ҳам, мазкур белгининг ҳар икки маънода ҳам бир хиллиги сабаб симметрик муносабат бузилмаган. Агар белгининг меъёрдан ортиқ эканлиги зид аъзоларнинг бирида мавжуд бўлгани ҳолда иккинчисида мавжуд бўлмаса, маънолар кўлламининг ўзаро мувофиқлиги бузилади ҳамда симметрик энантиосемия ўрнига асимметрик энантиосемия юзага келади.

Чилла сўзидағи айни қарама-қарши маънолар, кўпинча, қиши, ёз сўзлари билан бирга кўлланиб юзага чиқади. Албатта, бу полисемияга хос жихат бўлиб (энантиосемия – полисемиянинг маҳсус кўриниши), полисемантик

сўзнинг қандай маънода воқеланишини нутқий вазият аниқлаштиради. Баъзан бундай калит сўзлар бўлмаганда контекстда “киш” ёки “ёз” тушунчасига ишора қилувчи бирор сўз бўлади. Масалан: *Биринчи қор тушганида бинонинг пойдевори қўйилиб, девор ердан одам бўйи кўтарилган эди. Чилла кирди.* (Тоҳир Малик. Фалак); *Мен чилла дея атамии дўзахдан ана шу ажинларим остида жон ҳовучладим* (Тофай Мурод. Отамдан қолган далалар). Биринчи контекстда қор сўзи ва иккинчи контекстда дўзах сўзи чилла сўзининг қайси маъноларда намоён бўлаётганига ишора қилиб туради. Мазкур маъновий зидлик бир умумий мавзу – пайтнинг қарама-қарши томонларини кўрсатади.

**Қисман энантиосемия.** Лексик бирликнинг қаршиланаётган маънолари баъзан бир-бирига мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Бунда муайян тил бирлигига мавжуд бўлган қарама-қарши маънолар ўртасида номутаносиблиқ, яъни асимметрия кузатилади. Тўлиқ энантиосемияда сўздаги интеграл ва дифференциал семалар қисман мувофиқ келади, турли мавзуй муносабатни билдириб, бевосита зидланмайди, лексик қуршови ҳам ҳар хил бўлади. Шунингдек, қаршиланаётган маъноларнинг қўлланилиш даражаси ҳам ҳар хил бўлади.


Тўлиқ энантиосемияда зид маънолар бир мавзуда бўлса, қисман энантиосемия қарама-қарши маънолар бир умумий мавзу остида бўлмаганда юзага келади. Масалан, *суртмоқ феълининг “бирор нарсани қўлга, юзга ёки маълум бир жойга суртмоқ” ва “артмоқ, артиб тозаламоқ”* (ЎТИЛ) маънолари ана шундай энантиосемикликни кўрсатади: *Ёшлигимда кўп касал бўлганман... Ўшанда ичган, суртган дориларим эсимда қолган* (Мирзакалон Исмоилий. Фарғона тонг отгунча); *Гўрўғли қандай таом бўлмасин, еб бўлгандан кейин, агар сув ўрнига заҳар ичса ҳам, шу рўмол билан оғзини суртса, еган ичгани баданига мойдай эриб, сингиб кетар эди* (“Гулшанбог’’). Биринчи контекстда дори воситасини қабул қилиш ҳақида сўз боради, иккинчи контекстда эса у ёки бу нарсани артиб ташлаш тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу суртмоқ сўзи англатаётган маъновий зидликнинг бир мавзу остида эмаслигини кўрсатади.

Қисман энантиосемияда сўздаги интеграл ва дифференциал семалар қисман мувофиқ келади, турли мавзуй муносабатни билдириб, бевосита зидланмайди, лексик қуршови ҳам, қаршиланаётган маъноларнинг қўлланилиш даражаси ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, қолмоқ сўзининг “бор бўлмоқ, мавжуд холатда бўлмоқ” (*Ёнимда юз сўм пул қолди*) ҳамда “барҳам топмоқ, йўқолмоқ” (*Аввалги йўталишилари қолди*) (ЎТИЛ) маънолари ўртасида икки хил мавзудаги қарама-қарши муносабат бор. Бир қараашда

мазкур маънолар ўртасида мазмуний номувофиқлик йўқдек. Аммо биринчи маъно “маблағнинг кам қолган бўлса ҳам, борлиги”, иккинчи маъно “касалликнинг барҳам топгани” ҳақида. Агар маънолардан бири “маблағнинг борлиги”, иккинчиси “маблағнинг йўқлиги”ни ёки “касалликнинг мавжудлиги” ва “касалликнинг барҳам топгани”ни англатганда эди, тўлиқ энантиосемия юзага келар эди.

Ҳозирги ўзбек тилидаги чиқмоқ сўзининг “вужудга келмоқ, пайдо бўлмоқ” ва “тамом бўлмоқ, тугамоқ” маъноларида ҳам бир мавзу доирасида бўлмаган қисман энантиосемия бор. Қиёсланг: *Машинанинг “Матиз” деган янги хили чиқибди* (ЎТИЛ); *Чилла чиқиб, кун анча салқинлашиди* (Тоҳир Малик. Савоҳил).

Ҳозирги ўзбек тилидаги қори сўзи семантикасига ҳам қисман энантиосемия хос. Маълумки, бу сўз “Куръонни қироат билан ўқийдиган киши” ҳамда “кўзи ожиз бўлган, кўр киши” маъноларини англатади (ЎТИЛ). Диққат қилинса, сўзининг биринчи маъносидан яна бир қўшимча маъно – “кўра оладиган (кўзи ожиз бўлмаган) киши” англашилади. Ана шу маъно билан сўзининг иккинчи маъноси ўзаро зидланади. Бироқ айни қўшимча маъно иккинчи маъно билан тўғридан-тўғри эмас, “Куръонни қироат билан ўқийдиган киши” маъносидан келиб чиқиб зидланади. Демак, мазкур маънолар ўртасида энантиосемия юзага келганда, сўз семантик ўқининг бир томонида иккита, бошқа томонида битта маъно бўлади. Қиёсланг: – *Келинг, қори, қандай шамол учирди? – деди Асадбек, фотиҳа ўқилгач* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Таёқ йўл кўрсатар аъмо қорига, Ул ҳам кўнган қисматида борига* (Эрали ва Шерали). Кўринадики, биринчи контекстдаги қори сўзига “Куръонни қироат билан ўқийдиган киши” маъноси билан бирга “кўра оладиган (кўзи ожиз бўлмаган) киши” маъноси ҳам хос. Иккинчи контекстдаги қори сўзида эса “кўра олмайдиган (кўзи ожиз, кўр) киши” маъноси мавжуд. Мазкур маъновий зидликни В.Кравцова тавсия этган чизмада ҳам кўриш мумкин<sup>58</sup>.



“кўра оладиган киши”      Куръонни қироат билан “кўра олмайдиган киши”      ўқийдиган киши”

### 3.4-чизма.

<sup>58</sup> Кравцова В.Ю. Кўрсатилган диссертация. – Б. 62.

Бунда 0 белгиси – сўз семантик ўқининг маркази. “Кўра оладиган киши” маъноси сўз семантик марказидан узоқда – “Куръонни қироат билан ўқийдиган киши” маъносининг орқасида қолган. Бу энантиосемикликнинг яққол кўринишига тўсқинлик қилган.

Буни компонент таҳлил асосида аниқлайдиган бўлсак, “киши” – умумий сема, “кўра оладиган” ва “кўра олмайдиган” фарқли семалардир. Бу ҳолат зид маъноларнинг мувофиқлигини, умумий ва фарқли семаларда мослигини кўрсатади. Айни пайтда, бир умумий мавзу остида муносабатни, яъни “кишининг кўриш қобилияти” мазмунини ифодаламоқда. “Куръонни қироат билан ўқийдиган киши” маъноси контекстга кўра у ёки бу қутбдан жой олиши мумкин. Аммо “кўра оладиган киши” маъносининг “кўра олмайдиган киши” маъноси билан бевосита эмас, билвосита қаршиланиши энантиосемиянинг яққол кўринмаслигига, симметрик муносабатнинг бузилишига олиб келган. Шунингдек, “кўра олмайдиган киши” маъносининг ўз зидига нисбатан сўз семантик марказидан узоқда жойлашиши энантиосемиянинг асимметрик табиатли эканлиги яна бир бор исботлайди. Албатта, бу контекст ёрдамида аниқланади. Демак, симметрик энантиосемияга хос хусусиятлардан бирининг мавжуд эмаслиги ҳам мувофиқ маъновий зидликнинг юзага келишига йўл қўймайди.

Қисман энантиосемиянинг пайдо бўлишида лексик қуршовнинг ҳар хиллиги ҳам сабаб бўлади. Масалан, урмоқ сўзининг “бузмоқ” маъноси қирғоқ, тўғон, “курмоқ” маъноси девор сўзи билан бириккандагина юзага чиқади. Қиёсланг: *Бу йилги сел бугун сойнинг у томонини олса, эртасига бу томонини уриб кетаверди* (Й.Шамшаров. Кўрк меъморлари); *Куда, мана шу деворни поччангиз урган* (Абдулла Қаҳхор. Аяжонларим). Кейинги маънонинг фақат девор сўзи билан бирикиб намоён бўлиши унинг “курмоқ” маъносида воқеланиш имкониятининг чегаралангандигини кўрсатади.

Айтиш керакки, тил тарихий тараққиётининг аввалги бир босқичида симметрик энантиосемияни намоён этадиган ҳордиқ сўзида ҳам урмоқ сўзи сингари танлаб бирикиш хусусияти мавжуд бўлган бўлиши табиий. Ўз навбатида, вақт ўтиши билан урмоқ сўзининг семантик-синтактик бирикиш имконияти ҳам кенгайиши ва узуаллик касб этиши мумкин.

## 2.4. Синхроник ва диахроник энантиосемия

Ўзбек тилида ҳам синхрон ва диахрон энантиосемик бирликлар талайгина бўлиб, улар турли лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида юзага келган. Дастлаб синхроник энантиосемияни кўриб ўтамиз.

**Синхроник энантиосемия.** Бундай энантиосемиянинг юзага келиши, аввало, сўзниң маъно тараққиёти билан боғлиқ. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *бош* сўзи семантик структурасининг кенгайиши натижасида қарама-қарши маънолар ҳам пайдо бўлган. ЎТИЛда унинг йигирма маъноси берилиб, шу маъноларнинг ўн бешинчиси сифатида “чўзиқ, давомли, бўйли нарсалар, жой, майдонларнинг бошланиш жойи” ва “шу каби нарса ва жойларнинг охири, этаги” маънолари қайд этилган (II жилд. Б. 334). Диққат қилинса, мазкур лисоний бирлик маъноларида “бошланиш жойи” ҳамда “охири, этаги” семалари энантиосемияни юзага келтиради. Қиёсланг: *У йўл бошидаётқандеганидан, муддаосига етадолмаганидан аламда* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Кўлимдан келса, сени бу йўлдан қайтарардим*. Энди қайтариб бўлмайди. *Йўл бошига бориб қопсан. Яна озроқ юрсанг, тубсиз жар ёқасидан чиқасан* (Саид Аҳмад. Жимжитлик).

Синхроник энантиосемия турли тилларда ўзига хос йўллар билан ҳосил бўлади. Масалан, рус, немис, инглиз ва бошқа тиллар учун сўз ясовчи олд қўшимчалар билан синхрон қутбланган маъноларнинг юзага келиши унумли ҳодиса, дейилади<sup>59</sup>. Ўзбек тилида эса ундей эмас. Тилимизда синхроник энантиосемия сўзниң маъно тараққиёти, сўзларнинг лексик-сintактик алоқаси ва сintактик қуршови, сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади ҳамда субъектив муносабати натижасида юзага келади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги бир қатор сўзлар ижобий ва салбий баҳоларга эгалиги билан ҳам синхроник энантиосемияни намоён этади. Масалан, *галати* сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий баҳода воқеланиши мумкин. Қиёсланг: *Домла галати одам эди. Кўпчилик уни орқаворотдан “индамас домла” деб атарди*. У яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бирдек лоқайд эди (Саид Аҳмад. Сароб); *Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юкларни машинадан тушираётганда Қурбонбой бир гап айтиб қолди: – Сизга энди им лозим, ўртоқ Тиллаев, им уйнинг савлати бўлади. Албатта, им боқинг. Ўзим галатисини топиб бераман* (Саид Аҳмад. Қоплон).

Синхроник энантиосемия тилнинг бир давридаги сўз қарама-қарши маъноларига асосланиши, ўз навбатида, бир масалага ойдинлик киритишни

<sup>59</sup> Горелов И.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 86-96.

тақозо этади. Маълумки, шева сўзлари ҳам адабий тил билан бир даврда амалда бўлади. Бу эса лексик бирлик маъносининг синхрон ёки диахронлигини ажратишида халал беради. Шундай экан, тилнинг бир даврида сўзнинг адабий тил ва шевада ўзаро қарама-қарши маъноларга эга бўлишини синхроник энантиосемия дейиш мумкинми? Бизнингча, энантиосемик сўзларнинг синхрон ва диахрон табиатини белгилашда фақат адабий тил меъёр қилиб олиниши керак. Чунки сўздаги баъзи эскирган маънолар тил тарихий ҳолатининг унсури сифатида айрим шеваларда сақланиб қолади. Энантиосемик сўзнинг шевадаги маъноси тилнинг тарихий ҳолатига хос маъно бўлиб ҳам чиқади. Масалан, А.Ишаев олчоқ сўзининг Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида адабий тилдаги маъносига зид тарзда (“чаққон, эпчил, уддабурон”) ҳам қўлланишини айтиб ўтади<sup>60</sup>. Шу боис бундай сўзлардаги зидликни синхроник энантиосемия деб бўлмайди.

Шунингдек, тил тарихий тараққиётининг муайян бир даврида қарама-қарши маънони англатган, яъни ўша давр учун синхроник бўлган баъзи энантиосемик сўзлар айни маънолари билан бирга истеъмолдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк” асарида ўт сўзининг “даъво, дори” ва “захар, оғу” маънолари келтирилади: *от ічтім* – дори ичтим; *бәг аңар от берді* – бек заҳар берди (I жилд. Б.71). “Қутадғу билиг”да олинган қуйидаги парчада “дори воситаси” маъносида қўлланган: *bu səvdä kütänmiš bolur aj qadaš ot ičgü mejäsin arityu adaš* – эй ўртоқ, бу даҳшат кундан-кун кучайиб бормоқда, у дори ичиб тозаланиши керак (ҚТЛ. – Б. 14). Айни маънода “Хибатул-хақойиқ” асари тилида ҳам учрайди: *Бахиллиқ ўталап ўнгланмас йиг ул, Беримдин баҳил элги кед берклик ул* (Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир. Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун ёпиқдир)<sup>61</sup>. Бу ўша даврга хос синхрон энантиосемиклик бўлгани ҳолда тилнинг ҳозирги даври учун диахроник энантиосемиядир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўт сўзининг “захар, оғу” маъноси ҳозирги турк тилида мавжуд<sup>62</sup>. А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” асарида ҳам ўт сўзи бир сўзнинг қарама-қарши маънолари сифатида тилимизнинг аввалги даврларидаёқ мавжуд бўлгани таъкидланади<sup>63</sup>.

<sup>60</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 71.

<sup>61</sup> Адабиёт. Академик лицейларнинг биринчи босқич ўқувчилари учун мажмуа. – Тошкент: Чўлпон, 2010. – Б. 106.

<sup>62</sup> Маҳмуд Н, Йаман Э. Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б. 111.

<sup>63</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Камолат-қатортол, 2000. – Б. 40.

Демак, синхроник энантиосемия моҳият-эътибори билан тилнинг муайян бир даврида, янада аниқроғи, ҳозирги даврида сўз маъноларида ўртасида юзага келган қаршиланишdir. Шундай хусусиятга эга бўлган энантиосемиянинг бошқа турлари ҳам синхроник энантиосемия мақомидадир.

**Диахроник энантиосемия.** Диахроник энантиосемия масаласи энантиосемиянинг ўзига хос ўрганилиш томонидир. Бу борадаги ишларда сўз маъносига тилнинг икки даври нуқтаи назаридан ёндашилади. Энантиосемияни диахрон планда ўрганиш масаласида ҳам бир қатор тадқиқотлар қилинган. Айниқса, Р.А.Будагов, В.Ю.Кравцова, Е.В.Шелестюк кабиларнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>64</sup>.

Диахроник энантиосемия тилнинг икки тараққиёт босқичида сўз маънолари ўртасида юзага келган зидланишdir. Бунда энантиосемик маънолардан бири, асосан, кейингиси тилда мавжуд бўлгани ҳолда дастлабки маъно турли нолисоний омиллар сабабли истеъмолдан чиқиб кетган, эскирган бўлади<sup>65</sup>. Масалан, *жиловдор* сўзида шундай ҳолат рўй берган. Маълумки, бу сўз тил тарихининг аввалги даврларида “жилов тутувчи хизматкор” (ЎТИЛ. Б. 87) маъносини англатган: *Дема, не эркин Навоийнинг жиловдор ўлмаги, Ваҳ, не эрким, ҳар неким ҳукм этса ул мирзо манга* (Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар). Айни маънода ҳалқ достонлари тилида ҳам учрайди: ... “*Ғам ема, умматим, – деди пайғамбар, – Остида дулдули, белда зулфиқор, Жиловида Бобо Қамбар жиловдор, Гамингда отланди Шоҳимардон тирлар...*” (Алпомиш).

Бугунги кунда хизматкорликнинг бу қўриниши йўқолганлиги сабабли мазкур тушунча ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд эмас, яъни маъно историзмга айланган. Шунингдек, *жилов* сўзи семантикасининг ҳозирги ўзбек тилида учрайдиган *жиловини тортиб қўймоқ*, *жиловлаб олмоқ* каби бирикмалардаги маъно ўзгаришига юз тутиши эски ўзбек тилидаги маънонинг ўрнига “бошлиқ, раҳбар”, “идора этувчи” (ЎТИЛ) маъносининг шаклланишига олиб келган. Масалан: У [Рахим Толипович] ҳозир ҳам *жиловдор*. Қайси куни бир мажслисда маърузага чиқди (ЎТИЛ).

Энантиосемиянинг диахрон томони сифатида сўзнинг нафақат тил тараққиётининг аввалги ва ҳозирги даври ўртасидаги зид маъноларини, шу билан бирга, аввалги икки даврида қарама-қарши маъноларни англатиб,

<sup>64</sup> Будагов Р.А. Кўрсатилган асар, 2003. – Б. 73-78; Шелестюк Е.В. Диахронический аспект энантиосемии. <http://shelestiuk.narod.ru/Publications.htm>.

<sup>65</sup> Яна қаранг: Прохорова В.Н. Кўрсатилган мақола, 1976. – Б. 157.

хозирда бундай белгисини йўқотган сўзларни ҳам тушуниш лозим. Шу маънода, қадимги туркий ва эски туркий тилидаги ёки эски туркий ва эски ўзбек тилидаги сўзнинг зид маъноларга эга бўлиши ҳам диахроник энантиосемиядир.

Энантиосемиянинг диахрон жиҳатига бағишлиланган ишларда унинг, асосан, икки хил тарзда юзага келиши таъкидланади: 1) аввалдан сўз семантик структурасида икки қарама-қарши маънонинг синкетик тарзда мавжуд бўлиши билан; 2) тилнинг тарихий тараққиёти давомида маънонинг қарама-қарши томонга ўзгариши билан<sup>66</sup>.

Бизнингча, тил тараққиётининг аввалги бир даврида сўзнинг қарама-қарши маъноларга эга бўлишини соф, тўлиқ диахроник энантиосемия деб бўлмайди. Негаки диахрониядаги энантиосемиклик моҳият-эътибори билан сўздаги қарама-қарши маънонинг тилнинг икки даврида намоён бўлишини тақозо этади. Баъзан диахронияни тилнинг тарихий ҳолати деб тушуниш туфайли тилнинг бир давридаги зид маънолилик ҳам диахроник энантиосемия тарзида баҳоланади. Бу каби сўзлар сирасига эски ўзбек тилидаги *озарм* сўзини киритиш мумкин. Ушбу сўз эски ўзбек тили даврида ёқ қарама-қарши “мехр-муҳаббат” ва “ғазаб” (ЎҚААҚЛ. Б. 249.) маъноларига эга бўлган. Қиёсланг: *Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолига шафқат ва марҳамат керак. Ва нафси тибга табъи мулойим ва ҳукамо қавлига пайрав ва мулозим. Сўзида рифқу дилжўйлуқ ва ўзиди озарму хушхўйлуқ* (Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб); *Алар хайлиниг хони Тўқвоб ўлуб, Уруши вақти озармдин тоб ўлуб* (Алишер Навоий. Садди Искандарий).

Мазкур энантиосемик маънолар тилнинг бир даврида мавжуд бўлгани боис ушбу зидликни синхроник энантиосемияга яқин бир ҳолат дейиш мумкин. Негаки диахроник энантиосемия сифатида тилнинг икки тараққиёт даврида сўз маъноларида юзага келган зидлик тушунилса, тўғри бўлади.

Диахроник энантиосемия ўз ва ўзлашма қатлам сўзлари асосида юзага келади ҳамда ўз қатламдаги диахроник энантиосемия ва ўзлашма қатламдаги диахроник энантиосемия тарзида фарқланади.

**1. Ўз қатламдаги диахроник энантиосемия.** Бундай энантиосемик сўзлар сирасига *оғмоқ* (ағмоқ) сўзини киритиш мумкин. Ш.Раҳматуллаев бу сўзни омоним сўз сифатида қайд этиб, унинг “увиб тушмоқ” ва “юқорига

---

<sup>66</sup> Яна қаранг: Шелестюк Е.В. Кўрсатилган манба; Wheelwright P. The archetypal symbol. // Perspectives in literary symbolism. V. 1. The Pennsylvania State University Press. University Park; London, 1968.

кўтарилимоқ” маъноларини қайд этади<sup>67</sup>. Аммо унинг этимологик лугатида оғмоқ сўзининг “увиб тушмоқ” маъноси берилгани ҳолда “юқорига кўтарилимоқ” маъноси берилмаган (ЎТЭЛ. I жилд. Б. 264). Ҳ.Дадабоев ҳам ағмоқ сўзини ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан омоним сўзлар сифатида тўғри талқин қиласди: “кўтарилимоқ, баландламоқ” маъносини ифодалашда *aғ I* феълидан фойдаланилган: бурун ағды “бурун (юқори) кўтарилиди” (Ш, 199)<sup>68</sup>. Ёки: *bu aj toysa ašni edi az toyar künpiňä bədijür joqaru adar* – ой янги чиққан пайтда жуда кичик (ингичка) бўлади, кунлар ўтиши билан катталашади ва юқорига кўтарилиди. (ҚТЛ. Б.16). Ушбу сўзининг омоними бўлмиш *aғ II* “ўзгармоқ, оқармоқ, рангизланмоқ (юз ҳақида)” маъносини билдирган.

Шунингдек, “Қадимги туркий луғат”да *aғ* (ағ) омоними ҳу шаклида ҳам берилган ва ҳу I – “кўтарилимоқ” (*bulit äydī* – булут кўтарилиди), ҳу II – “ўзгармоқ (юздаги)”, “оқармоқ” (*anij jüzi äydī* – унинг юзи оқарди) маънолари қайд этилган (ҚТЛ. Б.17-18). “Туркий тилларнинг этимологик луғати”да ҳам айни сўзининг “кўтарилимоқ” маъноси қайд этилган (Б. 68).

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида эса *aғiš* сўзининг “кўтарилиш” ва “оғиш” маъносини англатиши айтилади ҳамда бир сўз сифатида қайд этилади (I жилд. Б.93). Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарида ҳам мазкур сўзининг “юқорига кўтарилимоқ” маъносида кўлланганлигини кўриш мумкин: *Инигли агар ул, ағиғли инар, Яругли тунар ул, юриғли тинар* (Тубан юксалар, юксак эса тушар, Ёруғ кун тунар ҳам юрувчи тинар)<sup>69</sup>. “Қисаси Рабғузий”да ҳам айни маънода кўлланади. Масалан: *Rасул алайҳиссалом айди: “Эй Жаброил, бу соат на футиҳ келтурдуң?” Айди: “Кўклар қапуғи, ужмоҳлар қапуғи очилди. Ҳурлар юксакка оғиб, ниқоб юзлариндин кўтуруб, иликларинда нурдин табаклар олиб, санинг қутлуғ жонингга наззора қиласлинг теб туурлар”* (Рабғузий. Қисаси Рабғузий). Н.Муродов ҳам Мирза Маҳдиҳон Астрободийнинг “Санглоҳ” лугатида *ағмоқ* (оғмоқ) сўзининг “юқорига кўтарилимоқ” маъносини билдирганини қайд этади<sup>70</sup>. Шунингдек, бу давр тилида *ағмоқ* сўзи асосида *ағим* сўзи ҳам ясалган ва “тепалик” маъносини англатган: *bir ayt jer.* (ҚТЛ. Б.18). Ҳозирги ўзбек тилида *оғмоқ* феъли кўп маъноли бўлиб, ЎТИЛда ўнта маъноси қайд этилган. Демак, мазкур сўзининг эски туркий

<sup>67</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг туркий қатлами. – Тошкент: Университет, 2001. – Б. 324.

<sup>68</sup> Дадабоев Ҳ. Девони луготит турқдаги омонимлар хусусида / Ўзбек тилшунослиги масалалари. – № 2. – Қарши, 2012. – Б. 20.

<sup>69</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 36-37.

<sup>70</sup> Муродов Н. “Санглоҳ”даги баъзи феълларга доир / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 72.

тилдаги “кўтарилимоқ” ва ҳозирги ўзбек тилидаги “пастга томон харакатланмоқ, пастламоқ” маънолари ўртасидаги қаршиланиш диахроник энантиосемияни юзага келтирган.

Диахроник энантиосемия лисоний бирликнинг тил икки тараққиёт босқичидаги зид маънолари ўртасида ҳосил бўлар экан, энантиосемиянинг омонимияга муносабати масаласига алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки лисоний бирлик маъноларида диахроник энантиосемия пайдо бўлганда, омонимик муносабат юзага келади, яъни зид маънолардан бири эскиради, шу сабабли энантиосемик маънолар ўртасидаги боғланиш узилади. Бу, ўз навбатида, уларнинг омоним сўзларга тегишли бўлиб қолишига олиб келади. Кўринадики, бундай омонимиклик сўз ўзлаштирилиши билан ҳосил бўладиган омонимикликдан фарқ қиласди. Шундан келиб чиқиб, полисемантик сўзлар ўртасидаги маъновий боғлиқликнинг узилиши натижасидаги омонимиянинг икки хилини кўрсатиш мумкин: 1) турли хил, яъни қарама-қарши бўлмаган маънолар ўртасидаги боғлиқликнинг узилиши натижасида ҳосил бўлган омонимлар; 2) қарама-қарши маънолар ўртасидаги боғлиқликнинг узилиши натижасида ҳосил бўлган омонимлар. Биринчи тур омонимия *кун*, *дам*, *сузмоқ* сўzlари билан боғлиқ омонимия бўлиб, бу ҳодиса М.Миртоҗиев томонидан ўрганилган<sup>71</sup>. Иккинчи тур омонимияга эса юқоридаги *оғмоқ* сўзининг эски туркий ва ҳозирги ўзбек тилидаги маънолари ўртасидаги муносабатни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда одатий омонимия юзага келишидан фарқли тарзда оралиқ (биринчи ва учинчи маънолар орасидаги) маъно тушмаган, балки икки маънодан бири историзмга айланган. Кўринадики, ҳар икки тур омонимия, умуман, полисемия доирасида юзага келади, лекин бир хил эмас.

*Солмоқ* сўзида ҳам диахрон энантиосемикликни кўриш мумкин. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида “бирор нарсани бирор нарса ичига қўймоқ” маъносини англатади. Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек тилининг туркий қатлами” асарида мазкур сўз тилнинг қадимги даврида айни маъноси билан бирга “чиқармоқ” маъносини ҳам билдирганлигини қайд этади<sup>72</sup>. Бироқ шу муаллифнинг этимологик лугатида мазкур сўзининг қадимги туркий тилда “бирор нарсани бирор нарса ичига қўймоқ” маъносини билдириб, *сал-* тарзида талаффуз қилингани айтилгани ҳолда (ЎТЭЛ. I жилд. Б. 294.) сўзининг “чиқармоқ” маъноси негадир лугатга киритилмаган.

<sup>71</sup> Бу ҳақда қаранг: Миртоҗиев М. Кўрсатилган асар, 1975.

<sup>72</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 2001. – Б. 324.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ш.Раҳматуллаев *солмоқ* ва *оғмоқ* сўзларини омоним сўз сифатида тўғри талқин этади. Негаки мазкур сўзларнинг аввалги маъноси билан ҳозирги маъноси ўртасида боғланиш узилган. Зид маънолардан бири ҳозирги ўзбек тилигача етиб келмаган. Аммо *солмоқ* ва *оғмоқ* сўзлари семантик структурасига айни тадқиқот нуқтаи назаридан ёндашилса, улар омоним сўз эмас, балки диахрон энантиосемик сўздир.

Ўз қатламга мансуб яна бир энантиосемик сўз сифатида эсонлашмоқ (*esänläš*(*moq*)ни кўрсатиш мумкин. “Қадимги туркий лугат”да унинг *esänläš*-феълидан ясалгани ва “хайрлашмоқ” маъносини англатиши айтилади ҳамда қуийдаги байт келтирилади: *Kimüj qirqda kęcsä tiriglik jılı / esänlästi erkä jigitlik tili* (Кимники ёши қирқдан ошса, у билан ёшлик хайрлашади) (Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг). Ёки: *Sözin kesti qopti adaqin örü / esänlästi atlandi keldi bərii* (У сухбатни тўхтатди, ўрнидан турди, хайрлашди ва бошқа томон кетди) (Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг). ЎТИЛда мазкур сўзниң “ҳолаҳвол сўрашмоқ”; “саломлашмоқ” маъносини англатиши қайд этилган ва қуийдаги мисол илова қилинган: *Мен билан ийманиброқ, боши қимиirlatiб эсонлашиб қўя қолди* (Файратий. Узоқдаги ёр).

Ҳозирги ўзбек тилида “захар” ёки “заарли ичимлик” маъносида қўлланиладиган *сурма* сўзи (*Тўғри*, “фалончи ҳофиз фалончи ашулачининг чойига сурма қўшиб ичирибди”, деган гапларни кўп эшишган (Тоҳир Малик. Шайтанат) туркий тилларнинг қадим даврига оид бўлган “Ўғузнома”да “шароб, вино”, умуман, “ичимлик” маъносида келган: *Ўшул ўғул анасининг кўгузундун сўнг агузни ичип, мундун артиқроқ ичмади, ииг эт, сурма тилади* (Ўшал ўғил онасининг кўкрагидан оғиз сутини эмиб, бундан ортиқ (ҳеч ҳам эммади) ичмади; хом эт, шароб сўради).

Бундан кўринадики, “Ўғузнома” яратилган даврда ушбу сўзниң “захар” ёки “заарли ичимлик” маъноси бўлмаган ёки аралаш қўлланаверган. Агар сўз “шароб” маъносигагина эга бўлган бўлса, ундаги “захар”, “заарли ичимлик” маънолари – сўз семантик тараққиётининг маҳсули. Сўзда мазкур маънонинг пайдо бўлиши “шароб” тушунчасида мавжуд бўлган “аччиқлик” белгиси ёки шароб ичган кишининг маълум даражада “хушидан бегона бўлиши” каби маъно қирралари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

*Авақа* (авақа) сўзидаги диахроник энантиосемия ҳам ўзига хос. “Туркий тилларнинг этимологик луғати”<sup>73</sup>да *авақа* шаклида берилган бу сўзниң тўрт маъноси келтирилган: 1. Амаки. 2. Бобонинг акаси. 3. Бобо, чол. 4.

<sup>73</sup> Севорян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974. – С. 64-65.

Кексаларга нисбатан мурожаат шакли. ЎТЭЛда эса *обога* шаклида ёзилиб, унинг қадимги туркий тилда “ота” маъносини англатган *аба* ва “ака” маъноли *ага* сўзларидағи *а* унлиларининг сингишиб, бир унлига айланишидан ҳосил бўлган сўз эканлиги ҳамда “амаки” маъносини англатиши айтилган: *Обрўли обогалари ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар* (Ойбек). Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ҳам мазкур сўзининг “отанинг оға-иниси” маъносини англатиши айтилган. *Абага* сўзи эса қадимги туркий тилда “отанинг акаси” маъносини англатгани, кейинчалик маънода кенгайиш юз берид, “отанинг ака ва укаси ҳамда уларнинг ўғли” маъносини англата бошлагани таъкидланган (Б. 247). Агар сўзниң юқорида зикр этилган маънолари умумлаштириладиган бўлса, улар “ёши улуғ эркак қариндош” маъноси остида бирлашади.

*Авақа* сўзи ЎТИЛда *авага* тарзида берилиб, унинг *обога* шаклига ҳам эгалиги ҳамда “чевара”, “узоқ қариндош, чатишган қариндош” маънолари мавжудлиги қайд этилган (Б. 29, 75). Диққат қилинса, айни сўз тилнинг икки тараққиёт босқичида қарама-қарши маънолар касб этган: ёши улуғ эркак қариндош – чевара, яъни ёши улуғ бўлмаган қариндош. Қолаверса, ЎТИЛдаги маънолардан кўринадики, мазкур сўздаги жинс билан боғлиқ семалар ҳозирги ўзбек тилида анча хиралашган.

*Олчоқ* (алчақ) сўзи ҳам ўз қатламга оид диахрон энантиосемик сўздир. У эски туркий тилда ҳозирги маъносига тамоман зид “камтар”, “тавозели”, “юмшоқ табиатли, ювош” маъноларини англатган (ДЛТ. I жилд. Б.126; ҚТЛ. Б. 34). М.Кошғарий *алп* сўзини изоҳлар экан, *алчақ* сўзи қатнашган қуйидаги иллюстратив мисолни келтиради: *алп јағїда, алчақ јағїда* – ботир душман билан тўқнашганда, ювош тиришишда синалади (ДЛТ. I жилд. Б.77). “Кутадғу билиг”да ҳам шунга яқин маънода қўлланган: *Кичиги севуглуг, қариси амул, Ўзи тузун, алчақ, кўр, асги ўгуш* (Қарилиги савлат, гўзал ёшлиги, Ўзи аъло, афзал, талай, кўр нафъин) (Юсуф Хос Ҳожиб, “Кутадғу билиг”). Ҳозирги ўзбек тилида эса “ўтакетган разил, паст” маъносини билдиради: *Эртага катта амаллар шоҳсупасига кўтарилиши мумкин бўлган одамга (кимнинг зўри билан кўтарилар экан?) бу хилда безбетларча муомала қилишиларидан бир газабланса, ўзининг бу олчоқлар олдида noctor ўтиришидан ўн газабланди* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Диахроник энантиосемия ўзлашма қатlam сўзларида ҳам кўп учрайди. Бу ўзбек тилига, асосан, араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда кузатилади, чунки қадимдаёқ турли омиллар сабаб бу тиллардан ўзбек тилига

сўзлар ўзлашиши бошланган. Аввал арабча ўзлашмалардаги энантиосемикликни кўриб чиқамиз.

Ўзлашма сўзлардаги диахроник энантиосемия сўз ўзлашиб бўлганидан сўнг юзага келган. Масалан, ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган *басир* ва ундан ясалган *басират* сўзидағи энантиосемия шундай пайдо бўлган. *Басир* сўзи араб тилидан эски ўзбек тилига “ўткир кўзли” ёки “кўра оладиган” маъносида ўзлашган: *Қилурни айла риоят, демакта асрар адаб, Ки дўст феълингу қавлунггадур басиру самеъ* (Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя”). Шу билан бирга, эски ўзбек тилида янги маъно – “сўқир”ни ҳам касб этган: *Юсуф а.с.нинг ҳаёти хабарин ва саломатлигин Яъқуб а.с.га еткуруб, кўнглокни аниг юзига солди, ҳамул замон басир бўлғон кўзи бино бўлуб, шукрлар қилди* (Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо). Қолаверса, эски ўзбек тилида соф туркий кўр сўзи ҳам “сўқир” маъносини англатиш учун қўлланаверган: *Бошим чу гарду кўзум кўр сенсиз ўлмади бот, Кошингда боши кўтариб кўз очарга қўймас уёт* (Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя). Ш.Раҳматуллаевнинг изоҳлашича, *басир* сўзининг “сўқир” маъноси аёллар нутқида учрайдиган *басир* бўлгур қарғиш сўзи маъносини тескари тушуниш, яъни кўрадиган бўлгурни кўрмайдиган бўлгур деб билишдан келиб чиқсан (ЎТЭЛ. II жилд. Б.69). Аммо бу қараш у қадар ишонарли эмас. Кейинчалик *басир*нинг дастлабки маъноси қўлланишдан чиқсан ва ҳозирги ўзбек тилига “сўқир” маъносида етиб келган: *Aхир шунчалик басир эмас-ку, йўл бўйида турган одамни кўрмайдиган* (М.Хайруллаев. Кўнгил). Ана шу ва эски ўзбек тилидаги асос маъно ўртасидаги зидлик диахроник энантиосемиядир.

Баъзи мутахассислар тилнинг табиий тараққиёт қонуни асосида юз берадиган бундай ўзгаришларни тўғри баҳоламайдилар. Хусусан, Султонмурод Олим *басир* сўзини “ўқувчи эски ўзбек тилидаги манбаларда учратса, “ўткир кўзли” деб, ҳозирги ўзбек тилидаги манбада ўқиса, “сўқир” деб қабул қилиши керак... Бу эса тил учун яхши ҳодиса эмас”<sup>74</sup>, – дейди. Бизнингча, бундай эмас. Энантиосемик бирликнинг қарама-қарши маънолардан қай бирини англатаётгани контекстдан кўриниб туради. Қолаверса, тилдаги бу жараённинг факат ўзбек тили учун хос бўлмай, кўплаб тилларда мавжудлиги уни тилнинг табиий ривожланиш қонуни натижаси эканлигини, ҳар қандай энантиосемик сўз маъносининг контекстдан англашилиб туриши эса тил учун заرارли эмаслигини кўрсатади. Негаки маъно тараққиёти айни пайтда тилнинг тараққиёти ҳамдир. Табиий, *басир* сўзининг бошқа тиллардаги маъно тараққиёти бир хил эмас. Масалан, бу сўз форс тилига ҳам ўзлашган бўлиб, ҳозир ҳам “ўткир кўзли” маъносини сақлаб

<sup>74</sup> Олим С. Кўрсатилган мақола. – Б. 22.

қолган. Шу билан бирга, сўз семантик структураси “ақлли”, “муроҳазали”, “эҳтиёткор”, “сезгир”, “фаросатли” ва “олдиндан кўра оладиган” маънолари билан бойиган<sup>75</sup>. Бироқ ўзбек тилига хос “сўқир” маъноси мавжуд эмас.

Араб тилидан ўзлашган *хасм* сўзи маънолари ўртасида ҳам диахроник энантиосемия мавжуд. Бу сўз эски ўзбек тилида “душман, рақиб” маъносини англатган (ЎҚААҚЛ. Б.369): *Лутф қўлин ҳолинга ҳамдаст этай, Хасмни бир панжса била паст этай* (Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр). Шунингдек, эски ўзбек тилида мазкур маъно асосида *хасмкуш* (душманни ўлдирувчи) сўзи ҳосил қилинган (НАЛ. Б.323). Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *хасм* сўзи омоним бўлиб, “рақиб, ғаним, душман” ва “кишининг турмуш ўртоғи” (бировнинг ихтиёридаги киши) маъноларига эга: *Мени кечирасиз, Сарвар ака. Нима бўлганда ҳам, мен бу кишининг хасмиман, уни ташлаб, сиз билан кетолмайман* (О.Ёқубов. Бир кошона сирлари). Аммо *хасм* омонимидағи “душман, ғаним, рақиб” ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди. Шу боис ЎТИЛда “ғаним” маъносининг фольклор асарларида учраши қайд этилган: *Оғир лашкар элга яқин келдими, Ўзима бир подишо хасм бўлдими?* (Юсуф ва Аҳмад) (IV жилд. Б.388). Мазкур маънолардан бири ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаганлиги сабабли ҳам бу маъноларни ифодалаган сўзлар ЎТИЛда омонимлар деб қайд қилинган.

Тилнинг табиий тараққиёти натижасида маълум бир даврда ижобий ёки салбий баҳони билдирган сўз тилнинг бошқа бир даврида аксинча баҳони ифодалайди ҳамда диахроник энантиосемияни юзага келтиради. Масалан, эски ўзбек тилида ижобий баҳо ифодалаган *гараз*, *гариб*, *миннат* каби сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида салбий баҳони англатадиган бўлиб қолган. Қиёсланг: *Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажисб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Ҳурросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машгуллуги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эрдиким, ул ишини камолга тегургай* (Бобур. Бобурнома); *Шокаримов бирон кишининг шахсий гарази қурбони бўлганми ё тасодиф билан ўлганми ёки бирон тўданинг гашига тегиб қўйганми?* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Яна қиёсланг: *Муовияи Басрийнинг ўғли Аёс Абу Дажслаким, фаросат ва фатонати бобида кўп ажисб ҳикоятлар ва ғариб ривоятлар нақл қилибдур* (Оғаҳий. Зубдат ул-ҳикоёт) – қизиқ, ажисб, ажойиб; Энди Азимжоннинг кайфиятидаги бояги тетиклик йўқолган, нариги соҳилдаги ёнгоқнинг оқиши-силлиқ танаси ҳам, туёқ излари ҳам кўзига аллақандай ғариб кўринар эди (Ў.Хошимов. Нимадир бўлди...).

<sup>75</sup> Персидско-русский словарь. – М., 1953. – С. 69.

Яна қиёсланг: *Шу боис ямутлар иттифоқ этиб дедилар: “Энди бизларнинг Русия била мулокотимизнинг қилич била бўлғони яхшироқдур. Аёлу атфолларимиз талаф бўлғондин сўнг бир жонимиз учун Русиядин миннат кутармизму?!”* (Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий) – беғараз ёрдам; *Меҳр-мурувват қўз-кўз этилса, миннатга айланади. Миннатнинг эса тоши оғир, у гуноҳ, куфр ҳисобида* (Эркин Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир) – қилинган яхшиликни юзга солиш.

Демак, ўзбек тилида диахроник энантиосемия қўйидаги омиллар асосида юзага келади: 1) тилнинг маълум бир давридаги сўз маъносининг тил тараққиётининг кейинги даврида аввалги маъносига нисбатан қарама-қарши томонга ўзгариши билан; 2) сўзнинг тил тараққиётининг аввалги даврида зид маъноларни англатиб, ҳозирда улардан бирининг мавжуд бўлгани ҳолда иккинчисининг мавжуд эмаслиги – историзмга айланиши, яъни истеъмолдан чиқкан маъно билан ҳозирда мавжуд маъно ўртасидаги зид муносабат билан; 3) тилнинг маълум бир даврида ижобий ёки салбий баҳони англатган сўзнинг унинг бошқа бир даврида аксинча маъно англатиши билан.

Хуллас, муайян сўз тилнинг икки даврида зид маъноларга эга бўлар экан, кўпинча, зид маънолардан бирининг мавжуд эмаслиги сабабли айни маънолар ўртасидаги боғланиш узилади. Натижада зид маънолар алоҳида сўзларга тегишли бўлиб қолади. Шу боис улар омонимлар сифатида тушунилиши керак. Негаки диахроник энантиосемия деб қаралаётган маънолар ўртасида тилнинг ҳозирги даври нуқтаи назаридан ўзаро семантик умумийлик йўқолади. Албатта, энантиосемик бирлик маънолари ўртасидаги боғлиқликнинг узилиши натижасида юзага келган бу тип омонимия полисемия билан боғлиқ одатий омонимиядан фарқ қиласади.

### **Назорат саволлари:**

1. Лексик энантиосемиянинг қандай турлари бор?
2. *Нутқий энантиосемия* деганда нимани тушунасиз?
3. Лисоний энантиосемиянинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг?
4. Номловчи ва баҳоловчи энантиосемиянинг фарқли хусусиятларини изоҳланг?
5. Баҳолашнинг оламни билишдаги аҳамиятини айтиб бера оласизми??
6. Тўлиқ ва қисман энантиосемияга таъриф беринг?
7. Тилнинг бир тараққиёт даврига хос маъновий зидлик қандай энантиосемияни юзага келтиради?
9. Тилнинг икки тараққиёт даврига хос маъновий зидлик қандай энантиосемияни юзага келтиради?

9. Номинатив маъно ва номловчи энантиосемия тушунчаларини изоҳланг.

10. Субъектив баҳо ва баҳоловчи энантиосемия тушунчаларини изоҳланг.

11. Сўздаги зид маъноларнинг узуал ва ноузуаллигига қандай энантиосемияни юзага келтиради?

12. Қариндошлик терминлари маъноларида зид семалар борми? Фикрингизни мисоллар асосида далилланг.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **1- мавзу: Ўзбек тилида фразеологик энантиосемия ва унинг турлари**

#### **РЕЖА:**

1. Фразеологик энантиосемия ва уни таснифлаш мезонлари.
2. Фразеологик бирликда лисоний ва нутқий энантиосемия.
3. Фразеологик бирликда номловчи ва баҳоловчи энантиосемия.
4. Фразеологик бирликда тўлиқ ва қисман энантиосемия.
5. Фразеологик бирликда синхроник ва диахроник энантиосемия.

**Таянч иборалар:** *фразеологик бирлик, фразеологик энантиосемия, образлилик, субъектив баҳо, фразеологик энантиосемия турлари.*

#### **1.1. Фразеологик энантиосемия ва уни таснифлаш мезонлари**

Ўтган асрнинг сўнгти чорагидан бошлаб тилшуносликда янги йўналиш – тилни ўз эгаси билан биргаликда ўрганадиган антропоцентрик парадигма шаклланди. Н.Махмудов антропоцентрик парадигма ва шу парадигма доирасидаги таҳлилларнинг бевосита тилнинг моҳиятига даҳлдор эканлигини таъкидлар экан, унинг мақсаду моҳиятини қуидагича тушунтиради: “Тилнинг ана шу объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади”<sup>76</sup>.

Маълумки, бу парадигма ўз ичига социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик каби тил соҳаларини қамраб олади. Ўзбек тилшунослигига ҳам антропоцентрик йўналишдаги ишлар олиб борилмоқда. Бундай ишлар сирасида Д.Худайберганованинг монографик тадқиқотини келтириш ўринли. Унда матн яратилишининг когнитив-семантик, лингвокультурологик ва психолингвистик омиллари ўзбек тили манбалари асосида тадқиқ этилган<sup>77</sup>.

Тил ўз соҳиби билан биргаликда ўрганилар экан, унинг мақбул тавсифи ҳам ўзи мансуб миллат маданияти ва менталитети билан бирга олиб қаралгандагина берилади. Ана шу жихат, яъни тил ва миллий-маданий жипслик лингвокультурологик тадқиқотларнинг марказида туради<sup>78</sup>.

<sup>76</sup> Махмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6.

<sup>77</sup> Худайберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқики. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

<sup>78</sup> Тилшунослар лингвокультурологиянинг тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланишини машхур рус тилшуноси В.Н.Телия номи билан боғлайдилар.

Албатта, тилдаги аксар бирликлар у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади, аммо шундай тил бирликлари борки, улар миллий-маданий ўзига хосликларнинг бенихоя бетакрор тимсолидир. Шу маънода фразеологизмлар миллат менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узоқ йиллик кузатувларининг қабариқ ифодасидир.

Лингвокультурология борасида тадқиқотлар олиб борган В.А.Маслованинг таъкидлашича, фразеологизмлар тўғридан-тўғри ёки ассоциатив тарзда у ёки бу халқнинг дунё, жамият ҳақидаги ахборотларини маданий-миллий призма орқали етказади, шу халқ дунёқарашининг характерли хусусиятларини кўрсатади, айни пайтда, унинг дунёқарашини ҳам белгилайди<sup>79</sup>.

Ўзбек тили фразеологик тизими ҳам ўзбек халқининг тарихи, миллий-маданий хусусиятлари ва дунёқарашини кўсатувчи муҳим манбадир. Зотан, тилимиздаги зуваласи *пишиқ*, *зигир ёғдай кўнглига урмоқ*, *кавушини тўғрилаб қўймоқ*, *оғзига сўқ солмоқ* каби фразеологизмларнинг яратилиши ҳам шу миллатнинг узоқ йиллик турмуш тажрибаси, оламни ўзига хос лисоний идрок этиш тарзининг маҳсулидир. Фразеологик бирликлар миллат менталитети ва даҳосининг кўзгуси экан, уларни ҳар томонлама ўрганиш, хусусан, унинг энантиосемик хусусиятларини лингвокультурологик, этнолингвистик, социолингвистик жиҳатлари билан муштаракликда тадқиқ этиш ғоят муҳим.

Маълумки, фразеологизмлар кенг ва тор маънода тушунилади. Ўзбек тилшунослигида ҳам уларни тор маънода тушуниш мавжуд. В.В.Виноградов таснифи орқали кириб келган гуруҳлашга кўра фразеологизмлар фразеологик чатишма, фразеологик бирлашма, фразеологик қўшилмаларга ажратилади<sup>80</sup>. Тилшунослар мазкур масала юзасидан ҳозирга қадар турли қарашларни илгари сурадилар. Шу боис А.Маматов ўзининг докторлик диссертациясида бу масалани узил-кесил ҳал қилиб, фразеологиянинг объектини кенг ёки тор маънода тушуниш нотўғри эканлигини, уни фақат битта маънода тушуниш, талқин қилиш кераклигини таъкидлайди ҳамда фразеологик бирлик деганда, тузилишига кўра сўз бирикмаси ёки гапга teng келадиган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари тўлиқ ёки қисман кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай лексик-семантик бирликларни тушуниш лозимлигини қайд этади<sup>81</sup>. Биз ҳам А.Маматовнинг фикрига қўшилган ва тадқиқот предметидан келиб чиқиб,

<sup>79</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С. 86.

<sup>80</sup> Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б. 23-31.

<sup>81</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Филол. фан. д-ри. ... дисс.: – Тошкент, ЎзР ФА ТАИ, 1991. – Б. 269.

матал ёки мақолларни истисно этган ҳолда фразеологик бирликларнинг энантиосемик табиатини очиб берамиз.

Шунингдек, фразеологик бирликларнинг семантик структураси масаласида ҳам турли хил қараашлар бор. Масалан, биринчи қараашга кўра, фразеологик бирликларнинг семантик структурасида сўз сингари соф номинатив маъно эмас, образли-номинатив маъно етакчилик қиласи. Ҳар қандай фразеологизмнинг номинатив маъносида тушунчани образли аташ бор<sup>82</sup>. Иккинчи қараашга асосан, фразеологизмларнинг семантик структураси ҳам номинатив маъно ва экспрессив баҳодан иборат. Номинатив маъноли фразеологизмлар нарса-ҳодиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни фақат атайди, экспрессив баҳо функцияли фразеологизмлар эса ҳам атайди, ҳам субъектив баҳолайди<sup>83</sup>. Лингвокультурологик йўналишдаги ишларда эса фразеологизмлар объектив борлиқни тасвирлаш, изоҳлаш мақсадида юзага келса ҳам, барибир, уларнинг семантик структурасида борлиқни баҳолаш, субъектив муносабат ифодалаш етакчи бўлиши ҳамда айни тил бирлиги мансуб миллатнинг миллий-маданий қадриятлари акс этиши айтилади<sup>84</sup>.

Ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларда сўз учун аташ вазифаси етакчи вазифа бўлгани ҳолда улар орасида эмоционал баҳони ифодалаш вазифаси устун бўлган сўзлар ҳам кўплиги, фразеологизмлар орасида ҳам шундайлари мавжудлиги таъкидланади ва тилда соф номинатив вазифа бажарувчилари ҳам борлиги эътироф этилади<sup>85</sup>. Чиндан ҳам, ўзбек тилидаги ёдга солмоқ, ёдидан чиқмоқ, путур етмоқ<sup>86</sup> каби фразеологизмлар номлаш вазифасинигина бажарган. Бироқ пихини ёрган, қўйнини пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ (ЎТИФЛ. Б. 207, 209) каби фразеологизмлар муайян тушунчани номлаш билан бирга, унинг образли ифодасини, субъектив баҳосини ҳам кўрсатади.

Энантиосемик фразеологизмлар ичида ҳам сўз сингари соф номинатив маъно билдирадиган ёки бирор тушунчани образли атайдиган, субъектив баҳолайдиганлари мавжуд. Моҳиятан, сўз ёки фразеологизм маънолари

<sup>82</sup> Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. – М.: Наука, 1975. – С. 22.

<sup>83</sup> Бу хақда қаранг: Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. – Тошкент, 1996. – Б. 21.

<sup>84</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – С. 10; Маслова В.А. Культурно-национальная специфика русской фразеологии // Культурные слои во фразеологизмах и в дискурсивных практиках. – М.: Языки славянской культуры, – 2004. – С.69.

<sup>85</sup> Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, ЎзРФА ТАИ, 1993. – Б. 18.

<sup>86</sup> Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 86, 105, 208. Кейинги ўринларда сахифа ичида ЎТИФЛ тарзида берилади.

орқали намоён бўладиган зидлик бир, кўп ҳолларда ўхшаш бўлса ҳам, фразеологизм семантикасининг ўзига хослиги сабабли баъзи фарқли жиҳатларга ҳам эга. Бу, албатта, кўплаб фразеологизмларда аташ ва баҳолашнинг қоришиқ, муштарак воқеланиши боис энантиосемиянинг фразеология доирасида қўшимча хусусиятлар касб этишини қўрсатади<sup>87</sup>. Ўзбек тилшунослигида энантиосемия масаласи монографик тадқиқот обьекти бўлмагани боис унинг фразеологизмлар билан намоён бўлиши хақида бирор фикр айтилмаган.

В.Телия энантиосемик фразеологизмлардаги миллий ўзига хослик, айниқса, эмотив табиатли полисемантик фразеологизмларда кенг планда кўринишини таъкидлар экан, рус тилидаги *стреляный воробей* фразеологизмидаги субъектив баҳолар қаршиланишини энантиосемия дейди<sup>88</sup>. Ўзбек тилида ҳам шундай полисемантик фразеологизмлар мавжудки, уларнинг номинатив маъноларида зидлик бўлмагани ҳолда контекстуал ижобий ва салбий баҳоларда воқеланади. Масалан, қаноти остига олмоқ фразеологизми “ўз паноҳига, ҳимоясига ёки қарамоғига олмоқ” (*Етимларни қаноти остига олибди (ЎТИЛ)*) ва “ёнига, атрофига тўпламоқ” (*Қодиров оғзи катта эркакларни қаноти остига олиши йўли билан ўз мавқенини кучайтиришига интилганини сезиб туради (ЎТИЛ)*) маъноларини англатади. Ҳар икки маъно учун “кимнидир ўз ҳимоясига олмоқ” тушунчasi умумий, бироқ ўзига хос миллий коннотация туфайли мазкур маънолар зид тарзда идрок этилади, яъни етимларни ўз ҳимоясига олишнинг ўзбек миллатига хос “бағрикенглик” сифатида талқин этилиши биринчи маънонинг ижобий, бир гуруҳ яқинларини атрофига тўплаш эса “маҳаллийчилик” деб тушунилишига, ўзбек тили соҳиблари томонидан салбий баҳоланишига олиб келган. Шу боис “кимнидир ўз ҳимоясига олмоқ” тушунчasi иккинчи жумлада ғаразли мақсад ифодаси сифатида воқеланган, салбий оттенка олган. Натижада дастлабки ижобий оттенкали ифода билан зидланган.

Тадқиқотларда фразеологик энантиосемияларнинг ҳам номинатив ва эмоционал баҳоли, симметрик ва симметрик бўлмаган, синхроник ва диахроник, бир услубли ва ҳар хил услубли, мустақил ва номустақил турлари, шунингдек, қайси сўз туркумига мансублиги ҳамда луғатларда қайд этилгани ва қайд этилмаганига кўра ҳам гурухланади<sup>89</sup>. Бироқ энантиосемик

<sup>87</sup> Яна қаранг: Махмутова Л.Р. Кўрсатилган автореферат. – Б. 5.

<sup>88</sup> Телия В.Н. Функционально-параметрическое описание фразеологизмов в машинном фонде русского языка // Фразеография в Машинном фонде русского языка. – М., 1990. – С. 43.

<sup>89</sup> Вознесенская М.М. Энантиосемия в русской фразеологии // <http://newdialog.abbyy.com/digests/dialog2011/materials/pdf/66.pdf>. – С. 689; Острикова Г.Н. Кўрсатилган автореферат. – Б. 18-23.

фразеологизмларни услуби, қайси туркумга мансублиги ва лугатларда қайд этилиши ёки этилмаслигига кўра таснифлаш, алоҳида тур сифатида кўрсатиш лозим эмас. Негаки энантиосемия юзасидан олиб борилаётган тадқиқот моҳият-эътибори билан маънога тегишли. Биз инкор этаётган гурухлашлар маъновий зидлик табиатини кўрсатиб беришда асос бўйлолмайди. Улар энантиосемиянинг номинатив ва эмоционал баҳоли, симметрик ва симметрик бўлмаган, синхроник ва диахроник каби турлари учун умумий жиҳат ҳисобланади.

Тадқиқотчиларнинг номинатив ва эмоционал баҳоли фразеологик энантиосемиянинг моҳияти, ўзаро фарқланиши ҳақидаги қарашларида ҳам мулоҳазаталаб ҳолатлар бор. Масалан, М.М.Вознесенскаянинг таъкидлашича, эмоционал-экспрессивлик – фразеологизмнинг доимий хусусияти. Одатда, сўзнинг узуал ва ироник маънолари ўртасидаги зидлик нутқий энантиосемия ҳисобланса, бу жиҳат фразеологик бирликда лисоний энантиосемия мақомидадир. Негаки сўз бирикмаси маъносини ироник тарзда тушуниш орқали фразеологизмнинг ички шакли, асословчи маъносини юзага келади. Шу боис бу ўринда сўз бирикмасининг тўғри ва фразеологик (қўчма) маъноларидаги энантиосемия ҳақида гапириш мумкинки, бу унинг лексик энантиосемиядан фарқидир<sup>90</sup>. Биз эса айни фикрга қўшилмаймиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир тилда соф номинатив функция бажарувчи фразеологизмлар, шу жумладан, энантиосемик фразеологизмлар бор. Қолаверса, М.М.Вознесенская айтганидек бўлса, эмоционал баҳоли энантиосемиянинг қайси белгиси билан номинатив энантиосемиядан фарқланиши борасида чегара йўқолади. Бизнингча, фразеологик энантиосемиянинг номинатив ва субъектив-баҳоловчиға ажратилиши лексик энантиосемиянинг шу жиҳати билан ўхшаш.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ўзбек тилида фразеологик энантиосемиянинг (лексик энантиосемия каби) 1) лисоний ва нутқий; 2) номинатив ва субъектив-баҳоловчи; 3) симметрик ва асимметрик; 4) лугавий ва грамматик; 5) лингвистик ва паралингвистик; 6) синхроник ва диахроник турларини фарқлаш лозим. Аммо баъзи энантиосемик фразеологизмларнинг семантик структурасида образлилик ва экспрессивликнинг етакчилик қилиши, қолаверса, қўчма маъноларга асосланиши фразеологик энантиосемияни лексик энантиосемиядан фарқлаб туради. Бу, ўз навбатида, мазкур бирликлар энантиосемик табиатини тавсиф этиш, муайян гурухларга ажратиш ҳамда улар ўртасидаги чегарани белгилаб олишда бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Шундай экан, ҳар бир тур

<sup>90</sup> Вознесенская М.М. Кўрсатилган мақола. – Б. 689-697.

энантиосемик фразеологизмга ўзи мансуб турға қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб ёндашиш лозим бўлади. Масалан, образлилик фразеологик бирликнинг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли у номинатив энантиосемия учун ҳам, субъектив-баҳоловчи энантиосемия учун ҳам умумий ҳисобланади.

Лексик энантиосемиянинг синхрон ва диахрон жиҳатлари бўлганидек, фразеологик энантиосемиянинг ҳам синхронлик ва диахронлик белгиси мавжуд. Мазкур ёндашув асосида энантиосемик фразеологизмларни ўрганишнинг мураккаблиги шундаки, вақт ўтиши билан фразеологик бирликда баъзи таркибий ўзгаришлар юзага келади. Масалан, *дуди чиқмоқ* (эски ўзбек тили) – *тутуни чиқмоқ* (хозирги ўзбек тили) каби. Шундай ҳолатда бу фразеологизмларни битта фразеологизм дебми ёки алоҳида-алоҳида фразеологизмлар сифатида қараш лозимми, деган масала қўндаланг бўлади. Аммо масалага диахрон жиҳатдан ёндашилгани, фразеологизмнинг яхлитлигича эмас, балки бир қисмининг алмашгани боис мазкур ишда бундай фразеологизмларга битта тил бирлиги сифатида қаралди.

Фразеологик энантиосемия ҳам диахрон нуқтаи назардан ўрганилганда, албатта, унинг омонимия билан бўлган муносабати масаласига диққат қаратиш зарур. Энантиосемик фразеологизмдаги қарама-қарши маъноларнинг тил икки тараққиёт даврига алоқадорлиги ва айни маънолардан бирининг қиёсланаётган тил босқичининг бирида мавжуд эмаслиги сабабли уларнинг ўртасида семантик боғланиш узилади ҳамда зид маънолар алоҳида-алоҳида фразеологизмларга тегишли бўлиб қолади.

## 1.2. Фразеологик бирликда лисоний ва нутқий энантиосемия

Маълумки, фразеологик бирликлар ҳам сўзлар сингари ё тилнинг узуал қатламига, ёки индивидуал нутққа тегишли бўлади. Шу боис уларни ҳам тил-нутқ кесимида тадқиққа тортиш, бу орқали уларга хос лисоний ва нутқий жиҳатларни аниқлаш лозим. Ана шу заруратга мувофиқ тарзда фразеологик энантиосемияни тил-нутқ кесимида таҳлил қилиш орқали муҳим натижаларга эришиш мумкин. Фразеологик энантиосемия фақат узуал ёки узуал ва окказионал маъноларнинг ўртасида юзага келишига кўра лисоний ва нутқий энантиосемияга ажралади.

**Лисоний фразеологик энантиосемия.** Нутққа қадар фразеологизм семантик структурасида мавжуд узуал маънолар қаршиланиши лисоний фразеологик энантиосемиядир. Маъновий зидликнинг нутққа қадар мавжудлиги унинг узусда мавжудлигини кўрсатади. Хозирги ўзбек тилида лисоний фразеологик энантиосемия шахс, пайт, ҳаракат тушунчаси билан

боғлиқ зидланишларда кузатилади. Таъкидлаш жоизки, “фразеологизмларнинг асосий қисмини феъл фразеологизмлар ташкил қилгани” (ЎТИФЛ.Б. 11) боис ҳозирги ўзбек тилида ҳаракат тушунчали лисоний энантиосемиялар миқдор жиҳатидан кўп.

I. Шахс тушунчали лисоний фразеологик энантиосемияда узуал маънолар “эр – хотин”, “аждод – авлод” тарзида қаршиланади:

1.1. **“Эр – хотин” тарзидаги зидланиш** кўз очиб кўрган фразеологизмининг “хотинга нисбатан биринчи эр” – “эрга нисбатан биринчи хотин” маънолари ўртасида намоён бўлади. Қиёсланг: *Ораларингиздан ола мушук ўтмаганмиди? – Ола мушук? У киши... болаларимнинг отаси...* кўз очиб кўрганим (Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар); *Аёдарилиб ётган симёғочлар, пачоқланган енгил машиналар оралаб югуриб бораётган Шавкат тинмай пичирларди: – Ботиржон, болам!.. Сурайё, жоним!.. Кўз очиб кўрганим!* (Ш.Бошбеков. Фалакнинг гардиши).

Шу ўринда жинсга кўра фарқланишнинг зиддият сифатида баҳоланиши мумкинми, йўқми, деган саволга тўхталиб ўтиш лозим. Антонимиянинг лисоний табиатини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган С.Усмоновнинг фикрича, инсонга хос жинсий фарқланишга (масалан, эркак-аёл) антоним деб қараш лозим, чунки мазкур сўзлар англатадиган маънолар нафақат эркак-аёллик белгисига кўра, балки ижтимоий жиҳатларига асосан ҳам фарқланади. Аммо инсондан бошқа нарсаларга нисбатан қўлланадиган сўзлардаги жинсга кўра фарқланишни антоним деб бўлмайди<sup>91</sup>. Бизнингча ҳам, бир тил бирлигининг (шахс тушунчаси асосидаги) жинсга кўра фарқли маъноларини зид маънолар тарзида баҳолаш маъқул.

1.2. **“Аждод – авлод” тарзидаги зидланиш** етти пушт фразеологизмининг “кишининг ўзидан олдинги аждодлари” ва “кишининг ўзидан кейинги авлодлари” маънолари ўртасида мавжуд.

II. Пайт тушунчали лисоний фразеологик энантиосемияда узуал маънолар “гоҳо-гоҳо – ҳар доим, ҳамиша” тарзида зидланади. Ҳозирги ўзбек тилидаги у дунё-бу дунё фразеологизмининг маънолари ўртасида пайтга хос қаршиланиш мавжуд бўлиб, у фразеологизмнинг “ҳар доим” ва “ҳеч қачон, асло” маънолари ўртасида юзага келади. Қиёсланг: *Довюраклиги ёқиб қолмаганда, бу улоқ жиннисига у дунё-бу дунё турмушига чиқмасдим* (Тоҳир Малик. Даврон); *И м о м. Сизга ҳам раҳмат, ука. Онаизорининг руҳини шод*


<sup>91</sup> Бу ҳақда қаранг: Усмонов С. Кўрсатилган мақола. – Б. 33-40.

этган фарзанд, у дунё-бу дунё Оллоҳнинг иноятига сазовор бўлгусидир (О.Ёкубов. Бир кошона сирлари).

III. Ҳаракат тушунчали лисоний фразеологик энантиосемияда узуал маънолар 1) “ижобий иш қилмоқ – салбий иш қилмоқ”, 2) “мақталмоқ – ёмонланмоқ”, 3) “кутиб олмоқ – кузатиб қўймоқ”, 4) “ҳаракатни бошламоқ – ҳаракатни тўхтатмоқ”, 5) “ғазабланмоқ – кўрқмоқ” тарзида қаршиланади.

**1.1. “Ижобий иш қилмоқ – салбий иш қилмоқ” тарзидаги зидланиш** ҳунар кўрсатмоқ, иш кўрсатмоқ, иши чиқармоқ фразеологизмларининг маънолари ўртасида кузатилади. Масалан, ҳунар кўрсатмоқ фразеологизмининг “маҳоратини намойиш қилиб, ҳамма қойил қоладиган иш қилмоқ” ва “бўлмағур, кишининг кўнгли қоладиган иш қилмоқ, ножўя қилиқ қилмоқ” маънолари айни маъновий муносабат асосида қаршиланади. Қиёсланг: – *Мантини тугиб бўлдингми? Ҳа, дуруст. Ҳунарингни бир кўрсатасан, Сангина* (Сайд Аҳмад. Филдирак); – *Кеча нима ҳунар кўрсатдингиз? – деди чимирилиб. Энди оғиз очмоқчи эдим, жеркиб берди: – Ўн беш сутка ўтиришини хоҳламасангиз, манави жаримани тўлаб келинг* (Ў.Хошимов. Телпак). Айни пайтда мазкур қарама-қарши маънолар ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг барчаси учун узуал характерли.

Бизнингча, мазкур зидлик ҳунар кўрсатмоқ фразеологизмida юз берган маъно тараққиётининг маҳсули бўлиб, дастлаб “маҳоратини намойиш қилиб, ҳамма қойил қоладиган иш қилмоқ” маъноси бўлган. Кейинчалик ҳунар сўзи семантикасининг ўзгариши (кишининг бирор нобоп қилмишини ҳам ифодалаши), киноя билан айтилиши натижасида ҳунар кўрсатмоқ фразеологизми “бўлмағур, кишининг кўнгли қоладиган иш қилмоқ, ножўя қилиқ қилмоқ” маъносини касб этган. Ҳунар кўрсатмоқ кейинги маънода қўлланганда контекстда салбий муносабатни конкретлаштирадиган, намоён этишга йўналтирадиган сўзлар бўлади. Масалан, юқоридаги жумлада қўлланган чимирилиб, жеркиб берди каби сўзлар салбий муносабатнинг семантик мустаҳкамловчисидир. Яна қиёсланг: *Лекин эндиғи қўргазмага томоша қилгани эмас, ҳунаримни кўрсатгани бораман* (Абдулла Қаҳхор. Картина); *Ҳаммага маълумдир эчкининг феъли, Қозонга тушгунча тинч тура олмас. Доим эгри бўлгай танлаган йўли, Ҳунар кўрсатмаса, жим юра олмас* (А.Орипов. Эчки). Бу тип энантиосемиянинг ифодаланишини қўйидаги чизма янада аниқ кўрсатади:



#### 4.1- чизма.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *иши кўрсатмоқ* фразеологизмининг семантик структурасида ҳам *хунар кўрсатмоқ*га яқин маънодаги энантиосемиклик мавжуд. Мазкур фразеологик бирликдаги “намунали, қойил қоладиган иш қилмоқ” ва “ёқимсиз (кўнгилсиз) иш қилмоқ”, “ножӯя қилиқ қилмоқ” узуал маънолари ўртасидаги зидлик ҳам лисоний энантиосемиядир. Қиёсланг: *Дучор келганини кўкка отарман, иши кўрсатиб ёрим олиб кетарман* (Алпомиш); *Ҳали бу тарафларда ҳам иши кўрсатиб юрибман, дегин. Нима қиласан ўзингга душман ортириб* (Сайд Аҳмад. Қирқ беш кун).

Шуни ҳам айтиш лозимки, зидлик нафақат “намунали иш қилмоқ – ножӯя қилиқ қилмоқ” маънолари ўртасида, шу билан бирга, мазкур маънолардан англашиладиган ижобий ва салбий баҳолар ўртасида ҳам бор. Диққат қилинса, биринчи маънода ижобий, иккинчи маънода салбий баҳо мавжуд, бироқ у айни маънолардаги лисоний энантиосемикликка соя солмайди, балки янада аниқ кўрсатишга хизмат қилади. Яна қиёсланг: *Оқсоқол бирдан бўшашиди, аммо заҳрини охиригача сочмай қўймади: – Мана шундай сасиб ётавер! Йигит эмиш! Йигит дегани бирор иши кўрсатмаса, йигит эканми?!* (Эркин Аззам. Жаннат ўзи қайдадир); *Агар бу ерда қолиб, – юзига тунд авзо бериб гапирди ота, – дангалчилигингга бориб яна бир иши кўрсатсанг, уларни баттар ўчашибтириб (ўчакишибтириб) қўйишинг мумкин* (Қамчибек Кенжа. Палахмон тошлари).

Шунингдек, *иши чиқармоқ* фразеологизмининг “кўзланган бирор (яхши) натижага эришмоқ” ҳамда “кутилмагандан номаъқул, ножӯя иш қилиб қўймоқ” (ЎТИЛ) маънолари ўртасидаги зидланиш ҳам лисоний энантиосемияни юзага келтиради.

Фразеологизмларнинг энантиосемик жиҳати баъзан уларни омоним фразеологизмлар сифатида ажратилишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, *ҳунар кўрсатмоқ* фразеологизми Ш.Рахматуллаевнинг лугатида *ҳунар(i)ни кўрсатмоқ I* (ижобий баҳоли) ва *ҳунар кўрсатмоқ II* (салбий баҳоли) омоним

фразеологизмлар сифатида изоҳланади (ЎТИФЛ). ЎТИЛда эса бу фразеологизм ва унинг синоними *иши кўрсатмоқ* ҳам полисемантик фразеологизм деб кўрсатилган. Бизнингча ҳам, улар икки қарама-қарши маънога эга бўлган битта энантиосемик фразеологизмдир.

**1.2. “Мақталмоқ – ёмонланмоқ” тарзидаги зидланиш оғизга тушибоқ, тил(i)га тушибоқ** каби фразеологик бирликларнинг “маълум-машхур бўлмоқ” ва “гап-сўз бўлмоқ” маънолари ўртасида намоён бўлади. Мазкур фразеологизмларнинг “кўпчилик орасида гап-сўз бўлмоқ” ва “маълум-машхур бўлмоқ” маъноларига эгалиги Ш.Рахматуллаевнинг луғатида қайд этилган. Қиёсланг: *Бўладиган бўлса, очиқ-ойдин қилиши керак эди, эртага элнинг оғизга тушади*, унда нима деган одам бўламиз, халқ нима дейди? (Сайд Аҳмад. Лочин); *Шу давр ичida касалларни даволашдаги баъзи ишлари халқ оғизга тушиб, шуҳрати ҳам ортган* эди (Н.Назаров. Замон) (ЎТИФЛ. Б.200, 229). Яна қиёсланг: *Кузга яқин туманда катта мажлис бўлгани, мажлисда Зухра ва унинг мактаби оғизга тушгани*, хунук-хунук гаплар айтилгани тўгрисида миши-миши тарқалди (Абдулла Қаҳхор. Нурли чўққилар); *Шаҳримиз ўзининг улугворлиги билан эмас, кўркам ва саришталиги туфайли оғизга тушган* (Анвар Обиджон. Олтин юракли автобола).

Ёки: *Кечаги қиргин-қиёматнинг хабари бир кечада одамларнинг тилига тушибоди*. Учраган одам: “*Ҳа-а, ёмон бўпти-ю! Каттабоғиллар обличининг газабига учрабди-ю! Худонинг ўзи асрасин*”, дермиши (Мурод Мансур. Жудолик диёри); Эллигинчи йиллар қайтишида – *Оташқалб оқланиб, номи тилга туша бошлаган чоғларда бир куни уни йўқлаб ёзувчилар идорасига келгани Оқсоқолнинг ёдиди* (Эркин Аъзам. Шоирнинг тўйи).

**1.3. “Кутиб олмоқ – кузатиб қўймоқ” тарзидаги зидланиш хуши келибсиз, хуши кўрдик бирликларининг узуал маънолари ўртасида юзага келади. Мазкур ибора маънолари ўртасидаги зиддият ҳам айни тил бирлиги семантик тараққиётининг ўзига хос натижаси бўлиб, зид маъно тараққиёти куйидагича бўлган: дастлаб “яхши етиб келдингизми” маъносини англатган ва меҳмонни кутиб олиш пайтида ташриф буюрган киши (лар)га нисбатан қўлланган: *Кесакполвон билан сўрашиб ўтиргач, фотиха ўқиди. Сўнг ўрнидан туриб енгил таъзим қилганича “хуши келдингиз”, деб калта соқолини силаб қўйди* (Тоҳир Малик. Шайтанат). ЎТИЛда ҳам мазкур иборанинг меҳмон келганда хурмат юзасидан айтилиши қайд этилган, аммо ҳозирги ўзбек тилида меҳмон кетаётган пайтда ҳам хурмат юзасидан “яхши етиб боринг” маъносида қўлланади: – *Бизга энди руҳсат берасиз, холапошиша. – Майли,***

*ишиқилиб, ҳамманлар тўй кўринглар, гам кўрманлар. Яна бир марта хуши кўрдик, хуши келибсизлар, – деди* (Аббос Саид. Кўчада қолган одам), яъни бу маънода ҳам узуаллик касб этган. Шу боис мазкур маънолар ўртасидаги қаршиланишни лисоний энантиосемия дейиш мумкин.

*Хуши келибсиз* ибораси билан маънодош бўлган *хуши кўрдик* бирлигининг маънолари ўртасида ҳам “кутиб олмоқ – кузатиб қўймоқ” тарзидаги қаршиланиш мавжуд. Масалан, – *Хуши кўрдик, коллега!* – деди. – *Танишинглар, менинг рафиқам Елена Львовна* (П.Қодиров. Эрк) контекстида “яхши келдингизми” маъносини, – *Хуши кўрдик! Сизларга минг-минг раҳмат, Ўрмонжон!* – деди Ботир чўпон. У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашида, менга қолганда, бурилиб кетди (Ш.Холмирзаев. Ўзбек характери) контекстида эса “яхши етиб боринг” маъносида намоён бўлган.

Кўринадики, мазкур бирликларнинг кейинги маънолари дастлаб окказионал тарзда пайдо бўлган ва кейинчалик узуаллик касб этган.

**1.4. “Ҳаракатни бошламоқ – ҳаракатни тўхтатмоқ”** зидланишида фразеологизмнинг узуал маънолари муайян ҳаракат-ҳолатнинг бошланиши ва якунланишини ифодалашига кўра энантиосемик муносабатга киришади. Мазкур маъновий муносабатдаги энантиосемиклик тилнинг аввалги муайян бир даврида ҳам мавжуд бўлиши, яъни ўша давр учунгина узуал характерли ҳисобланиши мумкин. Маълумки, *чекмак* сўзи эски ўзбек тилида энг фаол сўзлардан бири бўлган. Илмий адабиётларда бу сўзниг йигирмадан ортиқ маъноси келтирилади (НАЛ, АНАТИЛ). Бу феъл асосида бир неча фразеологизмлар ҳам юзага келган бўлиб, улардан бири *тил чекмак*dir. Мазкур фразеологизм эски ўзбек тилида энантиосемик маъноларга эга бўлган (НАЛ): 1) сўзламоқ (сўзлашни бошламоқ) – *Тил чекти демак учун тарона, Ул навъки ўт чекар забона* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун); 2) тилни тортмоқ, сўзлашдан тийилмоқ: *Бошин тутуб ўлди бир замон геч, Сўз демади яхши ё ёмон ҳеч. Чун яхши тааммул этти лахте, Тил чекти нечукки шўр баҳте* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун).

Бизнингча, мазкур фразеологизмдаги зид маъноларнинг юзага келиши *чекмоқ* сўзининг маъно тараққиёти билан боғлиқ: аввал *чекмоқ* сўзи семантикасига хос “у ёки бу нарсани ҳаракатга келтирмоқ” тушунчаси асосида тилни ҳаракатга келтирмоқ, яъни “сўзламоқ”, “сўзлашни бошламоқ” маъноси юзага келган. АНАТИЛда ҳам бу сўзниг “оҳ урмоқ”, “дод-фарёд қилмоқ” маънолари келтирилади. Чекмоқ сўзининг ана шу маъно ифодаси *афғон чек* (нола қилмоқ), нола чек (нола қилмоқ) каби бирикмаларда ҳам бор. Кейинчалик сўзниг “тортмоқ, тийилмоқ” маъноси (НАЛда ҳам *чекмакнинг*

“тортмоқ, тийилмоқ” маъноси энг сўнгги маъно сифатида берилади) асосида тил чекмоқ фразеологизмида “сўзлашдан тўхтамоқ” маъноси юзага келган.

**1.5. “Ғазабланмоқ – қўрқмоқ” тарзидаги зидланиш жони чиқмоқ, жони чиқиб кетмоқ, жон-пони чиқиб кетмоқ, жони халқумига келмоқ** фразеологизмларининг маънолари ўртасида воқеланади. Масалан, қиёсланг: *Шеърий наиза Байрамхонни хору зор қилиб аламдан чиқаётган Пирмуҳаммад атканинг қулогига етганда унинг жони чиқиб кетди: – Бу – қарғиши-ку!* – деди атка (П.Қодиров. Авлодлар довони); *Дастлаб, Хонгирей бостириб кираётганда у қўрқди. Айниқса, Маматбей ичкарига ўтганда навираларидан хавотирланиб, жони чиқиб кетай деди, тили гапга айланмай ҳам қолди* (Тохир Малик. Шайтанат).

Бир хил одамларга ўхшаб бу ҳам бақирса, кўз олдидагини кўрмай қолади, шекилли, *Саидбовонинг пусибгина анча бери келиб қолганини сезмади, пайқагандан кейин жон-пони чиқиб кетди: – Ия, яна келяптими бу бобой!?* Ўв, кимга айтаяпман?! Соқолим бор деб... *Хе, ўша печкангизниям!..* (Аҳмад Аъзам. Қатағон йили) – ғазабланмоқ; *Ҳеч қанча ухламадим. Бир маҳал том тепасида нимадир қасирлаб кетди.* Осмон қоқ иккига бўлинниб узилиб тушаётгандай, **жон-поним чиқиб**, туриб ўтириб олибман (Мурод Мансур. Жудолик диёри) – қўрқмоқ.

Демак, лисоний фразеологик энантиосемия – узуал маънолар ўртасидаги қаршиланиш. Шундай хусусиятли энантиосемиянинг бошқа турлари ҳам лисоний энантиосемия мақомида бўлади.

**Нутқий фразеологик энантиосемия.** Ҳозирги ўзбек тилидаги муайян фразеологизмнинг узуал ва окказионал маънолари ўртасидаги қаршиланиш нутқий фразеологик энантиосемияни воқелантиради. Мазкур маъновий зидлик аъзоларидан бирининг нутқий, окказионал табиатли эканлиги сабабли бундай энантиосемия мувофиқ нутқий вазиятдагина юзага чиқади, яъни зид маънолардан бири нутққа қадар фразеологизм семантик структурасида мавжуд бўлмайди. Нутқий энантиосемиянинг муҳим белгиларидан бири ҳам унинг муайян контекст билан жипс боғланганлигидир.

Ўзбек тилида нутқий фразеологик энантиосемия белги, миқдор, харакат тушунчаси билан боғлиқ маъновий муносабатлар асосида вужудга келади.

I. Белги тушунчали нутқий энантиосемияда фразеологизмнинг узуал ва окказионал маънолари “сирни сақлай оладиган – сирни сақлай олмайдиган”, “раҳмдил - бераҳм”, “беозор – дилозор”, “иффати бор – иффати йўқ” тарзида зидланади.

**1.1. “Сирни сақлай оладиган – сирни сақлай олмайдиган”** тарзидаги зидланиш оғзи маҳкам фразеологизмининг узуал “бировнинг гапини бировга айтмайдиган, сир сақлай оладиган” ва окказионал “бировнинг гапини бировга айтадиган, оғзи бўш” маънолари ўртасида воқеланади. Қиёсланг: Унинг Кўқонга борганини, бу ерда Осипов билан алоқада бўлиб турганини жуда оз одам биларди. Биладиганларнинг ҳам оғзи маҳкам эди (Тоҳир Малик. Савоҳил); Матлуба баъзан “гап шу ерда қолсин”, деб келинига қаттиқ тайинлайди. Келиннинг “оғзи маҳкам”. Матлуба кетгунига қадар бу гап остона ҳатламайди. Матлуба тушган автобус шаҳарни тарк этмай, сир сақланмоғи лозим бўлган янгилик озгина қўшилган, безалган ҳолда “хотинлар телеграфи”га уланади (Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар).

**1.2. “Рахмдил – берашм”** тарзидаги зидланиш кўнгли бўши фразеологизмининг узуал “кўнгилчан, раҳм-шафқати бор” ва окказионал “бешафқат, раҳм-шафқати йўқ” маънолари орқали юзага чиқади. Қиёсланг: Кесакполвон ҳам афсусланган одам каби иягини кафти билан силаб: – Бек, хафа бўлмагин-у, Маҳмуд бўши қўйворди. Майли, ер етказмасин-у, лекигин, кўнгли бўши бўлиб қолувди укахоннинг. Бир иши буюрсанг, охирига етказмасди (Тоҳир Малик. Шайтанат); Агар Шариф ҳозир тиз чўкса, фақирга лозим бўлган ишларни бажарса, бу “кўнгли бўши” азамат йигит йўқ демасди. Ҳар ҳолда бу йигитнинг ўзи ҳукмдор бўлмаса-да, қараашлари ва айтар сўзи шоҳона эди (Тоҳир Малик. Шайтанат).

**1.3. “Беозор – дилозор”** тарзидаги зидланиш қўй оғидан чўп олмаган фразеологизмининг узуал “ниҳоят даражада беозор, мўмин” (ЎТИФЛ. Б. 295) маъноси ва окказионал “ниҳоят даражада дилозор, баттол” маъноси ўртасида намоён бўлади. Қиёсланг: Аслини олганда, Жаҳонгиров чиндан беозор, қўй оғиздан чўп олмаган тоза одам эди (Сайд Аҳмад. Киприқда қолган тонг); – Сен анув чопиб хизмат қиб юрганларни танивотсанми? Қўй оғиздан чўп олмаган “покиза”ларни? Олим акам ким чой ташиб, ким пармуда сомса тарқатиб юрган йигитларнинг юзларига бир-бир тикиларкан, ажабланганини яшиrolмади. – Чинданам, “покиза”лар-ку. – Ҳа, ҳа, Парни бебахтнинг йигитлари (Мурод Мансур. Жудолик диёри).


**1.4. “Иффати бор – иффати йўқ”** тарзидаги зидланиш онаси ўпмаган фразеологизмининг узуал “иффатли”, “ҳали турмуш қурмаган” ва “иффатсиз”, “номуссиз” окказионал маънолари ўртасида воқеланади. Қиёсланг: Бегимқулнинг унга ялинадиган жойи йўқ! Ўн гулидан бир гули очилмаган йигит, Нилуфардан юз марта яхши, юз марта кўҳлик, ҳали онаси

*ўпмаган қизни топиб олади!* (Одил Ёкубов. Биллур қандиллар); *Фарҳод, эҳтимол, шундай бўлмогини кутган, ўзича шундайдир деб ўйлаганмиди?* Аммо – ҳарчанд очик-сочиқлигию “бошқача”лигига қарамай, қиз ҳали “онаси ўпмаган” бўлиб чиққанига нима дейсиз! (Эркин Аъзам. Шовқин).

II. Микдор тушунчали нутқий энантиосемияда фразеологизмнинг узуал ва окказионал маънолари, асосан, *ган ёки гапирмоқ* тушунчасининг микдоран “кам – кўп”лиги асосида қаршиланди. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида “озгина, андак” (ЎТИФЛ. Б.112) ёки “қисқа” маъносини англатадиган икки оғиз фразеологизми мувофиқ нутқий вазият тақозоси билан “кам бўлмаган”, “узун” маъносида намоён бўлади. Масалан, қиёсланг: *У қиз билан икки оғиз жиддий сўзлашиб, келажакка қандай қарашини билмоқни истаса-да, лекин Нурининг кўзларидан, ҳаракатларидан унинг бу ерга сўз сотиш учун чиқмаганини сезди* (Ойбек. Қутлуғ қон); *Яrim соатдан ортиқроқ чўзилган бу қизгин ва зериктирмовчи сұхбатдан сўнг Ҳакимбойвачча сабрсизланганини билдириди.* Элликбоши бир минут қадар сукут қилиб, ҳалиги “икки оғиз” сўзини қай турда бошлишини ўйлади-да, жилмайиб қўйди (Ойбек. Қутлуғ қон).

III. Ҳаракат тушунчали энантиосемия нутқий фразеологик энантиосемиянинг энг кўп кузатиладиган туридир. Бунга сабаб ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг жуда катта қисмини феъл фразеологизмлар ташкил қиласи. Бу тур энантиосемияда фразеологизмнинг узуал ва окказионал маънолари “ёқимли кўринмоқ – ёқимсиз кўринмоқ”, “севмоқ – нафратланмоқ” тарзида қаршиланади.

**3.1. “Ёқимли кўринмоқ – ёқимсиз кўринмоқ” тарзидаги зидланиш** ҳозирги ўзбек тилидаги нур ёғилмоқ фразеологизмининг “жуда ҳам ёқимли, истарали кўринмоқ” ва “ёқимсиз, истарасиз кўринмоқ” маънолари ўртасида воқеланади. Қиёсланг: *Лекин бу кулча юзли, ёноқлари хиёл чиқиқ, кўзлари хиёл қисиқ, оппоққина, чеҳрасида шўхлик ва ҳаётбахи бир нур ёғилиб турган қиз Хуббижамол эди* (Ш.Холмирзаев. Бодом қишда гуллади); *Бу молларни ёйиб ўтирган чайқовчиларнинг афт-башарасини айтмайсизми.* Бетларига бу ҳафта ичи сув тегмаган, соқоллари устарадан озод, башараларидан “нур ёғилиб” турарди (Ғафур Ғулом. Шум бола). Кўринадики, мисолларнинг иккинчисида фразеологизм окказионал маънода намоён бўлган, шу боис ушбу маънони айни контекстдан ташқарида тушуниб бўлмайди. Қуйидаги чизма бу тип энантиосемиянинг ифодаланишини янада яққол кўрсатади:



#### 4.2-чизма.

Мазкур фразеологизмнинг қарама-қарши маънода намоён бўлишида ҳам метафоранинг ўрни бор. Ирония нур сўзига хос белгини зид тарзда воқелантирган. Жумладаги чайқовчи, афт-башара, сув тегмаган, соқоллари устарадан озод каби сўз ва бирималар салбий баҳони янада кучайтирган. Яна қиёсланг: *У киши оқ-сариқдан келган, юзларидан нур ёғилиб турадиган катта хотин эдилар* (Мурод Мансур. Жудолик диёри); *Ичкари томондан узун малла тўн, оқ салла, сагри кавуши кийган, қўлларида минг доналик тасбеҳ, кўзларига сурма тортган, ...мош еган хўроздай қизил юзларидан “нур ёғилиб” турган хаст эшон таманнолик билан ерни “миннатдор бўлсанг, босаман”, деб чиқиб келдилар* (Фафур Ғулом. Шум бола).

Кўп ҳолларда, фразеологизм маънолари ўртасида нутқий энантиосемиклик юзага келар экан, юқори экспрессивликка эга бўлади. Маъновий зидликнинг табиатидан келиб чиқиб, мазкур экспрессивликнинг икки кўринишини ажратиш мумкин бўлади. Бир ҳолатда энантиосемик экспрессивлик узуал бўлиб, шу бирликнинг семантик структурасида нутққа қадар мавжуд бўлади ва контекстга боғлиқ бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса экспрессивлик окказионал бўлиб, муайян нутқий вазиятда юзага келади ҳамда шу контекстнинг ўзига тегишли бўлади. Моҳиятан, энантиосемик фразеологизмдаги узуал экспрессивлик энантиосемик бўлмаган фразеологизмдаги экспрессивлик билан teng. Бироқ нутқий энантиосемик фразеологизмдаги экспрессивлик энантиосемик бўлмаган фразеологизмдаги экспрессивликдан экспрессивлик даражасининг юқори бўлиши билан фарқланади. Бунга сабаб нутқий энантиосемияда уни воқелантирадиган ирониянинг иштирок этишидир. Ана шу жиҳат сўзловчи нутқидаги модалликни кучайтириб, эмоционалликни юзага келтиради.

**1.2. “Севмоқ – нафратланмоқ” тарзида зидланиш яхии кўрмоқ** фразеологизмининг узуал “бирор киши ёки нарсани ёқтироқ” ва “бирор

киши ёки нарсани ёмон кўрмоқ” окказионал маънолари ўртасида воқеланади. “Бирор киши ёки нарсани ёмон кўрмоқ” маъносининг окказионал тарзда берилиши юқори экспрессивликни юзага келтиради. Қиёсланг: Зуҳурхон акани жуда яхши кўраман. Тўғрисўз, ҳалол, бирорни ялаб-юлқашни билмайди (Сайд Аҳмад. Умрим баёни); Ҳасанча бизнинг синфдошимиз эди. Катталар унинг отасини қанча “яхши кўрса”, биз ҳам Ҳасанчага шундай эдик... Бирга ўқиб, ёнма-ён бирга юрган одамингиз тўсатдан олдинга ўтиб ном қозонса – кимга ёқибди, айтинг! (Эркин Аъзам. Гули-гули).

Таъкидлаш лозимки, нутқий энантиосемиянинг муайян контекст билан боғланганлиги сўзлар сингари фразеологизмлар потенциал имкониятларининг ҳам матнда юзага чиқишини кўрсатади. Тадқиқотчилар қайд этганидек, мазкур жиҳатлар фразеологизмнинг прагматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, у фразеологизмнинг маъно доирасини кенгайтиради, полисемантик фразеологизмга айлантиради. Шу боис баъзи фразеологизмларнинг луғатларда бериладиган барқарор таснифи билан уларнинг “жонли фаолияти” ўртасида мутлоқ тенглик йўқ<sup>92</sup>.

Оғзаки нутқда бундай фразеологизмларнинг талаффузида ироник интонация бўлади ва у энантиосемик маънога ишора қиласи. Ёзма нутқда турли график белгилар, масалан, қўштироқ ёки курсивдан фойдаланилади. Баъзан эса ҳеч қандай график белгилардан фойдаланилмайди. Бунда энантиосемик маънони тушуниш учун кенгроқ контекст зарур бўлади. Сўзловчи ўз лисоний интуициясига таяниб, айни маънони илғаб олади.

Демак, нутқий энантиосемиянинг бир маъноси узуал, иккинчи маъноси окказионал бўлади. Энантиосемик маънолардан бири окказионал бўлса ҳам, ўзи намоён бўлган контекстда муайян нарса-ҳодиса, белги, ҳаракат-ҳолат ҳақидаги тушунчани ифодалаб келади. Бу тип энантиосемия айни жиҳати билан энантиосемиянинг бошқа турларидан, хусусан, субъектив-баҳоловчи энантиосемиядан фарқланади.

### 1.3. Фразеологик бирликда номловчи ва баҳоловчи энантиосемия

Маълумки, лисоний бирликлар муайян нарса-ҳодиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни номлаб келади. Айни нарса-ҳодиса, белги ёки ҳаракат-ҳолат ҳақида тушунча номинатив маънода акс этади, намоён бўлади. Тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганларидек, бу вазифани номинатив маъно бажаради ва унда субъектив муносабат бўлмайди. Аммо бундай муносабат тил бирлиги семантик структурасининг ажralmas қисми бўлган субъектив баҳолар орқали ифодаланиши ҳам мумкин. Фразеологизмлар номинатив ва субъектив баҳоли маъноларга эгалиги билан сўзга эквивалент бўлса ҳам, улар ўз моҳиятида

<sup>92</sup> Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг матндағи прагматик имкониятларини ўрганиш ҳақида / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2011. – Б. 12.

мавжуд образлилик билан сўздан фарқланади. Мазкур хусусият фразеологизмларнинг ўзига хос жиҳати бўлгани боис уни фразеологизм семантик структураси (номинатив ва субъектив баҳоли маънолар таркиби)дан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, фразеологизмни фразеологизм қилиб турадиган белги – образлилик. Шу маънода ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг энантиосемик табиатини номинатив ва субъектив баҳоли маъноларга асосан тадқиқ қилишда ҳам образлилик умумий белги сифатида иштирок этади. Фразеологик энантиосемия ҳам лексик энантиосемия сингари борлиқдаги нарса-ҳодиса, белги ва ҳаракат-холатни қарама-қарши томондан аташи ёки субъектив баҳолашига кўра номинатив ва субъектив-баҳоловчи энантиосемияга ажралади<sup>93</sup>. Зотан, у сўз бўладими, фразеологизм бўладими, аввало, маълум бир денотат ёки тушунчани номлайди, қолаверса, у ёки бу тарзда баҳолайди.

**Номловчи энантиосемия.** Муайян қарама-қарши маъноли фразеологизм орқали бирор нарса, белги ёки ҳаракат-холат аталганда фразелогик номловчи энантиосемия ҳосил бўлади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *етти пушт* фразеологизмида “аждод” ва “авлод” (ЎТИЛ) маънолари мавжуд ва улар номинатив маънолари сифатида муайян денотатнинг қарама-қарши томонларини кўрсатади. Ш.Раҳматуллаевнинг ЎТФЛда ҳам ушбу фразеологизмда “бир неча бўғин аждодлари” ва “бир неча бўғин авлодлари” маънолари борлиги қайд этилган (ЎТФЛ. Б. 84). Қиёсланг: *Сиз буваларимиздан қолган олтин китобни биласизми?* – “Олтин” дейсизми, эшон болам? – деб сўради. – Ҳа-да, *етти пушт ёзилган китоб-чи* (Мурод Мансур. Жудолик диёри); *Хўжса Абдулла унга тикилиб, паст товуши билан деди:* – *Мирбадалбек, ҳушёр бўлинг, менинг қоним етти пуштингизга сачрайди!* (П.Қодиров, “Юлдузли тунлар”). Яна қиёсланг: [Асадбек] – *Уйланадиган бўлсанг, қизнинг етти пуштини сўраб-суришиштир* (Тоҳир Малик. Шайтанат); – Ҳа, мен тўйқман! *Йиққаним етти пуштимга етади* (Ш.Холмирзаев. Тикан орасидаги одам).


*Етти пушт* фразеологизмидаги энантиосемик маъноларнинг пайдо бўлиши таркибидаги *пушт* сўзининг семантикаси билан боғлиқ. Буни ЎТИЛдаги тавсифида ҳам кўриш мумкин: *пушт* – 1. Одам ёки жониворнинг уруғ ёки тухумида бўладиган, маълум шароитда ривожланиб, болага айланадиган, ўз ривожланишининг бошланғич босқичидаги аъзо; эмбрион. Одамнинг пушти. Товуқнинг пушти. 2. Кимса ёки оиланинг ўзидан аввалги авлоди (аждоди – **таъкид бизники**) ёки кейинги авлоди, авлод-аждод, насл (ЎТИЛ). Ана шу тавсифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *етти пушт*

<sup>93</sup> Тадқиқотларда эмоционал-баҳоловчи деб юритилади (Кравцова В.Ю. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 66).

фразеологизмидаги дастлабки маъно “ўзидан кейинги авлодлари”дир. Кейинги маъно (“ўзидан олдинги аждодлари”) эса фразеологизм семантик тараққиётининг натижасидир.

Номловчи энантиосемияда муайян белги ҳам қарама-қарши томондан аталиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тилидаги *боши қоронғи* фразеологизми ҳам “бирон нарсани тусаш” ёки “унга тоқат қилолмаслик” (ЎТИЛ) маънолари билан номинатив энантиосемияни кўрсатади. Қиёсланг: *Аксига олиб, келин тансиқ меваларга боши қоронги бўлсами?!* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Боши қоронғига олам қоронғи* (Халқ мақоли).

ЎТФЛда у дунё-бу дунё фразеологизмининг икки номинатив маъноси қайд этилган: 1) “ҳаётлигига ҳам, ўлимидан кейин ҳам”; 2) “хеч қачон, асло” (275-бет). Фразеологизмнинг “ҳаётлигига ҳам, ўлимидан кейин ҳам” маъноси, моҳиятан, “ҳар доим”га teng. Айни маъно фразеологизмнинг “хеч қачон, асло” маъносига қарама-қарши. Мазкур зид маънолар муайян пайтга хос белгини зид тарзда атайди. Қиёсланг: *Кўзим очиқ кетмайдиган бўлди, Худойберди! Мен сендан у дунё – бу дунё розиман* (Мурод Мансур. Жудолик диёри); – *Сенга минг раҳмат. Ўз жигарингдан ҳам аъло қўриб, хизматлар қилибсан. У дунё-бу дунё унумтмайдиган бир иш қилибсан* (Мурод Мансур. Жудолик диёри). Буни қуйидаги чизма асосида янада яққол кўриш мумкин:



#### 4.3-чизма.

Мазкур фразеологизм семантик структураси ҳам *етти пушт, боши қоронғи* фразеологизмлари каби энантиосемик маънолардангина иборат, қарама-қарши маънолардан ташқари маънолар мавжуд эмас. Яна қиёсланг: *Ботир ҷўпон қуллук қилиб, худди кириб ўтирумаса – биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек, таъзимлар билан яна уйига айтди* (Ш.Холмирзаев. Ўзбек характери); – *Қадрдоңлик шу-да, aka. У дунё-бу дунё унумтмайман* (Мурод Мансур. Жудолик диёри).

Юқорида айтилганидек, фразеологизм муайян ҳаракат-холатнинг қарама-қарши томонларини ҳам кўрсатади. Хусусан, ҳозирги ўзбек тилидаги қўли боғланиб қолмоқ фразеологизмининг бирор юмуш (юмуш кўплиги) туфайли “қўли банд бўлиб бўлиб қолмоқ” ва бирор юмуш йўқлиги туфайли “қўли бекор қолмоқ, иш қилолмай қолмоқ” (ЎТИЛ) маънолари номинатив табиатли бўлиб, улар ҳаракат-холатнинг қарама-қарши жиҳатларини акс эттиради. Куйидаги мисолда мазкур фразеологизмнинг кейинги маъноси ифодаланган: *Косиб чоршанба куни бозор қилмаса, бир ҳафтагача қўли боғланиб қолади* (Ойбек. Танланган асалар). Ҳар икки маъно учун умумий бўлган “банд бўлиб қолмоқ” семаси фразеологизм қарама-қарши маънода воқеланаётганда лексик қуршовнинг мувофиқ бўлишини таъминлайди. “Ишнинг кўплиги” ва “ишнинг йўқлиги” семалари фарқли семалар бўлиб, зидликни воқелантиради.

Фразеологик номловчи энантиосемия ҳам зидланишнинг табиатига кўра комплементар, контрап ва конверсив табиатли бўлади. Бундай ажратиш Л.Новиковнинг “Рус тилида антонимия” асарида келтирилгани олдинги бобда айтилган эди. Фразеологизм маънолари ўртасидаги комплементар қарама-қаршилик ҳам “X” ва “Y” тарзида намоён бўлади<sup>94</sup> ва бир маънонинг инкори иккинчисининг тасдифини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилидаги *бош кўтармоқ* фразеологизмининг “қилиб турган ишини тўхтатмоқ” (ЎТИФЛ. Б.54), яъни “ҳаракатдан тўхтамоқ” (— Амаки, вергул зўрми, нуқтами? — деб сўрайди бўлајсак адаб ёзувидан бош кўтариб (Эркин Аъзам. Ёзувчи) ва “ҳаракатга келмоқ, қўзғалмоқ” (ЎТИФЛ. Б.54) (*Худо кўрсатмасин, агар ичкарида пусиб ётган ганимларингиз бош кўтарса, нарёқдан Бобур Амир Темурнинг қиличини ялангочлаб келса...* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар) маънолари ўртасида номинатив энантиосемиклик комплементар қарама-қаршиликка асосланган. Негаки ҳаракатдан тўхташ мантиқан ҳаракатга келмаганликни, ҳаракатга келиш эса мантиқан ҳаракатдан тўхтамаганликни тасдиқлайди. Мазкур қаршиланиш ўртасида оралиқ тушунча йўқ.

Контрап қарама-қаршиликка асосланган фразеологик энантиосемиклик ҳам “X” ва “Y” тарзида воқеланади, аммо комплементар зидликдан фарқли равища, зид маъноларнинг ўртасида оралиқ тушунча бўлади. Энантиосемик маънолардан бирининг инкори иккинчисини тўлиқ тасдиқламайди. Масалан, *ном чиқармоқ* фразеологизмидаги “алоҳида фазилатлари билан маълуму машҳур бўлмоқ” (*Ҳаммаёқдан маъқулловчи хитоблар ёғилиб кетди: “Қўйинг, гапирсин!”, “Эшитайлик!”. “Ёрқин истеъодод” деб ном чиқарган,*

<sup>94</sup> Учинчи бобда қарама-қарши тушунчаларни шартли равища X ва Y ҳарфлари билан белгилаш соҳага оид ишларда тан олинганини айтиб ўтган эдик.

*Оташқалбга отдоош, ўзи ҳам нимаси биландир унга ўхшашиб кетадиган Ёш шоур шу тобда қайнааб турар, айни портлагудек даражада эди (Эркин Аъзам. Шоирнинг тўйи) ҳамда “бирор иллати билан ёмонотлиқ бўлмоқ” (Яна бири қайсиdir район газетасининг муҳаррири районда суюқоёқлиги билан ном чиқарган аёлга қарши овоз берган (Сайд Аҳмад. Умрим баёни) маънолари ўртасидаги зидлик контрап қаршиланишга асосланади. Бунда “маълуму машхур бўлди” дегани “ёмонотлиқ бўлди” деганигина эмас, чунки ҳар иккисига ҳам тегишли бўлмаган оралиқ тушунча – “маълуму машхур ҳам, ёмонотлиқ ҳам бўлмаган” ҳам бор. Шу оралиқ тушунча зид аъзолардан бирининг бошқасини тўлиқ тасдиқлашига монелик қиласди. Мазкур маъновий муносабатни қуидагича кўрсатиш мумкин: маълуму машхур бўлмоқ – маълуму машхур ҳам, ёмонотлиқ ҳам бўлмаган – ёмонотлиқ бўлган.*


Мазкур хусусият контрап қарама-қаршиликка асосланган барча энантиосемик фразеологизмлар учун хос. Хусусан, *оти чиқмоқ* фразеологизмидаги “яхши ном билан машхур бўлмоқ, мақталмоқ” (*Ҳамма ёққа оти чиққан шу кунги Гулжса шаҳрининг биринчи биноси у ерларни Хитой хонлиги манжурлар босиб олиши даврида тикланмишидур* (Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси) ҳамда “бирор қилмиши туфайли шарманда бўлмоқ” (*Раҳматилла мироб “шап” этказиб хонтахтани урди-да, хотинига юзланди: – Ана, сан тарбия берган арзанда!* У қулоги билан ҳам, бу қулоги билан ҳам эшишиб қўйисин, биз унақа оти чиққан қизни келин қилолмаймиз (А.Айизов. Полвон йифлаган тун) маънолари ўртасидаги зидлик ҳам контрап қаршиланишга асосланган номинатив энантиосемиядир. Буни қуидагича кўрсатиш мумкин: яхши ном билан машхур бўлмоқ, мақталмоқ – яхши ном билан машхур бўлмаган, мақталмаган, аммо бирор қилмиши туфайли шарманда ҳам бўлмаган – бирор қилмиши туфайли шарманда бўлган. Кўринадики, зид маънолар ўртасида “яхши ном билан машхур бўлмаган, мақталмаган, аммо бирор қилмиши туфайли шарманда ҳам бўлмаган” деган оралиқ тушунча мавжуд.

Шунингдек, *худодан топмоқ* фразеологизмининг “қилган яхши амаллари учун мукофотини олмоқ” ва “қилган ёмон амаллари учун жазосини олмоқ” маънолари ўртасидаги номинатив энантиосемия ҳам контрап қарама-қаршиликка асосланган. Мазкур фразеологизмнинг маънодоши бўлган *касбкоридан топмоқда* ҳам айни маъновий қарама-қаршилик мавжуд. Масалан: *Тагин ҳалқда: “Ҳар ким ўз касб-коридан топади”, – деган ҳикмат бор.* Бунинг яхши маъноси ўз йўлига, ёмон маъноси – шу *касб йўригида оламдан ўтади*, дегани бўлса керак, (Ш.Холмирзаев. Омон овчининг ўлими). Мазкур


маънолар орасида “қилган яхши амаллари учун мукофот ҳам олмаган, қилган ёмон амаллари учун жазо ҳам олмаган” оралиқ тушунчаси мавжуд.

Номловчи энантиосемиянинг конверсив кўриниши, айниқса, кишилар ўртасидаги “олди-берди” маъно-муносабатини ифодалайдиган фразеологизмларда кўп кузатилади. Бундай фразеологизмнинг бир ҳолатда “сотмоқ”, бошқа ҳолатда “харид қилмоқ” маъносида кела олиши конверсив қарама-қаршиликнинг юзага келишини таъминлайди. Негаки *сотии*, айни пайтда *харид қилиши*ни ҳам тақозо этади, яъни *харид қилиши* амалга ошмаса *сотии* ҳам бўлмайди ёки аксинча. Бу конверсив қаршиланишнинг хос хусусиятларидан биридир. Ҳозирги ўзбек тилидаги *кўтара савдо қилмоқ* фразеологизмидаги “улгуржисига сотмоқ” ва “улгуржисига харид қилмоқ” (ЎТИЛ) маънолари ўртасидаги номинатив энантиосемия ҳам ана шундай ҳаракат-ҳолатнинг маҳсулидир. Қиёсланг: Унинг ҳам *Жарариқда кичиккина бир дорихонаси бўлиб, ана шунинг ташвишида Бешогочдаги кўтара савдо билан шугулланадиган “Жўрабек” фирмасига қарашили дорихонага борганида Журъатни учратиб қоларди* (Аббос Саид. Кўчада қолган одам); *Шу тариқа узумзорлар эгасига айланди*. Узумлар беҳисоб мева тугар, кишилар келиб *кўтарасига савдо қилиб, ўзлари узиб-тўплаб олиб кетаверар* эди (Исажон Султон. Озод).


Фразеологизмдаги хар уч тур зидланишни чизмада қўйидагича кўрсатиш мумкин:



**комплементар**



**контрап**



**конверсив**

#### 4.4-чизма.

Демак, фразеологик номловчи энантиосемия айни тил бирлигининг номинатив маънолари ўртасидаги қаршиланишдир. Шу каби маъноларга эга бўлган бирлик борлиқдаги нарса, белги ва ҳаракат-ҳолат ҳақидаги тушунчаларнинг номи бўлиб келади. Бундай энантиосемия ўзаро зид номинатив маънолар иштироқида ҳосил бўлса ҳам, мазкур маънолар устида умумий белги сифатида образлилик туради. Номинатив фразеологик энантиосемия ана шу жиҳати билан номинатив лексик энантиосемиядан фарқланади.

**Баҳоловчи энантиосемия.** Маълумки, тилда фақат бир шакл билан боғланиб қолган мазмун бўлмаганидек, бир мазмун билан боғланиб қолган шакл ҳам кам. Зеро, тил бирликлари муттасил ҳаракатда. Шу маънода муайян бир маъноли бирликнинг нутқда ўзининг янги ифода имкониятларига эга бўлиши ҳам ана шу табиий жараённинг ифодасидир. Бу жиҳат энантиосемик фразеологизмларнинг нутқий воқеланишида ҳам яққол кўринади. Нутқий энантиосемиянинг бир кўриниши бўлган баҳоловчи фразеологик энантиосемия муайян фразеологизмнинг ижобий ёки салбий баҳолари ўртасида намоён бўладиган қаршиланишdir. Мазкур зидликнинг нутқий эканлиги шундаки, уни ўзи воқеланаётган контекстсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Фразеологизм баҳоловчи энантиосемияни намоён этганда унинг номинатив функцияси хирадашади ва муайян нарса-ходиса, белги ва ҳаракат ижобий ёки салбий тарзда баҳоланади. Демак, бу тур энантиосемия эмоционал баҳолар ҳисобига юзага чиқади, шу жиҳати билан номинатив энантиосемияга зидланади. Тилшунослар энантиосемиянинг айни жиҳатига тўхталганда, унинг намоён бўлиши борлиқдаги нарса-ходисаларнинг азалдан ижобий ёки салбий баҳоланишга асосланганлиги билан боғлиқ, дейдилар<sup>95</sup>.

Баҳоловчи энантиосемияда ижобий баҳонинг салбийлашуви ёки салбий баҳонинг ижобийлашуви юз беради. Бобнинг 1-бўлимидаги таҳлил қилинган қаноти остига олмоқ фразеологизмида ижобий баҳонинг салбийлашуви юз берган бўлса, қуйидаги *балойи оғат* фразеологизмида салбий баҳонинг ижобийлашуви юз берган. Шу маънода Б.Йўлдошевнинг аксар фразеологик бирликларнинг мувофиқ контекстда узуал баҳосига нисбатан бошқа, ҳатто зид баҳо касб этиши мумкинлиги ҳақидаги эътирофи ўринли: “масалан, салбий баҳо билдирувчи *балойи оғат* фразеологизми ўрни билан ижобий баҳо ҳам англатади. Қиёсланг: *Мұхаммад Султон, иттифоқо, бир балойи оғат гўзал чехранинг қирмизи ранг таҳтиравондан ним табассум ила қиё боқиб турганини кўрди* (Мұхаммад Али. Улуғ салтанат. Мироншоҳ Мирзо); – *Занжисаройни ёндиридингму, Турон шери билан ўйнашдингму? Ҳа, ўзингга муносиб балойи оғатни орттириб олдинг!* (Мұхаммад Али. Улуғ салтанат. Мироншоҳ Мирзо)”<sup>96</sup>. Ушбу фразеологизм намоён этаётган салбий ва ижобий баҳолар ўртасидаги зидлик ҳам субъектив-баҳоловчи энантиосемиядир.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги ўзбек тилида баҳоловчи энантиосемик фразеологизмлар номловчи энантиосемик фразеологизмларга қараганда кам.

Хуллас, номловчи ва баҳоловчи фразеологик энантиосемия фразеологик бирликнинг муайян нарса-ходиса, белги ва ҳаракат-ҳолатни

<sup>95</sup> Батеева Е.Ю., Шаховский В.И. Эмоционально-оценочная энантиосемия фразеологизмов в речевом поведении (на примере английских библейских) / Личность, речь и юридическая практика. Межвузовский сборник научных трудов. Вып. 4. Ростов-на-Дону, 2001. – С. 14-17.

<sup>96</sup> Йўлдошев Б. Кўрсатилган мақола. – Б. 13.

қарама-қарши томондан атаб келиши ёки баҳолашига кўра фарқланади. Бир фразеологизм таркибидаги икки номинатив маънонинг қаршиланиши номинатив фразеологик энантиосемияни, бир фразеологизм таркибидаги баҳоларнинг зидланиши эса субъектив-баҳоловчи энантиосемияни юзага келтиради. Баҳоловчи энантиосемия фақат баҳолар қаршиланишига асосланиши билан нутқий энантиосемиядан фарқ қиласди.

#### **1.4. Фразеологик бирликда тўлиқ ва қисман энантиосемия**

Фразеологик бирликларда ҳам симметрик ва асимметрик энантиосемия мавжуд бўлиб, унинг мезонлари сўздаги шундай энантиосемияга ўхшаш. Бундай фразеологик энантиосемия маъновий қаршиланишнинг тўлиқ ёки нотўлиқлиги, бир ёки икки мавзуу остидаги маъновий зидликни кўрсатиши, семемалардаги интеграл ва дифференциал семаларнинг ўзаро мос келиши ёки келмаслиги, бевосита ёки билвосита зидланишига кўра фарқланади<sup>97</sup>.

**Тўлиқ энантиосемия.** Маълумки, фразеологизмларнинг катта қисмини соматик фразеологизмлар ташкил этади. Тадқиқотларда қайд қилинганидек, соматик фразеологизмлар у ёки бу тана аъзолари асосида юзага келган фразеологизмлардир<sup>98</sup>. Шунингдек, соматик фразеологизмларга киши тана аъзоларидан ташқари “қон”, “суюк”, “тери” тушунчалари билан боғлиқ лексемалар билан шаклланган бирликлар ҳам киритилади<sup>99</sup>. Бизнингча ҳам, бу каби турғун бирикмаларни соматик фразеологизмлар сирасига киритиш лозим. Негаки улар бевосита киши тана аъзоси ҳисобланмаса ҳам, бироқ инсон организми учун тана аъзоларидек хизмат қиласди ва фразеологизм таркибида тана аъзолари номлари сингари мавқеда бўлади.

Фразеологизм маънолари тўлиқ энантиосемияни намоён этиши учун семантик қаршиланиш тўлиқ, бир маъновий муносабат остидаги зидланиши кўрсатиши, интеграл ва дифференциал семаларда мос бўлиши, бевосита зидланиб, лексик қуршови ўхшаш бўлиши лозим. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги кўзи ёнмоқ фразеологизми “асабийлашмоқ, жаҳли чиқмоқ” ва “жуда хурсанд бўлмоқ” (ЎТИЛ) маъноларини англатади. Қиёсланг: *Қушибегининг кўзи ёнди. Манглай этлари тиришиб, сўл қўли билан соқолини тутамлаб, фикрга кетди* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар); *Қувончдан Бектемирнинг кўзлари ёниб кетди* (Ойбек. Қуёш қораймас). Мазкур фразеологизмдаги энантиосемик маънолар компонент таҳлил қилинса, “муайян ҳаракат-ҳолатдан жаҳли чиқмоқ” ва “муайян ҳаракат-ҳолатдан хурсанд бўлмоқ”

<sup>97</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Острикова Г.Н. Кўрсатилган автореферат. – Б. 25-28.

<sup>98</sup> Усманова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзРФА ҚИ, 1998.

<sup>99</sup> Бу ҳақда қаранг: Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, ИЯЛ АН РУз, 1979. – С. 36-37.

семемалари қўйидаги интеграл ва дифференциал семаларга ажralади: “муайян”, “ҳаракат-ҳолат” – интеграл, “жаҳли чиқмоқ”, “хурсанд бўлмок” – дифференциал семалардир, зидлик шу семаларга асосланади.

Айни маъновий зидликнинг тўлиқ эканлиги шундаки, қарама-қарши семемаларнинг интеграл семалари бир хил, дифференциал семалардаги зидланиш ҳам ўзаро тенг ва тўлиқ. Интеграл семалар зидликнинг бир мавзуй муносабат остида эканини, яъни “муайян пайтдаги киши руҳий ҳолатининг ифодасини” кўрсатса, дифференциал семалар мувофиқ қаршиланишни намоён этади. Мазкур семемалар исталган лексик-сintактик курсовда намоён бўлиши мумкин. Яна қиёсланг: *Бадианинг кўзлари ёнар, титраб турган қўлидаги ўткир ханжар ярқирап эди* (Мирмуҳсин. Меъмор); *Талъатнинг онаси Машкураларнинг кўчасини бир неча бор супурди. Икки йил мобайнида “Талъат” деса кўзи ёнувчи Машкура бирданига ўзгарди-қолди. Совчилар қуруқ қайтишаверди* (Тоҳир Малик. Даврон).

Ҳозирги ўзбек тилидаги қўли боғланиб қолмоқ соматик фразеологизми ҳам “бирор юмуш (юмуш кўплиги) туфайли қўли банд бўлиб бўлиб қолмоқ” ва “ищиз, бирор юмушсиз бекор қолмоқ, иш қилолмай қолмоқ” (ЎТИЛ) маънолари билан тўлиқ энантиосемияни намоён этади. Қўйидаги мисолда мазкур фразеологизмнинг кейинги маъноси ифодаланган: *Сен бу ернинг шимолдан келадиган шамолу бўронларини биласанми? У кранларни, юксакдаги пайванҷиларни, бетон ишларини хавф остида қолдириб, қишида ойлаб қўлни боғлайди* (Аскад Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Ҳар икки семемадаги “банд бўлиб қолмоқ” семалари умумий семалар бўлиб, улар мазкур зидликнинг бир умумий мавзу остида эканлигини кўрсатади, фразеологизм лексик курсовининг мувофиқ бўлишини таъминлайди. “Ишнинг кўплиги” ва “ишнинг йўқлиги” семалари фарқли семалар бўлиб, зидлик шу семалар ҳисобига воқеланади.

Маълумки, фразеологизмлар сўз бирикмалидан ўсиб чиқкан. Сўзларда бўлгани каби фразеологизмлардаги полисемантиклик ҳам маъно тараққиёти натижасида юзага келган, яъни фразеологизмдаги бир маъно бошқа маънонинг юзага келишига асос бўлган<sup>100</sup>. Бу энантиосемик фразеологизмларга ҳам тегишли. Буни қўйидагича кўрсатиш мумкин:



#### 4.5-чизма.

<sup>100</sup> Бу хақда қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 19.

*Кўли боғланиб қолмоқ* фразеологизми ҳам бирикманинг турғунлашиши натижасида пайдо бўлиб, “бирор юмуш (юмуш кўплиги) туфайли қўли банд бўлиб бўлиб қолмоқ”, кейин бу маънодан “ишсиз, бирор юмушсиз бекор қолмоқ, иш қилолмай қолмоқ” маъноси келиб чиққан. Фразеологизмнинг дастлабки маъносидаги “банд бўлмоқ” семаси сўз бирикмасидаги маънога анча яқин туради. Аммо ҳозирги ўзбек тилида ҳар икки маъно фразеологизмнинг таркибий қисмига айланниб бўлган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *суюк сурмоқ* фразеологизмидаги ҳам тўлиқ фразеологик энантиосемия мавжуд. ЎТИЛда мазкур фразеологизм “бирор касаллик, ирсий ҳолат ва шу кабиларни наслдан-наслга ўтиши” деб изоҳланган. Қуйида ана шу маънода ишлатилган: *Одамнинг билган нарсаси кўнгилга ўрганиши бўлади, кўнгилга ўрганиши бўлган, битта одамнинг одатига айланган иллат унинг қонига ҳам ўтади, кейин суюк суради* (Аҳмад Аъзам. Асқартоғ томонларда). Баъзан бу фразеологизм “бирор иллат ёки касалликнинг (наслдан-наслга ўтмай) тузалиб кетиши” маъносида ҳам қўлланади ва дастлабки маънога қаршиланади: *Қачонлардир Сеистондаги жсанглардан бирида ўнг оёғига ва ўнг қўлига ўқ тегиб, ярадор бўлгандан бери гарчи жароҳатлар битиб, суюк суриб кетган эса-да, вақти-вақти билан сирқираб оғриб турарди* (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Умаршайх Мирзо). Мазкур семемаларнинг компонент таҳлилида зидлик янада аниқ қўринади: “бирор”, “иллат”, “касаллик”, “наслдан-наслга” – интеграл семалар, “ўтиб”, “тузалмай” ва “ўтмай”, “тузалиб” дифференциал семалардир. Энантиосемияни айни дифференциал семалар ўртасидаги қаршиланиш вужудга келтиради. Қўринадики, мазкур фразеологизмдаги энантиосемиклик ҳам юқоридаги фразеологизмлар сингари умумий ва фарқли семаларда ўзаромос.

*Ичаги узилмоқ* фразеологизмининг бир умумий мавзу – “кишининг у ёки бу руҳий ҳолати”ни ифодаловчи “тўхтовсиз кулгидан ҳолдан тоймоқ” ва “тўхтовсиз йифидан ҳолдан тоймоқ” (ЎТИФЛ.Б.115.) маъноларида ҳам тўлиқ энантиосемиклик бор. Қиёсланг: – *Чиройли йигит, ақлли йигит, – деб мақтاي-мақтай, Тўйбеканинг ичаги узилди.* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар); – *Хой Кумри, ахир укангга қарасанг-чи, ичаги узилиб кетди-ку!* (Ғафур Гулом. Ёдгор). Мазкур семемалар компонент таҳлил қилинса, “тўхтовсиз”, “ҳолдан тоймоқ” – интеграл семалар, “кулги” ва “йифи” дифференциал семалар эканлиги қўринади. Ана шу дифференциал семалар тўлиқ энантиосемияликни юзага келтиради.

Тўлиқ энантиосемия конверсив муносабатли ҳам бўлади. Хусусан, жонига тегмоқ фразеологизми “ўзи безор бўлмоқ” ва “бошқани безор қилмоқ” маъноларига эга. Мазкур фразеологизм маъноларидан англашилаётган ҳаракат-ҳолат бир ҳолатда нутқ обьектига, иккинчи ҳолатда бошқа шахсга қаратилган. Ҳаракат-ҳолат нутқ обьектининг ўзида амалга ошганда “ўзи безор бўлмоқ”, бошқа шахс устида амалга ошганда “бошқани безор қилмоқ” маъносида намоён бўлади ва ўзаро зидланади. Қиёсланг: *Тергов беравериши жонига текканми ёки бирга ётган тажрибали шерикларининг турли-туман йўл-йўриқлари гангитиб ташлаганми, хуллас, уни қандайdir жин чалгани аниқ эди* (Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси); – *Гап тарқатинглар, халақит беринглар, ишиқилиб жонига тегинглар-да* (С.Зуннунова. Янги директор).

Симметрик маъновий зидлик соматик бўлмаган фразеологизмларда ҳам мавжуд. Улардаги образлилиқ, экспрессивлик каби белгиларнинг соматик фразеологизмлардагига нисбатан ортиқлиги фразеологизмнинг таъсири кучини ошириши билан бирга, маънолар қиёси чоғида қарама-қарши маънонинг янада яққол кўринишига хизмат қиласи. Масалан, қаримтаси қайтди фразеологизмининг “яхшилик қайтди”, яъни “қилган амаллари учун мукофотини олди” ва “қилмишига яраша жазосини тортди, қасос қайтди” (ЎТИЛ) маънолари ўртасида шундай энантиосемия юзага келган. Қиёсланг: *Домулло имом айтур: “Бугун кечаси нега уйқум келмади экан десам, йўқ, хайриятчилик, муаккилларим Қулаҳмаднинг тўйидин воқиф қилмак учун ухлатмаган экан. Мана бизлар худо деган бандамиз: бир кеча Аллоҳ таолога ўз манфаатим учун яхшилик ила риёзат қилиб эдимки, ҳай-ҳай, эмди билмадимки, Қулаҳмад қаримтасин қандай қайтарур”* (М.Шермуҳамедов. Бефарзанд Очилдибой). Мазкур парчада қаримтаси қайтди фразеологизми “яхшилик қайтмоқ” маъносини англатиб келган. Қасос, қаримта қайтадиган дунё (ЎТИЛ) бирикмасида эса “жазо, қасос қайтмоқ” маъносида қўлланган.

*Оқ киймоқ* фразеологизми ҳам “азадан чиқиш” ва “азага кириш” (ЎТИЛ) маънолари билан тўлиқ энантиосемияни намоён этади. Мазкур энантиосемиклик фразеологизмнинг адабий тил ва шевадаги маънолари ўртасида юзага келган бўлиб, адабий тилда “азадан чиқмоқ”, Бухоро ва баъзи шеваларда “азага кирмоқ” маъносини англатади. Шундай бўлса ҳам, бу маъновий зидликнинг ўзаро тўлиқ ва мослиги, бир мавзуга оид эканлиги, тўғридан-тўғри зидланиши каби жиҳатларига соя солмайди. Қиёсланг: – *Худоё худовандо, шу эшикдан лопиллаб тобутлар чиқсин. Шу уйдагилар оқ киймасин, қора кийимдан боши чиқмасин* (Сайд Аҳмад. Жимжитлик); *Кампир ҳали ҳам бошдан-оёқ оқ кийиб, ўғли Иброҳимга аза тутиб юрап эди* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бу фразеологизм маъноларининг ўзбек

миллатига хос урф-одатлар ифодаси эканлиги энантиосемик маъноларнинг этнолингвистик омиллар сабаб пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Тўлиқ энантиосемиклик қарши қуда ёки қайчи қуда фразеологизмида ҳам мавжуд. Мазкур фразеологизм семантик структурасининг ўзига хослиги шундаки, у бир пайтнинг ўзида кимгadir “қиз берган” ва кимданdir “қиз олган” (ЎТИЛ) маъноларини билдиради. Шу сабабли энантиосемикликнинг ифодаланиши учун фразеологизм қатнашган биргина жумланинг ўзи етарли. Мазкур энантиосемиклик ҳам конверсив табиатлидир. Масалан: *Фазилатхон билан қарши қуда бўлаётганлари тўғрисида Отақўзи тоғаси у ёқда турсин, ҳали аяга ҳам оғиз очишига юраги бетламаган* (О.Ёқубов. Диёнат). Яна кузатинг: *Туман, Соҳибқирондан ўзинг сўраб берасан! Қайчи қудалармиз... Бизнинг жигарбандимиз, ўз набиралари Султон Ҳусайн Мирзони жазолайдурларму?* (Муҳаммад Али. Улуг салтанат. Шоҳруҳ Мирзо).

Демак, соматик ва соматик бўлмаган фразеологизмлардаги тўлиқ энантиосемия моҳиятан teng. Аммо носоматик фразеологизмларнинг энантиосемик маъноларидағи образли ифода, экспрессивлик соматик фразеологизмларнинг энантиосемик маъноларидағи айни жиҳатдан кучли.

Хуллас, тўлиқ энантиосемия интеграл ва дифференциал семаларда тўлиқ мувофиқликни, бир маъновий муносабат остидаги қаршиланишини, бевосита зидланиш ва лексик қуршовнинг ўхшаш бўлишини тақозо этади.

**Қисман энантиосемия.** Энантиосемиянинг бу кўринишида фразеологизмнинг зид деб қаралаётган маънолари бир мавзуй муносабат остида бўлмайди, интеграл ва дифференциал семаларда қисман мос келади, маънолар бевосита зидланмайди ҳамда лексик қуршови турлича бўлади. Қисман фразеологик энантиосемия ҳам соматик ва соматик бўлмаган фразеологизмлар билан юзага келади. Шунга кўра, фразеологик энантиосемия соматик қисман ва носоматик қисман турларига ажralади.

Дастлаб соматик қисман энантиосемияни кўриб ўтамиш. Бундай фразеологик бирликлар сирасига қўл қовушиштормоқ, жони халқумига келмоқ, ичи қизимоқ кабиларни киритиш мумкин. Масалан, ЎТИЛда қўл қовушиштормоқ фразеологизмининг “кўлни, беш панжани бирин-устин кесишиштирган ҳолда тутмоқ”, “бировларга ҳурмат, эҳтиром юзасидан шу вазиятда турмоқ, қуллуқ қилмоқ” ва кўчма изохи остида “иш қилмасдан кеккайиб қараб турмоқ” маънолари берилган. Ушбу полисемантик, айни пайтда, энантиосемик фразеологизмнинг кейинги икки маъноси ўртасида ҳурмат қилмоқ – кеккаймоқ (ҳурмат қилмаслик) тарзидаги зидланиш мавжуд. Бу зидланиш бир мавзу остида, яъни “шахснинг муайян пайдаги ҳолати”ни ифода этган, аммо зидлик “иш қилмасдан кеккайиб қараб турмоқ”

семемасидаги “кеқкаймоқ” семаси билангина юзага чиқади, яъни семема – сема тарзида қаршиланади. Бу қарама-қарши маънолар кўламининг тенг эмаслигини кўрсатади. Ана шу номувофиқлик асимметрик энантиосемияга сабаб бўлади. Қиёсланг: *Ажаб дунё. Шундай басавлат одам жинчалоқдек чол олдида қўл қовуштириб таъзимда турар, кўзларига тик қараашга ботина олмас, мусулмончилик андишасими, нимадир йўл қўймас эди* (Мурод Мансур. Жудолик диёри); *Очил, бригадирман, деб қўл қовуштириб ўтирумайди* (Ф.Нуруллаев. Бўз йигит). Бу ҳолат симметрик энантиосемия учун маънолар кўламидаги тенгликнинг муҳимлигини кўрсатади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги жони *халқумига келмоқ* фразеологизмида ҳам қисман энантиосемия мавжуд. Ш.Рахматуллаев жони *халқумига келмоқ* фразеологизмининг “ўлар ҳолатга етмоқ”, “чидами тугаб, яшашдан ҳам безор бўлиб кетмоқ”, “ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ”, “ниҳоятда қаттиқ қўрқмоқ” маъноларига эгалиги ва бу маъноларнинг бири иккинчисидан келиб чиққанини айтади ҳамда кейинги икки маънони ўзаро зид дейди<sup>101</sup>. Биз ҳам бунинг, албатта, тўғрилигини таъкидлаган ҳолда, бу зидликнинг бир қарашда илғаш қийинлигини тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Бунинг сабаби, биринчидан, энантиосемик маъноларнинг бир мавзу доирасида эмаслиги бўлса, иккинчидан, мазкур қарама-қарши муносабат семемаларнинг бевосита зидланиши эмас, билвосита, яъни бошқа бир семема асосида зиддиятга киришишидир, яъни учинчи семемадаги “қўрқмоқ” семаси иккинчи семема (“ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ”)дан келиб чиқадиган “қўрқмаслик” семасига зиддир. Бунда фразеологизмдаги семемалар яхлитлигича зидланмайди: “ниҳоятда қаттиқ қўрқмоқ” – “умуман қўрқмаслик” тарзида қаршиланмайди, балки семема – сема тарзида зидланади. Шунинг учун ҳам энантиосемия яққол кўринмайди. Шунга кўра уни қисман энантиосемия деб баҳолаш мумкин. Демак, мазкур фразеологизмда намоён бўладиган қисман энантиосемиянинг юзага келиши зид семемаларнинг бир умумий мавзуга тегишли бўлмагани, тўғридан-тўғри зидланмагани билан боғлиқ.

Шунингдек, ичи қизимоқ фразеологизмининг муайян нарса ёки ҳаракат-ҳолатта “қизиқиши уйғонмоқ” ва муайян нарса ёки ҳаракат-ҳолатдан “зерикиб сиқилмоқ”<sup>102</sup> маънолари ўртасида ҳам қисман энантиосемия кузатилади. Мазкур маъновий зидликнинг номувофиқлиги шундаки, дастлабки маънога зидланиши лозим бўлган “қизиқмаслик” семаси бевосита эмас, билвосита, яъни “зериқмоқ” семасидан англашилади. Масалан, *Аммо қизиқиши ниятидан устун келиб, ичи қизиб, варақлардан бирини олиб, ҳарфни ҳарфга уриштириб ўқимоқча киришиди* (Тоҳир Малик. Шайтанат) жумласида ичи қизимоқ фразеологизми “қизиқиши уйғонмоқ” маъносида намоён бўлган. *Кейин ярим ўғирилиб ўтириб олиб, гап бера кетди. Ё роса ичи қизиб, тўқилолмай юрган экан, ё мени топиб олиб, гап халтаси очилиб кетган* эди (Мурод Мансур. Жудолик диёри) контекстида “зериқмоқ”, “зерикиб сиқилмоқ” маъносида воқеланган. Айни маъно замирида

<sup>101</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 1966. – Б. 18.

<sup>102</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 1966. – Б. 38.

“қизиқмаслик” семаси мавжуд. Демак, “қизиқмоқ” маъносига зидланадиган маъно билвосита – “зериқмоқ” маъноси умумий мазмунидан англашилади. Яна қиёсланг: *Хабарим бор. Ҳаммасини билиб юрибман*, – деди ичи қизиб Раҳим (Ҳаким Назир. Кўкорол чироқлари); *Уйга келса, ичи қизиб, ўзини қаерга қўйишини билмайди, айланай* (С.Анорбоев. Эҳ, ёмон бўлди).

Жон бермоқ фразеологизми маънолари ўртасида ҳам қисман энантиосемиклик бор. Ш.Раҳматуллаев бу фразеологизмни омоним фразеологизм сифатида изоҳлаган ва диний. “барҳаёт қилмоқ” ва “ўлмоқ” маъноларини келтирган (ЎТИФЛ. Б. 94). Қиёсланг: *Одамзодга жон берган ҳам, жонини оладиган ҳам Яратганинг ўзи* (Парда Турсун. Ўқитувчи); *Ёнларида эдим, қўлимда жон бердилар* (Тоҳир Малик. Сўнгги ўқ). Мазкур фразеологизмда юзага келган қарама-қарши маъноларни қуидагича изоҳлаш мумкин: дастлаб “ўлмоқ” маъноси пайдо бўлган. Мазкур маънонинг юзага келиши одам боласига жоннинг Аллоҳ томонидан берилиши ва инсон ўз умрини яшаб бўлгач, ана шу омонатни – жонни эгасига қайтариб бериши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур фразеологизм жон сўзи асосига қурилган бўлса ҳам, маъновий зидлик бермоқ сўзининг ўзига хос семантикаси асосида пайдо бўлган. Айни маъновий муносабатнинг асимметрик энантиосемия эканлиги шундаки, “барҳаёт қилмоқ” маъносида ҳаракат бажарувчисининг ўзи обьект характерида эмас, аммо кейинги “ўлмоқ” маъносида бажарувчининг ўзи обьект мақомида.

Носоматик энантиосемик фразеологизм сифатида дунёдан ўтмоқни кўрсатиш мумкин. Мазкур фразеологизмнинг “яшамоқ” ва “қазо қилмоқ” маънолари ўртасида ҳам қисман энантиосемиклик мавжуд. Қиёсланг: *Дунёдан гўллигингча ўтасан, шекилли, сен бола* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Директор ҳам ииғлаятими? Ҳа-а, ииғлаятти. Нодирбек, ҳалол бир агроном, дунёдан ўтса-ю, у кўзига ёш олмайдими!* (Ш.Холмирзаев. Ҳаёт абадий). Яна қиёсланг: *Онаси эса унга қараганича унсиз ииғларди. Нима учун ииғлаётганини ўзи ҳам билмасди. Бу дунёдан қандай армон билан ўтаётганини идрок қила олмасди* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Бояқши момом: “Кафан кийган келмайди, кепата кийган келади”, деб тогамнинг ўйлига кўз тутма-тутма дунёдан ўтди* (Ш.Холмирзаев. Ота юрт).

Мазкур фразеологизм англатган маъновий зидликдаги номувофиқлик шундаки, одатда, “қазо қилмоқ” семемасининг зиди “дунёга келмоқ” бўлгани ҳолда “қазо қилмоқ” семемасида “яшамаслик” семасининг мавжудлиги боис “яшамоқ”нинг зиди сифатида “қазо қилмоқ” семемасининг ҳам тушунилишидир. Ана шу “яшамаслик” семаси асосида шаклланган маъно билан “дунёга келмоқ” маъноси ўртасидаги муносабат дунёдан ўтмоқ фразеологизмидаги ўзига хос қисман энантиосемияни юзага келтирган<sup>103</sup>.

Ш.Раҳматуллаев дунёдан ўтмоқ фразеологизмининг дунёда ўтмоқ варианти борлигини, “умр кўрмоқ, умр ўтказмоқ” маъносини англатишини айтади: – *Ўртага совуқчилик солиб қўямиз. Фарзандсиз одам дунёда ўтмабдими?!* (Ҳабиб Нўймон. Ёшлика берган кўнгил) (ЎТИФЛ. Б.76).

<sup>103</sup> Бу маънолар зидланишини Ш.Раҳматуллаев ҳам таъкидлайди: Кўрсатилган асар, 1966. – Б. 38.

Қисман энантиосемия қаршиланаётган маъноларнинг фразеологизм семантик марказига бўлган муносабатига кўра ҳам аниқланади, яъни бунда зид маънолардан бири фразеологизм семантик марказига яқин, иккинчиси узокроқ жойлашган бўлади. Кўпинча, бунда фразеологизмнинг нисбатан нейтрал хусусиятга эга бўлган маъноси фразеологизм семантик марказига яқин туради. Масалан, ЎТИЛда қўл кўтармоқ фразеологик бирлигининг уч маъноси қайд этилиб, улар “розилик, хоҳиш ифодаси сифатида қўлни кўтармоқ”, “таслим бўлмоқ” ҳамда “бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ” маъноларидир (V жилд. Б.403). Бунда фразеологик бирликнинг иккинчи ва учинчи маънолари ўртасида семантик зидланиш кузатилади: “таслим бўлмоқ” – “бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ”. Қиёсланг: *Куришовда қолган душман қисми қаршиликни тўхтатиб, қўл кўтарди* (ЎТИЛ); – Улар қўл кўтаргандан кейин қўл кўтарсан, кеч қоламиз, оғайнилар – деди у. Орқаларидан қувиб бориб, бирданга солдирмасак бўлмайди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Буни қуйидаги чизма асосида яққол кузатиш мумкин:



### асимметрик маъновий зидлик

#### **4.6-чизма.**

4.6-чизмадан кўринадики, фразеологизм семантик марказининг икки кутбидаги “таслим бўлмоқ” ва “бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ” семемалари энантиосемик муносабатга киришган. Аммо “таслим бўлмоқ” “бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ”га нисбатан фразеологизм семантик марказидан узокда. “Розилик, хоҳиш ифодаси сифатида қўлни кўтармоқ” семесининг “таслим бўлмоқ” семеси билан бир кутбда туриши, моҳиятан, ҳар икки маънода “розилик” семесининг мавжудлигидир.

У ёки бу фразеологизмдаги тўлиқ зидликнинг йўқолишига қисман энантиосемиянинг юқорида кўрсатиб ўтилган (қарама-қарши маъноларнинг бир маъновий муносабат остида бўлмаслиги, зид маънолар кўламининг ўзаро тенг эмаслиги, билвосита (яъни зид аъзолардан бирининг бошқа маъно асосида) қаршиланиши каби белгилардан бирининг мавжуд бўлиши ҳам етарли<sup>104</sup>. Ҳозирги ўзбек тилидаги *холис хизмат* фразеологик бирлигининг узуал “таъмасиз, бегараз ҳалол хизмат” ва кўчма “ғаразли ният билан

<sup>104</sup> Яна қаранг: Махмутова Л. Кўрсатилган автореферат. – Б. 21.

қилинган иш” (ҮТИЛ) маъносида ҳам шуни қўриш мумкин. Мазкур маънолар бир маъновий муносабатга мансуб бўлса ҳам, уларнинг тўлиқ зидланиши учун “таъмали” – “таъмасиз” тарзидаги қаршиланиш зарур, аммо кейинги маъно таркибида “таъмали” семаси йўқ, балки “ғараз” семаси бор. Шунинг учун бу маънолар ўртасидаги муносабат ҳам қисман энантиосемия хисобланади.

Демак, фразеологизмдаги қисман энантиосемия қаршиланаётган маънолар бир маъновий муносабат остида бўлмаганда, интеграл ва дифференциал семаларда қисман мос келганда, маънолар билвосита зидланиб, лексик қуршови турлича бўлганда, шунингдек, зид маънолардан бири фразеологизм семантик марказидан узоқ жойлашганда юзага келади.

Кузатишлардан шу нарса аниқ бўлдики, ҳозирги ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг аксар қисмидаги маъновий зидлик ўзаро тўлиқ, яъни мувофиқдир.

### **1.5.Фразеологик бирликда синхроник ва диахроник энантиосемия**

Ўзбек тилшунослигига фразеологик бирликларни синхрон ва диахрон аспектда тадқиқ этиш А.Исаевнинг тадқиқотида амалга оширилган. Мазкур диссертацияда таъкидланишича, қадимги туркий тилдаги мавжуд 2330дан ортиқ умумтуркий фразеологизмнинг аксар қисми ҳозирги туркий тилларда кўлланмайди, баъзилари эса умумтуркий фразеологизмлар сифатида ҳозирги туркий тилларда ҳам мавжуд. 132 умумтуркий соматик фразеологизм эса тузилиши ёки семантикасида турлича ўзгаришлар билан учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шундай соматик фразеологизмлар сақланиб қолган<sup>105</sup>.

Фразеологик энантиосемиянинг лисоний табиатини тўлиқ тавсифлаш учун унинг синхрон ва диахрон жиҳатларини ўрганиш лозим. Ўзбек тилида мавжуд бўлган энантиосемик фразеологизмларнинг барчаси маъновий зидликни синхрон ёки диахрон нуқтаи назардан ифодалашига кўра фарқланади. Юқорида таъкидланганидек, тадқиқотларда энантиосемик маъноларнинг тил тараққиётининг муайян бир даврида мавжуд бўлиши синхроник энантиосемияни, икки даврида мавжудлиги эса диахроник энантиосемияни юзага келтиради<sup>106</sup>.

**Синхроник энантиосемия.** Маълумки, фразеологик бирликнинг семантик структурасида номинатив маъно билан бирга айни маънонинг

<sup>105</sup> Исаев А. Кўрсатилган диссертация. – Б. 43-44.

<sup>106</sup> Вороничев О.Е. О лексическом статусе энантиосемантов или когда слова самому себе становится антонимом / <http://www.school2100.ru/upload/iblock/5f8/5f87ea4e28a15bf5b81d264250085cda.pdf>.

образли ифодаси ҳам бўлади. Фразеологизм ана шу образли номинация билан сўздан фарқланади. Аммо сўз ҳам, фразеологизм ҳам, биринчи навбатда, бирор нарса ёки ҳаракат-ҳолатни номлаш тақозоси билан ҳосил бўлади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи тилшунослар фразеологизм маъносини уни сўзга қиёсламасдан туриб очиб бўлмаслигини таъкидлайдилар<sup>107</sup>. Шундан келиб чиқиб, фразеологизмдаги энантиосемик муносабатни ҳам лексик антонимлик мезони асосида белгилаш мумкин. Ю.Д.Апресян антонимик муносабат турларини кўрсатар экан, “бирор жойга кирмоқ” ва “бирор жойдан чиқмоқ” зидлигини антонимиянинг типик кўриниши деб атайди<sup>108</sup>.

Бундай маъновий зидлик ҳозирги ўзбек тилидаги энантиосемик фразеологизмлар билан ҳам ифодаланади. Масалан, *остона ҳатламоқ* фразеологизмининг “бирон жойга (уй, хона ва шу каби) кирмоқ” ва “бирон жойдан чиқмоқ” (ЎТИЛ) маънолари ўртасида синхроник энантиосемия кузатилади. Қиёсланг: – *Ассалому алайкум, холамои,* – мен остона ҳатлаб, *қўлим кўксимда, муштдек бўлиб ўтирган кампирга елкамни тутиб бордим* (Мурод Мансур. Жудолик диёри); – *Лекин бирор ўшандан бери остона ҳатлаб, кўчага чиққанини кўрган эмас, болам* (Мурод Мансур. Жудолик диёри). Яна қиёсланг: – *Ҳай, майли, нимаям қилардик...* Энди келин, – остона ҳатлаб *йўлакка кирган Тоштемир aka атрофга аланглади* (А.Йўлдошев. Қишлоқилар); *Aхир остона ҳатлаб чиқолмай қолдум, Каттабоғга гап тарқаб кетупти!* (Мурод Мансур. Жудолик диёри).

Шундай ҳолатлар бўладики, у ёки бу тил бирлиги орқали ифодаланаётган энантиосемик маъно бир нутқий вазиятдан англашилади. Масалан, қуидаги мисолда қўлланган *остона ҳатламоқ* фразеологизмини “Таваккал аталмиш кишини оstonадан ичкарига киритмаслик” маъносида ҳам, “уни уй остонасидан ташқарига чиқармаслик” маъносида ҳам келган деб тушуниш мумкин. – *Тушунолмадим, – деб яна ёлғондакам ишишайди Таваккал.* – *Акамни оstonадан ҳатлатманг, демоқчимисиз?* (Ш.Холмирзаев. Булут тўсган ой). Бу, бир қарашда, адресат учун нутқий вазиятни тушунишда мураккаблик туғдирадигандек туюлади, аммо айни контекст боғлиқ бўлган матн қайси маъно назарда тутилаётганини кўрсатиб туради. Шундай экан, ҳозирги ўзбек тили соҳиби учун айни нутқий вазиятни идрок этишда мураккаблик бўлмайди.

<sup>107</sup> Маркова Е.М. Внутренняя форма слова и фразеологизма // Русский язык за рубежом, 2011. – № 5. – С. 69.

<sup>108</sup> Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М: Наука, 1974. – С. 289.

Маълумки, эски ўзбек тилида оёқ сўзи асосида ўттизга яқин фразеологизм яратилган<sup>109</sup>. Шулардан бири оёқ узатмоқ фразеологизми бўлиб, у Алишер Навоий асарларида “оёқни чўзиб яшамоқ, юрмоқ” маъносини англатган: *Ғам заъфида дашт узра ётсанг, Қум бистар экин аёғ узатсанг* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун). Ҳозирги вақтда ҳам оёқ узатмоқ // оёқ чўзмоқ фразеологизми полисемантик фразеологизм сифатида тилимизда фаол қўлланади. Унинг дастлабки маъноси “кўнгли тинчимоқ, ғам-ташвишдан ҳоли бўлмоқ”, кейинги маъноси эса “ўлмоқ, жон бермоқ” (ЎТИЛ)дир. Ш.Раҳматуллаевнинг лугатида эса бу фразеологизмнинг факат “қазо қилмоқ” маъноси берилган (ЎТФЛ). Диққат қилинса, фразеологизмнинг “тинч, ғам-ташвишдан ҳоли яшамоқ” ва “ўлмоқ, жон бермоқ” маъноси ўртасида энантиосемиклик мавжуд. Қиёсланг: *У дунёда... кампиди нозик таъб билан боқмайди. Силаб-сийпаламайди. Шу боис у дунёда ўлса бўлади! У дунёда оёқ узатиб ётса бўлади!* (Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди); *Кампир тимирскиланиб, Мирвалининг елкасига қўл ташлаб кўришиган бўлди. – Вой, нимасини айтасан, болам, гойибим ҳозир бўлиб, уйим тўлиб қолди.* Энди оёғимни узатиб кетаверсам ҳам бўлади (Сайд Аҳмад. Жимжитлик).

Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилида бир қатор энантиосемик фразеологизмлар мавжуд. Улардан баъзиларининг семантик структурасида факат қарама-қарши маънолар бўлса, айримларининг семантик структурасида энантиосемик маънолар билан бирга бошқа маънолар ҳам мавжуд. Масалан, юқорида таҳлилга тортилган *остона ҳатламоқ* фразеологизмининг семантик структураси қарама-қарши маънолардангина иборат. Аммо жони *халқумига келмоқ* фраземаси семантикасида “ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ”, “ниҳоятда қаттиқ кўрқмоқ” (ЎТИФЛ. Б.102) энантиосемик маънолари билан бирга, “ўлар ҳолатга етмоқ”, “чидами тугаб, яшащдан ҳам безор бўлиб кетмоқ” (ЎТИФЛ. Б. 101) маънолари ҳам бор.

Демак, синхрон фразеологик энантиосемия тил тараққиётининг аниқ бир даврида фразеологизм семантик структурасидаги маъновий қарама-қаршиликдир. Шундай хусусиятга эга бўлган фразеологик энантиосемиянинг бошқа турлари ҳам синхрон фразеологик энантиосемия мақомидадир<sup>110</sup>.

**Диахроник энантиосемия.** Туркий тилларнинг аввалги даврларига оид фразеологик бирликлар борасида ҳам туркологияда бир қатор ишлар амалга

<sup>109</sup> Йўлдошев Б. “Лайли ва Мажнун” достонида фразеологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 35.

<sup>110</sup> Бобнинг олдинги бўлимларида ўзбек тилидаги қатор энантиосемик фразеологизмлар таҳлил қилингани боис синхроник энантиосемия баҳсида яна бундай фразеологизмларни келтиришни лозим топмадик.

оширилган<sup>111</sup>. Бу борада Э.Умаровнинг эски ўзбек тили, хусусан, Алишер Навоий асарларида ишлатилган фразеологизмлар юзасидан олиб борган ишларини ҳам кўрсатиш лозим<sup>112</sup>.

Фразеологизмдаги диахрон энантиосемиклик ҳам муайян фразеологизмнинг тилнинг икки тараққиёт давридаги қарама-қарши маънолари ўртасида юзага келади<sup>113</sup>. Масалан, қадимги туркий ва ҳозирги ўзбек тили, эски туркий ва эски ўзбек тили, эски ўзбек тили ҳамда ҳозирги ўзбек тили ўртасидаги энантиосемиклик каби.

Эски туркий тилдаги элиқ *tort* фразеологизмida ҳам зид маъно тараққиёти юз берган. Мазкур фразеологизм аввал “бирор иш ёки ҳаракатни бошламоқ” маъносини англатган<sup>114</sup>. Масалан, *Sav altun bila tartsa beqlar eliq* (Сўз, олтин билан беклар иш бошласа) (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг). “Қадимги туркий луғат”да ҳам шунга яқин “ишига солиш”, “қўллаш”, “ҳаракатга келтириш” маъноларини англатгани айтилади (Б. 228). Мазкур фразеологизм ҳозирги ўзбек тилига элиқ сўзининг синоними саналган қўл сўзига алмашиб (*қўл tortmoқ*) етиб келган. Бу фразеологизм ҳозирги ўзбек тилида эски туркий тилдаги маъносига зид бўлган “бирор иш ёки ҳаракатдан тўхтамоқ” маъносида қўлланади. Кўринадики, эски туркий тилдаги “бирор иш ёки ҳаракатни бошламоқ” ва ҳозирги ўзбек тилидаги “бирор иш ёки ҳаракатдан тўхтамоқ” маънолари ўртасида диахроник энантиосемия бор.

Диахроник энантиосемиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири қарама-қарши маънолардан бирининг тилнинг ҳозирги даврида бўлмаслигидир. Бунда энантиосемик маънонинг бири, асосан, дастлабкиси тил тараққиётининг ҳозирги даврига қадар етиб келмаган, истеъмолдан чиқиб кетган бўлади.

Тилшуносларнинг бу борадаги фикрларига қўра, кейинги маънонинг юзага келиши дастлабки маънонинг чиқиб кетишига сабаб бўлган<sup>115</sup>. Масалан, эски ўзбек тилидаги *кўзи учмоқ* фразеологизми дастлаб “муштоқ бўлмоқ”, “кутмоқ” маъносини англатган (АНАТИЛ. II жилд. Б.147): *Фарҳоднинг Ширин номаси муқобаласида хома учин метини нўғидек тез этиб, ул хома била варақ таҳтасин метин хоро таҳтасига теккондек оташангез қилғонини, телбалардек ўзин итлар силсиласига тортиб лоба кўргузгонини Пари пайкар*

<sup>111</sup> Байрамов Г. Фразеология енисейско-орхонских памятников. Учен. зап. АзерГУ. Серия языка и литературы. – Баку, 1966. – № 2. – С. 14-24; Байрамов Г. Слова с фразеологическими значениями в труде М. Кошгарского “Дивану лугат-ит-турк”. Учен. зап. АзерГУ. – Баку, 1966. – № 5. – С. 18-26.

<sup>112</sup> Умаров Э. Икки ибора тарихи ҳакида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 6. – Б. 64-66; Умаров Э. Фразеологический словарь “Хазойин-ул маоний” Алишера Навои. – Ташкент: Фан, 1971.

<sup>113</sup> Махмутова Л.Р. Кўрсатилган автореферат. – Б. 21.

<sup>114</sup> Содиков З. “Қутадғу билиг”даги фразеологизмларнинг немис тилидаги таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 57.

<sup>115</sup> Яна қаранг: Прохорова В.Н. Кўрсатилган мақола, 1976. – Б. 157.

ўқуб, *Паризодалардек изтиробқа тушуб, кўнгли қуши мажнуни сори парвоз қилиб, ани кўрарга кўзи учқони* (Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин).

С.Муталибов ҳам кўз (*и*) учмоқ фразеологизми “бирор нарсани ҳирс билан истамоқ” маъносини ифодалаганлигини қайд этади ва Алишер Навоийнинг Э Навоий, кўргали ҳардам учар они кўзум мисрасини келтиради<sup>116</sup>. Э.Умаров бу фразеологизмнинг Навоий асарларида “кутмоқ” маъносига қўлланганини қайд этади<sup>117</sup>. Ҳозирги ўзбек тилида эса айни маъноси эмас, балки унга қарама-қарши бўлган “бирор шахс ёки нарсанинг келишини, бўлишини ёқтирмаслик, истамаслик” маъносини англатади (ЎТИЛ): *У ҳам кўзи менга тушиб, чимирилиб қаддини ростладио бурилиб кета бошлади. Юпқа лаблари хунук қимтилиб кетдими-ей. “Кўзим учиб турувди ўзимам” дегандек* (Мурод Мансур. Жудолик диёри).

У ёки бу вақтнинг миқдорига хос маъноларга эга *бир замон* иборасига ҳам диахроник энантиосемия мавжуд. Ушбу фразеологизм эски ўзбек тилида “бирлаҳза, қисқа фурсат” маъносини англатган: *Минг қатла шукрин десам, оз эрур, Гар бўлса бир замон менга коми висол* (Алишер Навоий. Мезонул-авзон). Ёки *Орзу айлармен олсам деб кўзумни бир замон, Ким сенинг юзунгдин ўзга юзга нозир бўлмади* (Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя). Аммо фразеологизмнинг айни маъноси ҳозирги ўзбек тилига қадар етиб келмаган. Десемантизация натижасига фразеологизмда “бир вақт, бир маҳал”, “анча вақтдан кейин” ҳамда “ўтмишда, илгари”, “ўтган вақтларда” (ЎТИЛ) маънолари пайдо бўлган. Масалан, *Бир замонлар “кўши ҳўқизинг бор”, деб отаси қулоқ қилинган-да* (Ш.Холмирзаев. Ҳайкал) мисолида “илгари, ўтган вақтларда” маъносига қўлланган. *Бир замон чойхоначи келди* (С.Сиёев, “Ёруғлик”) мисолида эса “анча вақтдан кейин” маъносини англашиб келган. Шундан келиб чиқиб, фразеологизмнинг ҳозирги ўзбек тилидаги “анча вақтдан кейин” ва эски ўзбек тилидаги “бирлаҳза, қисқа фурсат” маънолари ўртасидаги зидланишни диахроник энантиосемия дейиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, зид маънолардан бирининг истеъмолдан чиқиб кетиши кейинги маънонинг пайдо бўлиши биланоқ юз бермайди, балки тилда ҳар икки маъно маълум муддат биргаликда ишлатилади. Буни *басир* сўзи семантикаси мисолида кўриб ўтган эдик, яъни бу сўз араб тилидан “ўткир кўзли” маъносига ўзлашган. Маълум муддат ўтгач, “кўзи ожиз” маъносини касб этган ҳамда дастлабки маъно билан бирга эски ўзбек тилида маълум муддат қўлланган. Кейинроқ дастлабки маъно историзмга айланган

<sup>116</sup> Муталибов С. Кўрсатилган асар. – Б. 230.

<sup>117</sup> Умаров Э. Кўрсатилган манба. – Б. 73.

ва қўлланишдан чиққан. *Басир* сўзи шундай жараённи бошидан кечирган экан, ҳозирги ўзбек тилида қарғиш фразеологизми сифатида қўлланилувчи *басир бўлгур* фразеологизмида ҳам айни жараён рўй берган бўлиши мумкин. Ш.Рахматуллаев аёллар нутқида қўлланиладиган *басир бўлгур* фразеологизми нотўғри қўллаш натижасида қарама-қарши маъноли бўлиб қолганини қайд этади (ЎТЭЛ. II жилд. Б. 69). Аммо “ўткир кўзли” маъносининг “кўзи ожиз” маъноси билан бирга қўллангани ҳамда “кўзи ожиз”нинг маъно тараққиёти натижаси эканини назарда тутадиган бўлсак, *басир бўлгурнинг* ҳозирги ўзбек тилида “кўр бўлгур” маъносида қўлланишини хато деб бўлмайди.

Яна бир энантиосемик фразеологизм сифатида ҳозирги ўзбек тилида “жаҳли, ғазаби қўзғамоқ” маъносини англатадиган *тутуни чиқмоқни* кўрсатиш мумкин (ЎТФЛ. Б. 271). Мазкур фразеологизм эски ўзбек тилида дуд чиқармоқ тарзида қўлланган ва “хурсанд қилмоқ”, “кайфини қўтармоқ” маъноларини англатган: *Абъётига маъни оташолуд, Назми чиқариб димогидин дуд* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун). Ёки: *Шуълаи ораз ила муғбачалар Даир аро дуд бошимдин чиқариб* (Алишер Навоий. Хазойин улмаоний (АНАТИЛ). Ҳозирги ўзбек тилига дуд сўзи синоними (*тутун*) га алмашган ҳолда етиб келган: *тутуни чиқмоқ* – “жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ” маъносини англатади: – *Ия, боятдан бери қулогингга танбур чертяпманми, – жаҳл билан деди Остонақул, – шунга тутуним чиқиб ёниб ётибман-да* (Сами Абдуқаҳор. Санамай саккиз дема). Мазкур фразеологизм маънолари ўртасидаги зидлик “кишининг у ёки бу руҳий ҳолати” ифодаси сифатида юзага келган. Кейинги маъно семантик тараққиёт маҳсули. Кўринадики, *дуди чиқмоқ* тилнинг икки даврида қарама-қарши маъноларга эга бўлган. Бу каби фразеологизмларнинг, аслида, битта фразеологизмлиги уларнинг бир умумий мавзу доирасидаги зид маъноларга эгалигидан ҳам сезилиб туради.

Диахроник энантиосемия фразеологизмдаги субъектив баҳолар хисобига ҳам юзага чиқади. Бунда тилнинг аввалги даврида ижобий баҳо англатган фразеологизм тил тараққиётининг бошқа бир даврида салбий баҳони англиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Эски ўзбек тилида ижобий муносабатанглатган фразеологизмнинг ҳозирги ўзбек тилида салбий муносабатни англиши қўл қовуштиromoқ фразеологизмида рўй берган. Мазкур фразеологизм эски ўзбек тилида “одоб кўрсатмоқ”, “тавозели бўлмоқ” маъносига эга бўлган: – *Қўлларни қовуштурууб иироқдин, Фармонига мунтазир қироқдин* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. (АНАТИЛ). Э.Умаров ҳам ўз лугатида шундай маънони қайд этади: *Қўл қовуштурғунча*

*бу авлодур, Ки аниң чиқса эгни, синса яли*<sup>118</sup>. Кейинчалик фразеологизм семантикасида салбий баҳоли маъно вужудга келган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида “иш қилмасдан кеккайиб қараб турмоқ” маъносини ҳам англатади. Масалан: *Очил, бригадирман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди* (Ф.Нуруллаев. Бўз йигит). Ана шу салбий баҳоли маъно билан эски ўзбек тилидаги ижобий баҳоли маъно диахрон маъновий зидликни юзага келтиради.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Алишер Навоий асарларида айрим фразеологизмлар ҳам салбий, ҳам ижобий оттенкаларга эга бўлган. Ҳозирги ўзбек тилидаги “ёмон иш билан ном чиқарган”, “ёмонотлиқ бўлган”, “номига доғ тушган” маъноларини англатадиган *бадном қилмоқ, бадном этмоқ, бадном бўлмоқ*<sup>119</sup> фразеологизми эски ўзбек тилида ўта салбий муносабат ифодаси билан бирга, унга зид – ижобий муносабат ифодаси сифатида ҳам кўлланган. Қиёсланг: *Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва ноҳамвор равишилиқ элнинг кўпроқ машғуллук қилгони ҳавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқумас эрмишлар* (Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳайирин); *Яхши от чиқорғил бадномлиғ бирла ўлгунча, Эй Навоий, ўзни яхши от била бадном этиб* (Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат).

Эски ўзбек тилидаги *майл этмоқ* фразеологизми ҳам тилнинг аввалги даврларидаёқ энантиосемикликка эга бўлган. АНАТИЛда бу фразеологизмнинг қуидаги маънолари келтирилган: 1) “энкаймоқ, букчаймоқ”; 2) “кўтарилимоқ”; 3) “хоҳламоқ, қасд қилмоқ”; 4) “қайрилимоқ, бурилимоқ”. Маълумки, бу ибора *майл* сўзи асосида ҳосил қилинган бўлиб, у араб тилида “қиялик, мойиллик, интилиш” каби маъноларни англатади (ЎТИЛ). *Майл этмоқ* фразеологизмининг “энкаймоқ, букчаймоқ” ҳамда “кўтарилимоқ” маънолари ўртасида зидланиш мавжуд бўлиб, у “энкаймоқ, букчаймоқ”даги “юқоридан пастга томон ҳаракатланмоқ”, “кўтарилимоқ”даги “пастдан юқорига томон ҳаракатланмоқ” тушунчалари асосида англашилади. Қиёсланг: *Аввали онингки таҳорат дурур, Билки таҳорат не иборат дурур. Ул демаким, майл қилиб сувга сен, Бир неча узв ул сув била ювгасен* (Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр) – “юқоридан пастга томон ҳаракатланмоқ”; *Тавсани гардунга минар майл этиб, Чиқти уфуқ жонибидин секритиб* (Алишер Навоий. Ҳайратул абров) – “пастдан юқорига томон ҳаракатланмоқ”. Ҳозирги ўзбек тилида айни фраземанинг учала маъноси ҳам йўқ, балки “хоҳламоқ, қасд қилмоқ” маъноси бор.

<sup>118</sup> Умаров Э. Кўрсатилган манба. – Б. 138.

<sup>119</sup> Бердиёров X. ва б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 1-қисм. – Самарқанд, 1976. – Б. 65.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилидаги мавжуд полисемантик фразеологизмларнинг асосий қисми феъл, қисман сифат фразеологизмлардир<sup>120</sup>. Диахрон энантиосемик фразеологизмларнинг аксар қисми ҳам феъл туркумига мансуб. Шундай энантиосемик фразеологизм сирасига юз қўймоқни киритиш мумкин. АНАТИЛда мазкур фразеологизмнинг қўйидаги маънолари берилган: 1) келмоқ, кирмоқ, пайдо бўлмоқ; 2) кетмоқ, бормоқ, йўналмоқ, хоҳламоқ, танламоқ; 3) қасд қилмоқ (III жилд. Б.580). Фразеологизм семантик структурасидан жой олган “келмоқ” ва “кетмоқ” маънолари ўзаро зид ҳаракат-ҳолатни намоён этиб, энантиосемияни юзага келтиради: *Ул парийвашиким, қилур сайри хиёбони Ҳирот, Кўзга истигноси ҳуснидин кўрунмас коинот, Оллига юз қўйса минг зоҳид қилур қатъи ҳаёт* (Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар); *Ёшинг эллик бўлди, юз қўйгил фано туфроғига Ким, шабоб айёми айшу беадаблиг чоги бас* (Алишер Навоий. Фаройиб ус-сифар). Ҳозир бу фразема шаклан ўзгариб, юз туттмоқ тарзида қўлланади. *Юз қўймоқ* фраземаси “йўналмоқ” маъносини ифодалаб, ўзи боғланиб келган сўз англатган нарса, жой сари йўналганликни билдиради. Масалан, *инқирозга юз туттмоқ* (ЎТИЛ).

Демак, диахрон энантиосемик фразеологизмлар синхрон энантиосемик фразеологизмларга қараганда кам, аммо тилимизнинг аввалги даврларида салмоқли миқдорни ташкил этган. Улар тилда ўз умрини яшаб бўлиб, истеъмолдан чиқиб кетган. Шундай бўлса ҳам, ўзбек тилининг тарихига оид алоҳида жиҳатларни кўрсатиб бериш учун етарли.

### **Назорат саволлари:**

1. Фразеологик энантиосемиянинг қандай турлари бор?
2. *Фразеологик нутқий энантиосемия* деганда нимани тушунасиз?
3. Фразеологик лисоний энантиосемиянинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг?
4. Номловчи ва баҳоловчи фразеологик энантиосемиянинг фарқли хусусиятларини изоҳланг?
5. Фразеологик бирликларга хос образлилик энантиосемикликни юзага келтиришда иштирок этадими?
6. Тўлиқ ва нотўлиқ фразеологик энантиосемияга таъриф беринг?
7. Тилнинг бир тараққиёт даврига хос маъновий зидлик қандай фразеологик энантиосемияни юзага келтиради?

---

<sup>120</sup>Абдуллаев Д. Ўзбек тилидаги айрим полисемантик фраземаларнинг луғатларда берилиши / Тилшуносликнинг долзарб масалалари (мақолалар тўплами). – № 5. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 123.

10. Тилнинг икки тараққиёт даврига хос маъновий зидлик қандай фразеологик энантиосемияни юзага келтиради?

9. Номинатив маъно ва номловчи фразеологик энантиосемия тушунчаларини изоҳланг.

10. Субъектив баҳо ва баҳоловчи фразеологик энантиосемия тушунчаларини изоҳланг.

11. Фразеологизмдаги зид маъноларнинг узуал ва ноузуаллигига қандай фразеологик энантиосемияни юзага келтиради?

12. Хуш келибсиз, хуш кўрдик бирликлари маъноларига эътибор берганмисиз?

### **Адабиётлар:**

1. Жаркова Е.Х. Энантиосемия лексико-грамматического и словообразовательного типа в кругу смежных явлений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: Ун-т дружбы народов имени Патриса Лумумбы, 1988. – 15 с.

2. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е.  
– Назрань: ООО “Пилигрим”, 2010. – 486 с.

3. Закирова Р. Антонимы в татарском языке: Лексико-грамматические, семантические и стилистические особенности употребления: Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань: Казанский гос. ун-т., 2001. – 193 с.

4. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: Филол. фан. ном. ... дисс.  
– Фарғона: ФарДУ, 2001. – 118 б.

5. Иванова В.А. Антонимия в системе языка. Штинца. – Кишинев, 1982. – 163 с.

6. Исабеков Б. Ҳозирги ўзбек тилида лексик антонимия: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1973. – 118 б.

7. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1979. – 196 с.

8. Ишаев А. Шаклдош антонимларга оид этюдлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 1. – Б. 16.

9. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 176 б.

10. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1993. – 297 б.
11. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002.
12. Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг матндаги прагматик имкониятларини ўрганиш ҳақида / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2011. – Б. 12-15.
13. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – 300 б.
14. Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака / История языкоznания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. – М.: Просвещение, 1965. ч. 2. – С. 85-90.
15. Климова Л.И. Антонимичные значения полисемантичных слов в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. Филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос. пед. инс-т. им. Герцена, 1975. – 22 с.
16. Колесникова С.М. Функционально-семантическая категория градуальности в современном русском языке. – М.: Высшая школа, 2010.

## **2- машғулот. Бадий матннинг психолингвистик хусусиятлари**

**Ишдан мақсад:** Бадий матнда эвфемик ва дисфемик йўл билан сўзларни қарама-қарши баҳо ифодаси учун қўлланиши юзасидан малака ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:**

### **Эвфемия ва дисфемиянинг энантиосемияга муносабати**

Энантиосемия ва эвфемия муносабати масаласи айни бирликларнинг лингвистик, шу билан бирга, тил соҳибининг ижтимоий-маданий, миллий-маънавий, этик-эстетик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Эвфемия юзасидан ўзбек ва дунё тилшунослигида амалга оширилган ишларда ҳам тилга хос юқоридаги хусусиятлар маълум даражада эътиборга олинган<sup>121</sup>. Айниқса, антропоцентризм йўналишидаги ишларда эвфемизмлар миллий-маданий колоритнинг қабариқ ифодаси эканлиги таъкидланмоқда.

Эвфемия лексик сатҳнинг антонимия, омонимия, синонимия ва полисемия сингари ҳодисалари билан ўзаро яқин муносабат ҳамда алоқада бўлганидек<sup>122</sup>, полисемиянинг алоҳида кўриниши бўлган энантиосемия билан ҳам маълум муносабатдорликка эга, улар ўртасида муайян умумийликлар мавжуд. Шу боис айрим тилшунослар энантиосемия терминининг баъзан эвфемияга teng келиб қолишини таъкидлайди<sup>123</sup>. Шунингдек, эвфемия ҳодисаси антропоцентрик планда ўрганилган ишларда ҳам эвфемиянинг энантиосемия билан ўхшаш жиҳатлари борлиги эътироф этилган. Уларда сўзловчи нутқнинг энг зарур қисмини эвфемик тарзда атайн яширин ифодалashi<sup>124</sup> ва шу орқали ўзининг истеҳзосини билдириши айтилади<sup>125</sup>.

Мазкур ҳодисаларни қиёслаганда, лисоний ва нутқий жиҳатларни назарда тутган ҳолда ёндашмоқ зарур. Шуни ҳам унутмаслик керакки, эвфемиянинг энантиосемияга teng келиб қолиши ҳар қандай эвфемизмлар билан эмас, муайян эвфемизмлар билангина рўй беради ҳамда шу сўз шаклмаъно муносабатидаги асимметрияни намоён этади. Шу маънода эвфемия ва энантиосемия муносабатдорлиги масаласи эвфемиянинг антонимия ва синонимия билан бўлган муносабатидан фарқ қиласи.

<sup>121</sup> Исламтулаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: ИЯЛ АН РУз, 1963; Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка. – Волгоград: Перемена, 1999; Сеничкина Е.П. Эвфемизмы русского языка. – М.: Высшая школа, 2006; Кодирова Х. Кодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2012.

<sup>122</sup> Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – Б. 22.

<sup>123</sup> Горелов И.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 86.

<sup>124</sup> Яширин ифодаланган бу зарурий қисм – маъно одатда энантиосемик маъно хисобланади.

<sup>125</sup> Хуйцзе С. Принципы номинативного структурирования семантического поля: на примере средств обозначения запаха в русском и китайском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград: Волгоградский гос. пед. ун-т, 2001. – С. 141; Саакян Л.Н. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: Гос. ун-т. русского языка им. А.С.Пушкина, 2010. – С. 151.

Маълумки, энантиосемияни сўз маънолари ўртасидаги зидлик юзага келтиради. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *оқшом* сўзининг “қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт” ва “кеч, кечқурун” маънолари ўртасида энантиосемия мавжуд. Қиёсланг: *Қуёши ботган*, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқшом сукунати чўзилган. *Дараҳтларнинг учлари аста қимирлайди* (Ойбек, “Кутлуғ қон”); *Жисман заифлигига қарамай, юмушини кўп қилар*, ҳар оқшом ўз болалари билан танча атрофини тўлдириб, *китоб ўқир эди* (Ойбек, “Кутлуғ қон”).

Эвфемия эса маълум сабабларга кўра тақиқланган ёки маданий мулоқот доирасидан четда бўлган сўзининг юмшатилган, маданий мулоқот доирасига хосланган ифодасидир<sup>126</sup>. Масалан, *туғмоқ* сўзининг маданий мулоқот талаби билан *кўзи ёримоқ* тарзидаги юмшатилган ифодасини эвфемияга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин: – *Тоғанг балнисага кетган*, – *деди Ҳожар буви қандайдир ташвии билан*. – *Келин ойингнинг кўзи ёрийдиган* (Ў.Умарбеков, “Одам бўлиш қийин”).

Юқоридаги энантиосемик сўзда эвфемиклик бўлмаганидек, мазкур эвфемик мисолда ҳам энантиосемиклик мавжуд эмас. Келтирилган мисолларда мазкур ҳодисаларнинг ўзаро ёндошлигини кўрсатувчи бирор жиҳат кўзга ташланмайди. Аммо шундай қўлланишлар борки, уларда бу ҳодисаларнинг ўхшашибиги кўзга ташланади. Масалан, сўзлашув нутқидаги “*Оёғингдан намунча ширин ҳид келяпти*” жумласида “бадбўй” маъносининг ширин сўзи билан берилган ифодаланишида энантиосемия ва эвфемиянинг ёндошлиги кузатилади.

*Ширин* сўзининг ЎТИЛдаги маъноларига эътибор қаратайлик: 1) шираси ўткир, ширали; 2) таъми ёқимли, мазали, лаззатли; 3) киши ҳузур қиласидиган, ором оладиган, лаззатланадиган, хуш ёқадиган; 4) ёқимли, ёқимтой. Сўзлашув нутқидан юқорида келтирилган мисолдаги маъно унинг луғатдаги бирор маъносига тўғри келмайди. Демак, бу – окказионал маъно. Бунда сўзловчи тингловчига бўлган субъектив муносабатини юмшатилган ҳолда яширин ифода этган, сўзни узуал маъносига қарама-қарши бўлган “бадбўй” маъносига қўллаган, яъни тўғридан-тўғри “кўланса ҳид келяпти” тарзидаги яланғоч ифодадан қочган.

Мазкур ҳолатни икки омил асосида тушунтириш мумкин: 1) сўзловчи ўзининг нутқ обьектига бўлган норози муносабатини очиқ ва дағал шаклда ифодаламай, миллий-маданий нормага мувофиқ юмшатилган тарзда беришни мақсад қилиши; 2) сўзловчининг нутқий таъсиранликка эришиш мақсадида ўз субъектив муносабатини ўзига хос йўсинда ифода этишга интилиши. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, *ширин* сўзининг муайян мақсад асосида қарама-қарши маъно намоён этишида эвфемия восита бўлиб хизмат қилган. Мувофиқ контекстда сўзининг шундай маънода намоён бўлишини эвфемик энантиосемия деб аташ мумкин.

Сўзининг нутқий маъноси асосида юзага келадиган бундай зидлик эвфемиянинг лингвистик табиатига мувофиқ ҳолда, бирор дағал, қўпол

<sup>126</sup>Миртоҗиев М. Кўрсатилган асар, 2010. – Б. 124.

тушунчанинг эвфемик йўл билан берилишидагина туташади, бошка ҳолатларда эса бу алоқадорлик кузатилмайди. Масалан, яхши сўзи мувофиқ нутқий вазиятда узуал маъносига қарама-қарши “ёмон” маъносида намоён бўлса ҳам, унда эвфемик муносабат мавжуд эмас. Ёки *Бу ерда минғбоши, Тешабой, Фосиҳ афанди, қози домла, муфти, мирза, даъвогар, гувоҳлар, бир ёш қарол ва икки мазлум “гуноҳкор”дан бўлак ҳеч ким йўқ* эди (Мирзакалон Исмоилий, “Фаргона тонг отгунча”) жумласида ҳам сўзловчи “бегуноҳ” маъносини ифодалашда *гуноҳкор* сўзидан фойдаланиб, уни энантиосемик маънода қўллаган бўлса ҳам, унда дағал тушунчани юмшатиш белгиси йўқлиги туфайли уни эвфемик энантиосемия деб бўлмайди.

Эвфемик энантиосемиянинг юзага келишида белги билдирувчи сўзларнинг ўрни ўзига хос, чунки уларнинг семантик структурасига табиатан ижобий ёки салбий баҳо мавжуд бўлади. Масалан, *Умри жсонингизга худо барака берсин* деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган “муаттар” ҳиддан хиёл чимирилди-ю, сездирмади (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”) жумласидаги *муаттар* сўзининг “сассик”, “қўланса” маъноси эвфемик йўл билан ифодалаган, унда ҳам эвфемия, ҳам энантиосемия воқеланган. Бунда ҳам сўзловчи ўзининг салбий муносабатини билдиришда эвфемик йўлдан борган, яъни фикрини дағал шаклдаги *бадбўй* ёки *cassick* сўзи билан эмас, маданий мулоқот талабига мос *муаттар* сўзи орқали етказишни мақсад қилган.

Таъкидлаш лозимки, сўзловчи субъектив муносабатининг бу тарздаги ифодаси аччиқ истехзони юзага келтиради ҳамда муайян ситуация билан боғликлиги сабабли шу контекстнинг ўзига хос бўлади. Қиёсланг: Раҳбар Раҳбарович. *Лекин хосхонани ясатиб, иссиқ-иссиқ қаҳваларни ҳозирлайверасиз.* (*Ҳавони ҳузур билан ҳидлай-ҳидлай*) *Оҳ, оҳ, бунча хушибўй* (Эркин Аъзам, “Фаррош кампирнинг туши”); *Хисобчи. Бўшаб кетмагандир ахир, эрта-индин келар!* (*Бурун жийириб*) *Бир оз “хушибўй”роқлигини айтмаса, ўзи яхши хотин... ходим деганим!* (Эркин Аъзам, “Фаррош кампирнинг туши”).

Кўринадики, хушибўй сўзи биринчи ҳолатда “муаттар ҳид”, иккинчи ҳолатда “қўланса, бадбўй” маъносида қўлланган. Мазкур маъноларнинг эвфемик энантиосемия эканлиги шундаки, сўзловчи муайян қўпол, дағал тушунчани маданий мулоқот доирасига мослаш йўлидан бориши натижасида мазкур сўз окказионал зид маънода намоён бўлган. Диққат қилинса, мазкур эвфемик энантиосемияда ҳам яққол субъектив муносабат ифодаланган.

Юқорида таъкидланганидек, эвфемик энантиосемиянинг намоён бўлиши маълум бир миллатнинг менталитети билан боғлиқ бўлган жиҳатлар – урф-одатлари, асрлар давомида шаклланган этик-эстетик қарашлари, бир сўз билан айтганда, оламни миллий лисоний билиш тарзи билан муштарак ҳолда кечади.

Эвфемик энантиосемия ҳозирги ўзбек тилидаги “мақтов” маъноли бир қатор сўзларнинг “сўқиш, койиш” маъносида қўлланиши билан ҳам ҳосил бўлади. Лисоний бирлик семантик структурасидаги бундай ўзгаришлар қуйидагича юз беради: дастлаб сўз ёки фразеологизм “мақтов”, “таҳсин”

маъносини англатиш учун қўлланилади. Кейинчалик нутқий вазият тақозоси билан ироник тарзда ишлатилиб, салбий баҳо билан юкунади ҳамда “танбех”, “койиш” муносабатини ифода эта бошлайди. Жумладан, “мақтов” маъноли азамат, оғарин, яшанг каби сўзлар семантикасидаги ўзгариш, маъновий янгиланиш ана шу табиий такомил жараёнининг маҳсулидир. Масалан: – *Менинг ўғлим хў-ў-п орзу-ҳавасли чиқди-да, барака топкур! Яқинда тўй қиласман деб, яп-янги “Нексия”сини сотиб юборди, азамат!* – *Менинг жиянимни айтмайсанми? Тўй қиласман деб, уй-жойини сотди!* Энди кўчада юрибди! (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидағи битиклар”). Мазкур парчадаги азамат сўзи, аслида, “мақтов” маъносини англатади, аммо унинг айни контекстдан англашиладиган маъноси “ярамас”га тенг.

Яна қиёсланг: *To меҳмонлар орасига кириб, кўздан гойиб бўлгунча Заҳронинг орқасидан қараб турди-да, беихтиёр “Оғарин!”, деб юборди. Аёл уни росмана ҳайратга солиб кетганди* (Улугбек Ҳамдам, “Мувозанат”); *Қизиги шундаки, узоқ йиллар мобайнида иккала кундоши бир-бирининг боридан бехабар ўтган эмиш!* **Оғарин-э**, Акобир Мирзаевич, худо сизга юракдану куч-кувватдан қўша-қўша қилиб берган экан! (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар”).

Яна қиёсланг: **Яшанг**, ўғлим, кам бўлманг. Энди Орзиқул оёгини узатиб, баҳузур ёта берса ҳам бўлар экан (Абдулла Қаҳҳор, “Йиллар”); *Тоғ қизлари чироили бўлади деб эшиштаман... Яшанг!* Болаларингиз ҳам эсингизга келмайди-я! **Қойилман...** (Ш.Холмирзаев, “Шудринг тушган бедазор”). Сўзлашув нутқига хос мазкур бирликларнинг окказионал маънода намоён бўлишида ирония фаол иштирок этади.

Ўзбек тилшунослигида бу каби сўзларнинг зид маъно англатишига илк бор С.Усмонов эътибор қаратган ва қуллуқ, баракалла, балли каби сўзларнинг алоҳида вазиятларда узуал маъносига зид ҳолатда қўлланишини қайд қилган эди. Масалан: – *Мен бўри бўлдимми?! Ит!! – Қуллуқ!* (Абдулла Қаҳҳор, “Кўшчинор чироқлари”)<sup>127</sup>.

Энантиосемия эвфемик тарзда сўз билангида эмас, фразеологик бирликлар орқали ҳам воқеланади. Фразеологик бирлик семантик структурасига хос образлилиқ, эмоционал-экспрессивлик каби хусусиятлар уларнинг ўзаро муносабатдорлик касб этишига қулайлик яратади.

Маълумки, эвфемизлар ичида ўлим тушунчаси билан боғлиқ эвфемик воситалар анчагина бўлиб, А.Омонтурдиевнинг ёзишича, “ўлмоқ тушунчаси энг кўп қайта-қайта эвфемалаштирилган” ва мазкур мавзу остидаги эвфемизмларнинг катта қисмини фразеологик бирликлар ташкил этади<sup>128</sup>. Масалан, ўлим билан боғлиқ муайян тушунча – одатни билдиришда ишлатиладиган *кўк киймоқ*, *қора киймоқ*, *соҷ ёймоқ*, *оқ боғламоқ*, *оқ киймоқ* фразеологизмлари ўлим тушунчасининг эвфемик ифодасидир. Кузатишлар шуни кўрсатдики, бир эвфемик фразеологизм кишиларнинг яшаш жойидан келиб чиқиб турли хил, ҳатто қарама-қарши тушунчаларни англатади.

<sup>127</sup> Усмонов С. Кўрсатилган мақола. – Б. 39.

<sup>128</sup> Омонтурдиев А. Кўрсатилган асар. – Б. 65.

Масалан, оқ киймоқ фразеологизми баъзи жойларда “мотам либосини киймоқ”, “азага кирмоқ”, баъзи жойларда, аксинча, таъзия муддати тутагач, “қора кийимини оқ кийим билан алмаштироқ”, мотам либосини ташламоқ” маъносига қўлланади (ЎТИЛ). Қиёсланг: *Рўзимуроднинг онаси аза очди. Қариндошлар оқ кийиб, овоз чиқардилар* (Ш.Ашуррова, “Янга”); – *Худоёхудовандо, шу одам хонавайрон бўлсин. Шу эшикдан лопиллаб тобутлар чиқсин. Шу уйдагилар оқ киймасин, қора кийимдан боши чиқмасин* (Сайд Аҳмад, “Жимжитлик”).

Тадқиқотчи Х.Қодированинг ёзишича, Абдулла Қодирий асарларида қон бермоқ фразеологизми ҳам ўлмоқ сўзининг эвфемик ифодаси вазифасини бажариб келган<sup>129</sup>. Демак, мазкур тушунчани ифодалаш учун қон бермоқ фразеологизмида етарлича эвфемик бўёқ бўлган. Тиббиёт соҳасига оид қон бермоқ бирикмаси таъсирида бўлса керак, эвфемик маъноли қон бермоқнинг “ўлмоқ” маъносига зид бўлган “тирик сақлаб қолмоқ” маъноси юзага келган.

Баъзан эвфемик энантиосемия “мақтов” маъносидаги фразеологизмнинг “танбех” маъносини намоён этиши билан ҳосил бўлади. Масалан, кўпинча, сўзлашув нутқида “мақтов” маъноли бор бўлгур фразеологизми “танбех” маъносига ишлатилади. Қиёсланг: – *Кенжатойим бор бўлсин, ишқилиб! Кўкламда Қизилқумга кетган. Омон бўлсин ишқилиб, — тақрорлади ая* (О.Ёқубов, “Биллур қандиллар”); *Ҳикматиллонинг эсига аянинг гаплари тушди: “Газга борсам... навбат кутасан дейшиди. Навбатчи ўлгур охиратдаям келмасмиш. Бозордан уста опчиқа қолай десам, пожарнийси бор бўлгур, испарвка бермасмиш...”* (О.Ёқубов, “Биллур қандиллар”). Кўринадики, эвфемик маъно “мақтов” маъносидаги бор бўлмоқнинг “койиш” маъносига қўлланиши билан юзага келган.

Шунингдек, барака топгур, уйинг бугдойга тўлгур (тўлсин), энаси (боласи) тушимагур фразеологизмлари ҳам, аслида, “мақтов”, “таҳсин” маъноли бирликлардир. Бироқ улар алоҳида нутқий вазиятларда сўзловчи коммуникатив-ситуатив мақсадидан келиб чиқиб, номинатив маъносига зид бўлган “танбех” маъносини англатиш учун қўлланади. Қуйида мазкур фразеологик бирликларнинг ҳар икки маъносини қиёслаш учун мисоллар келтирамиз: – Энди мен сизга айтсам, шунақанги тўй бўлди, бу карнай-сурнайлар, бу саруполар... Ҳакимжон, барака топкур, ўзи бош-қоши бўлиб турди (Ў.Умарбеков, “Хусн”) – “таҳсин”; Нима қилсангиз қилаверинг, майли. Биламан, ёлғиз қолмайсиз, уйланасиз... Фақат, барака топкур, бу каравотни сотиб, бошқа олинг. Бўлмаса, гўримдан туриб келиб, сочингизни битталаб юламан!.. (Ў.Умарбеков, “Ёз ёмфири”) – “танбех”.

<sup>129</sup> Қодирова Х. Эвфемизмларнинг тил ва нуткка муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 90.

Яна қиёсланг: *Эшик доим очиқ туради. Кириб боришингиз билан дока рўмолини у ёққа ташлаган, бу ёққа ташлаган Ҳабиба буви пешвоз чиқади. – Вой уйингга бугдой тўлгурлар,вой кўпайгурлар, кела қолинглар, – дейди овози товланиб* (Ў.Хошимов, “Дунёнинг ишлари”) – “таҳсин”; *Она бошқа гапларни эшиитмади. Сочларининг учигача зирқиради:* “Ҳа, уйинг бугдойга тўлгур, гилай, эварамни танимагансан ёки менга нисбатан гаразгўйлигинг бормиди...” (Ж.Бекназар, “Меҳрнинг аччиқ синови”) – “танбех”.

Яна қиёсланг: *Шундай барзанги, бунинг устига, шондай мўйловли одамнинг юмалаб-юмалаб қулиши бир қизиқ эди. – Топдинг, боласи тушимагур, топдинг* (Мурод Мансур, “Жудолик диёри”); *Солиҳабиби ўйлади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. “Турғунжон болам! Нима қилиб қўйдинг?! – деди ичиди, тиззаларига таяниб чўккалар экан. – Нима қилиб қўйдинг, бола тушимагур?!”* (Ў.Умарбеков, “Ер ёнганда”).

Баъзан ўзингдан кўпайгур фразеологизми ўрнида қўлланадиган кўпайгур ҳам “танбех” маъносининг юмшатилган шакли бўлиб келади ва асосан, катта ёшдагилар нутқида ишлатилади. – *Ҳой кўпайгур, осилма!* – дейди чирқиллаб. – *Йиқилиб кетасан* (Ў.Хошимов, “Дунёнинг ишлари”). Ёки: – *Бу нонга тегиб бўлмайди, кўпайгур, – деди бошимни силаб.* – *Қорнингни қорачиғидан айланай, тегиб бўлмайди* (Ў.Хошимов, “Дунёнинг ишлари”).

Баъзан мазкур фразеологик бирлик такрор қўлланганда прагматик маъно яна-да қучаяди: “Ҳаҳ боласи тушимагурлар, боласи тушимагурлар! Нима қилишибди дегин, Санобар?”, деб Зокир мелисани қанақа қилиб “ярашув оши”га чақиришиганини айтиб бериб қолдилар (Мурод Мансур, “Жудолик диёри”).

Айтиш жоизки, “таҳсин” ва “танбех” маънолари боласи тушимагур фразеологизми билангина эмас, тушимагур сўзи билан бирикиб келган исталган сўз билан намоён бўлиши мумкин. Масалан, “– Борди-келдилар узилишиб кетмагандир, ахир? – Ҳов, қайда? Бу Шўроси тушимагур бизни хўб тўзитди-ку, – дедилар (Мурод Мансур, “Жудолик диёри”)” контекстида “танбех” маъноси воқеланган бўлса, “Сувратчиси тушимагур шунча нарсани бир йўла қандай қамраб олибди, бу мутаносибликни қандай топибди – ақл бовар қилмасди (Мурод Мансур, “Жудолик диёри”)” контекстида “таҳсин” маъноси воқеланган. Бу нутқий жиҳат тушимагур сўзи семантикасининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Юқорида келтирилган кўпайгур сўзи семантикаси хақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида шундай фразеологизмлар борки, улар бир нутқий вазиятда ҳам “таҳсин”, ҳам “танбех” маъносини ифодалashi мумкин. Бу каби бирликлар ҳам алқииш (олқиши – Ё.О.), ҳам қарғииш мазмунини ифодаловчи фразеологизмлар деб ҳам аталади ва улар сирасига *ақлингга күйдирги чиқмагур, афтингни ел ёпмасин, басиринг чиқмагур, бошинг узилмагур, бўйни (гина)нг узилмагур,вой ўлмасам*<sup>130</sup>, жувон қурмагур, кўзи қурмагур, одати ўлмагур сингари халқ тилида фаол қўлланувчи фразеологизмлар киритилади<sup>131</sup>. Мазкур бирликлар ҳам мувофиқ нутқий вазиятларда эвфемик энантиосемикликни намоён этади.

Хуллас, энантиосемия ва эвфемия муносабатдорлиги масаласи уларнинг фақат нутқий жиҳатлари билан боғлиқ. Бу муайян салбий тушунчанинг эвфемик йўл билан ижобий тушунчага ўзгартирилишида намоён бўлади. Энантиосемия ва эвфемия ҳодисаларининг нутқий намоён бўлиш имконияти анча кенг бўлганлиги сабабли мазкур тил ҳодисаларининг ўзаро муносабати мезонларини олдиндан қатъий белгилаш мушкул. Бу муносабатдорлик алоҳида нутқий вазиятларда аниқланади.

Маълумки, у ёки бу тил бирлиги маъносининг атайин қўпол ифода орқали бериш дисфемик маънони юзага келтиради<sup>132</sup>. Масалан, ўлмоқ маъносининг *вафот этмоқ тарзидаги ифодаси эвфемияни намоён этса, айни тушунчанинг асфалософилинга жўнамоқ*<sup>133</sup>, *ер тишламоқ тарзидаги ифодаси дисфемиядир.*

Тилшунослиқда дисфемия ҳодисаси юзасидан ҳам салмоқли ишлар бажарилган<sup>134</sup>. Мутахассислар қайд қилганидек, “дисфемизм муайян матннадаги ниманингдир номини маълум даражада дағал, бетакаллуф ёки қўпол ном билан алмаштириб ифодаловчи троп”<sup>135</sup>дир. “Ўзбек тили стилистикаси”да эса “дисфемизм сўзловчининг тингловчига ёки бирор предметга нисбатан масхара, истеҳзоли, илтифотсизлик билан қарашининг ифодаланиши” деб изоҳланади<sup>136</sup>.

<sup>130</sup> Вой ўлмасам иборасини бундай фразеологизмлар сирасига киритмаслик керак.

<sup>131</sup> Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, ЎзРФА ТАИ, 1996. – Б. 171-172.

<sup>132</sup> Миртоҗиев М. Кўрсатилган асар, 2010. – Б. 128-129.

<sup>133</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент: Extremum press, 2010. – Б. 66 – 67.

<sup>134</sup> Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и pragmaticальные функции: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Российский гос. пед. ун-т им. А.И.Герцена, 2008.

– 20 с; Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Санкт-Петербург: Рос. гос. пед. ун-т им. А.И. Герцена, 2006. – 19 с.

<sup>135</sup> Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б.137.

<sup>136</sup> Шомаксадов А ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 67.

Тилшунослиқда дисфемизмнинг лисоний табиати ва моҳияти, бошқа ёндош ҳодисалар билан чегараси юзасидан мунозарали қарашлар мавжуд, хусусан, унинг какофемизм билан бўлган муносабати турлича талқин қилинади. Баъзан дисфемизм ва какофемизм бир нарса деб қаралса, баъзан улар бошқа-бошқа ҳодисалар сифатида тавсифланади. Масалан, О.С.Ахманова ва тадқиқотчи А.Н.Резанова дисфемизм ва какофемизмни ўзаро тенг ҳодисалар ҳисоблаб, уларни синоним терминлар сифатида қўллайди<sup>137</sup>. Бизнингча ҳам, шундай, буни уларнинг луғавий маънолари ҳам тасдиқлайди. Масалан, дисфемизм юононча (δυσφήμη — “ёмон нутқ”) сўз бўлиб<sup>138</sup>, “қўпол гапираман” маъносини билдирса, какофемизм (юононча κακός — “ёмон, дағал, ёқимсиз” ва φημία (phēmia), φήμη (pheme) — “нутқ”), “ёмон гапираман” маъносини англатади<sup>139</sup>.

А.Шомақсудовнинг фикрича ҳам, тилда муайян лисоний бирлик ифодалаган тушунчани қўпол ва дағал тарзда ифодалаш усули (дисфемик усул – Ё.О) мавжуд бўлиб, бунга хизмат қилувчи бирликлар *какофемизмлардир*<sup>140</sup>. Тилшунос какофемистик бирликлар сифатида “ўлим” тушунчасини ифодаловчи *кўзига тупроқ тўлмоқ, ёстиги қуримоқ, ер тишламоқ, асфаласофилинга жўнамоқ* кабиларни келтиради. Диққат қилинса, мазкур мисоллар ўлмоқ тушунчасининг дағал, маданий мулоқот доирасидан ташқаридаги ифодаси, айни пайтда эвфемиянинг зиди дисфемиядир.

Бошқа бир қарашга кўра, А.Шомақсудов келтирган какофемизмлар дисфемизм бўлолмайди, чунки улар кўчимлар эмас, кўчим муайян полисемантик сўзнинг ҳосила маъноси ҳисобланади. Қолаверса, бу бирликлар дағал ифодага эга бўлса ҳам сўзнинг ҳосила маъноси эмас<sup>141</sup>.

Кўринадики, дисфемизмларга сўзнинг ҳосила маъноси бўлиш талаби кўйилмоқда. Бизнингча, А.Шомақсудов келтирган какофемизмларни дисфемик ифода ҳисоблаш тўғри, уларни дисфемизмлар сирасига киритиш лозим. Бу қуидагиларда кўринади: “какофемизм тилдаги барча қўпол сўз ва фразеологизмларга даҳлдор бўлиб”<sup>142</sup>, фикрни дисфемик йўл билан ифодалашга хизмат қиласи; какофемизм ҳам, дисфемизм ҳам бирор тушунчани дағал тарзда ифодалайди; улар синоним терминлардир.

<sup>137</sup> Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б.187; Резанова А.Н. Кўрсатилган автореферат. – 20 с.

<sup>138</sup> Дисфемизм // <http://ru.wikipedia.org/wiki/Дисфемизм> (21.05.2013).

<sup>139</sup> Какофемизм // <http://ru.wiktionary.org/wiki/Шаблон:этимология:какофемизм> (21.05.2013).

<sup>140</sup> Шомақсудов А. ва б. Кўрсатилган асар. – Б. 67.

<sup>141</sup> Миртожиев М. Кўрсатилган асар, 2010.

<sup>142</sup> Қодирова Х. Кўрсатилган диссертация. – Б. 38.

Аслида, дисфемизм деб аталаётган бирлик ҳам, какофемизм деб аталаётган бирлик ҳам муайян тушунчани қўпол, дағал ва маданий мuloқот доирасидан ташқарида ифодаловчи бирликлардир. Шундан келиб чиқиб, эвфемизмларнинг категориал белгиси у ёки бу қўпол тушунчанинг юмшатилганлиги, маданий мuloқот талабига хосланганлиги, дисфемизмларнинг категориал белгиси эса у ёки бу тушунчанинг қўпол, дағал ва маданий мuloқот талабига хосланмаганлиги, деб айтиш мумкин. Шундай экан, бирор тил бирлигининг эвфемизм ёки дисфемизм эканлигини белгилашда фақат сўзнинг ҳосила маънолари бўлиши шарт деган мезон асосида ёндашиш мазкур ҳодисаларнинг чеку чегарасини аниқ белгилаб беролмайди.

Ўзига хос лингвистик дихотомияни юзага келтирувчи ҳар икки ҳодиса энантиосемиянинг нутқий намоён бўлиш потенциали ҳисобланади. Унинг баъзан эвфемик, баъзан дисфемик йўл билан воқеланиши мазкур ҳодисаларнинг айни категориал белгилари билан мувофиқ муносабатдорлиги мавжудлигини кўрсатади. Энантиосемиянинг дисфемик йўл билан воқеланиши ёки дисфемик энантиосемия сўзловчининг, аслида, қўпол, дағал маъноли сўзнинг нутқда сўзловчи коммуникатив-ситуатив мақсади асосида ижобий баҳода намоён бўлишидир. Бундай муносабатнинг юзага келишида сўкиш ва қарғиш сўзларининг иштироки, айниқса, муҳим.

Дисфемик энантиосемия, қўпинча, какофемизмлар билан намоён бўлади ва бунда муайян вульгар ифода мувофиқ нутқий вазиятда узуал маъносига зид тарзда воқеланади. Какофемизмнинг нутқий вазият тақозоси билан ижобий муносабат касб этиши ундаги вульгар семантиканинг ўзгаришига олиб келади. Натижада “сўкиш, койиш” ва “қарғиш” муносабатли сўзлар узуал маъноларини йўқотиб, тамоман зид “мақташ”, “фаҳр этиш” каби маъноларни намоён этади. Мазкур нутқ ҳодисаси юзага чиққан пайтда улар одатий қўлланишдан фарқли равища алоҳида интонацияга ҳам эга бўлади. Масалан: *Кутиб олувчилар орасидан қўл силкиб келаётган ажабтовур жувонни у дарров таниди. Аввалгидан ҳам яхши-я касофат!* (Эркин Аъзам, “Шовқин”). Мазкур контекстдаги *касофат* сўзининг интонацияси *Ана шундай касофат, шумқадам қиз бу!* (Эркин Аъзам, “Забаржд”) парчасидаги *касофат* сўзининг интонациясидан паст эканлиги уларда ғазаб, нафрат таъкидининг мавжуд эмаслигидир.

Қўйидаги мисолда ҳам мазкур сўз яққол ижобий баҳода намоён бўлган: *Аввало, Обиджон Паканадан ҳам паканароқ, қолаверса, ўлгудек истеъдоғли,*

*касофат*. Уни яхши кўрмай ҳам, тан бермай ҳам иложе йўқ (Эркин Аъзам, “Пакананинг ошиқ кўнгли”).

Дисфемизм – денотатга субъектив муносабатнинг “манфий” томонга кетиши билан боғлиқ прагматик ҳодиса ва сўзловчи ундан воқелик ёки шахс ҳақида кучайтирилган салбий таассурот қолдириш учун фойдаланади<sup>143</sup>. Аммо юқорида таҳлил қилинган *касофат* сўзининг ўзига хос воқеланишида сўзловчи ундан воқелик ёки шахс ҳақида кучайтирилган ижобий таассурот қолдириш мақсадида фойдаланган. Бундай хусусиятли сўзлар сирасига жинни, ярамас, хумса кабиларни ҳам киритиш мумкин. Қуидиа бу бирликларнинг узуал салбий ҳамда окказионал ижобий баҳоларни намоён этишига мисоллар келтириб ўтамиз. Қиёсланг: *Эртаси маст бўлиб келиб, юзимга солди*. “Мени хор қилдинг, ярамас!” деди (Ш.Холмирзаев, “Булут тўсган ой”); *Маъруф Жалилнинг чехрасига болаларча беғубор ва мўмин табассум югурди*. – Ярамас, ёмон шеърга ўхшамайди (А.Кўчимов, “Камтарликнинг баланд чўққиси”). Яна қиёсланг: *Дилишод яна индамади. Сумбут домла яна қичқирди*: – Гапир, хумса! (Мирзакалон Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”); – *Айтдим-ку, хумсо, қизил гулдай. Қашқарнинг қизи, жувони олмадай бўлади* (Ойбек, “Кутлуғ қон”).

Шунингдек, жинни сўзи ҳам, аслида, “ақлдан озган, руҳий касалликка чалинган” маъносидаги ҳақорат сўзи бўлса ҳам, кўп ҳолларда “ўзини яқин олиш”, “эркалаш” мазмунини ифодалашда ишлатилади: Қиёсланг: **Хоним**. – Қамара унга иргангандек бир назар ташлайди-да, “Жинни”, – дейди, сўнг кўнгли тўлмайдими, “Ненормальний” деб қўшади (Эркин Аъзам, “Пакананинг ошиқ кўнгли”); *Бешқўргон йигитлари жўрабўза қилар эканлар. Аввал ўзим қўшилдим. Аҳмадқул ҳам йигит, у ҳам бир тан, дедим. Сени ҳам улфат қилиб қўйдим. Маъқулми? Кииш бўйи ялла-да, жинни...* (Ғафур Гулом, “Жўрабўза”).

Бу каби қўллашларнинг баъзилари нутқий одат тарзига ҳам келиб қолган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида “койиш, сўкиш” маъно қирраларини йўқотиб бормоқда. Масалан, *хумпар* сўзи, аслида, вульгар маъноли сўз бўлса ҳам, ҳозирги ўзбек тилида шундай белгиси билан бирга, кўпинча, эркалаш, мақташ мақсадида қўлланади. Қиёсланг: *Хумпар!* – *Мингбоши ўшқирди*. *Кейин қизил қўзини унга тикиб сўради*: – *Мулла Соли сенга ҳеч нима дедими?* (Мирзакалон Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”); – *Ўзбекларга ўзбекчасини, туркларга туркчасини айтади. Чеченчасини билмайди бу хумпар, билса, уни*

<sup>143</sup> Қодирова Х. Кўрсатилган диссертация. – Б. 45.

ҳам айтарди. Бу ҳофизга етадигани ийк оламда! (Тоҳир Малик, “Шайтанат”).

Какофемизмларнинг нутқда терс маънода намоён бўлиши, ижодкор томонидан услубий приём сифатида қўлланиши натижасида *астеизм* юзага келади. *Астеизм* юончада “ҳазил, ўткирлик, таъсирчанлик” маъноларини билдиради. У сўкиш, қарғиш сўзларининг “мақтов” маъносида, мақтов сўзларининг “танбех” маъносида келишига асосланувчи стилистик ҳодисадир<sup>144</sup>. Масалан, қуйидаги парчада қўлланган *тентак* сўзи астеизмнинг ёрқин кўринишидир: *Фақат бу юртнинг одамлари ғалати. Новвой саватга нонини уюб қўяди-да, қўшиниси билан гап сотади... Декон қовун тўла аравасини қаровсиз ташлаб, чойхонада ёнбошлаб, кўк чой ичади. Заргарни айтмайсизми, заргарни! Дўконига қулф осишга ақли етмайди, тентак!* Эшигини ип билан боғлаб, пешинда мачитга югурди (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”). Мазкур сўз орқали юзага чиққан окказионал маъно *тентак* сўзи ўрнида қўлланиши лозим бўлган сўз маъносига қараганда таъсири кучи, субъектив “юки” ортиқ.

Энантиосемияга доир сўнгги тадқиқотларда *риторик энантиосемия* (бу тип энантиосемияни *риторик* деб номланишида *риторик(a)* сўзининг манба тилдаги “оғзаки, нутқа оид” маъноси назарда тутилган) ҳақида ҳам гапирилмоқда. Бу терминни дастлаб қўллаган ва айни масала юзасидан тадқиқот олиб борган Е.В.Маркасованинг фикрича, риторик энантиосемия ўзининг алоҳида лингвистик манбаига эга бўлиб, ҳозирги дунё тилларининг барчаси учун хос ва унинг турли юзага келиш йўллари мавжуд. Улардан бири эркалаш маъносидаги сўзларни нутқий агрессия (дўқ-пўписа) билан қарама-қарши маънода қўллашдир. Тадқиқотчи томонидан *риторик энантиосемия* деб аталган ҳодиса моҳиятан эвфемик ва дисфемик энантиосемияга яқин келади. Мақолада рус тилидаги *милый, солнышко* сингари бирликларнинг нутқий агрессия билан салбий муносабат ифодалаб келиши ёки *сволочь* каби вульгар семантикали сўзларнинг ижобий баҳода намоён бўлиши риторик энантиосемия деб кўрсатилади<sup>145</sup>.

Тадқиқотчи томонидан *риторик энантиосемия* масаласи кўтарилиганинг долзарблиги шундаки, унда мазкур ҳодиса илк бор сўзлашув нутқи доирасидагина чегаралаб олинган ҳамда алоҳида термин остида ўрганилган. Бу уни бошқа энантиосемия турларидан фарқлашда

<sup>144</sup> Краткая литературная энциклопедия. Гл. ред. А.А. Сурков. Т. 1. – М.: Изд-во Энциклопедия, 1962. – С. 27; Гриценко Е.С. Эмоционально-оценочная энантиосемия в разговорной речи / Межвузовский сборник научных трудов. – Горький, 1989. – С. 15.

<sup>145</sup> Маркасова Е.В. Риторическая энантиосемия в корпусе русского языка повседневного общения “Один речевой день” / <http://www.dialog-21.ru/digests/dialog2008/materials/html/54.htm>. (20.04.11).

кулайлик туғдиради. Гарчи нутқий энантиосемияда ҳам, риторик энантиосемия ёки астеизмда ҳам сўзловчининг у ёки бу субъектив муносабати мавжуд бўлса ҳам, нутқий энантиосемия фақат нутқий агрессия билангина пайдо бўлмаслиги, риторик энантиосемия эса кўп ҳолларда айни агрессия замирида юзага келиши ажратиб кўрсатилган. Шунингдек, бу термин остида фақат сўзиш-эркалаш ва сўкиш-койиш мазмунидаги сўзлар англатадиган маъновий зидликни тушунилиши билан ҳам муҳимдир. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, нутқий энантиосемия билан риторик энантиосемия ўртасидаги фарқланиш нутқий агрессиянинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан бирга, нутқий энантиосемиянинг иронияга асосланиши ҳамда тилдаги барча сўзлар билан намоён бўла олиши мумкинлигини ҳам улар ўртасидаги асосий фарқлардан бири деб кўрсатиш мумкин.

Мазкур масала юзасидан Е.В.Маркасова келтирган хулосаларни маъқуллаш билан бирга, баъзиларига қўшилиб ҳам бўлмайди. Хусусан, Н.Махмудов риторик энантиосемиянинг синтактик сатҳ билан боғлиқлигини таъкидлайди ва лексик сатҳдаги энантиосемияни риторик деб номлаш уни бошқа турлари билан қориширишга олиб келишини айтади<sup>146</sup>. Шунингдек, тадқиқотчи Е.В.Маркасова сўзиш, эркалаш сўзлари нутқий агрессия олиб зид маънода намоён бўлганда шу сўзнинг талаффузида ҳеч қандай интонацион ўзгариш юз бермаслигини таъкидлайди. Муайян сўзга нутқий агрессия юклангандা, субъектив муносабат ифодалангандা қандай қилиб унда просодик ўзгариш юз бермаслиги мумкин?! Ваҳоланки, айнан интонацион ўзгариш сўзловчи учун ироник маънони етказишига, тингловчига эса мувофиқ маънони илғаб олишга ёрдам беради.

Бизнингча, риторик энантиосемиянинг ҳар икки воқеланиш шаклида ҳам интонация фаол иштирок этади. Шу маънода унинг сўзиш-эркалаш сўзлари билан намоён бўлиши эвфемик энантиосемия, сўкиш, қарғиш сўзлари билан воқеланиши дисфемик энантиосемияга ўхшашдир. Масалан, ўзбек тилидаги кўпгина какофемизмлар, хусусан, *касофат*, *баттол*, *хумпар*, қисталоқ, *баччагар* каби сўзларнинг ижобий баҳода қўлланиш ўринлари ([Мирёқуб] – *Шаҳарда бир худо бандасининг иккала дунёга арзийдиган бир қизи бор экан!* Мингбоши эркин-эркин кулди: – *Тавба де, бетавфиқ!* Астағфурулло де! Мирёқуб астағфурулло ўрнига уят бир сўз айтди. Мингбоши бешбаттар ёйилиб кулди: – *А, баттол-эй!* О, баттол-эй!... (Чўлпон, “Кеча ва кундуз”) ёки ўзбек тилида “ярамас”, “ифлос”, “аблаҳ” каби салбий муносабат билдирадиган ҳароми сўзининг айни маъноларини

<sup>146</sup> Махмудов Н. Зиддият ва жуфт сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 5. – Б. 4.

йўқотиб, унга зид “эркалаш” маъносини намоён этгандаги ҳолати (— *Яхии им чиқди, ҳароми, — деди Обид ака ҳавас билан унга қараб. — Ҳали яна ўзинг кўрасан* (Ў.Умарбеков, “Одам бўлиш қийин”) кабиларни риторик энантиосемиянинг бир қўриниши дейиш мумкин.

Яна қиёсланг: *Файзулла чавандоз улоқни туёқлар остидан тортиб ололмади. Тўдадан энтикиб-энтикиб чиқди. — ... сизса от мин-да, баччагар! Ўл-е, шу кунинга-е! Тфу!* — деди (Тоғай Мурод, “Юлдузлар мангу ёнади”);

— *Пидбўл деса, кенжса ўғлим чимилдиқни ташлаб чиқадиган хилидан, — илжайиб мўйлов силади Топиндиқ оға. — Чет элдаги зўр камандалар ўйнаяпти деганига дил кетиб, ўғлимга уч-тўрт марта биқиндош бўлдим. Зап ўйин экан-да, бу пидбўл баччагар!* (Анвар Обиджон, “Пидбўл”).

Табиийки, сўзда юзага келадиган бу каби маъновий ўзгаришларнинг омиллари ҳақидаги қарашлар бир хил эмас. Жумладан, психолингвистик йўналишдаги ишларда какофемизмларнинг қарама-қарши маънода қўлланиши, аслида, инсонни ёмон кўздан асраш билан боғлиқлиги, бу агар киши мақталгудек бўлса, унга суқ кириши мумкинлигидан қўрқиш натижаси, дейилади. Бошқа қарашга кўра, вульгар сўзларнинг “мақтов” маъносини ифодалashi, аслида, киши ҳис-туйғуларининг дуалистик (иккитомонлама) характеристири эканлигидир. Негаки муайян шахс, нарса ва ҳаракат-ҳолат бир пайтнинг ўзида севимли ва ёқимли ҳам, жирканч ва ёқимсиз ҳам бўлиши мумкин. Зотан, *мақтов* ва *сўқии* танганинг икки томонидир, шу боис *мақтов* ўзида “ҳақорат”ни, ҳақорат эса “мақтов”ни намоён этиши мумкин<sup>147</sup>.

Какофемизмларнинг лисоний табиатига стилистик нуқтаи назардан ёндашилган қарашларга асосан, какофемизмлар билан воқеланган окказионал ифода сўзиш-эркалаш сўзларидағи маънога қараганда таъсирчан. Шу сабабли у ёки бу тарздаги ўткир ифода зарур бўлганда вульгар сўзлардан фойдаланилади<sup>148</sup>.

Умуман олганда, сўзловчининг субъектив муносабатни ўзига хос ифодалашни мақсад қилиши, фикрнинг янада таъсирчан бўлишига интилиши уни одатдагидан бошқачароқ ифодалардан фойдаланишига сабаб бўлади. Койиш мазмунидаги сўзларнинг “мақташ”, “эркалаш”, ўз навбатида, мақташ мазмунли сўзларнинг “койиш” тарзида воқеланиши шу муносабат билан юзага чиқади, шу ноодатий ифода сўзга алоҳида экспрессивлик беради.

<sup>147</sup> Иқтибос қўйидаги манбадан олинди: Садчикова И.В. Энантиосемия как способ сосуществования противоположных оценочных компонентов в семантике слова / Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т. 11, 4 (5), 2009. – С. 1308.

<sup>148</sup> Иқтибос қўйидаги манбадан олинди: Садчикова И.В. Кўрсатилган мақола. – Б. 1309.

“Қарғиш”ни билдирувчи вульгар сўзлар ҳам мувофиқ нутқий вазиятда ўзининг узуал вазифасини ўзгартиради. Масалан, “йигит ўлгур” маъносини англатадиган жувонмарг сўзидағи салбий эмоционал баҳонинг ижобий эмоционал баҳода намоён бўлишида шуни кузатиш мумкин. Қиёсланг: – Энди Қизилсойга яқин борсанг, ўлдираман, жувонмарг! (Эркин Аъзам, “Жаннат ўзи қайдадир”); Жавобингиз бизга маъқул, Оқсоқол! — деди жувонмарг Жасур шоир зукколик ва шаҳдамлик билан, мунозарада устун келганини ҳам барала сездириб (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи”).

Ҳозирги ўзбек тилидаги аксар қарғищ сўзларнинг семантикасидаги салбий эмоционал баҳо мувофиқ контекстда ижобий эмоционал баҳога алмашади. Масалан, қургур сўзида шу ҳолатни кўриш мумкин. Қиёсланг: *Берадигани – чўзиб-чўзиб тўрт танга, шундан-шунга сарсон бўлиб келамана!* Қургур, келиб-кетишимга етса ҳам кошки эди! (Эркин Аъзам, “Фаррош кампирнинг туши”) – салбий баҳо; *Хуллас, марказга ими-жисимида, ҳеч кимга билдиримай жўнаган Шерқўзи қайтишида ҳаммага кўз-кўз қилиб говмиши сигирининг қаймогидек товланиб турган “Жигули”ни ҳайдаб келди. Қургур, ўзи ҳам кийикдек бўлар экан, сал тизгинни бўшатсанг – учади-я, учади!* (Аҳмад Аъзам, “Соясини йўқотган одам”) – ижобий баҳо.

Ҳ.Қодированинг фикрича, тилда баъзи полифункционал какофемизмлар борки, уларнинг табиатида бир ўринда салбий баҳо билдириб, дисфемизм сифатида келиш, бошқа бир ўринда эса ижобий баҳо билдириб, эвфемизм сифатида келиш хусусияти мавжуд. Масалан, *хумса* сўзи ҳам эвфемик, ҳам дисфемик бирлик сифатида шундай хусусиятга эга. Бу бирлик эвфемизм сифатида намоён бўлганда қўпол, дағал ифодани маданий мулоқотга мосласа, дисфемизм сифатида намоён бўлганда аксинча вазифани бажаради. Масалан: *Юз мартаба сизга айтиб ётибманку, хумсани дарвозадан чиқардим, тагин қанчагача орқасидан бориб, то карвонларга қўшилиб кеткунча кутдим, сўнгра қайтиб келдим деб* (Абдулла Қодирий, “Ўтган қунлар”); *Бинобарин, уларнинг ўйнаб-кулишиларига рози бўлмаган одам хумсадир* (Абдулла Қодирий, “Диёри бакр”)<sup>149</sup>. Бизнингча, *хумса* сўзи мазкур мисолларнинг ҳар иккисида какофемизм сифатида келиб, “танбех” маъносини воқелантирган. У *касофат, тентак* сўzlари сингари мувофиқ контекстдагина “мақтов” маъносида намоён бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *гўрсўхта* какофемизми ҳам шундай хусусиятга эга. Маълумки, бу сўз ўта қўпол маъно ифодасига эга бўлиб, сўзловчининг салбий муносабатини билдириш учун хизмат қиласи: *Тўрттагина*

<sup>149</sup> Қодирова Х. Кўрсатилган диссертация. – Б. 91.

*гўрсўхтани ушлаб қамаши қўлларингдан келмаса, нималарингга кериласанлар?! (Тоҳир Малик, “Шайтанат”). Бироқ қуидаги жумлада у намоён этаётган баҳони салбий деб бўлмайди: “Лочиндек йигит”, у билан ҳар қанча ўйнаб-кулсанг арзийди. Шу кунларда росаям тўлишиб, чиройли йигит бўлиб кетибди гўрсўхта (К.Яшин, “Ҳамза”).*

Демак, дисфемия ва энантиосемиянинг ўзаро муносабатдорлиги муайян дағал характердаги, салбий баҳоли тил бирликларининг сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади тақозоси билан мувофиқ нутқий вазиятда “таҳсин”, “мақташ”, “эркалаш” каби ижобий ифода билан намоён бўлишида кўринади. Бу бирликларнинг узуал ва окказионал маънолари ўртасидаги зидлик дисфемик энантиосемияга сабаб бўлади. Мазкур зидланишнинг юзага келишида какофемизмлар фаол иштирок этади.

Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна.**

#### **Ушбу амалий машғулот давомида қуидагиларни бажариш лозим:**

1. Бадиий матндан қарама-қарши маънода қўлланган сўзларни таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
2. Эвфемик йўл билан зидланган бирликларни топиш а маъносини изоҳлаш (бадиий матн таҳлили).
3. Дисфемик йўл билан зидланган бирликларни топиш а маъносини изоҳлаш (бадиий матн таҳлили).
4. Бадиий матндаги дисфемик ва эвфемик бирликларнинг қўлланиши ҳақида хulosалар чиқара олиш.

### **ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ**

**1-машқ.** Берилган матнда эвфемик йўл билан зид маънода воқеланган бирликларни аниқланг.

*Бу ерда мингбоши, Тешабой, Фосиҳ афанди, қози домла, муфти, мирза, даъвогар, гувоҳлар, бир ёши қарол ва икки мазлум “гуноҳкор”дан бўлак ҳеч ким йўқ эди (Мирзакалон Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”) Умри жонингизга худо барака берсин” деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган “муаттар” ҳиддан хиёл чимирилди-ю, сездирмади (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”) Лекин хосхонани ясатиб, иссиқ-иссиқ қаҳваларни ҳозирлайверасиз. (Ҳавони ҳузур билан ҳидлай-ҳидлай) Оҳ, оҳ, бунча хушбўй (Эркин Аъзам, “Фаррош кампирнинг туши”); Ҳисобчи. Бўшаб кетмагандир ахир, эрта-индин келар! (Бурун жийириб) Бир оз*

“хушибўй”роқлигини айтмаса, ўзи яхши хотин... ходим деганим! (Эркин Аъзам, “Фаррош кампирнинг туши”) Менинг ўғлим хў-ў-п орзу-ҳавасли чиқдида, барака топкур! Яқинда тўй қиламан деб, яп-янги “Нексия”сини сотиб юборди, азамат! – Менинг жиянимни айтмайсанми? Тўй қиламан деб, уйжойини сотди! Энди кўчада юрибди! (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”). Қизиги шундаки, узоқ ииллар мобайнида иккала кундош бирбирининг боридан бехабар ўтган эмиш! **Офарин-э**, Акобир Мирзаевич, худо сизга юракдану куч-қувватдан қўша-қўша қилиб берган экан! (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар”).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Берилган гапларда *муаттар*, *хушибўй*, *азамат*, *офарин* сўзлари эвфемик йўл билан зид маънода қўлланган.

**2-машқ.** Қуйида берилган гап жуфтликларини қиёсланг ва эвфемик ифодаларни аниқланг.

**Яшанг**, ўғлим, кам бўлманг. Энди Орзиқул оёгини узатиб, баҳузур ёта берса ҳам бўлар экан (Абдулла Қаҳҳор, “Йиллар”); *Тоғ қизлари чиройли бўлади деб эшиштаман...* **Яшанг!** Болаларингиз ҳам эсингизга келмайди-я! Қойилман... (Ш.Холмирзаев, “Шудринг тушган бедазор”). 2. – *Мен бўри бўлдимми?! Ит!!* – **Қуллуқ!** (Абдулла Қаҳҳор, “Қўшчинор чироқлари”) Сардор полvon мерганни қучоқлаб чаққонлик билан даст кўтарди: – Тўйлар муборак, акагинам... – **Қуллуқ, қуллуқ** (А.Айизов. Полvon йиғлаган тун). 3. – *Кенжатоим бор бўлсин, ишиқилиб!* Кўкламда Қизилқумга кетган. Омон бўлсин ишиқилиб, – тақрорлади ая (О.Ёқубов, “Биллур қандиллар”); *Ҳикматиллонинг эсига аянинг гаплари тушди: “Газга борсам...* навбат кутасан дейшиди. Навбатчи ўлгур охиратдаям келмасмиш. Бозордан уста опчиқа қолай десам, пожарнийси бор бўлгур, испарвка бермасмиш...” (О.Ёқубов, “Биллур қандиллар”). 4. – Энди мен сизга айтсам, шунақанги тўй бўлди, бу карнай-сурнайлар, бу саруполар... Ҳакимжон, барака топкур, ўзи бош-қош бўлиб турди (Ў.Умарбеков, “Хусн”) – “таҳсин”; *Нима қилсангиз қилаверинг, майли.* Биламан, ёлғиз қолмайсиз, уйланасиз... *Фақат, барака топкур, бу каравотни сотиб, бошқа олинг.* Бўлмаса, гўримдан туриб келиб, сочингизни битталаб юламан!.. (Ў.Умарбеков, “Ёз ёмгири”)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Гап жуфтликларининг ҳар иккинчисидаги яшанг, қуллуқ, бор бўлгур, барака топкур бирликлари нутқий вазият талаби билан танбеҳ маъносини ифодалаган, сўзловчининг ўзига хос ифода йўлини танлаганини кўрсатган.

**З-машқ.** Берилган гап жуфтликларини қиёсланг ва салбий ҳамда ижобий субъектив баҳоларнинг ифодаланишини тушунтиринг.

1. Бу **касофат** бирон ҳовли ёки бирон кўчага кириб, гумонсираган одамига “думингни кўрсат” деса, бунақа ҳазилни бирор кўтаради, бирор кўтармайди (Абдулла Қаххор. Думли одамлар) Сценарий муаллифи бўлмиш Фарҳод Рамазон “шу хонтахта”чи ялтироқ болани қўйинглар”, деб бошида оёқ тираган эди, дастлабки видеосиновни назардан ўтказгач, қўнмай иложи қолмади: бутунлай бошқа қиёфага кириб, кўнгилдаги қаҳрамоннинг ўзи бўлиб кетибди, **касофат!** (Эркин Аъзам. Шовқин). 2. Қаламкашлик виждони қўзидими, кейин сал юмшаб, маслаҳат берди: “Майли, мана шу мўътабар газетамизни олдига тўшаб қўйинг, розиман. Қоронги тушишини пойлаб-да”. “Ия, олдига яқинлаштиармиди у **баттол?!**” - деди Э.Сафар фифон аралаш (Эркин Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир). : – Шаҳарда бир худо бандасининг иккала дунёга арзийдиган бир қизи бор экан! Мингбоши эркин-эркин кулди: – Тавба де, бетавфиқ! Астағфурулло де! Мирёқуб астағфурулло ўрнига уят бир сўз айтди. Мингбоши бешбаттар ёйилиб кулди: – А, **баттол-эй!** О, **баттол-эй!...** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). 3. Салбий субъектив баҳо, сўкиш: Файзулла чавандоз улоқни туёқлар остидан тортиб ололмади. Тўдадан энтикиб-ентикиб чиқди. – ... сифса от мин-да, **баччағар!** Ўл-е, шу кунингга-е! Тфу! — деди (Тоғай Мурод. Юлдузлар мангу ёнади). У бошингга баҳт қуши кўнгур **баччағар** шунчалик чаққон эканки, ҳаш-паш дегунча бўлмай ошниям ўзи дамлаб ташлаган экан (Ш.Бўтаев. Қўргонланган ой). 4. Хоним – Қамара унга иргангандек бир назар ташлайди-да, “**Жинни**”, – дейди, сўнг кўнгли тўлмайдими, «Ненормальний» деб қўшади (Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли). Хўжайин хохолаб қулди: – Завқингни синамоқчи эдим, **жинни!** – деди. – Ўзим билардимки, ўшани танлайсан! (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Берилган гап жуфтликларининг биринчисида салбий субъектив баҳо, иккинчисида ижобий субъектив баҳо ифодаланган. Бундай баҳоларнинг ифодаланишида дисфемизмлардан фойдаланилган.

**4-машқ.** Берилган гапларни ўқинг. Сўкиш сўзларининг таҳсин маъносида қўлланишига диққат қилинг. Ўз ва кўчма маънолар ўртасида қандай энантиосемия борлигини айтинг.

1. Келиб-келиб рўйхат тузишни Мамарайимга топширишибди. Битта сигири борни ҳам тиркабди-да рўйхатга бу **зангар** (Тоҳир Малик. Девона). Чойхоначи бошини қимирлатди. – Оббо **зангар-ей!** Эпчил экан-да? (Ў.Умарбеков. Баҳор). 2. Бу оқшом чоғи куёвини кутиб ётган ёш келинчакнинг маъсум ашуласи! Севганига қовушган ёш **махлуқнинг** севинч қўшифи (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Бу одам, жадиднамо бир ҳамشاҳрининг деганидек, “кўргазмага қўйилатурган антиқа **махлуқлардан** эди” (Чўлпон.

Кеча ва қундуз).3. Муни отгин-да, хўш, қандай қилиб, масалан, одам ўлдирганингни айтиб бер-чи. - **Оббо**, - деди Мансур чиндан-да ғашланиб. - Яна ўша гап! Одам ўлдирган бўлсам, шу ерда ўтиармидим, ўртоқ педагог? (Ш.Холмирзаев. Озодлик). - Тузуксан-ку, қизим? - деди фахр билан Юсуф ака. - Мен буни раисга айтаман. - Ҳозир керак эмас, - деди Самад. — Аввал битсин макет, кейин. - **Оббо** қизим-ей, **оббо** қизим-ей, тузуксан-ку! Юсуф ака севинчини яширмай, алламаҳалгача ёшларнинг олдида ўтирди (Ў.Умарбеков. Одам бўлиш қийин).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу гапларда сўкиш сўзларининг ўз ва қўчма маъноларда қўлланишига мисоллар келтирилган. Келтирилган мисолларда аввал сўкиш сўзларининг ўз маъноси, кейин қўчма маънолари берилган. Ўз маъноларида салбий субъектив баҳо, қўчма маъноларида ижобий субъектив баҳо намоён бўлган. Ана шу салбий ва ижобий субъектив баҳолар ўртасида субъектив баҳоловчи энантиосемия юзага чиқкан. Айни пайтда, окказионал зид баҳоларнинг прагматик “юки”, ифода қиммати ўз маъноларнидан ортиқ.

### **Назорат саволлари:**

1. Эвфемик йўл билан зид маънода қўлланган сўзларга мисоллар айтинг.
2. Қайси сўкиш сўзлари ижобий баҳо ифодаси учун қўлланиши мумкин?
3. Эвфемизмларнинг окказионал салбий маънолари қандай хусусиятга эга бўлади?
4. Эвфемик энантиосемия ҳақида гапириш мумкинми?
5. Қарғишни билдирувчи сўзлар ҳам ижобий баҳони билдириши мумкинми?
6. Дисфемик энантиосемия деганда нимани тушунасиз?

### 3 – машғулот

#### Киноя ва антифразис сўзларни зид маънода воқелантирувчи усул сифатида

**Ишдан мақсад:** Бадий матнда Киноя ва антифразиснинг окказионал кўчма маънолардаги иштироки ва ўрнини аниқлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Энантиосемияга ёндош ҳодисалардан яна бири ирониядир. Негаки “энантиосемия ва ирония ўзаро жуда яқин ҳодисалар бўлиб, кўпинча биргаликда юзага чиқади”<sup>150</sup>. Ирония юононча сўз (είρωνεία) бўлиб, “муғомбирик, айёрлик ёки қувлик” маъноларини англатади<sup>151</sup>. У нозик қочирим ёки яширин истеҳзо мақсадида сўзни қарама-қарши маънода қўллашдан иборат кўчим<sup>152</sup>. Мазкур ҳодиса анча аввалроқ олимлар эътиборини тортган, унинг лингвистик табиати ҳамда вазифаси ҳақида турфа қарашлар илгари сурилган. Хусусан, антик давр алломалари асарларида иронияни мақташ орқали танбех бериш деб таърифланади, бошқа адабиётларда муғомбирлик ёки қувлик қилиш эканлиги, бу орқали ифодаланмоқчи бўлган асосий фикр яширин қолиши ва бундан сўзловчи мамнунлик тувиши айтилади<sup>153</sup>. Кейинги ишларда эса ирониянинг кесатик, мазах ва истеҳзо асосида юзага келиши, улар йўқ жойда ирония бўлмаслиги қатъий таъкидланади<sup>154</sup>.

Алоҳида поэтик ҳодиса ёки усул сифатида пайдо бўлган ирония узок йиллар давомида турли хил фанлар – поэтика, адабиёт, психология, мантиқ, лингвистика каби соҳаларнинг тадқиқот обьекти сифатида ўрганиб келинган. Лингвистика фани иронияни муайян сўзни қарама-қарши маънода воқелантирувчи ва бу билан яширин субъектив баҳо билдирувчи нутқий ҳодиса сифатида тадқиқ қиласи ва унинг икки турини фарқлайди: ситуатив ва аксиологик (баҳоли) ирония. Ситуатив ирония сўз (фразеологизм) доирасида юзага келиб, эмоционал жиҳатдан аниқ, яққол ирония бўлса, аксиологик ирония субъектив муносабатни анчагина яширин, даражали ифода этадиган ирония қўриниши ҳисобланади ҳамда кўпроқ макроматнларда учрайди<sup>155</sup>.

<sup>150</sup> Минаева Л.В. Кўрсатилган асар. – Б. 131.

<sup>151</sup> Жеребило Т.В. Кўрсатилган манба. – Б. 137.

<sup>152</sup> Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б. 185.

<sup>153</sup> Саниева И, Давыдов В. Ирония. История вопроса / Язык, сознание, коммуникация. Сб. статей. Вып. 12. – М.: Диалог МГУ, 2000. – С. 57.

<sup>154</sup> Саниева И, Давыдов В. Кўрсатилган мақола. – Б. 58.

<sup>155</sup> Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Фарғона: ФарДУ, 2001. – Б. 38.

Айрим тадқиқотларда бевосита ва билвосита ирония<sup>156</sup>, ситуатив хосланган ва оғзаки ирониялар ажратилади ҳамда ситуатив ирониянинг, кўпинча, мейозис, энантиосемия, эвфемизм каби нутқий фигуralар билан намоён бўлиши қайд этилади<sup>157</sup>. Унинг лисоний вазифаси асосида муайян бадиий ёки публицистик асар тилининг лингвопоэтик қимматини ўрганиш, айниқса, муҳим. Ирония нутқий ҳодиса мақомида тадқиқ қилинар экан, унинг моҳияти терс мазмун ифодалашдан иборат экани, ҳар қандай ироник модус ёки маъно муаллиф, тингловчи ва иронияга тортилган сўз алоқадорлигига юзага чиқиши айтилади<sup>158</sup>. Биз ҳам иронияга лингвистик планда ёндашган ҳолда уни муайян контекст билан чамбарчас боғлик, нутқда муайян интонацион воситалар билан юзага чиқадиган соф нутқий ҳодиса сифатида тушунамиз.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ирония юзасидан бир қатор ишлар қилинган. Масалан, Р.Кўнгурор “Ўзбек тилининг тасвирий воситалари” асарида иронияга алоҳида тўхталади ва уни *таъриз усули* деб атайди. Унинг фикрича, ирониянинг вазифаси “сўз ва фразеологизмни кесатик, пичинг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода қўллаш, бу билан бирор шахс ёки ҳодиса устидан кесатиб, яширин масхаромуз кулишдир”<sup>159</sup>. Мустақиллик йилларида мазкур ҳодиса монографик планда Э.Ибрагимова томонидан ўрганилди ва унинг лингвистик табиати, турлари, бошқа ҳодисалар билан бўлган муносабати очиб берилди<sup>160</sup>.

Мазкур тадқиқотларда айтилганидек, сўзни муайян нутқий вазиятда қарама-қарши маънода намоён этиш ирониянинг доимий, ўзгармас нутқий белгиси бўлиб, ҳар қандай ироник модус муайян нутқий вазият билан белгиланган, хосланган бўлади. Аммо иронияни факат лисоний бирликни қарама-қарши маънода намоён этиш тарзида тушуниш ножоиз бўлиш билан бирга, унинг бошқа бир қатор жиҳатларининг назардан четда қолишига ҳам сабаб бўлади. Негаки иронияга тортилган сўз ҳар доим ҳам қарама-қарши маънони намоён этавермайди, балки муайян нарса-ҳодиса, белги ёки ҳаракат-холатнинг инкори, у ёки бу сўздан англашиладиган ижобийлик ёки салбийлик оттенкасининг пасайиши ёхуд кучайиши кабиларни ҳам кўрсатишга хизмат қиласиди. Айни жиҳатларни фарқламаслик мазкур ҳодиса табиатини лисоний бирликни қарама-қарши маънода намоён этишдангина иборат деб билиш, *антифразис* деб аталгувчи ҳодисани ҳам ирониянинг бир

<sup>156</sup> Давыдов М.В. Звуковые парадоксы английского языка и их функциональная специфика. – М., 1984.

<sup>157</sup> Бу ҳақда қаранг: Саниева И, Давыдов В. Кўрсатилган мақола. – Б. 59.

<sup>158</sup> Третьякова Е.Ю. Ирония в художественном тексте. – С. 5.

<sup>159</sup> Кўнгурор Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 80.

<sup>160</sup> Ибрагимова Э. Кўрсатилган диссертация.

кўриниши сифатида баҳолаш<sup>161</sup>, қолаверса, ирония ва энантиосемияни тенг ходисалар тарзида талқин этишга олиб келади.

Жумладан, Э.Ибрагимова ирониядаги терс маъно учуриқ-пичинг орқали ифода этилишини таъкидлаб, қўйидаги мисолни келтиради: *Қаландаров шишани эшоннинг қўлидан олиб, қиррали стаканга конъяк тўлдирди-да, узатиб: – Ma, “волиданг” келгунча ютиб ол, кейин биз билан майда қиласан!* – деди (Абдулла Қаххор, “Синчалак”). Тадқиқотчи юқоридаги *волиданг* сўзи орқали намоён бўлган “хотин” маъносини зид маъно деб тушуниради. Бизнингча, бунда ирония бўлса ҳам, маъновий зидлик йўқ. *Волида сўзининг иронияга тортилиши эшон аталмиш кишининг хотини онасининг ёшига тенглигига ишора қилмоқда*. Бу мазмун сўздаги ижобий оттенкани камайтирган ёки айни сўзга салбий баҳо берган, холос. Ёки *Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз, Бобов келди, деб кўрпага беркитмангиз, То улгайиб, дуч келганда “бобов”ларга, Ўхшамасин итдан қўрқкан соқовларга* (Э.Воҳидов, “Кун ўтганда”) парчасида ҳам иронияга учраган *бобов* сўзи ўз узуал маъносига қарама-қарши тарзда воқеланмаган.

Демак, иронияга тортилган ҳар қандай сўз ўз номинатив маъносига қарама-қарши бўлган маъненинига ифодалайди, деб тушуниш беҳад кенг ҳодиса саналмиш ирониянинг ифода имкониятларини чеклаб қўяди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ирония ва энантиосемия, ирония ва антифразис ўртасидаги умумий томонлар ҳамда фарқли жиҳатлар ироник маъно табиатини аниқ белгилаш билан тайин этилади.

Тадқиқотчи О.С.Миндрул ирония олган сўзда кузатиладиган семантик ўзгаришларини қўйидагича изохлайди: 1. Сўз маъносининг ўзгариши: а) бутунлай қарама-қарши маъно юзага келади; б) сўзининг ижобий баҳо даражаси камаяди. 2. Сўзда имплицит коннотациянинг пайдо бўлиши: а) сўзининг ингерент салбий баҳо даражаси камаяди; б) нейтрал баҳоли сўзда салбий баҳо ҳосил бўлади<sup>162</sup>.

Мазкур қарашга таянган Л.В.Минаева ҳам шундай фикрга келади<sup>163</sup>. Бизнингча ҳам шундай бўлиб, мазкур категориал белгилардан биринчиси – бутунлай қарама-қарши маъненинг юзага келиши ирония ва энантиосемия муносабатида иштирок этади. *Сўз ижобий баҳо даражасининг камайиши деб кўрсатилган хусусият эса волида сўзининг pragmatik томони – “хотин” маъносида воқеланишига мос тушади.*

<sup>161</sup> Кўнғуров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 82; Ибрагимова Э. Кўрсатилган диссертация. – Б. 42.

<sup>162</sup> Миндрул О.С. Тембр II в функциональном освещении (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: Московский гос. ун-т., 1980. – С. 9-10.

<sup>163</sup> Минаева Л.В. Кўрсатилган асар. – Б. 130.

Демак, энантиосемия ва ирония ҳодисасининг ўзаро муносабати ҳар қандай ироник вазият билан эмас, балки сўз маъносининг муайян нутқий вазиятда қарама-қарши томонга ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Масалан, *Йигирманчи аср*. Ўзбек совет олимлари мисли кўрилмаган “ихтиро” қилдилар: тарих “хато”сини тузатиб, ўтмишида биз ёппасига “саводсиз” бўлганимизни исботлаб бердилар (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”) матнида ҳам бир эмас, учта сўз иронияга тортилган. Уларнинг иккитасида маъно қарама-қарши томонга ўзгарган: *хато* дейилаётган тарихнинг, аслида, ҳаққоний, тўғри экани, *саводсиз* деб камситилаётган халқнинг эса саводли бўлгани таъкидланган. Аммо *ихтиро* сўзи ўзининг зиди бўладиган маънода намоён бўлмаган: *ихтиро*, аслида, “ихтиро эмаслик”ни кўрсатган. Бу афразисдир.

Субъектив-баҳоловчи энантиосемия ирония иштироки билан юзага келса ҳам, ирония дегани энантиосемия эмас, энантиосемия лексик-семантик ҳодиса. Ирония сўзни қарама-қарши маънода намоён этиш усули, воситаси. Шунингдек, у субъектив-баҳоловчи энантиосемиянинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди. У энантиосемиянинг ижобий баҳоли маънодаги сўзнинг салбий баҳоли маъно касб этиш томонини ўз ичига олади. Масалан, *камтарин* сўзининг (сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади ҳамда муайян нутқий вазиятдан келиб чиқиб) узуал “мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган” маъносига зид “мақтанчоқ, ўзини бошқалардан юқори оладиган, такаббур” маъносида ирония намоён этган. Қиёсланг: *Қудрат бобида ўзини иккинчи ўринга қўяди, дейилганда биринчи ўринда Яратган қодир Худо туради-да, деб англашингиз табиий. Агар Кесакполвонни назарда тутиб, шундай десангиз адашасиз.* Чунки у “камтарин” банда *қудрат бобида ўзидан олдин фақат Асадбекни кўради* (Тохир Малиқ, “Шайтанат”). *Камтарин* сўзининг айни окказионал ҳамда узуал маънолари ўртасидаги зидланиш эса энантиосемиядир.

Ирония асосида қарама-қарши маъно ифодалашнинг ўзига хос томони шундаки, бунда фикрнинг очиқдан-очиқ қўпол, вульгар тарздаги ифодасидан қочиб, объектга бир қадар “пардали” муносабатда бўлинади. Бундан кўзланган мақсад нутқий таъсирчанликка эришиш ҳамdir.

Энантиосемиянинг ирония воситасида намоён бўлишида баъзан сўзловчининг субъектив муносабати яққол заҳарханда – аччиқ истеҳзо билан йўғрилган бўлса, баъзан бундай бўлмайди. Масалан, юқоридаги *камтарин* ва қуйидаги *фазилат* сўзининг “иллат” маъносида воқеланишида ҳам заҳарханда – сарказм мавжуд: *Инсонга доир фазилату кам-кўстлар*

*улашилганида дадаси ювошлиқдан мұлгина баҳраманд бўлиб, қайсарлик шарттакилик каби одатларни пештахта устида унумтиб қолдиргану, аяси эса “Эримга тааллукли бу “фазилат”ларни увол қилмайин”, деб ўзига қўшиб ола қолган эди (Тохир Малиқ, “Шайтанат”). Қўйидаги мисолда эса сўзловчининг енгил қулгиси қузатилади: Кесакполвонга сал нарида безрайиб қараб кави қайтараётган сигир ёқмади. Энгашиб муштдай тош олди-да, сигирнинг онасига ҳам “муҳаббатини изҳор этиб” отди (Тохир Малиқ, “Шайтанат”). Бунда гарчи бирикма қўштироқ ичида берилган бўлса ҳам, факат муҳаббат сўзигина ироник маъно олган ва қарама-қарши “нафрат” маъносини намоён этган. Сўзловчининг “нафрат” маъносини муҳаббат сўзи орқали бериши эса муайян поэтик таъсирчанликни мақсад қилганидир.*

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: сўзловчининг субъектив муносабатида аччиқ истеҳзо, заҳарханда бўлмаса, мазкур маънони ироник энантиосемия дейиш мумкинми? Бизнингча, мумкин. Энантиосемияда асосий талаб маънолар зидлигидир. *Муҳаббат* сўзининг бундай қўлланишида сарказм бўлмаса ҳам, зид маънода воқеланиш бор. Бунда сўзловчи ҳаракат бажарувчисини заҳарханда қилишни эмас, балки қаҳрамон характеристига хос жиҳатларни тасвирлаш – енгил юмор қўзғатишини қўзлаган.

Тилшуносликда ирония воситасида қаршиланган маънонинг юзага келишида иштирок этадиган воситалар, уларнинг айни жараёндаги ўрни, аҳамиятлилик даражаси юзасидан турли хил қарашлар илгари сурилади. Баъзи мутахассислар ироник маънонинг юзага келишида контекст муҳим деб тушунса, айримлар лисоний белги асимметриясини биринчи планга қўяди. Масалан, Г.Н.Острикова ироник энантиосемиянинг юзага келишида лисоний белги асимметриясининг ролини ортиқча баҳолаб юборса<sup>164</sup>, М.В.Давидов ва С.С.Смоленская кабилар иронияга учраган сўзининг просодиясини асосий омил деб кўрсатадилар<sup>165</sup>.

Албатта, тадқиқотчилар мазкур қарашларда ирониянинг бирор жиҳатини назарда тутиб фикр билдирганликлари аниқ. Бизнингча, лисоний бирликнинг нутқда (хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма) қарама-қарши маънода намоён бўлиши, аввало, сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади билан боғлиқ. Бунда сўзловчининг айни коммуникатив-ситуатив мақсади асосида шаклланган контекст маълум маънода ирониянинг мақомини белгилаб беради. Агар сўзловчи муайян тил бирлигини зид, терс маънода

<sup>164</sup> Острикова Г.Н. Источники экспрессивности энантиосемической лексики // Филология. Гуманитарные и социальные науки. – № 5. 2011. – С. 130.

<sup>165</sup> Давыдов М.В., Смоленская С.С. Значение слова в языке и речи. – М.: Изд-во Московского университета, 1985. – С. 23.

воқелантиришни мақсад қилмаса, ирониядан фойдаланмайди. Ана шу мақсад сўзловчини, нутқ шаклидан келиб чиқиб, мақсадга мос интонация билан талаффуз қилишга ёки мувофиқ график воситалар асосида контекст танлашга йўналтиради. Юқорида қарашларда ана шу жиҳат назардан четда қолган. Масалан, – *Раҳмат, роса маза қилдик* гапидаги маза киноя билан талаффуз қилинса, “маза” сўзи маъносига зид бўлган маъно, хусусан, зид маъно интонацион ишорадан илғаб олинади, ёзма нутқда жумланинг умумий мазмуни ва муайян график воситалар ёрдамида англаанди.

Ирониянинг табиати шундай ўзига хоски, унинг намоён бўлишини ўёки бу восита билан чегаралаб бўлмайди. Негаки ирония имплицит маъно ўёки мазмун ифодаси сифатида баъзан гап, баъзан эса матн доирасидаги ифода бирлигига teng келади. Шундай экан, ироник вазият тақозосигина ирониянинг намоён бўлиш воситасини белгилаб беради.

Юқоридаги мисолдан келиб чиқиб, ирония асосида энантиосемиянинг пайдо бўлишини қўйидаги чизма асосида ҳам кўриш мумкин:

Демак, ирония иштироки билан энантиосемия пайдо бўлганда у ўёки бу омил – контекст ўёки интонациянинг аҳамиятлилик даражаси нутқ шаклига кўра белгиланади.

Ирония иштироки билан энантиосемиклик юзага келганда иронияга тортилган сўз бевосита шу контекстнинг мавзусини белгилаб беради, яъни коммуникация мақсадини ифода этади. Масалан, “Мехробдан чаён” романидан олинган қўйидаги парчада “қадрли меҳмон” бирикмасидаги қадрли сўзи иронияга тортилиши натижасида узуал маъносига зид “қадрсиз” маъносини англатиб келган. Сўзловчи айни контекст мазмунини шу “қадрсиз” тушунчаси атрофида бирлаштиради ва шунга йўналтиради: *Анварнинг “чилласи чароғ кўрмаган” бўлса, ҳеч боки йўқдир, бироқ йигирма кунлаб бешикда исмиз ётиши қизиқдир, чунки янги “қадрлик меҳмон”га от қўйиши на отасининг эсига ва на онасининг хотирига келган эди. Анорбибининг бўлса олти боланинг хархашасидан қулоги тинчимай, мияси суюлгандир, ҳар ҳолда бу “қадрлик” боланинг оти муҳтарам маҳалла имоми тарафидан қўйилмаганидек, ота-она томонларидан ҳам насиб бўлмади.* (Абдулла Қодирий, “Мехробдан чаён”).

Кўринадики, контекстнинг, шу жумладан, энантиосемик маънонинг ироник мазмун асосида шаклланиши баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганидек, кутилмаганлик белгиси билан бирга<sup>166</sup>, аниқ мақсад асосида ҳам бўлган. Албатта, мазкур ироник энантиосемиянинг намоён бўлишида унинг контекстдаги бошқа сўзлар билан бўлган лексик-семантик алоқасининг ҳам ўрни бор. Зотан, юқоридаги жумлада меҳмон сўзининг танланиши бежиз бўлмай, ўзбек лингвомаданиятида “меҳмон” тушунчасининг эъзозли

<sup>166</sup> Саниева И., Давыдов В. Кўрсатилган мақола. – Б. 54.

тушунча сифатида мавжудлиги “қадрсиз” тушунчасининг аксини билдирадиган сўзни танланишига олиб келган.

Ироник энантиосемиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда экспрессивлик юқори даражада бўлади. Мутахассислар таъкидлаганидек, мазкур экспрессивликни таъминловчи ироник модусда аномаллик, парадокс ва икки маънолилик каби хусусиятлар бўлади. Аномаллик умумий, стандарт типга тўғри келмайдиган шакл<sup>167</sup>, яъни белги қонуни бузилиши бўлиб, у ирония туфайли лисоний бирликнинг окказионал маъно ҳам касб этишида кўринади. Парадокс – айни белги қонунининг бузилиши натижасида юзага келган зиддият. Икки маънолилик эса муайян тил бирлигининг ўз ва қўчма маъноларда намоён бўлишидир<sup>168</sup>.

Биз ҳам буни маъқуллаган ҳолда шуни қўшимча қиласизки, ҳар қандай аномаллик парадоксни юзага келтирмайди, аммо икки маънолиликни ҳосил қилиши мумкин. Қуйидаги *хушихабар* сўзининг шакл ва маъно муносабати ўртасидаги аномаллик ва икки маънолилик мавжуд. Масалан: *Келаси ҳафта Рапқондаги бойнинг ҳузурига “чопар” бориб, “хушихабар” етказади. “–Эшитдингизми, сизнинг мулкингиз устидан “оташ арава” ўтадиган бўлди...”* (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”). Ушбу контекстда *хушихабар* сўзи узуал “қувончли хабар” маъносига зид “шумхабар” маъносида воқеланганд. Ана шу узуал ва окказионал маънолар ўртасидаги муносабат парадоксдир. Парчадаги *чопар* сўзи ҳам иронияга учраган, унинг шакл-маъно муносабатида аномаллик ва икки маънолилик мавжуд, лекин парадокс йўқ.

Яна бир мисол: *Шунақа-ку, чинакам бадиий асарни яратиш учун “арзимаган” нарса – Худо берган талант керак* (Ў.Хошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”). Кўринадики, *арзимас* сўзи ирония туфайли узуал маънода эмас, окказионал “арзийдиган” маъносида намоён бўлган. Сўзининг маънолари ўртасида парадокс, шакл-маъно муносабатида аномаллик – белги қонунининг бузилиши, икки маънолилик юзага келган. Ҳар қандай ироник энантиосемияда ана шу жиҳатлар мавжуд бўлади.

Тадқиқотларда ирониянинг фақат баҳо салбийлашувига хизмат қилиши таъкидланади<sup>169</sup>. Баъзан шундай ҳоллар бўладики, бунда ирониянинг айни жиҳати кузатилмайди. Шу сабабли иронияга фақат салбий баҳо ифодаси деб қараш маъқул эмас, чунки мувофиқ контекстда ирония салбий баҳони ифодаламаслиги ҳам мумкин. Масалан: *Хурматли профессор Салоҳиддин Мамажонов бир мақоласида: “Адабий танқидчиликда ёзилмаган адолатсиз бир қоида бор: у кўпинча тўрт-беш машҳур номлар атрофида гир-гир айланаверади-ю, адабиёт ривожига ўз удушини қўшган “номашҳур”ларга қиё боқмайди* (А.Кўчимов, “Камтарликнинг баланд чўққиси”). *Номашҳур* сўзининг айни контекстдаги окказионал маъносида ижобий баҳо мавжуд.

<sup>167</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 16.

<sup>168</sup> Бу ҳақда қаранг: Острикова Г.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 125.

<sup>169</sup> Ибрагимова Э. Кўрсатилган диссертация. – Б. 60.

Куйидаги парчадаги иронияга учраган сўзда ҳам сўзловчининг ижобий муносабати мавжуд: *Дунё ягонаси бўлган маликадай қамарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақл-у фаросати ила тақдир томонидан шундай сийловга муносиб кўрилдими?* (Муҳаммад Али, “Улуг салтанат. Умаршайх Мирзо”). Мазкур мисолдаги *сийлов* сўзи узуал маъносига зид “жазо” маъносида воқелангандা норози муносабат тўғридан-тўғри нутқ обьектига эмас, балки унинг аччиқ тақдирига қаратилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, муайян сўзни ирония асосида қарама-карши маънода қўллаш ижодкор услуби билан ҳам боғлиқ. Масалан, Эркин Аъзам асарлари матнида *касофат* сўзи кўп ҳолларда ижобий баҳода қўлланса, Тоҳир Малик асарларида *фазилат* сўзи салбий баҳода кўп ишлатилади: *Асадбек уч нарсага тоқат қилолмайди: лаганга қошиқ ёки санчқи тегиб тарақласа, ёнидаги одам овқатни чапиллатиб еса, бармоқлар қисирласа, гаши келиб, миясига игна санчилгандай бўлади. Тақдирнинг ёирром ўйини бу “фазилат”ларнинг барчасини Ҳайдарга насиб этган* (Тоҳир Малик, “Шайтанат”).

Ўзбек тилида ироник энантиосемия от, сифат, феъл ва равиш туркумига мансуб сўзлар билан намоён бўлади, аммо бунда бирор сўз туркумининг ироник энантиосемия ифодалаш имкониятини алоҳида ажратиб кўрсатиб бўлмайди. Биз олиб борган кузатишларда юқоридаги сўз туркумларининг барчаси билан ифодаланган ироник энантиосемия кузатилди. Масалан, – *Профессор Маннопов врачларга хос “ҳусниҳат” билан блокнотига лотин алифбосида “Шилта” деб ёзиб қўйди* (Сайд Аҳмад, “Сайланма”) жумласида ҳусниҳат сўзининг қарама-карши “бадхат” маъноси от туркумидаги сўз билан; – *Вой доно-е! Ўзинг-ку бир институтни ўн йилда зўрга битирдинг, энди одам қаторига кириб, бошқаларга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми?!* (Аҳмад Аъзам, “Соясини йўқотган одам”) контекстида доно сўзи “аҳмоқ” маъносини сифат туркумидаги сўз билан; *Вазира бўлса, унинг олдида атайн иссиқдан нолиб, “беихтиёр” оқ халатининг олди тугмаларини ечиб, ўзини елтийди* (Сайд Аҳмад, “Қирқ беш кун”) контекстида *беихтиёр* сўзи “атайлаб” маъносини равиш туркумидаги сўз билан; *Аммо Вали Солиевич ранжимади. Раънохонни “оталарча” меҳр билан бағрига босган эди, шогирди “адашиб” лабини тутиб қўя қолди* (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”) мисолида *адашиб* намоён этган “атайлаб” маъносини феъл туркумидаги сўз билан воқелантирган.

Баъзан ироник энантиосемияни намоён этган сўз қўштироқ ичида, баъзан қўштироқсиз бериладики, бу ироник энантиосемиянинг намоён бўлишига тўсқинлик қилмайди. Кўпинча, сўзининг ироник маъно олганлиги ўша жумланинг ўзидан аниқ кўриниб турганда, қўштироқ ишлатилмайди: *Жалил Асадбекка бир нима дея олмади, аммо хотинига қараб ўқрайди. Қамара ўзига қандай ширин гаплар атаб қўйилганини фаҳмлаб, лабини тишилади* (Тоҳир Малик, “Шайтанат”). Мазкур мисолдаги *ширин* сўзининг ироник маъно олгани ўқувчига қўштироқсиз ҳам тушунарли, чунки контекстдаги ўқрайди, лабини тишилади сўzlари бунга ишора қиласи.

Сўзнинг ироник маъноси кенгроқ контекстдан англашилганда ўқувчининг шу сўзга алоҳида дикқат қартиши лозимлигини кўрсатиши мақсадида қўштириноқ ишлатилади. Тиниш белгиларининг қўлланиш сабабларидан хабардор китобхон эса қўштириноқ ичида берилган сўзнинг иронияга учраганини билиб олади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзан ироник энантиосемияни алоҳида сўз намоён этгани ва шу сўзнинг ўзи қўштириноқ ичида берилиши лозим бўлгани ҳолда сўз биримасининг қўштириноқ ичида берилиши кузатилади: – *Яна бир ашулангиз бўларди*: “Тоғда қуён отибман ияги йўқ, Жонон кўйлак кийибди жияги йўқ...”. – *Хой* “если бола”, бўлди қил (Тоҳир Малик, “Хазонрезги”). Бизнингча, бунда если сўзигина қўштириноқ ичида берилиши лозим, чунки шу сўзнингни маъноси кўчган – “еси йўқ” маъносида қўлланган. *Бола* сўзи қўштириноқ ичида берилмаса ҳам айни маъно сақланади.

Ирония асосида окказионал зид маънонинг юзага келиши нутқ услублари билан ҳам боғлик. Ироник маънодан сўзлашув ва бадиий услубда кенг фойдаланилади, чунки жонли нутқнинг эркинликка асослангани сўздаги мавжуд қирраларни намоён этиш имконини беради. Бадиий услубда ироник маъно муаллиф нутқида ҳам, қаҳрамонлар нутқида ҳам бўлади.

Кўринадики, ирония ва энантиосемия – ўзаро ёндош ҳодисалар. Мазкур ёндошлиқ муайян лисоний бирлик сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади ва нутқий вазият тақозоси билан узуал маъносига зид тарзда вокелангандаги юзага чиқади. Бу энантиосемия деб аталмиш ҳодисанинг моҳияти тил – унинг эгаси – ироник нутқ обьекти учлигига олиб қаралгандагина тўғри бўлишини кўрсатади.

Ирония кўпроқ адабиётшунослик, поэтикага оид талқинлар билан боғлик, унинг лисоний табиатида энантиосемия ҳам иштирок этади. Сўзни салбий, айни пайтда, қарама-қарши маънода намоён этиш ирониянинг онтологик жиҳатидир.

Лингвистик адабиётларда сўзнинг одатдаги, тўғри маъносига нисбатан қарама-қарши маънода намоён бўлиши *антифразис* ёки *анафразис* деб юритилади<sup>170</sup>. Антифразис сўзнинг муайян нутқий вазият талаби билан узуал маъносига қарама-қарши маънода намоён бўлиши ҳисобланади. У икки хил кўринишида – лисоний бирликнинг узуал маъносига зид окказионал маънода

<sup>170</sup> Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б. 49; Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. – М.: Русский язык, 1979. – С. 249.

намоён бўлиши ва ижобий баҳонинг салбийлашуви ёки салбий баҳонинг ижобийлашуви билан юзага келади. Тилшунослар антифразиснинг лингвистик табиати ва қўринишлари ҳақида турли қарашларни илгари сурадилар. Аксар тадқиқотларда антифразиснинг икки қўриниши сифатида ирония ва мейозис қўрсатилади. Ирония сўз маъноси ёки баҳосининг салбийлашуви бўлса, мейозис сўздаги салбийлик бўёғининг камайиши ёки ижобийлик касб этишидир”<sup>171</sup>. Айрим тадқиқотларда эса антифразис ирониянинг бир қўриниши сифатида талқин қилинади<sup>172</sup>.

Бизнингча, ирония антифразиснинг бир қўриниши эмас, балки бошқа алоҳида ҳодиса, у антифразиснинг намоён бўлишида иштирок этади, холос. Масалан, “аҳил” маъносини англатадиган *иноқ* сўзининг мувофиқ контекстда “ноаҳил” маъносида воқеланиши антифразис, уни қарама-қарши маънода воқелантирган восита ирониядир: *Сўпоқ доим кўз ўнгимда, гоҳ узоқдан кўраман, гоҳ рўпарамдан чиқади. Мушук билан сичқондай “иноқ” бўлиб кетдик* (Асқад Мухтор, “Фано ва бақо”).

Бошқа тадқиқотларда эса антифразиснинг уч қўриниши фарқланади:

1. Соф антифразис – тўғридан-тўғри қарама-қарши маънода қўлланадиган сўз, сўз бирикмаси ва гап.
2. Афразис (а- элементи лотинчадан таржима қилинганда “инкор этиш” маъносини билдиради) – инкор маъносида қўлланган сўз, сўз бирикмаси ва гап.
3. Астеизм – салбий баҳо билдирувчи сўз билан ижобий муносабатни, яъни койиш, танбеҳ бериш орқали “мақтов” маъносининг ифодаланишидир<sup>173</sup>.

Биз антифразиснинг биринчи ва учинчи қўринишини маъқуллаган ҳолда *афразисни антифразиснинг бир тури сифатида қўрсатилишига қўшилмаймиз*. Негаки, моҳиятан, антифразис сўзининг узуал маъносига нисбатан тўғридан-тўғри қарама-қарши бўлган маънони намоён этишидир. Афразис эса моҳият эътибори билан қарама-қарши маънони эмас, муайян белгининг инкорини қўрсатади (мазкур терминнинг номи ҳам шуни қўрсатиб турибди). Тадқиқотчи А.Абдуллаев ҳам *афразисни инкор этишга асосланган алоҳида категория, дейди*<sup>174</sup>.

<sup>171</sup> Гребенкина В.И. Что делает нашу речь яркой и выразительной // [http://sdfryfg.ucoz.ru/publ/chto\\_delaet\\_nashu\\_rech\\_jarkoj\\_i\\_vyrazitelnoj/1-1-0-20](http://sdfryfg.ucoz.ru/publ/chto_delaet_nashu_rech_jarkoj_i_vyrazitelnoj/1-1-0-20) (29.02.12.); Цоллер В. Н. Эмоционально-оценочная энантиосемия фразеологизмов // НДВШ. Филологические науки, 2000. – № 4. – С. 76; Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б. 226.

<sup>172</sup> Ибрагимова Э. Кўрсатилган диссертация.

<sup>173</sup> Пужилова О.Л. Антифразис в газетных текстах / [http://library.krasu.ru/ft/ft/\\_articles/0113965.pdf](http://library.krasu.ru/ft/ft/_articles/0113965.pdf). (15.04.12.)

<sup>174</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 36.

Антифразис ва афразис ўртасидаги фарқни очиб бериш учун қуйидаги мисолларни келтирамиз: – *Азлар эмас, Аждар бу, Аждар! Ёши қирқقا чиқиб қилча ақли кирмаган ноинсоф...* *Ичавериб, ичавериб, компьютери синиб қолган бунинг!* Булар хотинхўжса бисотидаги энг “ширин” сўзлар (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”). Бунда *ширин* сўзи окказионал аччиқ (сўз) маъносида намоён бўлган. Аммо *Дарвоза ичидан маҳкам беркитилиб, кўчага одам қўйилган*: “жиноят” – катта (Мирзакалон Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”) жумласидаги жиноят сўзида ирония бўлса ҳам, у зид маънода воқеланмаган, яъни “жиноят деб баҳоланаётган хатти-харакатнинг жиноят эмаслигини” – инкорини ифодалаган. Шундан келиб чиқиб, *ширин* сўзида антифразис, жиноят сўзида афразис юзага келган дейиш тўғри бўлади.

Тилшуносликда антифразиснинг тилнинг қайси сатҳ бирликлари асосида намоён бўлиши масаласида ҳам қарашлар турли хил. Баъзи тадқиқотчилар антифразисни қарама-қарши маънода қўлланган сўз сифатида тушунса<sup>175</sup>, айримлар қарама-қарши маънода намоён бўлган сўз, сўз бирикмаси ва гапни ҳам антифразис сифатида талқин этадилар<sup>176</sup>. Ҳақиқатан ҳам, антифразис жумла доирасида воқеланиши мумкин. Риторик сўроқ гаплардаги мазмуннинг тасдиқдан инкорга, инкордан тасдиққа ўзгариши антифразиснинг жумла мисолида воқеланишидир. Жумла семантикасидаги мазкур ўзгаришлар ҳақида Н.Махмудов ҳам тўхталиб ўтган ва зид мазмун ўзгаришининг бу типини синтактик энантиосемия сифатида баҳолаш лозимлигини айтган эди<sup>177</sup>. Биз ҳам бунга қўшилган, аммо тадқиқотимизда лексик ва фразеологик бирлик маъноларида зидланишни ўрганиш мақсад қилингани сабабли антифразисни сўз ёки фразеологик бирликни қарама-қарши маънода воқелантирувчи усул сифатида тушунамиз ва тадқиқ қиласиз.

Антифразиснинг ҳосил бўлишида ирония иштирок этганда, сўздаги маъно ҳам, баҳо ҳам қарама-қарши томонга ўзгаради. Зидлик маънолар ва баҳолар ўртасида бўлади ва ироник модусни юзага келтиради. Масалан, *раҳмат* сўзининг “лаънат” маъносида намоён бўлишида антифразиснинг шу жиҳати кузатилади. Қиёсланг: – *Раҳмат. Биз ҳам яхии кунларингда қайтарармиз.* Биздан қайтмаса, бола-чақамидан қайтади (Ш.Бошибеков, “Темир хотин”); *Ўғлидан айларди умид, Келтирас раҳмат дебон, Барча “раҳмат” элнинг отган Таънаи тошиндадир* (Э.Воҳидов, “Бошиндадир”).

<sup>175</sup> Михальская А.К. Основы риторики: мысль и слово. – М., 1996. – С. 222.

<sup>176</sup> Сковородников А.П. Антифразис. Культура русской речи: Энциклопедический словарь-справочник. – М., 2003. – С. 58-60; Пужилова О.Л. Кўрсатилган макола. – Б. 216.

<sup>177</sup> Махмудов Н. Зиддият ва жуфт сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2014. – № 5. – Б. 4.

Антифразиснинг юзага келишида ирония иштирок этмаса, баҳо ижобийлашуви юз беради. Сўзнинг мазкур хусусиятини С.Усмонов ҳам таъкидлаб, “ёмон яхши ўйнади”, “ёмон чиройли экан” каби фразеологизмларда ёмон сўзи зид тушунчаларни ифодалашини таъкидлайди<sup>178</sup>. Бироқ диққат қилинса, ушбу бирикмаларда ёмон сўзи ўзининг зиди бўлган “яхши” маъносида эмас, ижобий баҳони кучайтиришга хизмат қиладиган восита вазифасини бажарган. Қуйидаги мисолда равиш вазифасида келган ёмон сўзи эса “яхшироқ” маъносида қўлланган: *Шунда Эркин ака унинг ортидан бақирибди: – Барибир сени мен бундан ёмонроқ боллагандим* (А.Мелибоев, “Хотин йўғида”). Айтиш мумкинки, ёмон сўзи, кўпинча, феълга боғланиб келганда антифразис бўлади. Сифатга боғланиб келганда ўзи боғланиб келган сўз маъносини кучайтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. У ёки бу сўз антифразис сифатида намоён бўлиши учун, албатта, окказионал маъно узуал маънога зид бўлиши лозим.

Тилшунослиқда антифразисни энантиосемия билан тенглаштириш ҳоллари ҳам учрайди<sup>179</sup>. Бундай қарашиб энантиосемияни ирония билан тенглаштиришга ўхшаб кетади. Моҳиятан, антифразис – сўзнинг узуал маъносига зид битта маъно ва у – стилистик усул. Энантиосемия эса икки маъно ўртасидаги муносабат ва у – лексик ҳодиса. Масалан, “шафқат, раҳмдиллик” маъносини (Эшикдан бош эгиб келганга *мехр-шафқат* кўрсатиш билан киши отдан – обрў-эътибордан тушиб қолмайди (А.Хайдаров, “Дайдилар”) англатадиган *мехр-шафқат* сўзининг “шафқатсизлик, тошбағирлик”, “жабр-зулм” маъносида (– *Оқ пошионинг тавсия этаётган “мехр-шафқати” соясида яшагандан кўра фуқаронинг поии хокини ўтганимиз афзалроқдир* (Ж.Абдуллахонов, “Тарки дунё”)) қўлланиши антифразис, мазкур сўзнинг узуал ва окказионал маънолари ўртасидаги муносабат эса энантиосемиядир.

Антифразиснинг баъзи жихатлари ўзида эвфемияни ҳам намоён этади. Бу муайян қўпол, дағал тушунчанинг юмшатилган тарзда берилишида кўринади. Масалан, “койиш”, “сўкиш” маъносининг омон бўлгур фразеологизми орқали ифодаланиши эвфемик йўл билан юзага келган: – *Вой, омон бўлгур, уканг шунча ётиб би-ир мартаям бормадингми?* Сенки бормагансан, хотининг ўзингдан беш баттар (Тоҳир Малиқ, “Шайтанат”). Аммо ҳар қандай тушунча ижобий баҳоли шакл билан ифодаланганда антифразис эвфемик тарзда намоён бўлмайди.

<sup>178</sup> Усмонов С. Кўрсатилган мақола. – Б. 35.

<sup>179</sup> Горелов И.Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 86.

Баъзан антифразиснинг айнан эвфемизм эканлиги, ҳатто дублет терминлар сифатида тилга олинади<sup>180</sup>. Энантиосемия ва эвфемия баҳсида айтилганидек, уларнинг teng келиб қолиши доимий эмас. Масалан, “мақтаб айтилган сўз, гап” маъносини билдирадиган *мақтов* сўзи “масхаралаб айтилган сўз, гап” маъносида воқеланиши билан ҳосил бўлган антифразисда эвфемияга хос хусусият йўқ, аксинча дисфемияга хос белгилар бор: – *Бўши келма, Шайх! – Маладес, Шайх! Орангутан бўп кет-э!* Бундай “мақтовлар” *Шайхни баттар жазавага солади* (Ў.Хошимов, “Дунёнинг ишлари”).

Ҳозирги ўзбек тилидаги сўкиш, ҳақорат сўзлари бўлган какофемизмлар ҳам антифразиснинг юзага келишига хизмат қиласи. Бунда какофемизм сўзловчи мақсади ва контекст талаби билан “мақтов” маъносида намоён бўлади. Масалан, қуйидаги мисолда *тентак* сўзи “кимнингдир койиш, танбех бериш”ни эмас, “мақташ, фахрланиш” маъносини ифодалаган: *Фақат бу юртнинг одамлари ғалати. Новвой саватга нонини уюб қўяди-да, қўшиниси билан гап сомади...* *Деҳқон қовун тўла аравасини қаровсиз ташлаб, чойхонада ёнбошлиб, кўк чой ичади. Заргарни айтмайсизми, заргарни!* *Дўконига қулф осишига ақли етмайди, тентак!* Эшигини ип билан боғлаб, пешинда маҷитга югуради (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”).

Ҳозирги ўзбек тилидаги қизигар сўзи ҳам мувофиқ нутқий вазиятда “сўкиш”ни эмас, “енгил еркалаш”ни билдириб келади: – *A-a-a-й, Тоғвой чўпон уйни қотирган-да, қиззигар!* Қаср дейсан, қаср! – дабдурустдан сухбатимизни бўлди *Бозорвой.* – *Қандингни ур, азамат!* Районда биринчи бўлиб қўйини мингга етказган ҳам *Тоғвой!* (Н.Қобул, “Кечиккан турналар”).

Демак, антифразиснинг баъзи кўринишларида эвфемия намоён бўлса, баъзи кўринишларида дисфемия билан муносабатдорлик касб этади. Шунга қарамай, улар ўртасида жиддий фарқланиш бор, шу боис мазкур ҳодисаларни антифразисга тенглаштириб ёки дублет терминлар деб бўлмайди.

Антифразиснинг юзага келиши муайян нутқ услублари билан ҳам боғлиқ. Айниқса, сўзлашув, қолаверса, бадиий услугуб унинг намоён бўлиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Негаки “тилдаги барча ўзгаришлар аввал сўзлашув нутқида кузатилади. Янги пайдо бўлган сўз ва фразеологизмлар ҳам сўзлашув нутқи орқали адабий тилдан жой олади. Уларнинг адабий тилдан жой олиши ёки инкор этилиши ҳам сўзлашув

<sup>180</sup> Ахманова О.С. Кўрсатилган манба. – Б. 49, 521.

нутқида тил соҳибларининг лисоний, эстетик, эмоционал ва бошқа эҳтиёжларини қондира олишига қараб белгиланади”<sup>181</sup>.

Айрим тадқиқотларда антифразиснинг баъзи кўринишлари оксюморонга ўхшashi айтилади<sup>182</sup>. Бизнингча, антифразис ва оксюморон жиддий фарқланувчи ҳодисалардир, чунки уларни воқелантирувчи лисоний бирликларнинг миқдори ҳам бунга тўсқинлик қиласди. Оксюморон юзага келиши учун ҳар доим мантиқан номувофиқ икки сўз зарур бўлади. Масалан, *тирик руҳлар, тирилган мурда, ўлик жон, бошиз чавандоз* каби бирикмалардаги сўзлар ўртасидаги маъновий муносабат оксюморондир. Қуйидаги мисолда қўлланган мурда сўзининг “тирик, ўлмаган” маъносида воқеланиши эса антифразисдир: *Гассол қўпни кўрган, ишибилармон киши эди, “мурда”ни четга чақириб: – Бошпуртни топшириб, домовойдан ўчмаган бўлсангиз, сизни ювмайман, беноват бўлишидан қўрқаман, – деб қолди* (Сайд Аҳмад, “Сағана”).

Сўз (фразеологизм)нинг муайян нутқий вазиятда қарама-қарши, зид маъноларда намоён бўлиши мумтоз адабий асарларда, хусусан, шеърий асарларда поэтик таъсирчанликни ошириш мақсади билан қўлланган. Масалан, Бобурнинг “Бош қўяй дедим оёги туфрогига Деди: Қўй, Бўса истаб, лаъли рангин сўрдум десам Деди: Ол” байтининг биринчи мисрасидаги қўй (моқ) сўзи энантиосемик тарзда воқеланиши натижасида ийҳом санъати юзага чиққан, яъни айни сўз “майли, қўя қол” ҳамда “йўқ, қўйма” маъноларида ишлатилган.

Умуман, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида кўплаб сўз ва иборалар қарама-қарши маъноларда қўлланган. Масалан, Алишер Навоий асарларида *дайр* сўзи “ибодатхона, бутхона” ҳамда мажозан “майхона” маъноларида истифода этилгани кузатилади. Қиёсланг: *Дайр аро тинди қулогим, роҳибо, зикринг баҳайр Ким, саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх* (Алишер Навоий, “Бадойиъ ул-бидоя”) – ибодатхона; *Дайр аро май ичкали келгум десам, дер музбача, Бут қошида бош қўйиб боғлар эсанг зунор, кел* (Алишер Навоий, “Наводир уш-шабоб”) – майхона.

Яна қиёсланг: *Истасанг хомушилик, дайр ичра кир, эй аҳли ҳуши, Кўрки, ҳар дам хонақоҳ ичра алоло қилди шайх* (Отаниёз Ниёзий, “Истасанг...”); *То нузул ўлдум, қадаҳдин дайр аро бўлдум хумор, Соқиё, раҳм айлагил, паймона кўргузгил манга* (Маъдан, “Бода тут...”).

<sup>181</sup> Волошин Ю.К. Некоторые особенности семантической структуры субстантивных сленговых единиц с пейоративной окраской в американской разговорной речи / Семантика языковых единиц лексического уровня. Сб. научн. тр. – Элиста: Изд-во Калмыцкого гос. ун-та, 1983. – С. 23.

<sup>182</sup> Садчикова И.В. Кўрсатилган мақола. – Б. 1308.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, антифразис ўзбек тилида ҳам унумли ҳодиса ва у турлича маъновий муносабатдаги бирликлар билан ифодаланади. Аммо мазкур ҳодиса муайян контекст билан боғлиқ бўлгани учун айни контекстсиз уни тасаввур этиб бўлмайди, яъни бошқа бир контекстда лисоний бирликнинг айни жиҳати намоён бўлмайди.

Антифразис экспрессивликни юзага келтирувчи муҳим восита ҳисобланади, шу боис уни воқелантирган тил бирликларининг маъноси юқори экспрессивликка эга бўлади.

Антифразис учун субъектив баҳолар зидланиши ҳам зарур. Зотан, “дунёни ҳар қандай билиш аксиологиядан, яъни билинган нарсани бирон-бир тарзда баҳолашдан холи бўлиши мумкин эмас”<sup>183</sup>. Шу маънода антифразис ҳар бир тилнинг ўзига хос субъектив муносабат ифодалаш усулидир.

### **Ишни бажариш учун намуна.**

#### **Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Киноянинг сўз маъносига таъсирини таҳлил қилиш (бадиий матн таҳлили).
2. Антифразиснинг лисоний табиати, бошқа ёндош ҳодисалардан фарқини ўрганиш (бадиий матн таҳлили).
3. Энантиосемия, киноя ва антифразис тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (бадиий матн таҳлили).

## **ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ**

**1-машқ.** Берилган гапларда сўзлар окказионал зид маънода қўлланган. Сиз айни сўзларнинг ўз маъноларига бадиий матнлардан мисоллар топинг. Сўнг ўз ва кўчма маънолар ўртасидаги маъновий зидликка эътибор беринг.

1. Исмоил аканинг бу беватан, дарбадар сафсатабозларнинг миллионлаб қочоқларга ҳавода учиб юрган пашшачалик аҳамият бермайдиган хорижий ҳукмдорларнинг гўё буларнинг фикр-мулоҳазалари асосида иш олиб бориши, олам гулистону, ер усти жаннат бўлиб кетадигандай, такаллufсизлик билан давлатни бошқариш, сиёsat юргизиш борасида «оқилона» усуллар, йўриқлар таклиф этишиб, чакаклари ситилгудай талашиб-тортишишларини эшишиб ўтиришга сира тоби-тоқати йўқ эди (Қамчибек Кенжа. Палахмон тошлари). 2. – “Нарёқдаги” “покиза” одамлар, давлат идоралари одам ўлдирган, ўғри, қароқчига ишонмасди

<sup>183</sup> Махмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 5.

(Ў.Умарбеков. Фотима ва Зухра). 3. Ўғлидан айларди умид, Келтирадар раҳмат дебон, Барча “раҳмат” элнинг отган Таънаи тошиндадир (Э.Воҳидов. “Бошиндадир”). 4. Нихоят, Дуйсунбой “вездеход”ида ташриф буюрди. Остонадаёқ икки-уч қамчи билан **сийлангач**, отасидан астойдил узр сўради (А.Абдуллаев. Дард). 5. Асадбек уч нарсага тоқат қилолмайди: лаганга қошиқ ёки санчқи тегиб тарақласа, ёнидаги одам овқатни чапиллатиб еса, бармоқлар қисирласа, ғаши келиб, миясига игна санчилгандай бўлади. Тақдирнинг фирмом ўйини бу «**фазилат**»ларнинг барчасини Ҳайдарга насиб этган (Тоҳир Малик. Шайтанат).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу гапларда ажратиб кўрсатилган сўзлар окказионал зид маънода қўлланган. Уларнинг шундай маънода намоён бўлиши учун киноя хизмат қилган. Киноянинг борлиги сўз маъносига алоҳида прагматик “юк” берган.

**2 -машқ.** Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзлар кўчма маъноларда қўлланган. Айни сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланишини антифразис деб бўладими? Антифразиснинг энантиосемиядан қандай фарқи бор?

1. Бу қандай гўшаки, манзил-мавозеки, бир ёнда оқ-оппоқ бўлиб, юзларидан нур, сўзларидан дуо ёғилиб, раҳмат фариштасидай оқ кампир ўтиrsa-ю, бир ёқда ҳар сўзидан чак-чак заҳар томиб, чирсиллаб анави «**фаришта**» ҳукмини ўтказиб юрса! (Мурод Мансур. Жудолик диёри). 2. - Қани, шоир, келинг сиз ҳам. Айланамиз, - деди Кўлдош Ботир. - Йўқ, мен сигарет чекишга чиқдим... - деди Ўсар Усмон неон чироғига қараб. - Чекинг, **фойдаси** бор (Ш.Холмирзаев. Қишлоғомаси). 3. Оқ подшо шу қадар **хафа бўлибдиларки**, Черняевни капитанлик унвонидан маҳрум қилиб... генерал унвонини берибдилар. Банди бриллиант билан жилоланган олтин қилич ҳадя қилибдилар... Бир “бечора”ни “жазолаш” бўлса, шунчалик бўлади-да!! (Ў.Хошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар). 4. Сотқин бўлгач, сотиши аниқ. Аммо унинг далили бор: Байрамхонни ўлдиришда қилган **“холис”** хизмати учун Афзалбек мансабдор бўлган (П.Қодиров. Авлодлар довони). 5. Бир томонда кулча совун, яхнак совун, мум шам. Совунгарлар олдида қопда, хуржунда ҳаром ўлган молларнинг жizzаси, ичак-чавоқлари. Булардан бир қадоқ совун олмоқ учун ё димогни рўмол билан боғлаш керак, ёки бурунни енг ичига олиб туриш керак. Дунёдаги ҳидлар ичида совун бозорининг ҳидидай **“хушбўйлик”** жаҳонда бўлмаса керак (Ғафур Ғулом. Шум бола).

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Берилган гапларда *фаришта*, *фойда*, *хафа бўлибдиларки*, *холис*, *хушбўйлик* сўзларининг қарама-қарши маънода

қўлланишини антифразис дейиш мумкин. Аммо антифразис энантиосемия эмас, чунки энантиосемия икки маъно ўртасидаги зидлик, антифразис сўзнинг битта қарама-қарши маънода намоён бўлишидан иборат услубий приём, тарз.

**3-машқ.** Берилган гапларнинг қайси бирида антифразис, қайси бирида афразис юзага чиқкан?

1. – *Азлар эмас, Аждар бу, Аждар! Ёши қирққа чиқиб қилча ақли кирмаган ноинсоф... Ичавериб, ичавериб, компьютери синиб қолган бунинг!* Булар хотинхўжса бисотидаги энг “ширин” сўзлар (Ў.Хошимов, “Сўққабош бевагина”). 2. *Дарвоза ичидан маҳкам беркитилиб, кўчага одам қўйилган: “жиноят” – катта* (Мирзакалон Исмоилий, “Фаргона тонг отгунча”)

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Ушбу гапларнинг биринчисида ширин сўзининг “аччиқ” маъносига намоён бўлиши антифразис, чунки кўчма маъно ўз маънога нисбатан зид. Аммо жиноят сўзининг кўчма маъносига антифразис эмас, афразис ифодаланган. Негаки жиноят сўзининг кўчма маъноси ўз маъносига зид эмас, балки инкор бор. Демак, антифразис зидликни, афразисни инкорни билдиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Киноя нима ва унинг қандай турлари бор?
2. Бадиий асарларда киноя орқали нималар ифода этилади?
3. Киноя антифразис юзага келишида иштирок этадими?
4. Антифразис ва афразиснинг ўзаро фарқни айтиб беринг?
5. Бадиий асарларда ҳар қандай сўз антифразисни намоён этиши мумкинми?
6. Астеизм деганда нимани тушунасиз?

## **V.Битирув ишлари учун мавзулар**

- 1.“Ўзбек тили лексикасида истеъмол доираси чегараланган сўзлар” модулини ўтишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш
- 2.“Ўзбек тилининг ўзлашган қатлами” модулини ўқитишда идрок харитасидан фойдаланиш
- 3.“Ўзбек тилида мурожаат воситалари” модулини ўтишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш
- 4.“Нутқда лексемаларнинг бирикuv хусусиятлари” модулини ўқитишда концептуал жадваллар ва ностандарт тестлардан фойдаланиш
- 5.Сўзнинг морфемик таркибини” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш
- 6.“Сўз-лексик бирлик” модулини ўтишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш
- 7.“Номустақил сўз туркуми”модулини ўқитишда таълимий ўйинлардан фойдаланиш
- 8.“Ўзбек шевалари лексикаси” модулини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш
- 9.“Олмошлар” ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш
- 10.“Гипотактик конструкциялар ва уларнинг моделлари” модулини ўқитишда моделлаштириш технологиясидан фойдаланиш

## **VI. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

### **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

**2-кейс.** Олий таълим муассасасининг муайян гурухида алтернатив фикрлаш асосида муаммони гуруҳларда ҳал этиш моделидан фойдаланилди. Муайян аналоглар берилди, бу аналог ўзаро таққосланувчи обьект билан таққосланиб, рад этилди. Бироқ бу аналогни рад этган талабалар томонидан шу тушунчага мувофиқ келувчи аналог тақдим этилмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

### **Саволлар:**

1. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.

2. Сизнингча, технология нотўғри қўлланилганми?

3. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

**Манба:** Филологик таълимда илгор хорижий тажрибаларга доир адабиётлар.

### **Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

### **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик груухда мухокама қилинади.
2. Тингловчи кичик груух аъзолари билан ҳамкорлиқда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик груух аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик груухларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хulosса ясалади.

**З-кейс.** Муайян муаммо бир груухда бошқотирма (jigsaw) технологияси ёрдамида ҳал этилди, бироқ боўқа груухда худди шу муаммо шу технологиядан фойдаланилганда ҳам кутилган натижага эришилмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

### **Саволлар:**

1. Ўқитувчи қайси ўринда хатоликка йўл қўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳакида тавсия ишлаб чиқинг.
3. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

**Манба:** Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларга доир адабиётлар.

### **Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

### **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гурухда муҳокама қиласди.
2. Тингловчи кичик гурух аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлади.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гурух аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гурухларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Зидланиш</b>	Сўз ёки ибора маъноларининг ўзаро қарама-қарши характерда бўлиши	The interrelation of the meanings of words or expressions
<b>Энантиосемия</b>	Бир тил бирлигининг икки зид маъноларга эга бўлишидан иборат лисоний ходиса	It is a linguistic phenomenon that the unity of a language has two opposite meanings
<b>Синхрония</b>	Тил бир тараққиёт даври: масалан, ҳозирги ўзбек адабий тили даври	Language is a period of development: for example, modern Uzbek literary language
<b>Диахрония</b>	Тилнинг икки тараққиёт даври: масалан, қадимги туркий тил ва эски туркий тил; эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили	Two stages of language development: for example, the ancient Turkic language and the old Turkic language; Old Uzbek and Modern Uzbek Literature
<b>Лисоний ва нутқий энантиосемия</b>	Сўз ёки иборанинг факат узуал маънолар ёки узуал ва окказионал маънолари ўртасида юзага чиқадиган зидланиши	The contradiction between words or expressions that arise only between the meanings or the singular and occult meanings.
<b>Антифразис</b>	Маълум бир тил бирлигининг узуал маъносига нисбатан	The manifestation and use of a particular language

	қарама-қарши маъносида намоён бўлиши, қўлланиши. Ҳар қандай сўз вазият талаби билан зид маънода қўлланиши мумкин	unit in the opposite sense of the term. Any word can be used in a contradictory sense to the demands of the situation
<b>Афразис</b>	Маълум бир нутқий вазиятда сўз (ибора)нинг бош маъносига нисбатан инкор маъносида қўлланиши. Бу ҳолат ҳам фақат нутқий бўлади.	The use of the word (s) in a particular speech situation in a denial of the main meaning. This is also the only speech.
<b>Эвфемия</b>	Маданий мулоқот талабларига мос бўлмаган, қўпол, дағал сўз ва иборалар ўрнида дағал бўлмаган маънодошларини қўллашдан иборат услубий фигура	A methodical representation of the use of non-rude meanings in place of coarse, harsh words and phrases that do not meet the requirements of cultural communication
<b>Дисфемия</b>	Эвфемия ҳодисасининг зиди бўлиб, нутқда дағал, қўпол сўз ва ибораларни қўллашдан иборат услубий фигура	Contrary to the euphemic phenomenon, it is a methodological figure that uses rough, coarse words and phrases in speech.
<b>Симметрия</b>	Тил бирлигининг шакли ва маъноси ўртасидаги мутаносиблик	Proportionality between the form and the meaning of the language unit
<b>Асимметрия</b>	Тил бирлигининг шакли ва маъноси ўртасидаги номутаносиблик	The imbalance between the form and the meaning of the language unit

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилганмажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битириувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизиминия янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муасссалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муасссалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

### **III.Махсус адабиётлар**

- Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия: Филол. фан. ном. ... дисс.  
– Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2010. – 134 б.
3. Айтбаев Д. Шакл ва асимметрияси тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 6. – Б. 36-41.
4. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантике. – М.: Гнозис, 2005. – 326 с.

5. Апресян Ю.В. Избранные труды. т.1. Лексическая семантика. – М.: Школа “Языки русской культуры” 1995. – 472 с.
6. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений / Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 338 с.
7. Баева Е.И. Особенности итальянского коммуникативного поведения (невербальный компонент): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж: Воронежский гос. ун-т., 2012. – 21 с.
8. Балалыкина Э.А. Метаморфозы русского слова. – М.: Флинта: Наука, 2012. – 264 с.
9. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.
10. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 447 с.
11. Бессонова Л.Е. Энантиосемия как особый тип в системе лексических противопоставлений / Проблемы лексической и категориальной семантики. Вып. II. – Симферополь, СГУ, 1982. – С. 37-42.
12. Бессонова Л.Е. Глагольная префиксальная энантиосемия в русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Днепропетровск: Днепропетровский гос. ун-т., 1983. – 25 с.
13. Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Добросвет, 2003. – 544 с.
14. Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч. 2. – М.: Учпедгиз, 1954. – 175 с.
15. Вайсгербер Й.Л. Родной язык и формирование духа. Изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 232 с.
16. Вороничев О.Е. Как в языке появляются энантиосеманты // Русский язык в школе и дома, 2011, – № 12. – С. 7-10.
17. Гак В. Г. Метафора в языке и тексте. – М., 1988. – 174 с.
18. Ганеев Б.Т. Первоначальная энантиосемия и диффузность в языке // Вестник ОГУ. – № 4. 2003. – С. 9-14.
19. Ганеев Б.Т. Противоречие в языке и речи: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Уфа: Башкирский гос. ун-т., 2004. – 39 с.
20. Гегель Г.В.Ф. Наука логики. т. 1. – Москва: Мысль, 1970. – 570 с.
21. Горелов И.Н. Энантиосемия как столкновение противоречивых тенденций языкового развития // Вопросы языкознания. – М., 1986. – № 6. – С. 86-96.

22. Горелов И.Н. Энантиосемия как экстремальный семантический сдвиг / Психолингвистические проблемы семантики и понимания текста. Сб. научных трудов. – Калинин, 1986. – С. 37-42.
23. Гриценко Е.С. Эмоционально-оценочная энантиосемия в разговорной речи / Теория и практика лингвистического описания разговорной речи. Горький, 1989. 14-21.
24. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Ҳолманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). – Тошкент: Фан, 2007. –156 б.
25. Дадабоев Ҳ. Девони луготит туркдаги омонимлар хусусида / Ўзбек тилшунослиги масалалари. –№ 2. – Қарши, 2012.
26. Ермакова О.П. Существует ли в русском языке энантиосемия как регулярное явление? / Логический анализ языка. Семантика начало и конца. – М.: Индрик, 2002. – С. 61-68.
27. Жаркова Е.Х. Энантиосемия лексико-грамматического и словообразовательного типа в кругу смежных явлений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: Ун-т дружбы народов имени Патриса Лумумбы, 1988. – 15 с.
28. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е. – Назрань: ООО “Пилигрим”, 2010. – 486 с.
29. Закирова Р. Антонимы в татарском языке: Лексико-грамматические, семантические и стилистические особенности употребления: Дисс. ... канд. филол. наук. – Казань: Казанский гос. ун-т., 2001. – 193 с.
30. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Фарғона: ФарДУ, 2001. – 118 б.
31. Иванова В.А. Антонимия в системе языка. Штинца. – Кишинев, 1982. – 163 с.
32. Исабеков Б. Ҳозирги ўзбек тилида лексик антонимия: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1973. – 118 б.
33. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент: 1979. – 196 с.
34. Ишаев А. Шаклдош антонимларга оид этюдлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 1. – Б. 16.
35. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. –176 б.

36. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1993. – 297 б.

37. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002.

38. Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг матнадаги прагматик имкониятларини ўрганиш ҳақида / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андіжон, 2011. – Б. 12-15.

39. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 300 б.

40. Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака / История языкоznания XIX–XX веков в очерках и извлечениях.

– М.: Просвещение, 1965. ч. 2. – С. 85-90.

41. Климова Л.И. Антонимичные значения полисемантичных слов в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. Филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос. пед. инс-т. им. Герцена, 1975. – 22 с.

42. Колесникова С.М. Функционально-семантическая категория градуальности в современном русском языке. – М.: Высшая школа, 2010.

– 278 с.

43. Колосова Т.А. Русское сложное предложение асимметричной структуры. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1980. – 164 с.

44. Кравцова В.Ю. Энантиосемия лексических и фразеологических единиц: Дис. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону: Ростовский гос. пед. ун-т., 2006. – 166 с.

45. Лайонз Дж. Лингвистическая семантика. Введение. – М.: Языки славянской культуры, 2003. – 400 с.

46. Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1996.

– 174 б.

47. Лутфуллаева Д., Сайдраҳимова Н. Ўзбек тили синтактик омонимларининг шаклланиши хуусида // TDPU илмий ахборотлари, 2015.

№ 1. – Б. 39-42.

48. Лутфуллаева Д. Лексик ва синтактик семантика муносабати / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари мавзуидаги VIII Республика илмий-назарий анжумани. – Тошкент, 2015. – Б. 30-33.
49. Любкин В.В. К вопросу об энантиосемии в современном английском языке // Вопросы романо-германского языкознания. – Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1977. вып. 5. – С. 40-49.
50. Маматов А. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1988. – 173 с.
51. Маркова Е.М. О причинах и проявлениях энантиосемии в русском языке в межславянском аспекте // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та им. Н.И. Лобачевского, 2010. – № 4. – С. 631-635.
52. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.
53. Маслова В.А. Культурно-национальная специфика русской фразеологии / Культурные слои во фразеологизмах и в дискурсивных практиках. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С. 69-75.
54. Маҳмуд Н, Йаман Э. Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент: Faфур Fuлом, 1993. – 320 б.
55. Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент: ИЯЛ АН РУз, 1984. – 401 с.
56. Маҳмутова Л.Р. Основные типы энантиосемии в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань: Казанский гос. ун-т., 2009. – 24 с.
57. Маҳмутова Л.Р. Отражение семантической категории противоположности в энантиосемии // Вестник Чувашского университета. Серия гуман. наук. – Чебоксары, 2009. – № 3. – С. 25-26.
58. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда синтактик-семантик асимметрия. – Тошкент, 1984. – 147 б.
59. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.
60. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8.
61. Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 3. – Б. 18-25.
62. Маҳмудов Н. Зиддият ва жуфт сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 5. – Б. 3-9.

63. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 288 б.
64. Минаева Л.В. Слово в языке и речи. – М: Высшая школа, 1986. – 147 с.
65. Миндрул О.С. Тембр II в функциональном освещении: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: Московский гос. ун-т., 1980. – 23 с.
66. Миртоҗиев М. Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши: Филол. фан ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1963. – 247 б.
67. Миртоҗиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 140 б.
68. Миртоҗиев М. Ўзбек тилидаги гап бўлакларида семантико-синтактик номутаносиблик. – Тошкент: Университет, 2008. – 200 б.
69. Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 287 б.
70. Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. – М.: Высшая школа, 1981. – 171 с.
71. Муташева Г.Р. Антонимы и антонимические отношения в лексике и фразеологии кумыкского и русского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала: Дагестанский гос. ун-т., 2010. – 173 с.
72. Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. – М.: Русский язык, 1979. – 256 с.
73. Новиков Л.А. Избранные труды. Т.1. Проблемы языкового значения. – М.: Изд-во РУДН, 2001. – 676 с.
74. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Камолат-қатортол, 2000. – 172 б.
75. Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 358 б.
76. Омонтурдиев А.Ж. Эвфемистик ҳодисаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1997. – 175 б.
77. Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Фан, 2000. – 128 б.

78. Острикова Г.Н. Энантиосемия разноуровневых единиц немецкого языка: структурно-семантический, функциональный и типологический аспекты: Автореф. ... дисс. д-ра. филол.наук. – Ростов-на-Дону, 2014. – 33 с.
79. Петрова О. Г. Типы иронии в художественном тексте: концептуальная и контекстуальная ирония // Изв. Саратовского ун-та, 2011. Т.11. Серия филология. Вып. 3. – С. 25-30.
80. Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев, 1993. – 192 с.
81. Прохорова В.Н. Энантиосемия в современном русском языке (о причинах и условиях возникновения и функционирования слов с противоположными значениями) // Вопросы русского языкознания, вып. 1. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1976. – С. 157-165.
82. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг туркий қатлами. Магистрантлар учун кўлланма. – Тошкент: Университет, 2001. – 351 б.
83. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – 437 б.
84. Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1994. – 119 б.
85. Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Российский гос. пед. ун-т. им. А.И.Герцена, 2008. – 20 с.
86. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum press, 2010. –136 б.
87. Садчикова И.В. Энантиосемия как способ сосуществования противоположных оценочных компонентов в семантике слова / Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т. 11, 4 (5), 2009. – С. 1306-1310.
88. Саакян Л.Н. Эвфемия как прагмалингвистическая категория в дискурсивной практике непрямого речевого убеждения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: Гос. ун-т. русского языка им. А.С.Пушкина, 2010. – 196 с.
89. Санакулов У., Мухторов А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995. – 160 б.
90. Саниева И., Давыдов В. Ирония. История вопроса / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М., 2000. Вып. 12. – С. 54-69.

91. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 285 б.
92. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 344 б.
93. Скаличка В. Асимметричный дуализм языковых единиц / Пражский лингвистических кружок. Сб. статьей. – М.: Прогресс, 1967. – С. 119-127.
94. Смоленская С.С., Давыдов М.В. Интонация как показатель энантиосемии слов и словосочетаний // Вестник Московского университета. Филологические науки, 1972. – № 3. – С. 65-71.
95. Соколов О.М. Энантиосемия в кругу смежных явлений // Филологические науки, 1980 (а). – № 6. – С. 36-42.
96. Соколов О.М. Внутрилексемная семантическая поляризация грамматико-словообразовательного типа // Вопросы словаобразования в индоевропейских языках. – Томск, 1985. – С. 84-95.
97. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. – М.: Логос, 1998. – 296 с.
98. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.
99. Тихонов А.Н., Пардаев А.С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Отраженная синонимия. Отраженная омонимия. Отраженная антонимия. – Ташкент, 1989.
100. Тоҳиров З. Прагматик сема. – Тошкент: Зар қалам, 2004. – 96 б.
101. Тўрақулов О. Кўқон группа шевалари лексикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1971. – 314 б.
102. Тўхлиев Б., Абдураҳмонова Б. Адабиёт. Академик лицейларнинг биринчи босқич ўқувчилари учун мажмуа. – Тошкент: Чўлпон, 2010. – 216 б.
103. Усманова Ш. Ўзбек ва турк тилларидаги соматик фразеологизмлар: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ҚИ, 1998.
104. Усманова Ш. Олтой тилларидаги муштарак майший лексика тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2011. – 43 с.
105. Усмонов С. Антонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958. – № 2. – Б. 33-40.

106. Хасбулатова З. Антонимы в кумыкском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала: Ин-т яз., лит. и искусства, 2010. – 162 с.
107. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.
108. Хуцишвили С. Межъязыковые соответствия омонимичного характера в славянских языках // Болгарская русистика, 2010. – № 1-2. – С. 53-71.
109. Хуэйцзе Т.С. Принципы номинативного структурирования семантического поля: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград: Волгоградский гос. пед. ун-т., 2001. – 188 с.
110. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1972. – 368 с.
111. Шанский Н.М. Русский язык. Лексика. Словообразование. – М.: Просвещение, 1975. – 238 с.
112. Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – Москва: Просвещение, 1977. – 335 с.
113. Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
114. Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг лексик-семантик табиати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 1973. – 312 б.
115. Шерцль В.И. О словах с противоположными значениями (или о так называемой энантиосемии) / Хрестоматия по истории русского языка.– М.: Высшая школа, 1973. – С. 259-264.
116. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977– 149 б.
117. Юсуф Б. Алишер Навоий асарларида энантиосемиялар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 1. – Б. 33-39.
118. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 964 б.
119. Ўғузнома. Қадимги битиклар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 40 б.
120. Қодирова Ҳ. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2011. – 137 б.
121. Ҳайдаров З. “Кутадғу билиг”даги фразеологизмларнинг немис тилидаги таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2004. № 2. Б. 57-60.

122. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.  
– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 134 б.
123. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256.

#### **IV.Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
  2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
  4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
  5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
  6. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
  7. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
  8. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
  9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)
  10. [http:// www.disser.h10.ru/pedagog.html](http://www.disser.h10.ru/pedagog.html)
11. <http://www.istedod.uz/>
12. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)